

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ
КАФЕДРАСИ**



УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА ФАНИДАН

(2-бўлим педагогика тарихидан ўқув- услубий мажмуа)

ГУЛИСТОН-2017

Ушбу ўқув-услугий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услугий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2016 йил 22-январь №- 5 сонли мажлис баёни билан тасдиқланган фан дастурига асосан ишлаб чиқилган.

О. Сувонов, Я. Нурумбекова «Умумий педагогика» фанини 2-бўлими Педагогика тарихидан ўқув- услубий мажмуа. Гулистон. 2017 й. 246 бет.

Ушбу ўқув-услугий мажмуа мавзуларнинг назарий асосларини мукаммал ўрганиш, таҳлил қилиш, қиёсий таққослашга мўлжалланган вазифалар, айрим жиҳатларини чуқур эгаллашга қаратилган топшириқлар, олган билимларни амалда татбиқ этиш йўл-йўриқлари қайд этилган.

Масъул муҳаррир: п.ф.н.доц., Х.Абдукаримов

Такризчилар: п.ф.н.доц., М. Мухлибоев,
п.ф.н.доц., Г. Исаева

Ўқув-услугий тўплам Гулистон Давлат университети Кенгашида муҳокама қилинди. (_№_____ 2017 йил, -баённома)

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	
Маъруза машғулотлари мазмуни.....	
Семинар машғулотлар.....	
Талабалар учун мустақил иш топширқлари.....	
Ўтилган мавзулар бўйича якуний хулосалар.....	
Фан бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар.....	
“Педагогика тарихи” фанидан асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати.....	
Сиз фойдаланишингиз лозим бўлган ахборот ресурслар манзиллари “Педагогика тарихи” фанидан глоссарии.....	

КИРИШ

Мустақиллик барча жабҳаларда бўлгани каби халқ таълими соҳасида ҳам катта ўзгаришлар ясади. Таълим самарадорлигини ошириш, давлат таълим стандартларининг бажарилиш сифатини таъминлаш, ҳозирда педагогиканинг олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга ошириш жараёни сифат босқичга кирди. Янги ўқув дастурлари, ўқув режалари, янги авлод дарсликлари, таълим стандартларига мувофиқ ҳолда таълим муассасаларига тақдим етилди. Таълим олдида турган вазифаларни ҳал этиш бевосита ўқитувчи фаолиятига боғлиқдир. Ўқитувчи ўқувчиларни билим эгаллашда фаоллаштирадиган, барча учун қулай бўлган йўللарни, усул ва услубларни, таълимнинг турли хил воситаларини ва вазиятларини излайди. Улардан фойдаланган ҳолда педагогик жараёнининг самарадорлигини оширади. Талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиб, ижодий изланишга, эгаллаётган касбининг сирларини билиб олишга йўналтиради.

Педагогика тарихи фани жамиятнинг ривожланиш қонун-қоидаларига таянган ҳолда тараққий этади. Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш йўлида амалга оширилаётган ишлар миллий онг кун сайин юксалаётганидан далолат беради. Инсон онги тараққий этмас экан, ижтимоий ҳаёт жабҳаларида ҳеч бир ўзгариш сезилмайди. Ушбу қўлланма педагогика тарихи фанидан ўтиладиган мавзулар бўйича мустақил иш топшириқлари берилган. Талаба ҳар бир мавзу бўйича янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиши, керакли маълумотларни излаб топишнинг қулай усуллари ва воситаларини аниқлаши, ахборот манбаларидан унумли фойдаланиши, анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар, чет эл адабиётлар, интернет материалларидан фойдаланиш, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаши, интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиши ва берилган топшириқларнинг ечимини белгилаши, топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндошишлари зарур. Тўпламда мавзуларнинг назарий асосларини мукамал ўрганиш, таҳлил қилиш, қиёсий таққослашга мўлжалланган вазифалар, айрим жиҳатларини чуқур эгаллашга қаратилган топшириқлар, олган билимларни амалда татбиқ этиш йўл-йўриқлари ишланган.

Ўқув -услугий мажмуа талабаларнинг педагогика тарихи фанидан оладиган билимларини кўникма ва малакага айлантириш учун, педагогик касб хусусиятларидан воқиф бўлишлари ҳамда кафолатланган натижага эришишларига ҳисса қўшишга йўналтирилган.

Ушбу ўқув-услугий мажмуа олий ўқув юртининг педагогик йўналишидаги талабалари учун мўлжалланган.

II-Модул. “Педагогика назарияси ва тарихи” фанининг мазмуни ва моҳияти.

Педагогика тарихи бўлими.

2-семестр

1-Мавзу: Педагогика тарихи фани ҳақида. Фаннинг мақсади ва вазифалари.

Асосий саволлар:

1. Педагогика тарихи фаннинг мақсад ва вазифалари.
- 2.
3. Педагогика тарихини даврлаштириш муаммолари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Педагогика тарихи, метадологияси, миллий ва умумбашарий қадриятлар, халқ педагогикаси, Марказий Осиё ва Шарқ мутафаккирларининг илмий ва маънавий мероси, миллий истиқлол ғояси, ҳар бир ижтимоий тузум, унинг келажаги, инсоният истиқболи, кишиларнинг ҳаёт ва турмуш даражаси фан ва маданият тараққиёти.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Тарих ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприк вазифасини бажарувчи омил бўлса. Уҳолда Педагогика тарихи фанига қандай таъриф бериш мумкин? Сизнингча Педагогика фанини мақсад ва вазифаларни ва методологик асосини нима ташкил этади?

2. Ўзбек халқ педагогикаси қамрови ниҳоятда кенг, бағоят серқирра ва сержило тушунча бўлиб, у шу халқ пайдо бўлган бутун даврни ўз ичига олади. Сизнингча Педагогика тарихини қандай даврлаштириш мумкин?

3. Ўзбек халқ педагогикаси тарихида жуда кўп дидактик асарлар яратилиб, уларни чуқур ўрганиш, улардаги энг қимматли фикрларни ариқлаш, саралаш, улардан бугунги кунда ижодий фойдаланиш ҳамда ҳаётга кенг тадбиқ этиш ҳозирги куннинг энг муҳим вазифасидир. Сиз илм соҳибларини таълим-тарбия соҳасига оид қимматли қандай асарларини биласиз? Ушбу асарларда қандай таълимий, маънавий-ахлоқий сифатлар тараннум этилган. Фикрингизни мисоллар билан исботланг.

4. Ўзбекистон Республикаси педагогика олий таълим муассасаларида талабалар маънавий сифатларини тарбиялашнинг муҳим шартларидан бири уларни Шарқ алломаларининг педагогик қарашлари асосида маънавий жиҳатдан шакллантириш. Сизнингча ушбу муаммони ҳал этишда Педагогика тарихи фани қандай аҳамиятга эга?

5. Бугунги кунда ўқитувчи тайёрлаш соҳасида, уларда маънавий сифатларни шакллантиришда халқнинг улкан меросидан фойдаланиш қандай йўлга қўйилган?

1- асосий савол. Педагогика тарихи фаннинг мақсад ва вазифалари.

1- савол бўйича дарснинг мақсади: Педагогика тарихи фанининг шаклланиши, мақсад ва вазифалари, педагогика тарихини даврлаштириш муаммоларига оид фикрларни талабалар онгига етказиш. Талабаларда Педагогика тарихи фанини ўрганишга қизиқиш уйғотиш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Педагогика тарихи фанининг мақсад ва вазифаларини айтиб беради.
2. Педагогика тарихи фанининг шаклланишини ўзига хос хусусиятларини асослаб беради.
3. Педагогика тарихини даврлаштириш босқичларини асослаб, текшириб кўради.

1- асосий савол баёни:

«Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган гоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди»¹.

И.А. Каримов

Ҳар бир ижтимоий тузумда инсоннинг маънавий юксалишини таъминловчи таълим–тарбия, маънавият ва маърифат каби тушунчалар мавжуд бўлиб, улар педагогика соҳасидаги ўзгаришларни жамият тарақиёти билан боғлиқ ҳолда ўрганишни талаб этади.

Педагогика тарихи қадим замонлардан тортиб, то ҳозирги кунгача бўлган турли тарихий даврларда тарбия, мактаб ва педагогика назарияларининг тараққиётини даврлар талаби асосида ўрганиб келди. Ҳар бир ижтимоий тузум, унинг келажаги, инсоният истиқболи, кишиларнинг ҳаёт ва турмуш даражаси фан ва маданият тараққиёти билан бевосита боғлиқлир.

Бинобарин мустиқиллик туфайли кўҳна Туркистон диёрида истиқомат қилиб келган барча халқлар миллий қадриятларининг қайти тикланиши ва ривожланишига шарт-шароитлар вужудга келди.

Ўз тарихига янгича тафаккур асосида ёндошиш, ўтмишдаги педагогик тафаккур даҳоларининг шуҳратини тиклаш, уларнинг ғояларини халқ ҳаётига татбиқ этиш каби улуғ ишлар амалга оширилди. Айни пайтда ўзбек ва бошқа қардош халқларнинг миллий шаклланиши ва ривожланишини замон талабларига мос келадиган таълим – тарбия

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997, - 137 бет.

тизимисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитиш назарияси билан амалиётнинг қандай тараққий қилиб келаётлигини билмай туриб, ёшларни ҳар томонлама

комил инсон этиб тарбиялаш масалаларини илмий равишда ҳал қилиб бўлмайди. Бу аجدодларимиз томонидан исбот қилинган илмий –

назарий, фалсафий – тарбиявий ҳақиқатдир. Ахлоқан пок ва етук инсонларни тарбиялаш масаласини мувафақиятли ҳал этишда халқимизнинг тарихий анъаналари, маънавий бойликлари, аждодларимизнинг бизга қолдирган илмий меърослари ва тарихий – тарбиявий тажрибаларини ўрганиб чиқиш, уларнинг ютуқларини ҳаётга, таълим – тарбия ишларига тадбиқ этишнинг аҳамияти каттадир.

. Неча йиллар бизни тарихимиздан, динимиздан, маънавий меросимиздан ғофил этишга уриндилар. Аммо биз ҳурриятни орзу этишдан, ҳуррият учун куришишдан чарчамадик. Маслагимизни наслу насабамизни доимо ёдда сақладик.

Улуғ бобокалонларимиз руҳига, башарият тарихи ва маданияти хазинасига катта хисса қўшган улуғ аждодларимизга, улар қолдирган улкан

меросга муносиб бўлиш истаги жамиятимиз аъзолари орасида кенг ёйилиши, ҳар бир фуқаронинг онгидан мустаҳкам жой олиши – бу ҳам янги замоннинг муҳим хусусиятидир».

Педагогика тарихи кадим замонлардан тортиб ҳозирги кунгача булган турли тарихий даврларда тарбия мактаб ва педагогика назарияларини тараққиётини урганди. У синфий жамиятдаги тарбия назарияси ва практикасини синфий мохиятини чекланганлигини прогрессив педагогик назарияларнинг реакцион назариялар билан курашни тарбия назарияни ва практикасининг тараққиётидаги тарихий қонуниятларини очиқ берди.

Ёш авлодни утмишда тарбиялаш ва уқитиш назарияси билан практикасининг қандай тараққий қилиб келганлигини билмай туриб ҳозирги жамиятда ёшларни мустақиллик руҳида тарбиялаш масалаларини илмий равишда ҳал қилиб бўлмайди. Тарбия ва таълим назарияси ҳамда практикасини тархий даврлардаги ривожланиши ПЕДАГОГИКА ТАРИХИДА урганилди.

Тарбиянинг илк шакллари ибтидоий жамият давридаёқ пайдо булган: Кекса авлод меҳнат жараёнида ортирган тажрибаларини ёш авлодга ургатишга ҳаракат қилган. Қулдорлик тузуми даврида ШАРҚДА тарбияга оид турли педагогик қарашлар вужудга келди.

Демократик, Платон, Аристотел ва бошқалар кадимги юнон философлари асарларида тарбиянинг мақсади вазифаси мазмуни ва воситалари ҳақида фикрлар билдирилган.

Кадимги юнон философларини тарбияда этика ва психологик бирлиги принципларига таяниш ақлий, ахлокий ва жисмоний бирлиги тугрисидаги гоялари педагогик тафаккурнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга булган.

Феодализм жамияти даврида таълим тарбия ишлари ҳукмрон феодал тузуми ва диний мафкура мақсадига қаратилди. Хусусан урта Осиёда тасаввуф маслагининг реакцион шакллари мактаб ва мадрасаларда катта таъсир қурсатди. Таълим-тарбия соҳасида икки оқим вужудга келди.

Биринчи оким Газолий, Ахмад Яссавий, Сулаймон, Бокиргоний кабилар мадрасаларда аник фанлардан таъким берилишига карши турдилар.

Иккинчи оким дунёвий таълимни илгари сурди. Бу окимнинг мохияти Ал-Хоразмий, Абу-Райхон Беруний, Фаробий Абу Али Ибн Сино Улугбек, Низомий. Ганжавий, Носир, Хусрав, Саъдий, Умар Хайём, Алишер Навоий каби мутафаккирлар фаолиятидан намоён булди.

Булар тиббиёт мантик, музыка, адабиёт, география, математика каби илмлар билан ёш авлодни тарбиялаш фикрини олга сурдилар.

Хусусан Фаробий инсоннинг маънавий етук ва мукаммал булиши учун жисмоний аклий эстетик ва ахлокий тарбияни биргаликда олиб бориш зарурлигини кайд этди. Шарк мутафаккирлари инсон акл оркали хар кандай билимни эгаллашга кодир эканлигини таъкидладилар ва инсон кобилиятига каттик ишондилар.

"Калила ва Димна", да шунингдек Кайкавусни "Кобуснома", Низомул мулкнинг "Сиёсатнома", Носир Хисравнинг "Саодатнома", "Рушноинома" Юсув Хос Хожибнинг "Кутадигу Билиг", Махмуд Кошкарининг "Девоний Луготит-Турк", Ахмад Югнакийнинг, "Хиббат ул хакойик", "Алишер Навоийнинг "Махбуб-ул кулуб" асарларида илгор педагогик-карашлар хам ифодаланган.

Инсонни тарбиялашни яхлит назарияси булган педагогика тарихи чек мутафаккири Я.К.Коменский номи билан боглик. Коменский Европа тарбиясини умумлаштириб таълим ва тарбиянинг асосий масалаларини ишлаб чикди. Синф дарс таълими системасини яратди. кейинчалик инглиз философи Д.Локк, француз материалистлари А.Гервеци, Д. Дидро, Ж.Ж.Руссо ва Jeff Halstead Yangi pedagogikani boshqarish: O'qitish jarayonini tubdab o'zgartiruvchi olti qoida асарлари ва бошкалар педагогика фанини илгор гоюлар билан бойитдилар. Узбекистонда педагогикани ташкил топиши ва ривожланиши Абдулла Авлодний, Ниёзий Хусайнхон, А.Ибодиев, И.Рахматуллаев, Абдукодир Шакурий, Кори Ниёзий, О.Шарофиддинов, Р.Уринбоев, Ф.Эргозиев каби педагог ва олимлар номи билан богликдир.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

«Педагогика тарихи» фанини предмети, мақсади ва вазифаси нималардан иборат.

«Педагогика тарихи» фани кандай фан? У қайси фанлар билан узвий алоқадор?

«Педагогика тарихи» фанини ўрганиш бўлажак ўқитувчига кандай имконият яратиб беради.

1. Yangi pedagogikani boshqarish: O'qitish jarayonini tubdab o'zgartiruvchi olti qoida/ Jeff Halstead

Назорат учун савол ва топшириқлар:

3- асосий савол. Педагогика тарихини даврлаштириш муаммолари.

3- савол бўйича дарснинг мақсади: Педагогика тарихини даврлаштириш хусуиятлари ҳақида тушунча бериш ва уни ўганиш иштиёқини тарбиялаш.

Идентив ўқув мақсадлар (талабалар учун ўқув вазифалари):

1. Педагогика тарихини даврлаштириш хусуиятларини айтиб беради.
2. Педагогика тарихи фанининг фан сифатида шаклланишига ҳиса қўшган олиму – фузолалар ижодидан айтиб беринг
3. Бугунги ёшларимизда миллий ғурур ва миллий ифтихорни тарбиялашнинг асосий омилларидан бири аجدодларимизнинг бой интеллектуал мероси билан ҳар томонлама таништириш эканлигини илмий асослаш.
4. Ўз Ватанни тарихини билиш донишманд халқимизнинг кўп асрлик тажрибаларини ва жамиятнинг маданий- маърифий тараққиёти билан боғлиқ анъаналарни ифодалаб келган педагогика тарихининг ўтмиш истиқболлари ва бугунги ўзгаришларини асослайди.

2- асосий савол баёни:

VII-XII асрлар давомида Марказий Осиёда маданият, илм-фан беқиёс ривожлана борди. Айниқса, аниқ фанларга қизиқиш кескин орта бошлади. Ўша тарихий даврда ал – Хоразмий, Форобий, ал – Фарғоний, ал – Беруний, ибн Сино, аз – Замахшарий сингари қомусий олимлар дунёга келди. Улар билан ёнма-ён дунёвий илмлар туғилди. Ўша улўф мутафаккирлар инсон маънавий ва тафаккур дунёсини бойитишда, инсоният онгини, маданий – маърифий қарашларни ўстиришда ўз даврида ва кейинчалик ҳам асосий роль ўйнадилар, инсон камолотига доир беқиёс таълимотни яратдилар. XV – XVI асрларга келиб қадимий Туркистон жаҳонга Қозизода Румий, Улўфбек, Али Қушчи, Ҳайдар Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Лутфий, А.Навоий, Бобур, Абулғозий Баҳодирхон сингари алломаларни вояга етказди. Бу даврда Марказий Осиё шаҳарларида қатор маданий ва илмий марказлар вужудга келди. Демак, Марказий Осиё халқлари, хусусан ўзбек халқи ва унинг маданий – маърифий тараққиёти асрлар давомида мисли кўрилмаган даражада ривожланган. Қолаверса, унинг ахлоқ-одобга оид қарашлари педагогика фанлари бўйича таълимоти бутун жаҳонга ўрнатилган бўларли маъно ва мазмун касб этган.

Октябр тўнтаришидан кейин, яъни 1917 йилдан бошлаб Туркистон минтақасида «яшин тезлигида» Шўро ҳокимияти ўрнатила бошлади. Бу тузум коммунистик фирқа мафкурасини тарғиб ва ташвиқ қилди.

Шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистонда янги мактаблар очиш ва уларни мустаҳкамлаш вазифалари кўндаланг қилиб

кўйилди. Унда ёшлар онгига янги жамият ғояларини сингдириш, шу ишларни амалга оширадиган педагог ходимлар тайёрлашга эътибор берилди. Шу ишларни амалга оширишда Россия Халқ таълими йўналиши ва тизими раҳбарлик қилган. Тарихдан маълумки, қайси давлат ёки мамлакат ҳукумрон бўлса, у тобе мамлакат ва халқга ўз мафкурасини, маънавиятини, ахлоқ-одоб ақидаларини сингдиришга ҳаракат қилган.

1924 йил октябрда Туркистон парчаланиши оқибатида миллий маданият йўли аста-секин тўсила бошланди. Асрлар оша амалда қўлланиб келинган, қомусий илмлар битилган ёзув ман этилди. Аввал лотин графикаси, кейин рус графикаси асосига қурилган ёзувга ўтилди. Бу тадбир Марказий Осиё халқларини ўз маданият тарихини ўрганиш имкониятидан маҳрум этди.

Мактабларда дунё фанини ривожлантиришга муносиб ҳисса қушган ўзбек фани ва маданиятининг асосчилари, мусулмон оламининг улуғ зотлари эмас, балки ўзбек халқи камолотига алоқаси бўлмаган шахслар фаолияти ўргатилди. Аҳмад Яссавий, Бедил сингари сўз усталари ва тафаккур гулшани боғбонлари халқ таълими тизимидан чиқарилди.

Мусулмон дунёсининг муқаддас китоби Қуръони Карим, Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари таъриб остига олинди, йўқотилди. Натижада ўзбек халқи миллий ахлоқ-одоби ва тарбия анъаналаридан маҳрум бўла бошлади. Бу йўқотиш ўзбек фани, маданияти ва педагогика фанлари ривожланишига салбий таъсирини кўрсатди.

1991 йилга келиб Ўзбекистон халқи мустақилликка эришгач, ўзининг янги миллий Қомуси асосида ҳамма соҳада бўлганидек, ўзбек миллий фани ва маданияти, «Педагогика тарихи»га ҳам янгича ёндошиш имконияти туғилди.

Ўтмишда прогрессив педагоглар ва атоқли мутафаккирлар педагогикага доир муҳим фикрларни айтиб қолдирганлар, буларни ўрганиш педагогика тафаккурининг ўсишига, педагогик маданиятининг ортишига имкон беради.

Педагогика тарихи жамият тараққиёти қонунларига суянган ҳолда турли педагогик назарияларни, таълим-тарбиянинг мазмуни ва методларини ўргатади. Ўтмишнинг педагогик системаларида бўлган илғор ва прогрессив фикрларнинг ҳаммасидан ижодий фойдаланади.

Демак, педагогика тарихи ижтимоий фандир. У тарихий педагогика ходисаларига давр талаби асосида ёндошади, тарбия назарияси ва амалиётини турли босқичларда хилма-хил бўлганлигини очиб беради, илғор қарашларнинг тараққиёт йўлини кўрсатиб беради.

Педагогика тарихи фани қуйидаги фанлар, яъни, педагогика, психология, маданият тарихи, Ўзбекистон тарихи, жаҳон халқлари тарихи, фалсафа, этнография, археология, ахлоқшунослик ва бошқа бир қатор фанлар билан узвий алоқададир.

Биз педагогика тарихи фанини ўрганиш ва таҳлил қилишда: қадимги ёзувлар, битиклар, қўлёзма ёдгорликлари, шарқ мутафаккирларининг илмий – маънавий меъроси, халқ оғзаки ижоди,

муқаддас китоблар, пандномалар, дастурлар, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар, халқ маорифи масалаларига оид материаллар, матбуот материаллари.

Педагогика тарихи фанининг метадологияси эса миллий ва умумбашарий қадриятлар, халқ педагогикаси, Марказий Осиё ва Шарқ мутафаккирларининг илмий ва маънавий мероси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Педагогика тарихини ўрганиш ўқитувчиларининг фақат педагогик маданиятини оширибгина қолмай, балки, шу билан бирга, унга педагогик маҳоратни эгаллашга ёрдам беради. Шунингдек, ўтмишнинг таълим – тарбия соҳасидаги энг яхши тажрибаларини ўрганади, бу эса унинг кундалик педагогик фаолиятида ёрдам беради, уни бевосита амалий фаолиятга тайёрлайди.

Бу борада яратилган тарихий, фалсафий, адабиётшуносликка оид асарлардан ҳам ижодий фойдаланишга ҳаракат қилдик. Хуллас, ушбу қўлланманинг яратилишида файласуф, шарқшунос, тарихчи, филолог олимлардан Б.Аҳмедов, А.Аҳмедов, А.Абдуллаев, В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, А.Баҳоутдинов, И.С.Брагинский, Б.Ғ.Ғафуров, В.Зохидов, И.Мўминов, О.Файзуллаев, Ш.Шомухаммедов, А.Қаюмов, Й.Жумабоев, А.Ирисов, М.Орифий, М.Ҳайруллаев, С.Ражабов ва бошқаларнинг ишлари қўлланма ва йўлланма вазифасини ўтади.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Педагоглар илмининг махсад ва вазифалари
2. Таълим тарбия соҳасининг илмий ва диний асослари
3. Педагогика тарихи илмининг манбалари мазмуни ва булимлари
4. Муस्ताкилликдан сунг педагогика фанининг юксалиши.
5. Педагогика тарихини кетма-кетликда даврлаштириб чиқинг. Ҳосил бўлган тизимингизни назарий ва амалий томонларини асослаб беринг.

Муस्ताқил иш топшириқлари:

1. Турли ижтимоий даврларда таълим-тарбия мазмуни қандай бўлганини тавсифланг.
2. Педагогика тарихи фанининг объекти ва предмети аниқлик киритинг.
3. Халқ педагогикасини ўзига хос хусусиятини изоҳланг.
4. Ибтидоий жамоада болалар меҳнатини қандай ташкил этилган?
5. Халқ мақолларидан бештасини келтиринг ва изоҳланг.
6. Халқ оғзаки ижодида кўпроқ қайси инсоний фазилятлар куйланади.
7. Милодимиздан авалги иккинчи минг йилликда пайдо бўлган “Ипак йўл”ни педагогик қиймати нимада? Фикрингизни тўғрилигини исботланг
8. “Ватан туйғуси”, “Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётини пойдевори” ва “Юрак маънавият- энгилмас куч” асарларини педагогик қиймати ҳақида рефеат тайёрланг.

9. IX-асрда яшаган улуг олим Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарини педагогик аҳамиятини таҳлил қилинг.

Мавзу бўйича илмий хулосалар:

1. Педагогика тарихи инсониятнинг асрлар давомида орттирган тарбия ва маданиятга оид тажрибаларини бугунги давр талабига мослаб етказувчи ижтимоий фандир.
2. Педагогика тарихи педагогика соҳасидаги ҳар қандай назарий ва амалий ходисаларга давр талаби асосида ёндашади ва ўрганади.
3. Бугунги талабалар, яъни бўлғуси ўқитувчиларнинг маънавий сифатларини тарбияламасдан туриб, умумий ўрта таълим мактабларида маънавий етук, баркамол инсонни шакллантириш мумкин эмас.
4. Педагогика тарихининг ўтмиши, истиқболлари ва бугунги ўзгаришларини ўрганиш давр талаби..
5. К. Хошимова, С. Нишоновалар яратган «Педагогика тариха» дарслигида маънавий – ахлоқий фазилатлар баркамол инсон тарбиясига йўналтирилган бўлиб, жамият тарққиётида инсон маънавий сифатлари шу жамият талаблари нуқтаий назаридан ёритилган.
6. Бугунги талаба – ёшлар педагогика тарихини ўрганиш орқали ўтмиш меросимиздан, ислом дини яратган маънавий бойликлардан фойдаланишлари муҳимдир.
7. Исмий ал-Бухорий, имом ат- Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Ахмад Яссавий каби ислом олами Буюк алломаларининг адолат, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, Ватанга муҳаббат, ахлоқ, одоб, имон ва эътиқодҳақидаги таълимотива фикрларидан халқимизнинг, ёшларнинг баҳраманд бўлиши- умуминсоний қадриятларни англаб олишлари, улар ҳақида тасаввурга эга бўлишлари лозим.
8. Тарих синовларидан ўтиб келаётган умуминсоний ва маънавий-маданий қадриятлар, миллий анъаналар, ахлоқий омилар ва урф-одатлар халқ оғзаки ижодини маҳсули бўлиб, халқимизнинг маънавий-маданий тафаккурини юксалтиришга ҳисса қўшган бойлигидир.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Миллий ва умуминсоний тарбиянинг тарихий тарақий этиш технологиясининг илмий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш.
2. Ёш авлодни миллий одоб-ахлоқий тарбиясида фольклор, шунингдек, қадимий қадриятларимизда ифодаланган миллий ва умумбашарий ҳислат-фазилатлар асосида тарбиялашга эришиш.
3. Педагогика фанининг ривожига ҳисса қўшган шарқ алломаларининг таълимотларини илмий таҳлил этиш.
4. Талабаларда педагогик илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш кўникмасини шакллантиришнинг илмий асосларини яратиш.

5. «Педагогика тарихи» дан қатор тадқиқотлар, дарсликлар яратилган. Лекин педагогика тарихини ўқитиш орқали талабаларда маънавий сифатларни тарбиялаш илмий асосланмаган.

Эришилган натижа ва хулосалар:

1. Педагогика тарихи фанининг тараққиёт босқичлари, методологик асосини, асосий тушунчаларини билган ҳолда бошқа фанлар билан алоқаси, боғлиқлик жиҳатлари ва фарқли томонларини ажиратадилар. Мавзу бўйича муаммолар ҳосил қилиб, ечимларини топа оладилар.
2. Жамиятнинг тараққиётида педагогика тарихи фанининг муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида тасаввурга эга бўлади.
3. Буюк шарқ алломаларининг таълимотларидаги педагогик қарашларни ўрганади ва амалда қўллашга қизиқиш ҳосил бўлади.
4. Талаба шахсида маданий ҳуқ-атворнинг шаклланиши ахлоқий сифатларнинг такомиллашуви жараёни онгли амалга оша бошлайди.
5. Педагогика тарихи таълим-тарбия ҳақидаги фан эканлигини билган ҳолда касбга бўлган қизиқиш кучайишига таъсир этади.
6. Педагогика тарихи фани ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш ва ҳосил бўлган билимларни сўзлаб бериш кўникмаси таркиб топади.
7. Талаба шахсидаги ижодий тафаккурни эҳтиёж даражасига олиб чиқади.
8. Фаннинг кейинги мавзуларини қизиқиш билан ўрганишга, уларни амалиётга тадбиқ этишга бўлган иштиёқ кучаяди.

Фойдаланилган асосий адабиётлар:

1. И.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.:Маънавият 2008
2. Баркамол авлод –Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.Т., 2997
3. Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳомидов Ҳ. Педагогика тарихи-. Т.: “Ўқитувчи”, 1997.
4. Ҳошимов К., Нишонова С., Иномова М., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи.-Т.: “Ўқитувчи”, 1996.

Қўшимча адабиётлар

1. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. К.Ҳошимовнинг умумий таҳрири остида. Т.: “Ўқитувчи” 1995.
2. О.Ҳасанбоева, Ж.Ҳасанбоев, Х.Ҳамидов. Педагогика тарихи. Ўқув қўлланма Т., “Ўқитувчи”1997.
5. К.Ҳошимов, С.Нишонова. Педагогика тарихи. II- қисм. Дарслик.. Алишер Навои номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Т., 2005.

6. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика . Ўқув қўлланма.,
Т.: Фан, 2004

2 мавзу: ЭНГ ҚАДИМГИ ЁЗМА МАНБАЛАРДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ. (2-соат маъруза)

Асосий саволлар:

- 1.Энг қадимги ёдгорликларда инсон тарбиясига оид фикрлар.
2. «Авесто» энг қадимги ёзма маърифий ёдгорлик сифатида.
3. Қадимги ёзма маърифий ёдгорликлар ва туркий халқлар ахлоқ-одоб тизимининг ўзига ҳослиги.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Қадимги мифлар, қаҳрамонлик эпослари, маданий анъаналар, қадимий маданият, таълим тарбияга оид бой мерослар, ижодий мерос, санъат ва адабиёт намуналари, Урхун-Енисей битиклари, маънавий маданият ёдгорликлари, тарихий жараён, афсона ва ривоятлар, зардуштийлик, Авесто, зардушт таълимоти, ҳаётий йўл-йўриқлар, инсоний ҳислатлар.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Аجدодларимиз асрлар давомида тилимиз, дилимиз ва динимизни, ўзлигини, шарқона урф-одатларимизни авайлаб, етук ва баркамол авлодларни тарбиялаб келишганлари маълум. Сиз улардан кимларни биласиз? Нима учун айнан шу фикрган келганлигигизни асосланг.

2. Сизнингча энг қадимий ёзувлардан ҳам олдинроқ пайдо бўлган халқ педагогикаси ўз миллий асосларига кўра таълим- тарбияни ривожланишига қандай ҳиса қўшган? Фикрингизни тўғрилигини исботланг.

3. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” ни мағзини ташкил этувчи “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” нима учун шунча аср ўтганлигига қарамай бугунги кун тарбияшунослик илмини метадологик асосини ташкил қилмоқда? Фикрингизни тўғрилигини исботланг.

4. Энг муътабар қадимги қўлёзма «Авесто»нинг яратилганига 3000 йил бўляпти. «Авесто» зардуштийликнинг муқаддас китоби. Сизнингча нима учун 21 аср космик, компьютер асрда ҳам ўз мавқесини йўқотмади?

5. Энг қадимий ёзувлардан ҳам олдинроқ пайдо бўлган халқ педагогикаси ҳам ўз миллий асосларига кўра таълим- тарбияни юксалишига ҳисса қўшиб келган. Сизнингча халқ педагогикасидаги эъзозланган ғояларга нималарни киритиш мумкин? Унда халқ оғзаки ижодининг ўрни қандай? Фикрингизни далилланг.

1-асосий савол.Энг қадимги ёдгорликларда инсон тарбиясига оид фикрлар.

1 – асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Педагогиканинг фан сифатида шаклланишида энг қадимги ёдгорликлардаги инсон тарбиясига оид фикрларни талабалар онгига етказилади. Талабаларда қадимги

ёдгорликларга қизиқиш уйғотилади.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Педагогика фан сифатида шаклланишида энг қадимги ёдгорликлардаги инсон тарбиясига оид фикрларни фарқлайди.
2. Энг қадимги ёдгорликлардаги инсон тарбиясига оид фикрларни асослаб беради.
3. Энг қадимги ёдгорликлардаги инсон тарбиясига оид фикрларни шарҳлаб беради.
4. Педагогик таълимотларнинг ривожланиш хусусиятларини текшириб кўради.

1 – асосий саволнинг баёни:

“Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг ҳолиси ва ҳаққоний тарихини тиклаш ўзликни англашни, таъбиржон бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида гоёт муҳим ўрин тутди”¹

Каримов И.А

Эрамиздан аввалги биринчи минг йилларда Бактрия, Хоразм, Сўғдиёна, Марғиёна, Парфия, Зарафшон воҳалари Паркана каби ўлкаларда турли қабила ва элатлар яшаган. Булар ҳозирги ўзбек халқининг илдизи ҳисобланган. Сак-массагетлар сўғдиёнлар, хоразмийлар, бахтарлар, чочликлар, ва парканаликлар каби қабила ва элатлар эди. Бу элатлар яшаган ҳудудларга ўзига хос маданий анъаналар таркиб топа борган. Аجدодларимизнинг бу қадимий маданиятига таълим-тарбияга оид бой мерос ҳам киради. Ҳозирги туркий ва форсий забон халқларнинг бизгача етиб келган муҳим археологик топилмалари тарихчилар, адабиёт ва санъат намоёндаларининг ижодий мероси, санъати ва адабиёт намуналари бунинг далилидир.

Туркий ва форсий забон халқларнинг ҳаёт кечириш санъати донолик мажмуаси сифатида юзага келиб борлиққа амалий муносабатда бўлиш намунаси ифодаланган маънавий маданият ёдгорликлари қадимги грек тарихчиси Геродотнинг (тарих), Страбуннинг (география), асарлари. Махмуд Қошқарийнинг (Девону луғотут турк), Ўрхун-Енисей битиклари ва бошқалар шу каби адабий-тарихий манбаалардан сақланган ва шулар орқали бизгача етиб келган. Бу ёдгорликлар инсоннинг шаклланишида моддий ва маънавий маданият қай даражада катта рол ўйнаганлигидан далолат беради. Тарбия инсониятнинг ақлий ва ахлоқий жиҳатдан таркиб топа боришида таъсир этган бўлса, инсоннинг шаклланиши бориши ҳам ўз навбатида инсоният жамиятнинг таркиб топа боришига ёрдам берган. Инсоннинг ўз-ўзини англаши ва жамият тараққиёти бир-бири билан узвий алоқада бўлган бу тарихий жараёни билиш инсон тафаккурининг қадимги даврлардан бошлаб босқичма-босқич ривожланиши ва шу билан бирга инсоннинг ҳам тобора

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва

шакллана борганлиги ҳақида тўла тассавур ҳосил қилишга имкон беради. Энг қадимги кишиларнинг дастлабки оддий истаклари орзу умидлари, хислатлар қадимги эпосларда, улардаги афсонавий образлар қиёфасида ўз ифодасида топган. Рухга сиғиниш-онимизм аجدодлар руҳига сиғиниш-тотемизм сеҳргарлик каби диний эътиқодлар ва меросимлар акс этган афсоналар ривоятлар энг қадимги авлодимизнинг тафаккур дунёси акс этган. Энг қадимги маданий бойликларимизни ўрганишда уч асосий манбаага таянишимиз мумкин.

1. Халқ оғзаки ижоди материаллари;
2. Буюк адиблар аломатларнинг ижодий мерос;
3. Археологик қазилмалар натижасида топилган ашёлар;

Маълумки, ўтмишда кишилар меҳнат фаолияти жараёнида ўз эҳтиёжларини қондирган ва бу жараён ёш авлодга меҳнат кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга ёрдам берган. Тарихчилар ва тарихчи педагогларнинг кўрсатишича кишиларнинг меҳнат фаолияти ёш жихатдан кўрсатишича кишиларнинг меҳнат фаолияти ёш жихатдан уч гуруҳга бўлинган:

1. Болалар ва ўсмирлар
2. Ҳаёт ва меҳнатда тўла иштирок этувчилар
3. Кексалар

Ибтидоий жамият даврида бола ўзи уддалай оладиган фаолиятга бевосита кўшилиб у ҳаёт кечириш ва меҳнат қилишга ўрганган. Ўғил болалар эркаклар билан бажариладиган ов қилиш, қурол яшаш каби ишларни бажарса, қизлар аёллар меҳнати билан танишар экан. Бола маълум тайёргаликдан сўнг синовдан ўтиб кейин амалий фаолиятда иштирок эта бошлайди.

Уруғчилик жамоаси босқичида болалар меҳнати, касб-хунарга интилиш фаоллашиб борди. Тажрибали кишилар болаларни тарбиялаш билан бирга уларни ёзишга ҳам ўргата бошладилар аста-секин тарбия тизимида ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг бошланғич турлари кириб кела бошлади.

Жамият тараққиёти билан мактабларига ва ёзувга эҳтиёж сезила бошлаган. Дастлаб сураткашлик ривожланиб пиктографик хат, кейинчалик кўшни мамлакатлардан кириб келган ҳарф билан ёзиш усули пайдо бўлди ва тарқалди. Эрамиздан олдинги биринчи минг йиллар ўрталарида оромий ёзувда, Александр Макидонский истилосидан сўнг юнон ёзуви ва шу билан бирга форсий миҳхат ҳам маълум вақтларда қўлланиб келинган. Юнон оромий алифбоси асосида Хорозм, Суғд, Бахтрия ёзувлар шаклланган. Эрамиздан олдин тахминан 484-431 йилларида яшаган юнон тарихчиси Геродотнинг «тарих» китобида қадимги форслар, саклар ва масгетларнинг таълим-тарбиявий қарашларига оид муҳим маълумотлар берилган: «Форсларнинг энг шарафлайдиган нарсаси жасурликдир» - дейди олим, шунга кўра улар кўпроқ ўғил болага эга бўлишдан фахрланишган.

Подшоҳ ҳам кимнинг кўп ўғли бўлса, унга ҳар йили совға саломлар юборган. Бундан ташқари улар тарбияда болаларнинг ёшига ҳам эътибор беришган. Ўғил болани 5-20 ёшгача фақат уч нарсга: отда юришга, камон отишга, тўғрилиқга ўргатишган. Болани 5 ёшгача отасига кўрсатмаганлар чунки бола вафот этса отасининг қайғурмаслиги учун. Бола 5 ёшгача аёллар тарбиясида бўлган. Бола ҳеч қачон ота-онасини беҳурмат қилмаган. Улар ота-онасига ҳурматсизликни фақат никоҳсиз туғилган боладан кутиш мумкин деб ҳисоблаган. Геродот форслар учун ёлғончилик ва қарздор бўлиш шармандалиқ ҳисобланган дейди. Улар дарё сувиға тупурмаганлар, ҳатто қўл юзмаганлар. Улар дарёни муқадас санаганлар.

Геродотнинг бу маълумотларидан кўриниб турибдики, бизнинг виждонларимиз фарзандларини жасоратли, ўз ватанининг ҳақиқий ҳикоячиси кучли ва ботир этиб тарбиялашга катта эътибор берганлар. Эркакларгина эмас ҳатто аёллар ҳам жасорат кўрсатган юнон файласуфлари томонидан ёзиб қолдирилган. Суғд ёзма ёдгорликлари орасида «эски хатлар» номи билан юритиладиган ва В.Б.Хеннинг томонидан аниқланган қимматли манбалар бор. Бу хатлар эрамизнинг бошларидаги суғд ёзуви ҳақида маълумот беради. «Эски хатлар» Дунхуан шаҳри (Шарқий Туркистон) яқинидаги Сағдо қишлоғида яшаган суғдлик тижорат савдо аҳолининг Самарқандга ўз она юртига ёзган шахсий хатларидир. Бошқа бир Хитой тарихчиси Сюань-Цзин эса Самарқанд аҳолисининг ахлоқий ва ҳуққ одоб қоидаларига риоя этишда бошқаларга ўрнак бўлганлигини айтиб ўтган. Бу маълумотлар қадимги болалар ўқитиладиган савод мактаблари бўлганлиги ва мактаблардан ташқари болалар махсус мураббийлар томонидан Ҳарбий-жисмоний машқларга ва ҳунарга ўргатилганлиги таълимдан мақсад-болаларни ҳаётга тайёрлаш эканлиги ҳақида маълумот беради. Шунинг билан бирга энг қадимги даврларда таълим-тарбияга оид қимматли маълумотларни биз ҳалқ оғзаки ижоди намуналари-афсоналари, қаҳромонлик эпослари, қўшиқлар, мақол ва ибораларидан кўрамиз. Чунки ҳалқ донишматлигининг кўзгуси бўлган ҳалқ оғзаки ижодида ҳалқ педагогикасига хос бўлган тарбия тажрибалар умумлашгандир.

Мифлар асосида яратилган қаҳромонлик эпослари учун замин тайёрланади. Бу қаҳромонлик эпосларида ватан ва эркинликка бўлган муҳаббат ўз юрти ва жонажон қабиласи учун жонини фидо этиш, шон-шараф ор-номус учун кураш туйғулари ифодаланади. Бизгача етиб келган эпик ривоятларда аجدодларимиз ватанпарварлик кураши ва ифодасини топган. Ватанни ҳалқни севиш, ор-номус ва дўстларга, сафдошларга садоқат каби инсоний туйғулар, бурч ҳисси, ватанни ва ҳалқ учун ўз жонини қурбон этиш, ҳар қандай машаққатларга бардош бериш-уларнинг асосий ҳислатларидир.

Жасурлик, кучлилик, мардлик-қадимий кишиларда таркиб топиши зарур бўлган фазилат саналган. Айниқса, тарихий шахслар билан боғлиқ ривоятлар бунинг далилидир. Чунки уларда муайян шахс фаолияти донишмандлиги, қаҳромонликлари, тарихий шахсга эга бўлган ахлоқий

фазилатлар: назокатга, ақл-идрок, вафо ва муҳаббат, садоқат, адолат, одамийлик кабилари улуғланган.

Эпосларда хотин-қизларнинг фидоийлиги жасорати, ақл-идроки, эркалар билан тенг шароитда фаолият кўрсатганликлари айниқса ёрқин ифодаланган.

Тарихдан маълумки, дастлаб Амударё асосий тармоғи Ўзбей орқали Каспий денгизга қуйилган. Унинг ўнг қирғоғидаги ерлар Турон, чап қирғоғидаги ерлар эса Эрон деб юритилган. Эрамиздан олдин Аҳмонийлар, Саклар ва Массagetлар қабилаларига кетма-кет ҳужум қилиб туришган. Ана шу тарихий воқеалар сак ва массagetларнинг эпосларида ўз ифодасини топган.

Эрон шоҳи Кир кўчманчи сак, массaget қабилаларига қарши уришиб мағлубиятга учрайди ва 529 йилда ҳалок бўлади. Тарихчилар сак ва массagetлар Кир ва унинг қўшинларини аввал ўз ҳудудларининг анча ичкарасига бостириб киришга имкон беришиб, кейин унинг қўшиннинг катта қисмини қириб ташлаганликлари ҳақида маълумот беради.

Полиэннинг «Ҳарбий хийлалар» асарида шундай ривоят келтирилади: Сакларга қарши Доро босқинчилик юришини бошлайди. Қабилла бошлиқлари Саксфар, Омарт, Тўмарислар душманга қарши чора кўриш юзасидан маслаҳатлашиб ўтирганда йилқичи Широқ кириб келади ва Эрон қўшинини йўқ қилиш чорасини баён қилади. У ўз жонидан кечиб, ўз режасини амалга ошириш мумкин эди. Шунинг учун саклар бошлиқлардан у ҳалок бўлгандан сўнг, унинг болаларига ғамхўрлик қилишни сўрайди. Улар рози бўлгач, ёнидаги тигини олиб, ўзининг қулоқ бўрнини кесади, баданларини яралайди. Сўнг Доро қошига бориб, ўзини саклардан жабр кўрган қилиб кўрсатади ва саклардан ўч олиш учун уларга ёрдам беришга, Доро қўшинини фақат ўзи биладиган сўқмоқ йўл билан саклар қароргоҳига бошлаб боришга энг муқаддас ўт ва сув номидан қасамёд қилади. Доро унинг қасамиёдига ишонади. Широқ қўшинни бошлаб кетади. Етти кун ўтгандан кейин Доро қўшинни озиқ-овқатсиз, сувсиз қолиб чўлнинг қоқ ўртасида ҳалокат ёқасида туради. Уларнинг на орқага қайтишга на олдинга юришига мажоли қолмаган эди. Шоҳ йўл бошловчинини ушлашга буюради. Широқ эса қаҳ-қаҳ отиб кулади ва

-Мен сизларни очлик ва ташналикда қолдириб ғалабага эришдим, бу ҳамюртларимни бошидан кулфатни даф этишга муваффақ бўлдим,-дейди. Широқ ҳалок бўлади. Лекин ўз қабиласини босқинчилар ҳужумидан сақлаб қолади. Бу ривоятдаги Широқ ватанпарварлик ва қаҳрамонлик ўз юртини бениҳоят севувчи тимсоли сифатида кўз олдимизда гавдаланади.

Геродотнинг «Тарих» китобида келтирилган массagetлар ҳукмдори Тўмарис ва Эрон шоҳи Кир ҳақидаги ривоятлар ҳам ўзига хосдир.

Ҳалкимизнинг таълим-тарбияга оид қарашлари, ҳулқ-атворида оид ҳислатлари бу қаби ривоятларда, энг қадимги ёдгорликларда миф ва афсоналарда, Авесто, Шоҳнома қаби асарларда сақланиб бизгача етиб келган.

Қадимги аждодларимиз инсонда жуда қадрлайдиган хислатлар жасурлик, адолат, садоқат, инсонийлик бўлган. Бу хислатлар ўз-ўзидан шаклланмаган. Табиат ва жамиятдаги ўзгаришлар ибтидоий уруғчилик, қабилачилик, турмуш тарзи буни тақозо этган. Икки катта куч-яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги ёвсиз кўраш инсондаги бу хислатларнинг бевосита шаклланишига туртки бўлган.

Буни биз энг қадимги кишиларнинг кўшиқ ва лирик шеърларида ҳам кўрамиз. Бу кўшиқ ва лирик шеърлар IX-асрда яшаган улуғ олим Махмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари орқали бизгача етиб келган.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Тест: эрамизнинг бошларида ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида Юнон ва Оромий алифбоси асосида қайси ёзувлар шаклланган?
А) Хоразм, Бахтрия, Юнон;
Б) Хоразим, Суғт, Юнон;
В) Хоразим, Юнон;
Г) Суғд, Бахтрия; (билим)
Д) Бахтрия;
2. Энг қадимги ёдгорликларни ўрганиб чиқинг ва улардаги инсон тарбиясига оид фикрларни моҳиятини изоҳланг. Сизнингча қайси тарихи манбалардан аниқ маълумот олиш мумкин? (тушунтириш)
3. Тест: Туркий ва форсий забон халқларининг маънавий-маданий ёдгорликлари қайси адабий тарихий манбаларда сақланиб бизгача етиб келган.
А) Геродотнинг “тарихи” ва Стробоннинг “География” асарида;
Б) Махмуд Қошғарийнинг “Девону луғоти турк”, Геродотнинг “тарих”, Стробоннинг “География” асарлари, Урхун-Енисей битиклари, Ирк битиклари, В.Б.Хеннинг “Эски хатлар” манбаси;
В) Урхун-Енисей битиклари, Стробоннинг “География” асари ва Геродотнинг “Тарих асарида”; (фойдланиш)
4. Энг қадимги ёдгорликлардаги инсон тарбиясига оид фикрларни таҳлил қилинг. (анализ)
5. Миллий умуминсоний тарбияда қадимги ёдгорликларнинг ўзига хослигини, ҳамда узвийбоғлиқлигини таққослаб кўринг. (баҳолаш)

2-асосий савол: “Авесто”-энг қадимий ёзма маърифий ёдгорлик сифатида:

2- савол бўйича дарснинг мақсади: Энг қадимги ёдгорликларда инсон тарбиясига оид фикрларнинг моҳиятини талабаларга тушунтирилади, педагогика тарихи фанини ўрганишга қизиш уйғотилади. Ёдгорликларни дунё миқёсидаги тарихий, тарбиявий, таълимий аҳамияти талабаларга тушунтирилади.

Индивидиал ўқув мақсадлар (талабалар учун ўқув вазифалар):

1. «Авесто»-энг қадимги ёзма маърифий ёдгорлик сифатида эканлигининг моҳиятини сўзлаб беришради.
2. «Авесто»даги инсон тарбиясига оид таълимотни изоҳлаб беришради.
3. «Авесто»даги инсон камолотига оид таълимотни бошқа муқаддаси китоблар билан таққослаб кўради..

2-асосий савол баёни:

... “Авесто”нинг туб маъно- моҳиятини белгилаб берадиган “
Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” деган тамойилини
оладиган бўлсак, унда ҳозирга замон учун ҳам беҳад ибратли
бўлган сабоқлар борлигини уўриш мумкин¹.
И.А. Каримов

Эрамиздан олдинги минг йиллар ўрталарида энг қадимги аждодларимиз томонидан қахрамонлик мазмунидаги афсона ва ривоятлардан бири зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»дир.

«Авесто» зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлиб, унинг илк саҳифалари Зардуш томонидан 548-529 йиллар орасида Амударё соҳилларида яратилган. Кейинчалик жанубий Эронда оташпарастлик динининг уламо-хинлари томонидан тўлдирилиб такомиллаштирилган.

80-йилларнинг ўрталарига келиб барча тадқиқотчилар «Видевдад»да учрайдиган Мавр, Бахтрия, Хитой, Суғд, Хоразм, Амударё, Сирдарё каби жуғрофик атамаларга асосланиб, «Авесто»нинг ватани Марказий Осиё ва унга чегарадош юртлардир, деган қатъий хулосага келадилар. Ҳақиқатдан ҳам «Авесто»даги жуғрафия доим маълумотлар бу хулосани тасдиқлайди.

Араблар 8-асрда Эронни босиб олган зардуштийликка садоқатини сақлаган бир неча минг маҳаллий аҳоли жанубий Хиндистонга қочиб ўтдилар. Улар қадимги маданият, адабиёт ва эътиқодига доир ёдгорликларни ҳам ўзлари билан элтадилар. 1723 йили инглиз олими Жорж Боузе «Авесто»нинг бир неча нусхасини Хиндистондан элтиб, Оксфорд коллежининг кутубхонасига топширди.

Ҳозирги ана шу дасхатлардан бири Бомбейдаги Кома шарқшунослик илмгоҳида сақланади. Бу илмгоҳ зардуштийларнинг маданий маркази бўлиб, шу жамоа маблағи ҳисобига ишлайди. Китоб 1615 йилда парфиёни ёзувида кўчирилган бўлиб, 672 бетдан иборат.

1. Ясна-ибодат пайтида ижро этиладиган матрлар. 72 бобдан иборат бўлган бу қисмнинг 17 боби Зардушт кўшиқлари-Готмадхияларидан иборат;

2. Яшт-оташпараастларнинг Аллоҳини тафсиф этадиган махсус оханглар асосида курилаган мадхиялари.

3. Вендидот-девларга-зулмат тимсолига қарши қонунлар мажмуаси. Мазкур бўлимда диний қонунлар манти, қадимги достонлар, мифларнинг мазмуни, парчалари сақланган марфологик қахрамонларнинг номлари зикр этилган.

4. Виспарт-бугун борлиқ Аллоҳники ибодатлар тўплами, ибодат йўсинлари.

«Яшт» ҳамда «Вендидод»да Зардуштнинг шахсияти, руҳий олами, ижтимоий келиб чиқишига оид далиллар, зардуштийликнинг тарқалиши йўлидаги зиддиятлар ҳақида маълумотлар мавжуд.

«Авесто» зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлиши билан бирга, илм-фан, ҳаётнинг барча соҳалари бўйича мукамал маълумот берадиган улкан, энг кўхна манба ҳисобланади.

Грек олими Плиний «Авесто»ни 2 миллион байтдан иборат деган эди. Биз унда Марказий Осиё, Эрон ва Озарбойжон халқларининг энг қадимги

маросимлари: урф-одат, эътиқод, ибодат пайтида қироат қиладиган оятлари, диний маросимларда ижро этадиган қўшиқлари, минглаб халқ оханглари ҳақида маълумот оламиз. Бундан ташқари, китобда қадимги халқ оғзаки ижодига тааллуқли ягона сюжетлар-достонлар, парчалар мавжуд.

Бундан ташқари, «Авесто»да эрамизда олдинги икки мингинчи йиллардан тортиб то олтинчи асрларгача бўлган даврдаги Марказий Осиё ва Эрон халқлари тарихига доир, Сирдарё ва Амударё сохилларида яшайдиган халқларнинг ижтимоий турмушига оид маълумотлар бор. Чунончи, китобда шу заминларда истиқомат қилган халқларнинг касб-кори, савдо-сотиғи, қўшни халқлар билан муносабатлари баён қилинган: ҳар бир касб хунар эгасининг жамиятда тутган ўрни алоҳида қайд этилган, деҳқонлар билан чорвадорлар жамият моддий неъматларини яратувчилар сифатида таърифланган.

Шарқшунос олим Е.Э.Бертельснинг фикрича 1278 йилда Райд-зардушт Ибн Баҳром Ибн Пажду деган киши томонидан ёзилган зардуштнома достонида Авесто ва Зендани Зардушт дунёга келтирилганлиги, унинг туғилганлиги ва кейинги ҳаёти ҳақидаги китоб эканлиги баён этилган. Маълумотларга кўра «Авесто» эрамиздан тўлиқ китоб ҳолида эрамиздан аввалги биринчи-минг йилликнинг биринчи ярмида ёзилган.

«Авесто»нинг ватани Хорозм эканлиги Б.Ғофуров, Х.Ҳамидовлар янада аниқ киритишган. «Авесто»ни шох Виштаспга (Гуштасп) тақдим этади. Виштасп унинг хомийсига айланади. Виштаспнинг фармонига биноан оташхоналар, ибодатхоналар қурдирилади ва зардуштийлик дини кенг тарқалади.

Манбааларда «Авестонинг» китоб ҳолидаги матни эрамизда олдин 12 минг ошланган мол терисига олтин Ҳарфлар билан битилгани

келтирилади, бу нусхани Искандар истилосигача Истахр шаҳрида сақлашган. Искандар Истахрни босиб олгач «Авесто»даги тиббиёт, нужум, илму-хикмат соҳаларига оид матнларини юнон тилига таржима қилдирилиб бошқасини ёқиб юборишга буюрган. «Авесто»да яхшилик ва ёмонлик тушунчалари

-
1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Мънавият, 2008.-32 бет.

орқали бутун яхшилик ва ёмонлик дунёси тушунилади. Унда инсон меҳнати туфайли барча ёмонликлардан ёвўзликлардан қутилиш мумкин деган улуг ғоя ётади.

Зардуштийлик таълимотида жисмоний ва маънавий дунё уч ҳаётий даврга бўлинади.

1. Энг қадимги давр;
2. Ҳозирги давр;
3. Бўлғуси ҳаёт;

Зардушт таълимотида 15 ёш балоғат ёши саналган. Ўсмир балоғат ёшига етганда Зардушт қонунлари ахлоқий йўриқлар ўргатилган. Ўсмирларнинг художўй меҳанкаш адолат уй ниятлари, сўзлари ишларида ҳалолликка алоҳида эътибор беришилган. Зардуштийликнинг ахлоқий йўриқларига кўра инсоннинг ўз бурчини хис этишнинг биринчи белгиси поклик ҳисобланган. «Авесто»да инсоннинг баркамол бўлиб етишида унинг сўзи, фикри, иши бирлигига катта эътибор берилган. Бу ахлоқий учлик энг қадимги даврлардан бошлаб ундан кейинги яратилган барча маърифий асарларда ҳам асос бўлган десак ҳам хатто қилмаймиз. Унда инсоннинг ҳар томонлама мукамал камол топиши зарур бўлган барча талаблар ҳаётий йўл-йўриқлар ўз ифодасини топган.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Тест: Зардуштийликнинг аҳоли йўриқларга кўра инсоннинг ўз бурчини хис этишнинг энг биринчи белгиси нима ҳисобланган?
 - А) Бойлик;
 - Б) Меҳнат севарлик;
 - В) Маънавий поклик;
 - Г) Тўғри сўзлик; (билим)
2. Тест: «Авесто» ким томонидан яратилган?
 - А) Александр Македонский томонидан;
 - Б) Номаълум киши томонидан;
 - В) Оташпараслик дини кохинлари томонидан;
 - Г) Зардушт томонидан; (тушунтириш)
3. Тест: «Авесто» инсон камолоти учун қандай аҳамиятга эга?

- А) «Авесто»да ҳақиқат учун кўраш таълимоти мавжуд;
 Б) Ёмонлик ва яхшилик орасидаги кўрашдан иборат;
 В) «Авесто» тарихий манба; (тушунтириш)
 Г) «Авесто»да инсон меҳнати туфайли барча ёмонликлардан қутилиш мумкин деган улуғ ғоя ётади;
4. «Авесто»даги инсон тарбиясига оид таълимотни таҳлил қилинг (анализ);
5. «Авесто»даги миллий ва умуминсоний тарбияда тўтган ўрни бошқа тарихий манбалар Булар аҳамиятини таққослаб кўринг; (баҳолаш)
- 3-асосий савол:Қадимги ёзма маърифий ёдгорликлар ва туркий халқлар ахлоқ-одоб тизимининг ўзига хос анъанавий хусусиятлари.**

3-асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Қадимги ёзма маърифий ёдгорликлар ва туркий халқлар ахлоқ-одоб тизимининг ўзига хос анъанавий хусусиятларини талабалар онгига етказди. Талабаларда уларга қизиқиш уйғотади ва уларни дунё миқёсида тўтган ўрнини талабаларига тушунтириб беришади.

Идентив ўқув мақсадлар (талабалар учун ўқув вазифалар):

1. Қадимги ёзма маърифий ёдгорликлар ва туркий халқлар ахлоқ-одоб тизимининг ўзига хос анъанавий хусусиятлари тушунтириб беради.
2. Улардаги ўзига хос анъанавий хусусиятларининг моҳиятини изоҳлаб беради.
3. Қадимги ёзма маърифий ёдгорликлар ва туркий халқлар ахлоқ-одоб ёдгорликлардан фарқли томонларини тушунтириб тарбиявий аҳамиятини асослайди.

3-асосий савол баёни:

... халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси
 бўлмиш “Алпомиш” достони
 миллатимизнинг ўзлигини намоён
 этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб
 келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир¹.
 И.А. Каримов

Туркий халқларнинг ёзма маърифий ёдгорликлари ўзига хос хусусиятга эга бўлиб улар янги давр кишисини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Булар «Ўрхун Енисей» ёдгорликлари, ирқ ёзувчилари (табирнома) кабилардир. Энг қадимги туркий тилда яратилган ва румий ёзувларда битилган Ўрхун Енисей битиклари 6-8 асрларида ёзиб қолдирилган бўлиб уларда таълим тарбияга оид қимматли маълумотлар берилган. Тошга ўйиб ёзилган Ўрхун Енисей ёдгорликлари даслаб Енисей хавзасида сўнгра Мўхилистоннинг Ўрхун дарёси бўйида топилиб

Даниялик олим Вильгелм Томсон 1893 йилда бу ёзувларни ўқиган ва унда таълим-тарбияга оид ноёб маълумотлар битилганлигини таъкидлаган. Битик тошларида турк хоқонларининг юришлари бу юришларида кўрсатган жасоратлари уларнинг билимли, мард, халқпарвар алп йигитлар эканлиги баён этилади.

Ўз ватаннинг мустақилиги учун кўраш, халқни асоратдан олиб чиқиш уларнинг бирлигини, таъминлаш хоқонлар Бумин, Истами, Элтариш ва унинг ўғиллари Билга хоқон ва лашкари боши Кул тегин маънавий оталари Тунюкукларнинг зиммасига тушгани ҳикоя қилинади.

Масалан, Кул тегин битигида у халқпарвар, тадбиркор, халқнинг келажагини ўйлайдиган жонкуяр саркарда, ўз манфаатидан ватан манфаатини юқори қўювчи шахс сифатида таърифланади. Кул тегин Элтариш хоқоннинг кичик ўғли у 731-йил 27 февралда 47 ёшида вафот этади. Битик тош 732-йил ўрнатилган, бу битик тошда барча воқеалар Кул тегининг акаси Билга хоқон тилидан ҳикоя қилинади. Унинг ҳақиқий исми Муғилён бўлган. Битигни муалифи Кул тегининг жияни Йўллуғ тегиндир. Кул тегин битигида Билга хоқоннинг оғайинларига қариндош тегиндир. Кул тегин битигида Билга хоқоннинг оғайинларига қариндош уруғларига мурожаат уларнинг хатолари туфайли турк элида кўп фалокатлар юз бергани ифодоланади. Туркийларнинг Ҳарбий юришлари, уларга қўшни бўлган табғачларнинг босқинчилиги туфайли халқ бошига кулфатлар тушгани, уларни ёлғончилик, фирибгарлик қурбони бўлганлиги _____

таъкидланган. «Олтин, кумуш ичкилик, ипакни шунча ҳисобсиз бераётган

табғач халқлари сўзи ширин, ипак кийми нафис экан. Ширин сўзи ипак кийими билан алдаб, йироқ халқни шу хилда яқинлаштирар экан. Яхши қўшни бўлганидан кейин ёзув илмини бу ерда ўрганар экан. Яхши доно кишини яхши алп кишини йўлатмас экан. Бирор киши адашса, уруғи, халқи,

уйи, ёпингичига қўймас экан. Ширин сўзига нафис ипакига алданиб, кўп турк халқи, ўлдинг».

Кул тегин битигида Билга хоқон энг муҳим инсоний хислатлар ҳаёти заруриятлар ҳақида панд насихат баён этган. Турк халқи бирлашмагани, бир- бирига ишонмагани учун хийла ва фириб қурбони бўлиб табғачлар уларни қул ва чўри этгани қашшоқ, эрсиз ва мутъе бўлганлигини куйиниб сўзлайди.

Билга хоқон турк эли ўртасида элпарвар хоқон деб танилган эди. У турк халқининг ватани абадий бўлиши учун курашади. Халққа қарата шундай ўғит қилар эди: Ватанни сақлаб қолмоқ фақат хоқонга эмас, халққа ҳам боғлиқ. Аждодларимизнинг хато ва ютуқлари бунинг далилидир.

Тўнюқуқ битиги эса 310 мисрадан иборат бўлиб 717-718 йилларда Тўнюқуқ ҳаётлигида ёзилган. Бу битигда Тўнюқуқ ватанпарвар шахс сифатида номоён бўлади. Тўнюқуқдаги инсоний фазилатлар эзгулик инсонпарварлик хислатлари унинг қўшни халқлар ўртасидаги обрўсини янада ошириб юборади. Масалан, унинг асирларини ўз юртларига жўнатиб

юбориши бошқа душман қабилаларининг ҳам бош эгиб келишига, бу эса эзгулик билан ёвузлик, қониқишнинг олдини олиш мумкинлигини кўрсатади. У адолатсизлик қилмади, инсонпарварлик намунасини кўрсатди, аммо шу билан бирга хоқонлик қонунларини, манфаатларини қаттиқ ҳимоя

қилиб, жасорат намунасини кўрсатди.

Юқоридаги ёзувлардан ташқари, алпларнинг жанговарлигига, ахлоқ- одоби ва билимига бағишланган битигтошлар ҳам кўп топилган.

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Мънавият, 2008.-32 бет.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, гарчи Ўрхун Енисей ёзма ёдгарликлари бериш восита таълим- тарбия масалаларига бағишланган бўлмаса ҳам, улардан ўша давр ахлоқий қоида ва талаблари юзасидан маълум бир маълумот олиш мумкин.

Хоқонлар ва алпларнинг жанговар фаолияти, турмуш тарзи, ватанпарварлик, бирдамлик, иттифоқ бўлиб яшашга интилиш, мардлик, жасорат, самимийлик, инсонпарварлик, эзгулик каби хислатлари жами ҳар бир аъзолари ахлоқий қиёфасини белгиловчи муҳим фазилатлар сифатида маърифий кадрятларимиз тарихида муҳим аҳамият касб этади. Қадимги маърифий ёдгорликларимиздан ирқ битиги таъбирнома ҳам таълим-тарбия тарихида ўз ўрнига эга. Мазкур қўлёзма XIX асрнинг охирда шарқий Туркистоннинг Дунхуван деган жойдан топилган. Ирқ битигида энг қадимги аجدодларимизнинг ҳалқ оғзаки ижодига хос мифиологик ҳамда тотемистик ифодалар ўз аксини топган. Анъанага кўра ҳар бир эпизодда яхши ғоялар таъриф этилади.

Воқеалар туш ва унинг таъбирлари тарзида баён этилади. Инсон доимо фаровон ҳаёт кечиришни орзу қилган. Ана шу эзгу орзуга етишда у қийинчиликларга дуч келган. Лекин инсон бу қийинчиликларни илохий қудрат-тангри ёрдамида енгиб ўтган ўзи учун гўзал ҳаёт таъмин этган. Аммо яхшилик бор жойда унга ёмонлик ҳам рўбарў келади. Туш таъбирларида ёмон ходиса воқеалар замирида ёмонлик ётиши ифодаланади:

«Мен олти бошли илонман,
Олтин коркин-кўрсоғимни
Қилич билан чопиб,
Менинг танамни йўл четига,
Бошимни уйим йўлига қўйишди», - дейишди
билиб қўйинг: бу-ёмон

Лекин ҳалқ келажакка ёмонлик устида яхшилик, эзгулик ғолиб келишига ишонган:

Тонг ота бошлади,
Сўнг унинг изидан ё ёрилди,
Сўнг қуёш чикди,
Ҳамма ер ёруғ бўлди, дейишди,

Билиб қўйинг:-бу яхши.

«Ирк битиги»нинг асосида инсон, унинг қайғу, қувончи, шодлиги, орзу-истаклари ётади. Энг қадимги даврлардан эрамизнинг IX асргача яратилган маърифий ёдгорликларда ирк битиги сингари инсон камолотини қўйилиш катта ўрин эгалайди. Уларда аجدодларимизнинг хулқ одобига оид дастлабки тасаввурлари, эзгуликка бўлган интилишлари ифодаланган. Буларнинг ҳаммаси давримиз тарбиявий муаммоларини ҳал қилишда ўз долзарблиги билан муҳимдир.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Тест: Қуйидаги қадимий ёдгорликлардан қайсилари энг қадимги туркий халқларнинг ёзма маърифий ёдгорликларидан ҳисобланади?

- А) Ўрхун-Енисей, «Авесто»;
- Б) Ирк ёзувлари, «Авесто»;
- В) «Авесто», Ирк ёзувлари, Ўрхун Енисей;
- Г) Ўрхун Енисей, Ирк ёзувлари;

2. Тест: Туркий халқлар ахлоқ-одоб тизимининг ўзига хос анъанавий хусусиятлар нимадан иборат?

- А) Янги давр кишисининг тарбиялашда таълим-тарбияга оид қимматли маълумотлар беришади;
- Б) Тарихий маълумотлар беришади;
- В) Тарихни ифодаловчи манба сифатидадир;
- Г) Келажак сари интилувчи ҳалқимизнинг тарбияси учун муҳим манба; (фойдаланиш)

3. Энг қадимги ёзма маърифий ёдгорликлар туркий халқлар ахлоқ-одоб тизимининг ўзига хос анъанавий хусусиятларини моҳиятини аниқланг;

4. Энг қадимги ёзма маърифий ёдгорликлар туркий халқлар ахлоқ-одоб тизимининг ўзига хос анъанавий хусусиятларини бир-бири билан таққосланг (баҳолаш)

Мустақил иш топшириқлари:

1. Милоддан олдинги 4-аср бошларида Искандар Зулқарнайн ҳукумронлик қилган йилларда илм-фан ва маданият соҳасида қандай ўзгаришлар бўлганлигини ўрганиб таҳлил қилинг.

2. Энг қадимги ёдгорликлардаги инсон тарбиясига оид фикрларни ўрганиб таҳлил қилиш.

3. “Алпомиш” достонининг педагогик аҳамиятини ўрганиб таҳлил қилинг.

4. Энг қадимги маданий бойликларимизни ўрганишдаги асосий манбалар.

5. Миллий умуминсоний тарбияда қадимги ёдгорликларнинг ўзига хослигини, ҳамда узвий боғлиқлигини таққосланг.

6. Педагогик таълимотларнинг ривожланиш хусусиятларини таҳлил қилинг.

7. «Авесто»даги инсон тарбиясига оид таълимотни изоҳлаб беринг.

8. «Авесто»даги инсон камолотига оид таълимотни бошқа муқаддаси

китоблар билан таққосланг.

9. “Энг қадимги маърифий ёдгорликларда таълим-тарбия масаллари” мавзусида реферат тайёрлаш

Мавзу бўйича илмий хулосалар:

1. Милоддан аввалги 5 – аср бошларида Хоразимда Маъмун академияси – “Доналар уйи” ташкил қилинган.
2. Академияга тўпланган алломалар илм-адаб, ахлоқий масалаларгадоир чет эл асарларини араб тилига таржима қилганликлари билан Ўрта Осиё маданиятиривожига ҳисса қўшган.
3. Энг қадимий қўлёзма “Авесто”нинг яратилганлигига 3000 йил бўляпти. “Авесто” зардуштийликнинг муқаддас китоби. У нафақат диний китоб, балки ижтимоий, фалсафий, маданий, адабий-тарихий қимматга эга бўлган ёдгорликдир.
4. Эрамиздан аввалги биринчи минг йилларда Бактрия, Хоразм, Сўғдиёна, Марғиёна, Парфия, Зарафшон воҳалари Паркана каби ўлкаларда турли қабила ва элатлар яшаган. Булар ҳозирги ўзбек халқининг илдизи ҳисобланган. Бу элатлар яшаган ҳудудларга ўзига хос маданий анъаналар таркиб топган
5. Энг қадимги кишиларнинг дастлабки оддий истаклари орзу умидлари, ҳислатлар қадимги эпосларда, улардаги афсонавий образлар қиёфасида ўз ифодасини топган.
6. Қаҳрамонлик эпосларида ватан ва эркинликка бўлган муҳаббат ўз юрти ва жонажон қабиласи учун жонини фидо этиш, шон-шараф ор-номус учун кураш туйғулари ифодаланган.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Педагогика тарихини ўқитишда талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялашда тарихий манбалар, «Авесто» ва Шарқ мутафаккирларининг педагогик таълимоти ҳамда Маъмун академияси аломалларининг ижодий педагогик фикрларидан фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш
2. «Авесто» билан бир қаторда Маъмун академиясида фаолият кўрсатган олимларнинг маънавий-ахлоқий қарашлари бугунги кунда талабаларнинг маънавий сифатларини алоҳида педагогик аҳамиятга эга. Шунга кўра педагогика тарихи материаллари мазмунида Маъмун академиясида фаолият юритган алломаларнинг ахлоқий қарашларига алоҳида ўрин ажратиш лозим.
3. Ёш авлода миллий анъаналарга ҳурмат ҳиссини тарбиялаш.
4. Эрамиздан аввалги 5-7- асрларда ахлоқ қоидаларини ўзига хос хусусиятини илмий назарий асосларини яратиш.

5. Шу даврларда тарбия усуллари ўзига хос хусусиятини ўрганиб, илмий педагогикадаги тарбия усуллари билан таққослаб самарали жиҳатларини ҳаётга тадбиқ қилиш.

6. “Авесто” да мадҳ этилган ахлоқий хусусиятларни ёшлар онгига сингдиришни чора-тадбирлари ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.

Адабиётлар рўйхати:

1. И. Каримов “Юксак маънавият- енгилмас куч” Тошкент.”Маънавият” 2008.

2. Баркамол авлод орзуси-Т.;1999

3. Раҳмонов И. «Ўрхун битиклари», Т.: 1987 й.

4. Искандаров И. «Ўзбек педагогикаси антологияси», 1-жилд. Т.: 1995 й.

5. Хошимов К ва бошқалар «Педагогика тарихи» Т.: 1996 й.

6. Турсунов И., Нишоналиев У. «Педагогика курси» Т.: 1997 й.

3- мавзу: VII asrdan XIV asrning birinchi yarmifacha Ўрта Осиёда тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар. Ислом дини ғояларининг педагогик жиҳатлари

(2 соат маъруза)

1. Ислом дини ғояларининг таълим-тарбияга таъсири
2. Мусулмон мактабларида таълим-тарбиянинг мазмуни
3. Хадис илмининг пайдо бўлиши. Имом Исмоил ал-Бухорий ва Имом ат-Термизийларнинг хадис илми ривожига тутган ўрни.
4. Сўфийлик таълимотида етук инсон муаммосининг талқини.

Мавзуга оид таянч тўшунча ва иборалар: «Қуръон» тенглик тотувлик, сура инсонпарварлик тарғиботи, руҳий маънавий поклик етуклик, ислом ақидалари, ахлоқий-ҳуқуқий тамойиллар, эътиқод, эҳтиром, этика, намоз, закиёт, рамозон, ҳаж қилиш. Маънавий эҳтиёж, борлиқни мафкуравий идрок этиш, хадис, сунна, ривоят ижодий мерос.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Ислом жаҳонга кенг ёйилган диндир. Унинг кенг тарқалиши сабаблари нимада деб биласиз? Фикрингизни тўғрилигини исботланг.

2. Юртбошимиз Ислом Каримов ал- Бухорий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган тантанали маросимида сўзлаган нутқида “Парвардигори олам буюк зотларни ўзи азиз этган жойлардагина дунёга келтиради. Бундай юртлар эса ер юзида санокли. Биз чексиз шукроналик билан айтамызки, Она Ватанимиз Аллоҳнинг назарига тушган анашундай диёрдир” деган фикри билан нимани назарда тутган эди. Фикрингизни исботланг.

3. Қуръони Карим мусулмон аҳлининг дунёқараши, фалсафаси,

маънавияти, ахлоқи, ҳуқуқининг асоси бўлиб, унда илоҳиёт, диний эътиқод масалалари билан бирга, инсонпарварлик каби ахлоқий муоммолар ифодаланган деган фикрга қўшиласизми? Фикрингизни тўғрилигини ҳаётий мисоллар билан исботланг.

4. «Хадис» ёки «сунна» сўзлари бир маънони англатиб Расулulloҳнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда дини ва ахлоқий кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлардан иборат дейилади. Сиз ушбу фикрга қўшиласизми. Қайси хадиснависларни биасиз? Уларни хадисларидан наъмуналар келтиринг.

1-асосий савол: Ислом дини ғояларининг таълим-тарбияга таъсири

1-асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Ислом дини ғояларининг таълим-тарбияга таъсирининг моҳиятини талабаларга тушунтирилади, ислом дини ғояларини тўғри талқин этиш ва уни мукамал ўрганишга қизиқиш уйғотилади.

Индентив ўқув мақсадлар

1. Ислом дини ғояларининг пайдо бўлиши ва моҳиятини айтиб беради.
2. Ислом дини ғояларининг инсон камолатидаги ўрнини тушунтиради.
3. Ислом дини ғояларининг таълим-тарбиявий хуусиятларини асослаб беради;
4. Ислом дини ғояларидаги маънавий – ахлоқий жиғатларни таҳлил қилади.

2-асосий савол баёни:

VII аср бошларида ислом ғоясига асосланган араб халифалиги ташкил топилди. Бу давлат ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун. У III Аср ўрталарига келиб маворауннахрни забт этишга тўла эришдилар.

Ислом Арабистон ярим оролида унинг кўп асрлик тарихида ўсиб чиққан яхлит диний сиёсий оқим сифатида вужудга келди.

Ислом динининг асосчиси ва тарғиботчиси Муҳаммад ибн Абдуллоҳ 570 йилда Маккада Қурайиш қабиласига мансуб Ҳошимийлар хонадонидида туғилади.

«Қуръон» - дунё маданиятининг улкан бойлиги, барча мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлиб араб тилида «қирот» маъносини англатади. У 114 сурадан иборат. «Қуръон» -кишиларни тенгликка, биродарликка, тинч тотув яшашга, эзгуликка ундайди. Шунга кўра, у катта ахлоқий аҳамиятга эга. «Қуръоннинг» ахлоқий қиммати ҳақида фикр юритилар экан, инсоннинг маънавий камолотга етишида қай даражада муҳим ўринга эга эканлигига амин бўламиз. Шунинг учун у мана неча асрлардан бериши инсониятнинг энг улуғ қадрияти сифатида эъзозланиб келмоқда. Ислом одамларни яхшилика даъват этади, ёмонликдан қайтаради.. Инсонпарварликни тарғиб этиб, разолатни қоралайди, одоб-ахлоқ -маънавий поклик ва етукликка ва меҳнат қилишга ҳамда ер юзини

обод этишга ундайди. У адолат, тенглик, тинчлик, эркни тараннум этади. Буни биз «Қуръон» нинг инсонни камолотга эришишда қай даражада ўрин эгаллашларини, унинг инсонга бутун борлиққа муносабати, турмуш тарзи ва хулқ одоби меъёрларини таркиб топтиришда улкан аҳамиятдан ҳам билсак бўлади.

Маълумки, етук инсон, аввало ўзининг илмлилиги билан намоён бўлади. Ислом мусулмонларни тараққиёт сари ундаган. Чунки инсон шахси, жамият, илм билан камолотга етади, тараққий этади. Кишиларни илмга қизиқтириш учун

«Куъон» нинг «Зумар» сураси 9- оятида шундай дейилади.

Айтинг: биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?» Дархақиқат, фақат ақл эгаларигина панд- насихат олурлар. Исломда инсонинг ақлий камолоти ва тафаккурига катта эътибор берилади. Булар илм ва ҳақиқатни далиллар билан исботлашда: исломнинг аниқлик дини, унинг тақлид душмани эканлигида намоён бўлади. Ҳар бир нарсани Ҳар томонлама ўрганиб чиқиб тўғриси танилаб олишга: «Менинг баданларимга- сўз кулоқ тутиб унинг энг гўзалига эргашадиган зотларга хушхабар беринг! Ана шулар Аллох хидоят қилган зотлар ва ана шуларгина ақл эгаларидир («Зумар» сураси 18 оят). Ҳар бир фикрни ўйлаб тушуниб, кейин унга риоя этганлар Аллох хидоят этган кишилар ҳақиқий ақл эгалари деб аталади. Албатта илм ақл ёрдамида амалга ошади. Шунга кўра, «Қуръон»да инсонни ақл ишлатишга чақирилади. Унда ақл инсонга берилган буюк неъмат деб таърифланади. Ақлни ишлатмасликнинг ёмон оқибатлари хусусида сўз юритилади. Исломда билим, ақл инсон камолотининг меъзони ҳисобланиб, инсон кўриш, эшитиш, ақлни ишлатиш воситасида билиш қобилиятига эга бўлади деган.

Илм фан тараққиёти инсоннинг ахлоқий камолга етишида катта аҳамиятга эга шунга кўра, хулқ одоб қоидаларини таркиб топтиришга «Қуръон»да эътибор берилади. Ҳар бир шахснинг жамиятнинг раванқ топишида ахлоқнинг асосий роли тасвирланади. «Қуръон»да ҳар бир мўмин мусулмон бажариши зарур бўлган яхши хулқлар инсонни ҳақиқий камолотга ундовчи инсоний фазилатларидир деб тушунтирилади. Чунки ислом динининг асосий мақсади ҳам ёмонликнинг олдини олиш кишиларга ёмонликнинг ҳуник оқибатларини тушунтириш ҳамда уларни доимо тўғри йўлга чақиришдан иборатдир. «Қуръон»да инсонни имоннинг ўзига хос меъзони саналган саховат меҳмоннавозлик, жасорат, сабр ва қаноат, тўғрилиқ, вафодорлик ва содиқликка катта эътибор берилган. Инсондаги ахлоқий сифатлардан энг муҳими ҳайр-эҳсонларда ҳақида алоҳида фикр юритилади.

Қуръони каримда эҳсонга лойиқ кишиларга биринчи навбатда ота-оналар киритилган ва ота-она ҳаққи белгилаб берилади. «Ал-Исро» сурасининг 23-24 оядларида ота-онага яхшилик Аллох таолога ибодат қилишдан кейин 2 вазифа сифатида таъкидланади. Мазкур оядларида энг олий инсоний муаммоли қоидалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- ота-она хатти-ҳаракаттаининг фарзандга малол келмаслиги;
- ота-она билан гаплашганда уларга оғир ботадиган сўз айтмаслик;
- ота-онага эҳтиром бажо келтириш;
- ота-онага раҳим шавкат қилиш;
- уларнинг ҳақиқа дуо қилиш;

«Қуръон»да кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш тўғрисида ҳам гап боради ва бу олий даражадаги инсоний хислат бўлиб, пок қалбли кишиларгина бунга эриша олади.

«Хужурот» сурасининг 10-оятисида: «Мўминлар ҳеч шак- шубҳасиз оғанилардир. Бас, сизлар икки оға-инингиз ўртасини ўнглаб қўйинглар», - дейилади. «Қуръон»да инсондаги зарур хислатлардан саналган олий-жаноблик ҳақида ҳам фикр юритилади. «Хашр» сурасининг 9-оятисида «гарчи ўзларида эҳтиёж бўлсада ўзларини куйиб ойсор –ихтиёр қилурлар . Кимки ўз нафсининг бахиллигидан сақлана олса бас, ана ўшалар нажот топгувчи зотлардир». «Қуръон» нинг маълум оятлари ширинсуханлика бағишланади. Тўғри сўз ва муомала маданиятига риоя қилиш қонун-қоидалари Исломгача ҳам бўлган. «Қуръон» да инсонни ахлоқий камолга етказишда яхши кишилар билан ҳамсуҳбат бўлиш ҳам катта аҳамиятга эга, деб кўрсатилади. Исломда саломга алик олиш хусусида «Нисо» сурасининг 86 оятисида «қачон сизларга бирон ибора билан салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олинглар ёки ўша иборани қайтаринглар» , - дейилади. «Қуръон» да инсонни маънавий пок бўлиш, ҳавойи нафсдан сақланиш масалаларига ҳам эътибор берилади. Ҳавойи нафсга берилишнинг асосий сабаби сифатида киши иродасининг заифлиги ва илмсизлиги ёки илмнинг камлиги кўрсатилади. Чунки инсон билимсизлиги туфайли ҳавойи нафсга маҳкум этилади, шунга кўра ақлни ишлатиб ҳаётда тўғри йўл тутишга даъват этилади. Масалан, «анъом» сурасининг 119 оятисида «Шубҳасиз , кўп кишилар ўз хою-хаваслари билан билмаган ҳолларида ўзларини йўлдан оздурурлар». «Рум» сурасининг 29- оятисида «Золим кимсалар бирон билим- хужжатсиз ҳавойи нафсларига эргашиб Аллоҳга ширк келтирадилар » каби фикрлар бунинг далилидир. «Қуръон» да инсонни ахлоқий камолга етказишда зид хусусиятлар: ман- манлик, ва ароқхўрлик ва киморбозлик ,талончилик, бошқаларни камситиш, бадгумонлик, чақимчилик, ғийбатчилик, маиший бузуқлик, ҳасадгўйлик, очкўзлик кабилар хусусида ҳам ибратли фикрлар билдирилган. «Қуръон » да ҳақиқий инсон бир-бирини камситмаслиги, бошқаларни ҳурмат қилиши, шу билан кишилар ўртасида тотувликни мустаҳкамлаши мумкин эканлиги каби ғоялар ҳам мавжуд.

Исломда ҳасад ҳам энг қабих хислат сифатида қораланади.

«Қуръон» да инсоннинг ахлоқан камол топишида бекорчи гап сўзлардан йироқ юриш, майда ва беҳуда гапларга вақт кетгазмасликлардан ўзини четга олиш кабиларга ҳам эътибор берилган. Инсоннинг маънавий камол топишида меъёрни сақлаш катта аҳамият касб этади.

«Қуръон» да таълим берилишича мол-дунё инсонни синаш учун берилади. Мол дунёга эришган ҳар бир инсон уни тўғри йўлда сарфлаш керак, дейилади. («Анфол» сураси, 28-оят).

«Қуръон» да таълим берилишича бойлик абадий эмас, ҳақиқат ва яхшилик абадийдир.

Ислом таълимотида илгари сурилган муҳим ғоялардан яна бири ва унинг энг муҳим таркибий қисми поклик ва тозалikka риоя қилишдир.

Ислом узоқ вақт шўро мафкурасида унинг ҳалқлар ўртасида душманлик руҳини сингдирувчи, инсоннинг кадр-қимматини камситувчи, билиш ва қобилятларини, ақлнинг, инсон ижодий қобилятларининг кучини, инсон иродасини инкор этувчи дин сифатида танқид қилиб келинди. Лекин биз юқорида кўриб ўтган масалалар бундай фикрлар асоси эканлигини кўрсатди. Ислом ва унинг асосий таълимоти мужассамланган «Қуръони карим» да инсонни ҳам ақлий ҳам ахлоқий, ҳам жисмоний, бир сўз билан айтганда комил инсонни тарбиялашда муҳим манба эканлиги намоён бўлади.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Тест. Ислом динида қандай асосий ғоялар илгари сурилган?

А) «Қуръон» да инсонни ахлоқий камолга етказишда яхши кишилар ўртасидаги келишмовчиликларнинг олдини олиш, уларнинг тотув яшашига эришишдир.

Б) Исломдаги асосий ғоя инсоннинг ақлий камолотига етишига қаратилган.

В) Ислом динида инсоннинг ахлоқий, ақлий, рухий ва маънавий етукликка чорлайди. Одамларни яхшилика даъват этади, ёмонликдан қайтаради. Тенглик, тинчлик, эркин тараннум этади.

2. Тест: Кишиларни илим олишга оид «Қуръон» нинг «Зумар» сурасининг 9-оятида нима дейилган?

А) Энди ерга ноҳақ кибру ҳаво қилиб юрадиган, агар барча оят-мўъжизаларни кўрса ҳам уларга иймон келтирмайдиган оят-мўъжизалардан буриб юбораман.

Б) Айтинг. «Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми»? Дарҳақиқат фақат ақл эгаларигина панд насихат олурлар.

В) Сабрли, саботли бўлиш бу қийинчиликларга бардош беришришдир.

3. «Қуръон» даги илмга ахлоқ-одобга оид сураларни ўрганиб моҳиятини изоҳланг.

4. Ислом динининг асосий мақсадлари ва ундан келиб чиққан ҳолда вазифаларини таҳлил қилинг.

5. Исломда умуминсоний тарбиянинг ўзига хос томонларини миллий тарбияга узвийбоғлиқлигини таққослаб кўринг. (баҳолаш)

2-асосий савол: Мусулмон мактабларида таълим - тарбиянинг мазмуни

2- асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Мусулмон мактабларида таълим - тарбиянинг мазмунини талабаларга тушунтирилади, уларни ўрганишга қизиқиш уйғотади.

Идентив ўқув мақсадлар (талаблар учун ўқув вазифалари):

1. Мусулмон мактабларида таълим – тарбиянинг мазмуни тушунтириб беради.
2. Мусулмон мактабларида таълим –тарбиянинг мазмунини изоҳлаб беради.
3. Мусулмон мактабларида таълим –тарбиянинг мазмунини таҳлил қилади.
4. Мусулмон мактабларида таълим – тарбиянинг моҳиятини бугунги кун билан таққослаб таҳлил қилади.

2- асосий савол баёни:

XII – аср бошларида ислом ғоясига асосланган Араб халифалиги ташкил топиб, бу давлат ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун бошқа мамлакатларни забт этишни бошлади. Бутун арабистон ярим ороли шунингдек, Эрон, Кавказ орти юрти, Сурия Шимоли Африка, Жанубий Испания халифалик таркибига киритилди. XII–аср ўрталаридан бошлаб араблар Моворауннахрга ҳам юриш қилди ва қийинчилик билан забт этди.

Араб истилочилари босиб олинган ерларга халқни ислом динига кирита бошладилар. Тарихчи Ат – Табасарининг «Ат –Табарий тарихи», Наршахийнинг «Бухоро тарихи» ва бошқа тарихий асарларида келтирилишича, араб истилочиларининг Моворауннахр халқини ислом динига киритиш жараёни қийин кечган ва бир неча йилларга чўзилган. Чунки Маворауннахр араб истилосигача ҳам маънавий ҳам иқтисодий тараққий этган мамлакат бўлиб, унинг аҳолиси араб босқинчиларига тезда бўйсина қолмади. Аҳолининг истилочиларга бўйсинишини истамаганлигининг асосий сабабларидан бири истибдод ва қатоғонлар билан бир қаторда, босқинчиларнинг маҳалий халқининг йиллар давомида таркиб топган бой маънавий меъроси-санъати, адабиёти, ёзувини, асари-атиқаларини поймол этишга ҳаракатта қилганлиги ҳам бўлди. Шунинг учун ҳам араб истилочилари халқни бўйсундириш учун ҳарбийлар билан бир қаторда, ислом дини тарғиботчиларидан ҳам фойдаландилар ва аста секин маълум натижаларга эриша бошладилар.

Араблар исом динини тарқатишда турли усуллардан фойдаландилар. Жумладан ислом динини қабул қилганлар солиқдан озод этилди.

Халифалар истилочилик сиёсатини ўтказар эканлар барча халқлар устидан маданий устунликни ўрнатишга ҳаракат қилдилар чунки араб халқи XII аср бошларида ўзига хос маданият адабий тил яратган бўлиб, унда нотиклик ва шеърият юқори даражада қадрланган. Айниқса Қуръоннинг ўзи ажойиб фазилатларга эга бўлиб, у ўрта аср адабиётининг

энг нодир адабий ёдгорлиги орасида ўрин олган. IX асрда таркиб топган «Минг бир кеча» эртаклари эса жахон маданиятининг дурдоналаридан ҳисобланади. Араб тили ҳам ўз навбатида янги маданият тили бўлиб майдонга чиқди бу маданият ҳам қадимги араб маданияти, шунингдек араб давлати ҳудудида яшаган бошқа халқлар маданиятининг мажмуаси эди. Араблар юнон фанининг ютуқларидан амалий фойдаландилар, уларнинг файласуф олим, ёзувчиларнинг асарларини таржима қилдилар. Астрономия тиббиёт, кимёга оид барча йирик асарлар араб тилига таржима қилинди. Хатто араб олимлари сунъий олтин тайёрлаш воситаси «фалсафа тоши» ни излаганлар юнонлардан тасниф этилиб фанлар икки қисмга назарий ва амалий қисмларга ажратилди. Биринчи қисм уч бўлим – табиат тўғрисидаги фан, илоҳиёт тўғрисидаги ва математика фанлари бўлиб уларга арифметика хандаса, астрономия ва мусиқа киритилган.

Иккинчи қисм эса, этика, иқтисод ва сиёсатга бўлинган. Ҳинд фани араб маданиятига асосан арифметика, алгебра, тиббиёт таъсир этган. Европаликлар ҳам сонларнинг Ҳинд назарияси билан араблар орқали танишганлар, алжабр алгебра деган арабча номни қабул қилинган. Араблар улкан давлат барпо этиб, география ривожига ҳам катта таъсир кўрсатдилар. Масалан, араб мулкларининг дастлабки Ҳариталари 9-асрда тузилган бўлиб уларда дарёлар оқими тўғрисида муфассал маълумот бўлган. Испаниядан Марказий Осиё ва Ҳинд дарёсигача чўзилган мусулмон дунёси бу Ҳаритада батафсил кўрсатилади. Кўп ҳудудларга Арабча номлар берилади. Хусусан, Маворауннахр ҳам арабча бўлиб « Дарё орти» маъносини билдиради.

Ислом арабистон ярим оролида унинг кўп асрлик тарихидан ўсиб чиққан диний-сиёсий оқим сифатида вужудга келган бўлса, айна пайтда у қадимги дунёни идрок этишнинг ва ўрта аср жамиятининг тикланиш даврида бутун яқин шарқ маънавий эҳтиёжига акс садо ҳам бўлди. Сиёсий ғалаба ҳамда ўзига янги ва ўзга қарашларни сингдира билиш туфайли у ўрта аср даври борлиқни мафкуравий идрок этишнинг асосий шаклларида бўлиб қолди. Исломнинг ғалаба қилишида унинг асосчиси Аллоҳнинг вакили бўлган пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳисаломнинг шахси катта роль ўйнайди. қуръон оятларини ўрганиш ўзгалик билан ўзликнинг исломга уйғунлашувини аниқ белгилаш унинг асосчиси шахсини кўра олиш, хис этиш имконини беради. Маворауннахр бошқа истило этилган давлатлар қаторида ислом дини билан бирга мазкур диннинг муқаддас китоби «Қуръон» нинг тили, араб тилини ўрганиш жорий этилди. Бу китобни бошқа тилларга таржима қилиш тақиқланди.

Мусулмон мактабларида араб тили муҳим фан сифатида ўқитиларди, билим шу тилда ўрганилар эди. Арабистондаги каби Маворауннахрда ҳам барча масжидлар ҳузурида мактаблар очилади ва ўғил болларга шу мактабларда Қуръон ўқишни ўргатишга фармон берилади. Болаларни масжид имоми ўқитар эди. Мусулмон таълимотига кўра ҳар бир мусулмон бешта асосий рукни бажариши зарур. Биринчиси, «Ла илаҳо иллаллоҳ ва муҳаммаду-р-расулуллоҳ» деб шаҳодатлик бериш,

иккинчиси, номоз ўқиш учунчиси, закот бериш тўртинчиси, рамозон ойида рўза тутиш, имконига кўра хаж қилиш.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Тест: Мусулмон мактабларда қайси тил асосий фан сифатида ўқитилар эди?
А) ўзберишк ва араб тиллари;
В) форис тили;
Б) араб тили; (билиш)
2. Тест: Мусулмон мактабларида фанлар неча қисмга ажратилган ва қайсилари?
А) назарий қисм (тибиёт, илоҳиёт ва математика);
В) назарий ва амалий қисм: биринчи қисм тибиёт, илоҳиёт ва математика, иккинчи қисм этика иқтисодиёт ва сиёсат;
Б) амалий қисм (Тибиёт, илохити ва математика);
- 3-Мусулмон мактабларида таълим тарбиянинг моҳиятини изоҳланг (тушунтириш)
- 4-Мусулмон мактабларида таълим-тарбиянинг мақсади ундан келиб чиқадиган вазифаларни таҳлил қилинг. (анализ)
- 5-Мусулмон мактабларида борлиқни мафкуравий идрок этишнинг асосий шакллари бўлган ислом таълимотининг таъсирини таққослаб беринг. (баҳолаш)

3-Асосий савол. Хадис илмининг пайдо бўлиши. Имом Исмоил Ал Бухорий ва Имом Ат Термизийнинг хадис илми ривожигаги тутган ўрни.

3- асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Хадис илмининг пайдо бўлиш тарихи ўргатилади. Уни ва унинг намоёндаларини ўрганишга қизиқиш ўйғотиш.

Идентив ўқув мақсадлари. (Талабалар учун ўқув вазифалари)

1. Хадис илмининг пайдо бўлиши ва ўзига хос хусусиятини айтиб беради.
2. Хадис илми намоёндаларининг таълим-тарбия ривожига қўшган хиссаларини изоҳлаб беради.
3. Хадис илми ва унинг намоёндаларини таълим-тарбия ривожига қўшган хиссаларини таҳлил қилади.
4. Ҳадиснавислар ижодидан наъмуналар келтириб таҳлил қилади.
5. Хадис илми ва унинг намоёндаларини таълим-тарбия ривожига қўшган хиссаларини асослаб беради.

3-асосий савол баёни:

Ислом дини таълимотида «Қуръони карим» дан кейин асосий манба хадислардир. Хадис илми билан шуғулланиш асосан 8-асрнинг 2-ярмидан бошланиб, унга энг билимдон, мўътабар шахсларгина тартиб беришган. Маълумотга кўра, 8-11 асрларда 400 дан ортиқ мухаддис хадис илми билан шуғулланган.

«Хадис» ёки «сунна» сўзлари бир маънони англатиб Расулulloҳнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда дини ва ахлоқий кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлардан иборат.

Муҳаммад алайҳисаломнинг ибратли ишлари эътиқод, поклик ва инсонга хос маънавий - ахлоқий хислатларни ифодаловчи сўзлари, панд-насихатлари унинг номи билан боғлиқ хадисларда мужассамланган.

Хадислар дастлаб ёзиб борилмаган. Чунки пайғамбаримиз Қуръони карим нозил бўлган вақтларда араб бўлмаган кишиларнинг хадисларини Қуръон оятларидан деб ўйлашларидан чўчиб уни ёзиб боришларига рухсат этмаганлар. Лекин, хадисларни ёд олган кишилар тобора камайиб боргани ҳамда аста-секин улар унитилиб кетишининг олди олиниб халифалар ишонарли хадисларни тўплашга фармон бердилар. Исломшунос олимлар бу ишни бошида турган дастлабки халифа Умар Ибн Абдулазиз эканлигини таъкидлайдилар. 8-9 асрлар хадис илми учун олтин давр ҳисобланади. Бу давр ислом дунёсида энг нуфўзли манбалар деб саналган 6 та ишончли тўплам (ас-сахих ас-ситта) яратилди. Бунда бизнинг ватандошларимиз мухаддисларнинг ҳам хиссалари бор.

Олимлар (олти китоб) ни қуйидагалардан иборат деб кўрсатадилар:

1. Исмоил ал Бухорий томонидан ёзилган «ас-сахих»
2. Имом Муслим ан-Нишопурий томонидан ёзилган «ас-сахих»
3. Имом Ибн Можжа томонидан ёзилган «Суннан».
4. Имом Абу Довуд Сулаймон Сижистоний томонидан ёзилган «Суннан».
5. Имом Ибн Исо ат-Термизий томонидан ёзилган «Аж-жамии ал-кибр»
6. Ахмад ан - Насоий томонидан ёзилган «Суннан» каби тўпламлардир.

Хадис таклиф этишда асосан уч йўналиш пайдо бўлган.

1. Муснад йўналиши. Бунда турли мавзудаги йўналишлар бир жойга келтириб алифбо тартибида жойлаштирилган.
2. Сахих (ишонч) йўналиши. Бунга Имом Бухорий асос солган. Буларга тўғри ишонарли хадислар келтирилган.
3. Сунан йўналишидаги хадислар. Бу йўналишдаги хадисларга, ишонарли хадислар билан бир қаторда, заиф хадислар ҳам киритилган.

«Сахих» йўналишининг асосчиси, энг етук ва машҳур мухаддис Абу Абдуллох Муҳаммад Ибн Исмоил ал-Бухорийдир. Имом Бухорий хадис илимида «Амир ул-Мўъминин», «Имом ал-Мухаддисийн» («Барча мухаддисларнинг пеш воси») деган шарафли номга сазовор бўлган. У 810 йил 13 майда Бухорода туғилган. Гўдаклигида отадан етим қолган. Мактабда савод чиқарган. 10 ёшиданок араб тили ва китобларидан уларни ёдлай бошлайди. Ал-Бухорий хадис илмини катта қизиқиш билан ўргана бошлайди. Ёшлик чоғидан бошлаб турли мухаддислардан эшитган

хадисларни ёдлаб борар эди. Абдуллоҳ Ибн ал-Муборак, Ваки Ибн Жарроҳ каби олимлар тўплаган хадисларни ёд олган, хадис ривоятчилари ҳақидаги бахсларда қатнашган. Имом Бухорий истеъдодли ўткир муҳофазали, зийрак олим бўлган.

У Дамашқ, Қоҳира, Басра, Бағдод шаҳарларида машҳур олимлардан фиких илмидан дарс олади, ўзи ҳам бахс ва мунозараларида қатнашади, толибу илмларга дарс ҳам беради.

Имом Бухорийнинг ўткир зеҳн эгаси эканлигини қуйидаги мисолдан ҳам билиш мумкин. Ривоятларга кўра «У қайси бир китобни қўлга олиб, бир маратоба мутуала қилса, ҳаммаси ёд қолаверади».

Имом Бухорий ўта камтар, инсонпарвар, хулқ-одобда тенгсиз, саховатли инсон бўлган. У хадис илмининг етук олими бўлса ҳам, вақти келганда замондошлари, шогирдларидан ҳам ўрганади. Маълумотларга кўра, ал-Бухорий 600 мингга яқин хадисни тўплаган, 100 минг саҳих 200 минг ғайри саҳихларни ёд олган.

Имом ал-Бухорий узоқ сафардан она юрти Бухорога қайтгач, талабалар ва уломоларга хадис илмидан сабоқ беради ва унинг тарғиботчисига айланади.

Олимларнинг таъкидлашларича, Имом ал-Бухорий жуда бой мерос қолдирган. Унинг «Ал-Жомеъ Ас-Саҳих» («Ишончли тўплам») асари 4 жилддан иборат бўлиб, энг етук шох асари сифатида дунёга машҳурдир. Бу асарда Пайғамбаримиз Саллаҳу Алайҳи Вассаллам хадисларидан ташқари, Ислом ҳуқуқшунослиги, ислом маросимлари, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия, тарих ва этнографияга оид маълумотлар ҳам беришган. Унга 600 минг хадисдан 7275 та энг саҳих хадислардан киритилган бўлиб, такрорланмайдиган 4000 хадисдан иборатдир. Бу китоб Ислом таълимотида Қуръони Каримдан кейинги манба ҳисобланади.

Ислом дини инсони маънавий камолот сари етакловчи таълимот. Шу сабабли Қуръони Каримдан ҳам хадисларда ҳам яхши хулқ ва одоб кенг тарғибот этилган. Шариат талаблари билан бир қаторда, хадисларда ахлоққа доирлари, айниқса муҳим. Имом Бухорий ҳам 4 жилдли ушбу асарининг 1 жилдида одоб ҳақидаги хадисларни жам этган. Кейинчалик аллома бутун Ислом олами одоб-ахлоқи ва тарбияси масалаларига бағишланган «Ал-Адаб Ал-Муфрад» номли махсус хадислар тўпламини яратди. Бу асар 644 та бобда баён этилган 1322 хадисдан иборат. Машҳур мухаддислардан яна бири ватандошимиз Абу Исо ат-Термизий бўлиб, у 824 йилда Термиз яқинидаги Буғ қишлоғида ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида туғилган. Унинг оиласи ва ота-онаси ҳақида маълумот йўқ.

Ат-Термизийнинг ўткир зеҳни, хотираси, ёдлаш қобилиятининг кучлилиги туфайли Ал-Бухорий ҳам уни фақат шогирд сифатида эмас, ўзига ҳамкор эмас, ўзига ҳамкор дўст сифатида ҳам ҳурмат қилган.

Ат-Термизий узоқ сафарида хадисларни тўплади. У 863 йилда ўз ватанига қайтди ва ўзи ҳам шогирдларга таълим бериб, ҳам китоблар ёзди.

Ат-Термизийнинг ўндан ортиқ асарлари яратилганлиги маълум булар «Ал-Жомеъ Ас-Сахих» («Ишончли тўплам»), «Аш-Шамойл Ан-Набавия» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари»), «Ал-Илал Фи-Л-Хадийс» («Хадислардаги илатлар ва оғишлар ҳақида») асарлари машҳурдир.

Ат-Термизийнинг ёзиб қолдирган асарларидаги хадислар ҳам Ал-Бухорий хадислари каби инсонни ҳалоллик, адолат, эътиқод, диёнат, поклик, меҳнатсеварлик, мурувватлилик, меҳр-шавқат, катталарга, ота-она ва қариндошларига ҳурмат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Ат-Термизий 892 йилда ўз ватанида вафот этади.

Хадисларда инсоннинг камолга етиши учун талаб этиладиган инсоний фазилатлар акс эттирилган бўлиб, булар меҳр -оқибат кўрсатиш, сахийлик очиқ кўнгиллилик, ота - она ва катталарга қариндошларга ғамхўрлик, ҳурмат фақир бечораларга мурувват, ватанга муҳаббат, меҳнат ва касб ҳунарни улуғлаш, ҳалоллик, поклик, ўзаро дўст, тинч тотув бўлиш ва бошқалардан иборатдир.

Бундан ташқари инсоннинг ўзини ёмон иллатлардан тийиш, яхшилик сари интилиш кераклиги борасидаги панд насиҳатлар ҳам ўз ифодасини топганки, буларнинг барчаси Қуръони Карим кўрсатмаларидан келиб чиқади ва комил инсонни мезони саналади. Хадисларда инсоннинг маънавий камолоти мезони унинг тафаккур доираси дунёқарашининг кенглиги илмий билимларни қай даражада эгаллагани ўз билими билан атрофдагиларга жамиятга фойда келтирувчи шахс бўлиб етишишида муҳим омил билим деб кўрсатилади. «Толиби илм қилиш фарздир. Толиби илмга ҳар бир нарса истихфोर айтади хатто денгиздаги балиқлар ҳам» . «Илм ўрганмоқ ва ўргатмоқнинг фазилати хадисида» (21-боб 35-бериш) илмни кўп ёққан ёмғирга ўхшатилади ва илм аҳлини уч турга бўлади. Бир киши оллоҳ илмини теран ўрганадир ва ўзгаларга ўргатадир. Иккинчи бир киши илм ўрганиб одамларга ўргатади. Аммо ўзи амал қилмайди. Учинчи бир киши мўтақабирлик қилиб ўзи ҳам ўрганмайди, ўзгаларни ҳам ўргатмайди. Исломда икки хил илм ҳақида фикр юритилади бири ҳукуқий диний йўл-йўриқлар илми бўлса иккинчиси дунёвий илмларни эгаллаш назарда тутилади. Ҳар иккаласидан ҳам билимга эга бўлиш ҳар бир киши учун фарз ҳисобланади. Хадисларда ота-онанинг дилини оғритиб озор бериш буйруқларни бажармаслик ҳам қораланади. Ота-она ҳаққини адо этиш ҳар бир фарзанд учун фарз ҳисобланади. Шу билан бир қаторда ота-она ҳам ўз навбатларида фарзандларини тарбия қилмоғи, одоб ўргатиши, илмга йўллаши, яхшилик қилиш лозимлигини такидлаши зарурлиги хадисларда қайд этилган.

Хадисларда кишиларнинг бир-бири билан дўст, тинч-тотув яшаши, мурувватли, меҳр-шавқатли бўлиши кераклиги ҳақидаги ғоя ҳам илгари сўрилади. Хадисларда инсоний хислатлардан эзгулик, иффат, сабр-қаноат, шукроналик каби ахлоқий хислатлар улуғланса, исрофгарчилик, тамагирлик, очкўзлик, нафсу ҳавога берилиш, бахиллик, жоҳиллик каби иллатлар қораланади. Инсон камолоти бериш восита унинг соғлигига ҳам боғлиқдир, чунки соғлом инсонгина ҳам оила , ҳам жамиятнинг раванқ

топиши учун фаолият кўрсатадиган киши бўлиб етишади. Хадисларда умуман исломда тозалikka, покликка умуман рухий ва жисмоний покликка катта этибор беришади. «хақ таоло ўзи пок, покликни яхши кўради. Ўзи тоза, тозаликни яхши кўради Ўзи олийҳимматдир, олиҳимматликни яхши кўради. Ўзи очиқ кўл очиққўлликни яхши кўради: Эшикларнинг олдини покиза тутинглар» (190-хадис)

Хадислар Муҳаммад пайғамбарнинг суннатлари бўлиб мазмунан ҳар бир мўминнинг ишончини, эътиқодини мустаҳкамлайди ва шу билан инсонни маънавий камолотга даъват этади. Ислом дини маърифатга асослангани учун ҳам бир шахсни ақлий, жисмоний, ахлоқий жиҳатлардан камолга етказишга оид эътиқод ва имондан иборат бўлиб фақат эзгуликка хизмат қилиш, олижаноб бўлиш, покиза юриш ҳолол бўлиш жаҳолат ва жаҳолатпарасликка йўл қўймаслик, ўз биродарининг, қариндош уруғларининг, миллатининг ва ватаннинг қадриятларини асрашдан иборатдир. Шундай экан хадислар комил инсонни шакллантиришда муҳим манба бўлиб ҳисобланади ва ундан ёшлар тарбиясида фойдаланиш шу куннинг долзарб вазифаифаси ҳисобланади.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Тест: «Хадис» ёки «Сунна» сўзлари қандай маънога эга?
 - А) Ал-Бухорий ва ат-Термизий битикларидан иборат ва ривоятлар маъносига эга;
 - В) Ал-Бухорийнинг «Ал-Жомеъ ас-Саҳих» асаридан иборат ва ривоятлар тўпламига эга;
 - Б) Бу сўзлар бир маънони англатиб расулиллоҳунинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда диний ва ахлоқий кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлардан иборат; (баҳолаш)
3. Тест: қуйидаги асарлар ал-Бухорий ва ат-Термизийларга тўлиқлидир?
 - А) «Ас-Саҳих», «Сунанн»;
 - Б) «Ал-Жомеъ» «Аж-Жамо ал-Кабир»
 - В) «Сунанн», «ал-жамеъ ас-Саҳих»; (тушунтириш)
3. Хадисларнинг комил инсонни тарбиялашдаги аҳамиятини изоҳланг; (тушунтириш)
4. Хадис илмининг моҳиятини ва хадис илми муҳаддисларининг асарларини мазмунини таҳлил қилинг; (анализ)
5. Хадис илми ва «Қуръони карим»даги таълим-тарбия, инсон камолоти тўғрисидаги таълимотини таққослаб кўринг; (баҳолаш)

4-асосий савол. Суфийлик таълимотида етук инсон муаммосининг талқини

4-асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Суфийлик таълимотини моҳияти тушутирилади, уни тўғри талқин этиш ва мукаммал ўрганишга қизиқиш уйғотиш.

Идентив ўқув мақсадлари (Талабалар учун ўқув вазифалари).

1. Сўфийлик таълимоти ўзига хос хусусиятини тушунтириб беради.
2. Сўфийлик таълимоти ривожига хисса қўшган етук инсонлар қарашларини изоҳлаб беради;
3. Сўфийлик таълимотидаги комил инсон муаммосини таҳлил қилади.
4. Сўфийлик таълимотидаги етук инсон муаммоси талқинини шарҳлаб беради.

4-асосий савол баёни:

Ҳар қандай ғоявий таълимотида бўлгани каби ислом динида ҳам зиддиятлар ва ихтилофлар пайдо бўлиб уларнинг натижасида VII асрнинг иккинчи ярмида бошлаб исломнинг ўз ичида ҳам турли йўналишлар оқимлар юзага кела бошлади. Бу йўналишлардан бири VII аср охири ва IX аср бошларида пайдо бўлган сўфийлик оқими-таълимоти пайдо бўлди. Мазкур оқим бутун мусулмон мамлакатларида жумладан Ўрта Осиёда кенг тарқалди.

Сўфийлик бутун шарқ маънавий ҳаётида комил инсон ҳақидаги ғояларининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Сўфийлик таълимоти ҳақида қатор тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, булар мазкур таълимотни ўрганишда бой манба бўлиб ҳисобланади. Айниқса Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат» асари сўфийлик силсиласи ҳақида қимматли мерсидир.

Мазкур оқим XII-XIII асрда Араб мамлакатларида пайдо бўлиб сўнг бошқа мусулмон мамлакатларида, хусусан, Маворауннаҳрда ҳам кенг ёйилди. Лекин олимлар бу оқимнинг баъзи кўринишлари исломгача ҳам мавжуд бўлганлигини таъкидлайдилар.

Сўфийлик назариясига кўра, дунё бутун олам худонинг мужассамланиши. Худо барча кўринадиган нарсаларида мавжуд, нарасалар эса худода мавжуд. Дунё-дунёвий рух шаклида бутун оламга тарқалган худо сингари ягонадир. Инсон эса ана шу руҳининг бир қисми, эртами кеч у билан қўшилади.

Амалий қисм ахлоқий меъёрлар ва ҳуқуқ атвор қоидаларининг муайян тизимидан иборат бўлиб бу меъёр ва қоидалари худбинлик ва шахсий манфаатлардан ўзин тийишни талаб этади.

Бу ҳақида Сўфийлик назариётчиларидан бир Имом Газзоли шундай дейди: «Сўфий бўлиш-доим худога содиқ қолиш, одамларга саммимий, мулоим муомалада бўлиб, улар билан тинчликда яшаш ўз юкини бошқалар гарданига ағдармаслик, балки одамларнинг истагига мувофиқ ҳамма нарсани ўз устига олиш демакдир Сўфийликнинг қоидаси шундан иборатки, камбағалликнинг беришзаги, сабр-тоқат унинг нақши, қаноати қилиш унинг оти, ишонч унинг кадр-қийматидир».

Сўфийлик мусулмон шарқи ҳалқининг кўп асрли маънавий ҳаётини ғоявий асосини белгилаб берган таълимот бўлиб майдонга чиқди. У илоҳий поклик ва инсоний гўзалликни идрок этиш йўли, ҳақ ва ҳақиқатни ҳимоя этиш воситаси бўлиб хизмат қилди. Сўфийлик кўп қиррали оқим бўлиб «Соф», «Ягона» сўфийлик ҳеч қачон бўлмаган. У турли кўринишлардан оқимлар тарзида намоён бўлган. Биринчи оқимда таълим беришча, худо ҳар жиҳатдан комилдир, энг олий гўзалик, шодлик, бахт унинг вазифаларидир, фоний бўлишдадир. Бу оқимдаги сўфийлар маънавий-руҳий комилликка эришиш йўлида 4 босқични ўташи керак деб ҳисоблайдилар.

1. Шариат (диний маросимлар ва шариат ақидаларини изчил бажариш);
2. Тариқат (нафсни тийиш худо тўғрисида ўйлаш кўнглини поклаш);
3. Маърифат (билимли бўлиш худони таниш);
4. Ҳақиқат (сўфий худонинг даргоҳига эришади);

Сўфийликнинг иккинчи оқимиға мансуб бўлган сўфийлар биринчи оқим намоёндалари қарашларини қабул қилган, аммо уларни ислом дини тартиб қоидаларига мослаштирганлар. Бу оқимнинг назариётчиси Имом Газзоли ва Аҳмад Яссавийлардир. Сўфийликнинг учинчи оқими Нақшбандия таълимоти билан боғлиқдир. Нақшбанд инсон баркамол бўлиши учун аввало имонли бўлиши зарур дейди. Нақшбандия тариқати асосида ҳар бир инсоннинг ҳалол пок бўлиши ўз меҳнати билан ҳаёт кечириши кераклиги, сабр қаноатли бўлиши, камтар, саҳий бўлиши имон ва эътқодини мустаҳкам тутиши, дилда худони жо этиб амалда ҳалқ билан бўлиши каби олижаноб ҳислатларни таркиб топтириш ётади. Нақшбандия тариқатини асосини инсон ҳам руҳан ҳам жисмонан покланиши ташкил этиб бу жараён ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ҳозирги даврда ёш авлодни етук инсон этиб тарбиялашда унинг ахлоқий тизими йўллари ва усуллари кўл келади. Зеро, ақлий, ахлоқий, жисмоний камол топган шахснинг ҳам руҳий ҳам маънавий тарбия силсиласи бунинг яққол далилидир.

Демак, ҳақиқий сўфийлик таркидунёчилик ғоясини илгари сурмайди, у инсонни маънавий покланишга йўллайди. Лекин баъзи кишилар (ҳатто дин пешволари) ҳам инсоннинг руҳан худо билан бирлашиши яъни «Мен худоман» деб ифодалашнинг моҳиятини тушунмасдан, уларни тақиб этади.

Аслини олганда, сўфийлик-бу мурувват, саҳоват, меҳнат, қаноат, диёнатдир. Улар инсон хулқидаги барча иллатлар билан курашувчилардир. Сўфийлар ҳаётни ана шу разилликлардан тозалашда ҳар бир инсоннинг ўзини маънавий жиҳатдан поклаши учун курашувчилардир.

Ислом ер юзида кенг тарқалган динлардан бўлиб, у мусулмон маданиятининг таркиб топишида муҳим роль ўйнайди. Унинг муқаддас китоби «Қуръон» ни хулқ, одоб турмуш тарзига оид таълимоти мусулмонлар ахлоқий тарбиясининг шаклланишиға асос бўлиб хизмат

қилади. Барча мусулмон мамлакатларида «Қуръон» нинг шархловчилари томонидан шариат қонун-қоидалари ахлоқий талабларини тарғиб этилиши кейинчалик мусулмон адабиётида ахлоқий дидактик мазмундаги асарларнинг пайдо бўлишига туртки бўлди.

Ислом барча мусулмон мамлакатлари каби Хуросон ва Моварауннахр ҳам асосий дин ҳисобланади шунинг учун халқ ҳаётида хулқ - одоб қоидалари ва анъаналарининг шаклланиши ҳамда мустаҳкамланиб қолишида муҳим роль ўйнайди ва ҳаётий дастур сифатида сақланиб қолди.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. **Тест.** Сўфийлик оқими қандай оқим ҳисобланади?

А) Жалолиддин Румийларга мансуб бўлган оқим бўлиб, худо ҳар жиҳатдан комилдир деган ғояни илгари суради.

Б) Сўфийлик кўп қиррали оқим бўлиб «Соф», «Ягона» демакдир.

В) Сўфийлик инсонни маънавий рухий комилликка эришиш ғоясини илгари сурадиган оқимдир. (билиш)

2. **Тест:** Сўфийликнинг биринчи оқимида инсон маънавий - рухий комилликка эришиш йўлида неча босқичдан ўтиши керак деб ҳисоблайди?

А) Икки босқичдан. (Шариат, тариқат)

Б) Тўрт босқичдан. (Шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат)

В) Уч босқичдан. (Шариат, тариқат, маърифат) (билиш)

3. Сўфийлик таълимотида етук муамосининг моҳиятини изохланг. (тушунтириш)

4. Сўфийлик оқимларининг мақсад ва вазифаларини аниқлаб таҳлил қилинг; (анализ)

5. «Қуръони карим»да илгари сурилган таълим-тарбияга оид ғояларини сўфийликда илгари сурилган ғояларга узвийбоғлиқлигини таққослаб кўринг; (баҳолаш)

Мустақил иш топшириқлари:

2. Мусулмон мактабларида таълим-тарбия мазмунини ўрганиб таҳлил қилиш.

3. Араб тилининг савдо ва маданий алоқалар тилига айланишини моҳиятини ўрганиш.

4. Қуръоннинг муқаддас фалсафий-ахлоқий асар сифатида ўрганилиши.

5. Имом Ғаззолий -ислом фалсафаси ва педагогикасининг асосчиси сифатида “Кимёи саодат” асари ва унинг тарбия тараққиётидаги ўрни ўрганиб таҳлил қилиш.

6. Масжидлар ва улар ҳузуридаги мактабларда таълим-тарбия. Савод чиқариш услубиёти. “Чор китоб” ва “Хафтияк” — дастлабки савод дарсликлари сифатида бўлганлигига аниқлик киритиш.

7. Ҳадис илмининг пайдо бўлиши. Имом Исмоил ал-Бухорий, ат-Термизий ва бошқа муҳаддисларнинг ҳадис илмини яратишдаги хизматларини
8. Имом ал-Бухорийнинг “Ас-сахих”, “Ал-адаб ал-Муфрад” асарларининг инсон маънавий камолотининг таркиб топишидаги аҳамиятини таҳлил қилиш.
9. «Қуръони карим»да илгари сурилган таълим-тарбияга оид ғояларни суфийликда илгари сурилган ғоялар билан таққосланг.
10. Ҳадис илмида одоб-ахлоқ ҳақида.
11. Ислом динининг педагогика фани ривожда тутган ўрни.

Мавзу бўйича илмий хулосалар:

1. Ислом жаҳонга кенг ёйилган диндир. Унинг таълимотлари Аллоҳ томонидан пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо салаллоҳу алайҳи вассалламга оятлар таризида нозил этилган – Қуръонни Каримда баён этилган.
2. Ислом динининг асосий қонуни (дастур ул-амали) бўлган Қуръони Каримдан кейин уни изоҳловчиси ва баён этувчиси бўлиш Расулуллоҳнинг сўзлаган ҳикматли гаплари ива қилган ишлари- ул зотнинг ҳадислари ҳисобланган.
3. Ислом дунёсида энг нуфузли манбалар деб саналган олти та тўплам (ас-сахих ас- сита) ни яратган муҳанддислар ҳам ватандошларимиз бўлиб, улар ҳадис илми ривожланган 9 асрда яшаб ижод этганлар.
4. Имом Бухорий ёдлаган 300000 ҳадисни 4-жилдлик “ал – Жомеъ, ас-Саҳих” миқдори билан, яъни 7275 та ҳадис билан солиштирсак, 165 жилд бўлади. Демак, Бухорий шунча жилдга сиғадиган ҳадисларни ёд билган, “ал-Адаб ал- Муфрад” асарида 1322 та ҳадис ва хабарлар 644 бобда жам қилинган.
5. Имом ат- Термизий Имом ал- Бухорийга шогирд бўлган. Унинг энг катта асари “Сунан” бўлиб, бугунги кунда шоир Мирзо Кенжабек томонидан “Сунани Термизий” номи билан ўзбек тилига ўгирилган ва нашр қилинган.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

7. Ёш авлода ислом таълимотини ўрганишга, унга ҳурмат ҳиссини тарбиялаш технологиясини ишлабчиқиш .
8. Ҳадис илмининг бугунги таълим-тарбиядаги ўрнини аниқлаш ва илмий асосини яратиш.
9. Имом ат- Термизийнинг маънавий қадриятлар меъросини, унинг ахлоқ-одоб ва таълим – тарбияга доир қарашларини, дунё қарашини ўрганишда ва улардан ҳозирга ёшлар таълим- тарбиясида фойдаланиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш”.
10. Инсоният маданиятига беназир ҳисса қўшган, замину замонларда барча авлодларга маънавий озуқа бахш этган Имом ал- Бухорийнинг “Ал-

Жомеъ ас- Саҳиҳ” ва “Ал- Адаб ал- Муфрад” асарларидаги ахлоқий қадриятларни ёшлар онгига сингдириш технологиясини ишлаб чиқиш.

11. Ислом динининг педагогика фани ривожда тутган ўрнини илмий асосини яратиш.

Адабиётлар рўйхати:

1. «Қуръони Карим» – Т.: 1992 й.
2. Хадисларда намуна. – Т.: 1992 й.
3. Беришрезиков Е. «Святўелики Туркистана» Т.: 1992 й.
4. Хошимов К ва бошқалар «Педагогика тарихи» Т.: 1996й.
5. Хайруллаев М «Ўзбекишк педагогикаси антологияси» 1-жилд. Т .: 1995й.

4 - Мавзу: ШАРҚ УЙЎНИШ ДАВРИДА ПЕДАГОГИК ФИКРЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.

(2 – соат ажратилган)

Асосий саволлар:

1. Шарқ уйғониш даври ва унда таълим - тарбия масалалари.
2. Абу Наср Фаробийнинг педагогика тараққиётига қўшган хиссаси.
3. Абу Райхон Беришрезиковнинг педагогик фикрлари.
4. Абу Али Ибн Синонинг педагогик қарашлари.
5. Унсурул Маоли Кайковус ёшлар тарбияси ҳақида.
6. Юсуф Хос Хожиб ёш авлодга таълим тарбия беришриш тўғрисидаги қарашлари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Умумпедагогик ҳамда дидактик ғоялари, таълимий-ахлоқий қарашлар, шарқ уйғониш даври, педагогик фикр тараққиётида, маданий-маърифий ҳаёт, маданий ривожлантириш замини, академия, расадхона, маданий юксалиш, ахлоқий-фалсафий асар, шахс камолотини таркиб топтириш, ахлоқий хислатлар.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Ал- Маъмун томонидан ташкил этилган “Байтул ҳикма”- Академия барча илм соҳиблари тўпланган марказ ташкил этилди. Ушбу марказ Шарқ ва Ғарб илм - фанининг тараққий этишига, маънавий ҳаётнинг юксалишига қандай таъсир этади. Фикрингизни мисоллар билан исботланг.
2. Фаробийнинг таълимотича, инсоннинг 5 та сезги аъзоси 5 та турли вазифани бажаришига мувофиқлашган бўлиб, улар ташқи муҳитдан олинган хабарларни бир ягона марказга олиб келади, ва марказда барча хабарлар – образларда умумлашади деган фикрига изаҳ бериш. Фикрингизни тўғрилигини мисоллар билан тушунтириш.

3. Фаробийнинг “ таълим – деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш, тарбия назарий фазилатларни, маълум хунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулқ нормаларини ва амалий малакаларини ўргатишдир”- деган фикрини миллий- илмий педагогикада берилган таъриф билан солиштириб изоҳланг. Фикрингизни тўғрилигини исботланг.

4. Абу Али ибн Синонинг фан ва маданият тараққиётига жуда катта ҳисса қўшган. Бу фаолияти учун халқ унга қандай унвон берган. Сиз бунга қандай фикр билдирасиз? Фикрингизни тўғрилигини исботланг. Маъмун академиясидаги ўрнини аниқлаб, изоҳланг.

5. Юсуф Хас Ҳожиб турк бунёсидаги миллий уйғониш даврининг энг йирик мутафаккирларидан. Сизнингча алломанинг педагогик қарашларини қандай изоҳлаш мумкин? Бугунги кун учун қандай аҳамиятга эга. Фикрингизни тўғрилигини мисоллар билан исботланг.

1-асосий савол: Шарқ уйғониш даври ва унда таълим-тарбия масалалари.

1- савол бўйича дарснинг мақсади: Шарқ уйғониш давридаги таълим-тарбиянинг моҳиятини талабаларга тушунтиради, шарқ уйғониш таълим-тарбиявий фикрларни тўғри талқин этади. Мутафаккир олимлардаги хислатларни ўрганиб ўзларида кўникиш ҳосил қилишга ўргатади.

Идентив ўқув мақсадлари (вазифалари):

1. Шарқ уйғониш даврдаги таълим-тарбиянинг моҳиятини тушунтириб берилади.
2. Шарқ уйғониш даврининг жамият аъзоларини таълим-тарбияга бўлган муносабатини изоҳлаб беради.
3. Шарқ уйғониш даври таълим-тарбиясини ҳозирги давр таълим-тарбиясига таққослаб энг қадирланган ахлоқий сифат ва фазилатларни ажратиб кўрсатади.

1-асосий савол баёни:

Араб халифалигида юз берган ижтимоий-сийсий ўзгаришлар ягона ислом дининг таркиб топиши маданий, маънавий ҳаётга ҳам таъсир этди. Унда катта кўтаринкилик руҳини пайдо қилди. Араб халифалигида IX асрда вужудга келган уйғониш даври халифаликнинг Боғдод, Дамашқ ва бошқа шаҳарларида бошланиб барча бошқа халқлар маданий ҳаётига тарқалган бу эса у давлатнинг ҳам маданий ривожланишига замин тайёрлаган. Халифалик емирилиши натижасида ташкил топган мустақил давлатлардаги маданий ривожланиш халифалик даврдаги маданий ривожланишнинг давоми бўлди.

Халифа Хорун ар-Рашид ва унинг ўғли Маъмун даврида Боғдодда «Байтул хикма» (Донишмадлик уй) (Ҳозир академия маъносида ташкил

этилди). Мазкур академия барча илм соҳиблари тўпланган марказга айланди. Унинг қошида жаҳон кутубхонаси ташкил этилди, расадхона ҳам қурилди, кейинчалик янги кутубхона барпо этилди. Бахдоддаги мазкур илм маркази, ўз навбатида шарқ ва ғарбда илм-фаннинг тараққий этишига, маънавий ҳаётнинг юксалишига таъсир этган. Бу ўринда халифа ал-Маъмуннинг илм-фан равнақида кўрсатган хомийлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Халифа ал-Маъмун илм-фанни жуда қадрлаган. У IX аср бошларида халифаликнинг Хуросондаги ноиби бўлган вақтида ҳам Моворауннахр ва Хуросондаги олимларни тўплаб уларнинг ижодига шароит яратиб берган. Булар орасида ал-Хорозмий, ал-Фарғоний, ал-Жавҳарий каби ватандош олимларимиз бўлган. Ал-Маъмун халифалик таҳтига ўтиргач, у олимларни барчасини Бағдодга чақириб олди.

Шунингдек, қадимги яратилган маданий ёдгорликлар улар хох юнон, хох араб, хох Моворауннахр ва Хуросон халқининг энг қадимги антик даврлар маданияти бўлсин, уйғониш даври маданиятининг ва ривожланишига асос бўлиб хизмат қилди.

Агар Араблар Ўрта Осиёни босиб олиб бу ерда илгари мавжуд бўлган фан ва маданият ўчоқларини йўқотган бўлсалар кўп ўтмай қадимий илмий анъана аста секин тикланиб, натижада илм-фаннинг етук симолари етишиб чиқа бошлади. Буларнинг барчаси бир-бирига қўшиливи натижасида шарқда бир бутун маданият таркиб топади ва ривожлана бошлайди.

Яқин ва ўрта шарқда, жумладан Эрон, Кавказ орти ва Ўрта Осиёда савдо алоқаларининг ривожланганлиги, хунармандчиликнинг тараққий этиши, иқтисодий ва маданий алоқаларининг барчаси умумий ривожланишга таъсир этди. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги маданий юксакликга олиб келган асосий сабаб феодал муносабатларнинг янги босқичи бўлди. (М. Хайруллаев). Бу даври маданий тараққиётида араб халифалигига бўйсунган мамлакатларнинг хўжалик иқтисодий алоқаларнинг кучайиши ва бунинг оқибатида турли маданиятлар Хинд, Ўрта Осиё, Эрон, Араб, Юнон, Рим маданиятларининг яқиндан ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсир этиб бориши катта роль ўйнайди.

Бу даврда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиганер майдонлари кенгайди, кўплаб суғориш иншоатлари тикланди ва янгилари қурилди, пахта, зиғир, каноп экилиб улар толасидан мато тўқилди. Қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилик саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши савдонинг ривожланишига ер очда натижада яқин ва ўрта шарқ мамлакатларининг чет давлатлар: Испания, Хиндистон, Хитой, Византия билан савдо ишлари кўлами ортиб борди. Шарқ ва ғарбнинг ҳаётида янги давр бошланди. Бу жараённинг айниқса Овropa учун аҳмияти бекиёс бўлди. Шарқ фақатгина Овropa маданиятининг ривожига таъсир этибгина қолмай балки умуман Овropалик одамнинг психологияси, тафаккури, характери, ҳаёт тарзини, тарихий жараёнини тубдан ўзгартириб юборди ва математика, фалсафа, астрономия, тиббиёт, хулқ-одоб, турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий ҳаётга юқори даражада таъсир этди.

Х асрдан бошлаб Моворауннахр ва Хуросонда мустақил феадал давлатлар Тохирийлар, Самонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хорозмшоҳлар давлатларининг пайдо бўлиши ҳам маданий ҳаётнинг янада раванқ топишига олиб келди. Бу даврда пул муомаласи ривожланди. Жамият сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар албатта маданий ҳаётга ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Самонийлар давлатида Марв, Бухоро, Самарқанд ва Урганч ўша даврнинг маданий марказларидан саналади. Бу даврда араб тили илмий ва алоқа эди. Мактабларда дарслар араб тилида олиб борилад эди. Расмий ҳужжатлар, шеърят қоидалари араб тилида юритилар эди. Илмий асарлар ҳам араб тилида ёзганлар эди. Х аср ўрталарига келиб, форс-тожик тилида ҳам иш юритила бошлади, аммо ёзиладиган ҳужжатлар, ишлар форс-тожик тилида бўлса ҳам араб имлосида ёзилар эди. Ўша даврда Бухорода катта китоб бозори бўлган, китоб дўконларида олим ва фозил кишилар учрашиб, илмий баҳс, мунозаралар ўтказганлар.

Шарқ уйғониш даврида илм-фан ривожланиши **уч йўналишда** бўлади.

Биринчи йўналиш, математика, тиббиёт йўналиши бўлиб, Буларга математика, астрономия, кимё, геодезия, минерология, тиббиёт, фармокология ва бошқа фанлар киритилиб, Маҳаммад, Аҳмад Фарғонийлар математикага оид Ибн Сино тиббиёт ва фалсафа, Абу Райхон Беруний тиббиётга оид йирик асарлар яратдилар.

Иккинчи йўналиш ижтимоий-фалсафий йўналиш бўлиб, бунда фалсафа, тарих, мантиқ, фикх, руҳшунослик, нотиклик ва бошқа фанлар бўлиб, бу соҳада Фаробий, Ибн Сино, Муҳаммад Наршахий ва бошқалар фаолият кўрсатганлар.

Учинчи йўналиш-таълимий-ахлоқий йўналиш бўлиб, бу соҳада комусий олимлар ўз қарашларини ижтимоий-фалсафий ва илмий асарлари таркибида ёки ахлоқий асарларида баён этсалар адиб ва тарбияшунос олимлар таълимий-дидактик асарларида ифодаганлар.

Шарқ уйғониш даврида инсон муаммоси маънавият соҳасидаги асосий масала бўлган. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия масалаларига катта эътибор берилган, яратилган асарларда Шарққа хос бўлган инсоннинг ахлоқий-руҳий камолотини улуғлаш етакчи ўрин тутган. Инсонпарварлик ғоясини амалга оширишнинг асосий воситалари сифатида юксак ахлоқий одатлар, инсоний муносабатлар ва хислатларни таркиб топтиришга олиб келучи таълим-тарбияни амалга ошириш муҳим масала қилиб қўйилган. Зеро, инсоний ғоясида юксак ахлоқий хислатлар ифодалангани учун ҳам шарқ уйғониш даври фалсафаси ва педагогикасида таълим-ахлоқий йўналиш муҳим аҳамият касб этади. Ахлоқ масаласи файласуфларнинг, буюк мўтафаккирларнинг, ҳам тарихчи, шоир ва адибларнинг ҳам бирдек диққат марказида бўлади. Таълим-ахлоқий рисоалар пайдо бўлиб, ахлоқнинг ҳам назарий, ҳам амалий масалалари таҳлил этилди. «Фозил дамлар шаҳри», «Бахт саодатга эришув ҳақида», «Ахлоқ ҳақида рисола», «Ишқ рисоласи», «Қўтадғу билиг», «Хиббатул ҳаққойик», «Қобуснома»,

«Гулистон», «Бўстон», «Махбуб ул-кулуб» каби Фаробий, Ибн Сино, Юсуф хос хожиб, Ахмад Юганкий, Тусий, Давоний, Кашифий, қайковус, Жомий, Алишер Навоийларнинг таълим-ахлоқий асарлари инсон шахсини маънавий-ахлоқий муаммосини ҳал этишда соф педагогик асарлар сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Шарқ уйғониш даври таълимий-дидатик асарларида инсон шахсининг камол топиши йўллари, усуллари баён этилди. Бу давр педагогикасида касб хунар ўрганиш илм ўрганиш билан баб-баробар талаб этилди. Инсонни камолотга ёзувчи ахлоқий хислатлар сифатида дўстлик, садоқат ва вафо, севги ва муҳаббат, ватанпарварлик, самиймийлик, саховат, муровват, эркинлик, иродалилиқ, жасурлик кабилар илгари сурилади. Салбий хислатлар сифатида рашк, риёкорлик, худбинлик, очкўзлик, хирс, сотқинлик кабилар қораланади.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Тест. «Байтул хикмат» (Донишмандлик уйи) қайси даврда ким томондан ва қаерда ташкил топган?

- А) Арабистонда (770-846) ййилларда Халифа Хорун томонидан;
- Б) Халиф Хорун ар-Рашид (786-853) ва унинг ўғли Маъмун даврида Боғдодда ташкил этилди;
- В) Иккала жавоб ҳам тўғри;

2. Тест. Шарқ «Уйғониш даври»да илм-фан неча йўналишда ривожланди ва қайсилари.

- А) Икки йўналишда 1. математика-тиббиёт йўналиши, 2. таълим-ахлоқий йўналиш
- Б) Бир йўналишда 1. Ижтимоий фалсафий йўналиш. 2. математика-тиббиёт йўналиши.
- В) Уч йўналишда 1. Ижтимоий фалсафий йўналиш 2. таълим-ахлоқий йўналиш

3. Шарқ «Уйғониш даври»да таълим-тарбиянинг мазмунини ўрганиб моҳиятини аниқланг. (фойдаланиш);

4. Шарқ «Уйғониш давр»даги таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифаифаларини асосланг (баҳолаш);

5. Шарқ «Уйғониш даври»да таълим-тарбия ҳозирги мустақиллик давр таълим-тарбияга узвийбоғлиқлигини тақослаб кўринг (баҳолаш);

2-асосий савол; Абу Насир Фаробийнинг педагогика тараққиётига қўшган хиссаси

2-асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Фаробийнинг педагогика тараққиётига қўшган хиссаси моҳиятини талабаларга тушунтиринг. Унинг таълим-тарбия фикрларини тўғри талқин этади. Мўтафаккирларнинг инсон камолоти ҳақидаги фикрлари ўрганиб қўшимчаҳосил қилишга ўргатади.

Индегтив ўқув мақсадлар (вазифаифалари):

1. Абу Насир Фаробийнинг педагогика тараққиётига қўшган хиссасининг моҳиятини тушунтириб беради.
2. Унинг таълим-тарбиявий фикрларини изоҳлаб беради.
3. Шарқ мутафаккирларини инсон камолотига оид фикрларининг аҳамиятини шарҳлаб беради.

2. Асосий савол баёни:

Ўрта аср ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти мўтафаккир Абу Насир Фаробий номи билан боғлиқ бўлиб, унинг инсон камолоти ҳақидаги таълимот таълим-тарбия соҳасида катта аҳамиятга эга. Машхур юнон файласуфи Арастудан кейин Шарқда ўз билими, фикр доирасини кенглиги билан ном чиқарган Фаробийнинг йирик мўтафаккир-«Муаллими соний» - «Иккинчи муаллим» деб атайдилар.

Фаробий таълим-тарбияга бағишланган асарларида таълим-тарбиянинг муҳимлиги, унда нималарга эътибор беришриш зарурлиги таълим-тарбия усуллари ва услублари ҳақида фикр юритади. «Фозил одамлар шаҳри», «Бахт гаодатга эришув тўғрисида», "Ихсо-ал-улум", "Илмларнинг келиб чиқиши", Ақл маънолари тўғрисида" каби асарларида ижтимоий тарбиявий қарашлари ўз ифодасини топган.

Фаробий "Бахт саодатга эришув тўғрисида" асарида билимларни ўрганиш тартиби ҳақида фикр баён этган. Унинг таъкидлашича, аввал билиш зарур бўлган илм ўрганилади, бу-олам асослари ҳақида илмдир. Уни ўргангач, табиий илмларни, табиий жисмлар тузилишини, шаклини, осмон ҳақидаги билимларни ўрганиш лозим. Удан сўнг, умуман, жонли табиат-ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақидаги илм ўрганилади, дейди.

Фаробий инсон камолотга ёлғиз ўзи эриша олмайди. У бошқалар билан алоқада бўлиш, уларнинг кўмаклашуви ёки муносабатларига муҳтож бўлади, деб ҳисоблайди.

Фаробий таълим-тарбиянинг асосий вазифаифаси " жамият талабларига жавоб беришра оладиган ва шу жамият учун хизмат қиладиган етук инсонни тарбиялашдан иборат деб билади.

Фаробий таълим ва тарбияга биринчи марта таъриф беришрган олим саналади. Таълим-деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий. Билим беришриш; Тарбия-назарий фазилатни, маълум хунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулқ нормаларини ва амалий малакаларини ўргатишдир, дейди олим.

Абу Наср Фаробий яна айтади: «Таълим-деган сўз ҳалқлар ва шаҳарликлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириш, тарбия эса шу ҳалқлар ўртасидаги туғма фазилат ва амалий касб хунар фазилатларини бирлаштириш деган сўздир».

Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса, амалий иш тажриба билан, яъни шу ҳалқ, шу миллатнинг амалий малакалардан

иборат бўлган иш-ҳаракат, касб-хунарга берилган бўлиши, ўрганишдир", - дейди.

Форобий таълим-тарбияда рағбатлантириш, одатлантириш, мажбур этиш методларини илгари сўрган. Ҳар иккала усул ҳам пировардида инсонни ҳар томонлама камолга етказиш мақсадини кўзлайди.

Хулоса қилиб айтганда Форобий педагогик таълимотининг асосида комил топган инсонни, шакллантириш инсоннинг ўз моҳияти билан ижтимоийлиги, яъни фақат жамиятда, ўзаро муносабатлар жараёнида комиллика эришади, деган фалсафий қараши ётади.

Инсоннинг камолга етишида ҳам ақлий, ахлоқий тарбиянинг ўзаро алоқаси муҳим аҳамият касб этади. Бунда Форобий тавсия этган таълим ва тарбия усулари ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги билан диққатга сазовордир.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

Тест. Форобий таълим-тарбиянинг асосий вазифаифаси нимадан иборат дейди.

- а) таълим-тарбиянинг асосий вазифаси инсонни камолотга ёлғиз эришишдан иборат деб билади.
- б) таълим-тарбиянинг асосий вазифаси шу жамият учун хизмат қиладиган етук инсонни тарбиялашдан иборат деб билади.
- в) комил инсонни тарбиялаш деб билади.
- г) ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаб вояга етказиш.

2. Абу Наср Форобийнинг фикрига инсонда гўзал фазилат қандайҳосил хилишини аниқланг. (фойдаланиш)

- а) Форобий инсонда гўзал фазилатлар икки йўл таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади ҳар иккаласи бирлашса, етуклик номоён бўлади деб ҳисоблайди.
- б) Форобий инсонда гўзал фазилатлар фақат таълим йўли билан ҳосил қилинади деб ҳисоблайди.
- в) Форобийнинг фикрича инсонда гўзал фазилатлар фақат тарбия йўли билан ҳосил қилинади.

3. Абу Наср Форобийнинг педагогика тараққиётига кўшган хиссасини моҳиятини изоҳланг. (тушунтириш)

4. Абу Наср Форобийнинг педагогик фикрларини ҳозирги замон педагогикаси узвийбоғлиқ томонини таққосланг.

5. Абу Наср Форобийнинг бугунги кун учун қадирли педагогик фикрларини ёшлар онгига сингдириш йўллариини ишлаб чиқиш.

3-асосий савол: Абу Райҳон Берунийнинг педагогик фикрлари.

3-асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Абу Райҳон Берунийнинг педагогик фикрларини моҳиятини талабаларга тушунтирилади. Унинг

асарларининг тарбия аҳамиятини талабалар сингдирилиб, уларни ўрганишга қизиқишни тарбиялаш.

Идентив ўқув мақсадлари (вазифалар).

1. Абу Райхон Берунийнинг таълим-тарбияга оид фикрларини тушунтириб беради.
2. Абу Райхон Берунийнинг ахлоқий қарашларини изоҳлаб беради.
3. Берунийнинг таълим-тарбияга оид қарашларининг ҳозирги давр ёш авлодлар тарбиясига таъсирини асослаб беради.

3-асосий саволлар баёни

Қомусий олим Абу Райхон Муҳаммад ибн Ахмад ал-Беруний Х асрнинг иккинчи ярми ва XI асрнинг бошларида, ғоят мураккаб тарихий даврда яшади ва ижод этди. Абу Райхон Беруний 362 йил 3 зулҳижжада (милодий 973 йил 4 сентябрь) Хоразмнинг Қиёт шаҳрида дунёга келди. Берун - бирун сўзи "ташқари", шаҳардан ташқарида деган маънони англатади.

Беруний хали жуда ёш олим бўлишига қарамай, Қиёт шаҳрида 994-995 йилларда астрономик кузатишлар ўтказган. Бу кузатишлар учун ўзи астрономик асбоблар ихтиро этган. Ўша даврда Хоразмда ва Каспий олди вилоятларида Қобус ибн --Вушмагир ёш олимга хайрихоҳлик кўрсатади. Шамс ал Маоли" ("Оли мартабалар куёши") лақаби билан машхур бўлган бу подшоҳга бағишлаб Беруний "қадимги халқлардан қолган --ёдгорликлар" асасарини ёзади ва унга тақдим этади. Бу асар Беруний номини-- Яқин ва Ўрта Шарққа машхур қилди.1004 йилда Беруний Маъмун II ибн Маъмун томонидан Хоразмга чақириб олинади ва унинг яқин маслахатчиси бўлиб қолади . Маъмун даврида Урганчда "Маъмун академияси" номли илмий марказ ташкил этилади ва у ерда мусулмон шарқининг йирик олимлари фаолият кўрсатади.

Беруний бир неча йил ноёб металллар ва қимматбаҳо тошлар устида кузатишлар ва тажрибалар олиб боради ва кейинчалик ана шу тадқиқотлар асосида "Минералогия" асасарини яратади. Берунийнинг яна бир муҳим асари мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалардир. Бу асарда ҳам у бир неча фанлар юзасидан дастлабки тушунча, маълумотлар беришган.

Маълумки, Махмуд Ғазнавий Хиндистонга қарши босқинчилик юришларини олиб борган. Ана юришларнинг бирида Беруний ҳам Ғазнавийга ҳамроҳ бўлиб борди. У санскрит (эски хинд тилини) билганлиги хинд халқи маданияти, адабиёти ва санъати билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди ва бу меҳнатлари натижасида 1030 йилда ўзининг Шарқ ва Ғарбда кенг эътироф қилинган машхур "Хиндистон" асарини яратади. Китобнинг тўлиқ номи "Китобу фи таҳқиқи молил Хинд маъкулатин макбўлатин фил Ақли ав марзулатин", яъни "Хиндларнинг сиғадиган сиғмайдиган таълимот асарини аниқлаш китоби" бўлиб, ўқишга

кулай бўлишлиги учун қисқача "Тахкику мо-мил Хинд"-(“Хиндистонга оид тадқиқотлар” ёки "Хиндистон") деб юритилади.

Беруний астраномияга оид "ал - қонун ал - Масъудӣ" ("Масъуд қонуни") номли йирик асарни шох Масъудга бағишлайди. Беруний яна "қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар тўплами" ("Минералогия"), "Доривор ўсимликлар ҳақида китоб" ("Китоб ас-саидона фи - т-тибб китоби асарларини ҳам ёзди. "Минералогия" шарқдагина эмас, Европада ҳам қимматбаҳо тошларни ишлаш усуллари ва улар билан савдо қилиш қонунларни ўрганиш. ер ости бойликларини текшириш ҳақида маълумот берса, "Саидона" номи билан машхур бўлган кейинги асарда Шарқдаги доривор ўсимликларнинг тавсифи баён қилинган. Мутафакир илгари --сурган ахлоқий хислатлардан яна бири адолатдир. У жамиятда адолат ўрнатиш, уни ёвузликлардан халос этиш учун доно, адолатли ҳукмдор бўлиш керак дейди. Беруний инсонни камолотга етказувчи хислатлардан яна бири олижаноблик деб кўрсатади. Олижанобликнинг мазмуни яхшилик ташкил этади. Бунда олим инсон сифатида муамола қилишни назарида тутди.

Энг муҳим мутафакир инсон камолотида меҳнат ва меҳнат тарбияси ҳақида муҳим фикрларни баён этади. Беруний инсон камолотида уч нарса муҳимлигини таъкидлайди. Бу ҳозирги давр педагогикаси эътироф қилувчи ирсият, муҳим тарбиядир. Беруний инсон ҳар томонлама камолотга етиш учун у илмий билиши билан бирга меҳнатсевар ва ҳунар эгаси бўлиш керак дейди.' Юқоридагилардан кўриниб турибти Беруний комил инсонни га оид бу фикрлари фақат замонаси учун эмас, ҳозирги давр таълим-тарбия ишлар такомиллаштиришда ҳам катта аҳамиятга эга. Зеро, унинг ўзи ҳам ҳақиқий комил инсонга хос хислатларга эга эканлигини, ҳаёти ва ижодий фаолияти, ёзган асарлари билан исботлаб, келажак авлодларга катта маънавий мерос қолдирди.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1.Тест. Берунийнинг Қайси асари ўша давр мактаблари учун бошланғич асосий фанлардан маълумот берувчи дарслик ҳисобланган. (билиш)

- а) “Геодезия”
- б) “Хиндистон.”
- в) "Юлдузшуносликда бошланғич маълумотларни англаш
- г). “Қонуний Маъсудий”

2. Тест. Беруний асарлари қандай принципларга асосланган. (тушунтириш)

- а) Инсонпарварлик ва инсоншунослик.
- б) Илмийлик, демократик.
- в) Тизимийлилик, изчиллик.
- г) Билиш ва тарбиянинг табиатга уйғунлик принципи.

3. Берунийнинг педагогик ғояларидан энг муҳими нимадан иборат.(фойдаланиш)

а) Билимни асослари эгалашдан.

б) Билимни пухта ва мустахкам эгаллашдан.

в) Ўқитишни табиатга уйғун бўлиши.

г) Тарбияни асосини эгаллашдан.

4. Берунийнинг педагогик ғояларини ҳозирги давр ёшларининг таълим-збиясига узвий боғлиқлигини таққосланг. (баҳолаш)

4-асосий савол: Абу Али Ибн Синонинг педагогик қарашлари.

4- асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Абу Али Ибн Синонинг педагогик қарашларининг моҳиятини талабаларга тушунтирилади. Ибн Синонинг асарларини тарбиявий қирраларини ўрганишга қизиқиш уйғотади.

Идентив ўқув мақсад (талабалар учун ўқув вазифалари)» .

1. Абу Али Ибн Синонинг педагогика тараққиётига қўшган хиссасини моҳиятини тушунтириб беради.
2. Унинг педагогик қарашларини аниқлаб беради.
3. Унинг педагогик қарашларини ҳозирги даврдаги педагогик аҳамиятини шарҳлаб беради.

3- асосий савол баёни

Шарқда "Шайх ар - Раис" номи билан машхур бўлган алломалардан бири ўрта аср буюк мутафаккири Абу Али ибн Синодир. Ибн Сино ҳам бошқа замондош Қомусий олимлар катори математика, астрономия, физика, «кимё, биология, тиббиёт, доришунослик, рухшунослик ,физиология, фалсафа, филология, таълим-тарбия соҳаларида ижод этган ва дунёга машхур йирик асарлар мерос қолдирган олим.

Абу Али Ибн Сино 980 йилда Бухоро яқинидаги Афшона кишлоғида кичик амалдор оиласида дунегга келади. Кейинроқ унинг оиласи Бухорога кўчиб ўтгач, у бошланғич мактабда ўқий бошлайди. Ундаги туғма қобилият, ўткир зехн, кучли хотира ўзаро бирикиб кетган эди. Ибн Синонинг отаси Абдуллох ҳамда унинг дустлари билимдон кишилар бўлиб, уларнинг илмий мунозара ўтадиган оилавий муҳим ёш Ибн Синога ҳам таъсир этади. Шу билан бирга унинг болалик ва усмирлик йиллари ўтган Бухоро шаҳри Сомонийлар даврининг йирик маданий маркази ҳисобланар эди. Бухорода кўплаб Мадраса, касалхона нодир китоблар сақланадиган кутубхона бўлган. Жахоннинг турли мамлакатларидан келган олимларнинг мунозараларида ёш Ибн Сино ҳам катанашиб, турли фанларга билимларини чуқурлаштириб борган. У устозларидан хинд ҳисоби, фикҳдан биглим олган. Кейин эса файласуф Абу Абдуллох Нотилийдан фалсафа мантик, хандаса ва бошқа фанлардан таълим олади. Шундан сўнг Ибн Сино ўзи мустақил ҳолда

барча фанлар билан шуғуллана бошлайди. У Айниқса тип илмини чуқур эгаллаб олади, бу сохада унга таълим беришган киши бухоролик Абу Мансур Камарий бўлди. Ибн Сино сўнгра фалсафани ўрганишга киришади. Айниқса, Аристотель фалсафасини, унинг “Метафизика” асари моҳиятини буюк мутафаккир Абу Нарс Форобийнинг ёзган шарҳи туфайли тўлиқ ўзлаштириб олади.

Х аср охири - ХІ аср бошларига келиб, ўлкада сиёсий-ижтимоий вазият мураккаблашади. Шу туфайли Ибн Сино Хоразмга - Урганчга кўчиб ўтади. Хоразмда у бир қатор олимлар билан ҳамкорликда Абу Райхон Беруний бошқараётган "Маъмун академиясида" илмий иш билан шуғуллана бошлайди. Хоразмда ўзининг йирик асари - "Тиб қонунлари" , "Аш-Шифо китоблари устида иш олиб боради.

Маълумки, Ибн Сино ҳам бошқа мутафаккирлар каби ўзининг таълим-тарбияга оид қарашларини ижтимоий-фалсафий қарашлари билан боғлиқ ҳолда ифодалаган, махсус рисоаларда талкин этган. Шунингдек, фанларни тасниф этади. Бунда у биринчи ўринга тиббиёт фанларини қўяди. Фалсафани эса икки гуруҳга , яъни назарий ва амалий гуруҳларга бўлади. Назарий гуруҳ кишиларни ўзидан ташқаридаги борлик ҳолати ҳақидаги билимларни эгаллашга йўлласа, амалий қисм бизга бу дунда нима қилишимиз кераклигини ўргатади дейди.

У биринчи ўринга этика, иқтисод, сиёсатни киритади. Иккинчи гуруҳга физика, математика, метафизика, дуне қонуниятларини ўрганувчи барча фанларни киритади.

Абу Али Ибн Сино камолотга эришишнинг биринчи мезони саналган маърифатни эгаллашга давъат этади. Чунки илм-фан инсонга хизмат қилиб, табиат қонуниятларини очиб авлодларга етказиши керак. Бу мақсадга етишиш учун инсон кийинчиликлардан кўркмаслиги зарур, дейди. "Эй биродарлар! “Одамларнинг ботири мушкулотдан кўркмайди. Камолотҳосил қилишдан бош тортган киши одамларнинг энг кўркогидир".

Талабага билим бериш ўқитувчининг масъулиятли бурчидир. Шунга кўра Ибн Сино ўқитувчининг қандай бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритар экан, шундай йўл-йуриklar беради. Булар қуйидагилардан иборат:

- болалар билан муомалада босик, жиддий бўлиш;
- берилаётган билимнинг талабалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериши.
- таълимда турли метод ва шакллардан фойдаланиш;
- талабанинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиши;
- фанга қизиқтира олиши;
- берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бера олиши;
- билимларни талабаларга тушунарли, унинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериши;
- Ҳар бир сўзнинг болалар хиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиш зарур, дейди олим.

Ибн Синонинг тарбиявий қарашларида оила ва оилавий тарбия масалаларига кенг ўрин берилган. Чунки инсон аввало оилада камолотга етади. Олим оилада ота-онанинг вазифаси ва бурчига катта эътибор беради. Оила муносабатларига тўхталар экан, айниқса ота-оналарнинг оилада меҳнат севарлиги билан фарзандларини ҳам касб ва хунарга ўргатиши борасида муҳим фикрлар баён этади. Инсоннинг хулқи ва рухига меҳнатнинг ижобий таъсирини таъкидлаш билан бир қаторда турли касб эгалари хунаrmанд, деҳқонлар меҳнатини улуғлайди ва қиморбоз, судхўр кабиларни қоралайди. У меҳнатсиз ҳаёт кечириш инсонга ҳам рухий томондан салбий таъсир этишини тўғри талкин этади.

Ибн Синонинг таълим-тарбиявий қарашларида инсоннинг ҳам ақлий, ҳам ахлоқий-эстетик ҳамда жисмоний томондан ривожланиши унинг камолга етишининг асосий мезони сифатида талкин этилади.

Тарбия тизимига жисмоний тарбиянинг киритилиши эса Ибн Синонинг тарбия соҳасидаги катта хизматларидан бўлиб ҳисобланади.

Ибн Сино инсон камолотида ақлий, ахлоқий, жисмоний тарбиянинг ўзаро алоқада амалга оширишнинг илмий таълимотини, усулларини яратиб, таълим-тарбия соҳасида ўз ўрнига эга бўлди.

Олимнинг буюк хизматларидан бири шундаки у инсоннинг меҳнати, қобилияти, ақл-заковатини улуғлайди, ундаги қудратга ишонади, инсон тафаккурининг тантана қилиши кераклигини тинмай тарғиб қилди.

Ибн Синонинг инсон камолотида таълим-тарбиянинг аҳамиятига оид қарашларини ижтимоий-фалсафий фикрлар таркибидагина эмас, балки мустақил рисоаларида ахлоқий масалаларни чуқур илмий-амалий жиҳатдан ифодалаган, илм-фан соҳасида тарбияшунос олим сифатида ҳам тадқиқ этиш, ўрганиш навбатдаги вазифалардан ҳисобланади.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Тест. Ибн Сино инсон камолотида қандай тарбияларнинг алоқада амалга оширишнинг илмий таълимотини, усулларини яратди. (билиш).

- а) Ақлий, ахлоқий, жисмоний.
- б) Ақлий, ахлоқий, эстетик.
- в) Ақлий, ахлоқий, иқтисодий.
- г) Ақлий, ахлоқий.

2. Тест. Ибн Сино инсон саломатлигини сақлашни фаолиятининг бошқа барча томонларини билан боғлаб олиб бориш ғоясини қайси асарида илгари суради. (билиш)

- а) "Хай ибн Яхзон".
- б) "Китоб ат - ишорат ва ат танбихон".
- в) "Тиб қонунлари".
- г) "Тадбири манзил".

3. Ибн Сино педагогик қарашларини моҳиятини изоҳланг. (тушунтириш)

4. Унинг педагогик ғояларини ҳозирги давр пелагогикасига узвий

боғлиқлигини таққосланг.(баҳолаш)

5-Асосий савол. Унсурул Маолий Кайковус ёшлар тарбияси ҳақида.

5- савол бўйича дарснинг мақсади: Унсурул Маоли қайковуснинг таълим - тарбияга оид фикрларини моҳиятини талабаларга тушунтириш, унинг асаридаги тарбиявий хусусиятларини ёшларда тарбиялаш.

Идентив ўқув мақсадлар (талабшёр учув ўқув вазифашфаларш,).

1. Унсурул Маолий Кайковуснинг асарини моҳиятини ёритади.
2. Унинг асарини таълим – тарбиявий аҳамиятини изоҳлайди.
3. Унинг таълим-тарбияга оид қарашларининг ҳозирги давр ёш авлодлар тарбиясига таъсирини тушунтиради.
4. Унинг комил инсон тарбияси ҳақидаги қарашларини илмий назарий асосларини ишлаб чиқади.

5-асосий савол баёни

Кайковус 412 хзирий йилда (милодни 1021-1022) туғилган. Унинг авлодлари гилон қабиласидан бўлиб, Табаристонда (ҳозирги Каспий денгизининг жанубидаги ҳудуд) яшаганлар.

Аммо биз қайковус ҳақида батафсил маълумотларга эга эмасмиз. Кайковус ўз ҳаёти давомида кўрган-билганлари асосида ўзининг буюк "Қобуснома" асарини яратди. Китобни у ўғли Гилоншоҳга бағишлаган. Бу пайтда қайковус тахминан олтимиш ёшларда эди. "Қобуснома" Шарқда, хусусан Эроннинг ўзида ҳам сақланиб келаётган анъанага кўра панд-насихат тарзида ёзилган бўлиб, мана бир неча асрлардан бери халқларни, жумладан ёшларни ҳаётга, амалий фаолиятга тайёрлашда, уларни ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялашда муҳим қўлланма бўлиб келмоқда.

"Қобуснома" мураккаб йўлни босиб ўтди. Шўро мафкураси даврида [асарнинг. инсонни ақлий, ахлоқий тарбиялашдаги аҳамияти ҳоким синф ахлоқини тарғиб қилиш деб баҳоланди. Қайковуснинг Ватан ҳақидаги, касб-хунарни улуғловчи, билимларни эгаллаш ҳақидаги фикрлари, диний қарашлари сиёсий нуктаи назаридан кораланади. Асарнинг қиммати фақат унинг адабий-бадий, тил хусусияти ва тарихий жиҳатларида деб таъкидланади."Қобуснома" асарига давр ва шарт-шароитлар, сиёсий қарашлар таъсирида қай даражада соя ташланмасин, бу асар машҳур хинд асари "Калила ва Димна", Низом ул-Мулкнинг "Сиёсатнома", Носир Хисравнинг "Саодатнома", Юсуф Хос Хожибнинг "Кўтадгу билиг", Махмуд Қошғарийнинг "Девону лугатит турк" , "Саъдийнинг "Ғулистон", Ахмад Югнакийнинг "Хибатул ҳақойик", Алишер Навоийнинг "Махбуб ул-қулуб", Воиз Кошифийнинг "Ахлоқий муҳсиний", Давонийнинг "Ахлоқи Жалоли" каби ахлоқий-таълимий асарлари билан бир каторда

Шарқ педагогик фикр таракқиётида инсон камолотини шакллантиришда муҳим ўринни эгаллайди.

Унда Шарқ пандномаларидаги анъанага биноан ва X асрда пайдо бўлган

ёшлар жамоаси жувонмардлик тарбияси ифодаланади.

Инсондаги бошқа барча хислатлар шу уч нарсага боғлиқ, дейди кайковус. Жувонмардлик (ёки иёрлик)нинг устунларини (руқнлари) куйидагиларда деб кўрсатади: жасурлик, мардлик, сабр-матонат, ваъдага вафо қилмоқ, пок дил ва пок забон бўлмоқ; асирларга зиён етказмаслик, бечора кишиларга мадад бериб, ёмонларнинг ёмонлигини яхшилардан йироқ тутиш, ростгуйлик, яхшига ёмонлик қилмаслик, зиён-захматдан сақлаш одамларга ҳам зиён захмат етказмаслик. Жувонмард сипохийлар эса сабр-бардош билан иш тутиши, камтарлик ва меҳмондўстлик, сахийлик, ҳақшунослик пок кийниш, яхши курулланиши зарурлигини қайд этади.

Шунингдек, мазкур бобда Кайковус ақл ҳақида ҳам фикр билдириб инсон қобилиятининг бир хил эмаслигини, инсон ақлининг туғма, азалий ақл (табiiй ақл) ва касбий ақл, яъни муктасиб (ўрганилган ақл кабиларига бўлинишини баён этади. Касбий ақлни дониш дерлар, дейди.

Кайковуснинг ўзи таъкидлаганидек, бутун бир асар ана шу охириги бобида таъриф берган жувонмардлар тарбиясига бағишланган. Кайковус унда "... барча фикр ва тушунчаларимни сенинг учун китобга ёздим ва ҳар бир илм, ҳам хунар ва ҳар пешаким билур эдим, ҳаммасини қирк тўрт бобда этдим", дейиш билан ҳар бир ёшнинг ақлий, ахлоқий, жисмоний тарбиясига оид турмуш тажрибаси билан боғлаган ҳолда камолга етказиш йўллар усулларини баён этган. Китобда жувонмардлар эгаллаши зарур бу, куйидаги йуналишларда таълим-тарбия беришриш назарда тутилган:

1. Кайковус билим олиш ҳақида.
2. Хунар ва турли касб эгалари ҳақида.
3. Турмуш ва хулқ-одоб қоидалари ҳақида.
4. Жисмоний етуклик ҳақида.

Кайковус билим ва ақлнинг аҳамиятини улуғлар экан, уни мол-дунё, ҳам юқори кўяди: "Агар молсизликдан қашшоқ бўлсанг, ақлдан бой бўлмоққа саъй кўргузгилки, мол била бой бўл-ондан, ақл била бой бўлгон яхшироқир, нединиким ақл била мол жам этса бўлар, аммо мол била ақл ўрганиб бўлмас. Билгил, ақл бир молдирки, уни ўғри ололмас, у ўтда ёнмас, сувга оқмас" - деб таърифлар экан, инсон адаби ҳам ақлнинг белгиси, (адаб-суратил ақл") дея хулоса чиқаралди.

Кайковус жамият таракқиётида илм билан бирга касб-хунарнинг зурурлигини таъкидлайди: "Агар киши ҳар қанча олий насаб ва бой бўлсаю, аммо хунари бўлмаса, у халойиқнинг иззат ва ҳурматидан ноумид бўлур. Улуғлик ақл ва билим биладур, насл-насаб била эмас. Отни сенга ота ва онанг куймишлар, сен унга гарра бўлмагил . . . Аммо сен хунар била бир номга эга бўлгил". Шунинг учун ҳам асарда турли касб эгалари улуғланади. Касб-хунар ўрганишни билим олиш билан қўшиб олиб

боришни тавсия этади. Фанни амалиёт билан узвий алоқада қарайди. қайковуснинг бу қарашлари Ўша даврнинг илғор қарашларидан саналади.

Қайковус "Қобуснома" асарида жисмоний тарбияга ҳам катта эътибор зган. Зеро, қайковус асасарини жувонмардлар тарбиясига бағишлар экан, арнинг энг аввало жимонан соғлом бўлиб камолга етишини алоҳида ўсидлайди.

қайковуснинг "Қобуснома" асари ХІ асрда юзага келган йирик тарбиявий асардир. Бунда ўша даврга хос ҳар бир ёш эгаллаши зарур бўлган ақлий, ахлоқий, жисмоний тарбия билан боғлиқ фаолият турлари: отда юриш, мерганлик, сувда сўзиш, ҳарбий машқлар санъати, ифодали ўқиш, хатотлик санъати, шеър ёза олиш, мусиқий билимга эга бўлиш, шатранж ва нард уйинини билиш кабилар ҳам ўз ифодасини топган.

Қайковуснинг катта хизмати шундаки, у ёшларни ҳаётга тайёрлашда ҳар томонлама камолга етказишнинг назарий масалаларини амалий фаолиятга татбиқи нуктаи назаридан ифодалаши билан ҳамма замонларда, ҳар қандай тузумда ҳам ўз қимматини йуқотмади ва амалий ҳаёт дастури сифатида ўз ўрнига эга бўлди.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Тест. Қайковуснинг "Қобуснома" асари қандай мазмунга эга.

а) Панд - насихат тарзида ёзилган бўлиб, ёшларни ҳаётга, амалий фаолиятга тайёрлашда, уларни ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялашда муҳим қўлланма бўлиб келмоқда.

б) Асар иқтисодий. билимлардан иборат бўлиб , ёшларни демократик ҳуқуқий давлатга таёрлашдан иборатдир.

в) Асарда ақлий-ахлоқий, жисмоний тарбияга эътибор берилган бўлиб, ёшларни комилликка тайёрлашдан иборат. (билиш)

2. Қайковуснинг таълим-тарбияга оид фикрларини моҳиятини тушунтириб беринг. (тушунтириш).

3. Қайковуснинг ёшлар тарбиясига оид фикрларини ҳозирги давр таълим-тарбиясига узвий боғлиқлигини таққослаб кўринг.(баҳолаш)

6-асосий савол. Юсуф Хос Хожиб ёш авлодга таълим-тарбия бериш туғрисидаги қарашлари.

6- савол бўйича дарснинг мақсади: Юсуф Хос Хожибнинг педагогика тараққиётига қўшган хиссасини моҳиятини талабаларга тушунтирилади. Унинг таълимий-тарбиявий фикрларини тўғри талқин этилади. Мутафаккир асарида инсон камолотига оид фикрларни ўргатиб талабаларда кўникма ҳосил қилишга ўргатади.

Индентив ўқув мақсадлари (талабалар учун ўқув вазифалари).

1. Юсуф Хос Хожибнинг асарида ёшларга таълим-тарбия бериш ҳақидаги қарашларини моҳиятини тушунтириб беради.
2. Унинг педагогик қарашларини ҳозирги давр таълим-тарбиясига таъсирини белгилаб кўрсатади
3. Юсуф Хос Хожибнинг асаридаги таълим тарбияга оид қарашларининг ҳозирги давр ёш авлодлар тарбиясига таъсиринг таққослайди.

6-асосий савол баёни:

Юсуф Хос Хожиб Боласогунда туғилган, ўз асарини ёши элликдан ўтганда ёзган. Асарнинг хижрий 462 (1069 - 1070) ёзиб тугалланганлиги, уни ўн саккиз ойда, яъни 461 йилнинг биринчи ярмида бошлаб, 462 йилнинг ўрталарида тугатганлиги, агар бу даврда Юсуф Хос Хожиб 50 ёшлар атрофида бўлса, 410 (1019 милодий) йилларда туғилганлиги тахмин этилади. Юсуф Хос Хожибнинг "Қўтадғу билиг" асари 6500 байтдан ёки 13000

мисрадан иборат. Буюк мутафаккир асарни ёзиб тугатгач, қорахонийлар ҳукмдори Тавғачхон (китобда Тавғоч Улуг Бугра Қорахон (Хокон), Або Али Хасан бинни Сулаймон Арслон Қорахон (хокон) номлари билан зикр этилган ҳузурига келиб, унга тақдим этади. Китобхонга манзур бўлиб, унинг муаллифига Хос Хожиблик унвонини беради. "Қўтадғу билиг" асари катта шухрат қозонади. Шунинг учун ҳам "Қўтадғу билиг" ни чинликлар

(Хитой) "Адаб ул - мулук" ("Хукмдорлар одоби"), мочинликлар (Шарқий Туркистон) "Анис ул-малолик" ("Мамлакаттанинг тартиб усули"), эронликлар.; "Шохномаи туркий", Шарқ элида "Зийнат ул-умаро", ("Амирлар зийнати");; туронликлар "Қўтадғу билиг" баъзилар эса "Пандномаи мулук" ("Хукмдорлар насиҳатномаси") деб атагани китоб муқаддимасига киритирилади. Мазкур асарнинг шухрат топиши бежиз эмас эди. Чунки Юсуф; Хос Хожиб ўз даврининг етук мутафаккири, чуқур билимли, донишманд киши эди. Буни асарнинг мундарижаси ва мазмунидан ҳам билсак бўлади. У ўз асарида тиббиёт, фалакиёт, тарих, тиббиёт, география, риёзиёт, хандаса, фалсафа, адабиёт, таълим-тарбия, фиксга оид фикрларни баён этиб, файласуф ва Қомусий олим сифатида ўзини номён этди. Чунончи у барча ижтимоий табақалар ўртасидаги муомала, муносабатларни ёритиш билан дипломатияга оид қоидалар тизимини яратди, турли касб эгаларининг касб-корига оид талаблар ва жамиятнинг ахлоқий тамойилларини тараннум этиш билан таълим-тарбия соҳасида ўзига хос услубни яратди.

"Қўтадғу билиг" - бахт ва саодатга элтувчи билим, таълим Дега маънони билдиради. Демак, асар номидан ҳам унинг панд-насиҳатлар, таълим-тарбияга оид, Ҳар томонлама комил инсонни тарбиялайдиган етук дидактик асар эканлиги яққол кўриниб турибди.

"Қўтадғу билиг"нинг тадқиқотчиларидан бири Б.Тўхлиев таъкидлаганидек, Юсуф Хос Хожиб "Комил инсон ҳақида

гапирар экан, камолотнинг катор белгиларини кўрсатиб ўтади. Уларнинг энг асосийси алохида шахснинг ўз манфаатлари, шахсий истаклари доирасини ёриб чикиб, Бошқалар ғами билан яшаши, кўпчилик манфаати учун фидойи бўла билишдир". Ҳозиргача "Кўтадгу билиг" нинг Хирот, Кохира, Наманган нусхалари маълум бўлиб, Венага келтирилган Хирот нусхасини Херман Вамбери нашр қилди ва таржимасини берди. 1890 йилда В.В.Радлов Вена нусхасининг Факсимилесини, 1891 йилда шу Факсимиле асосидаги матнини нашр қилдиради. 1896 йилда Кохира нусхаси топилгандан сўнг, ундан кўчирма олгач, В.Радлов ҳар икки нусхани қиёслаб 1910 йилда рус графикасига асосланган тўлиқ транскрипциясини немис тилига таржимаси билан нашр эттирди. 1913 йилда эса унинг учинчи нусхаси Наманганда

топилиб, кейинчалик олимлар бу асарни тадқиқ этишга киришдилар.

Демак, Юсуф Хос Хожибнинг "Кўтадгу билиг" асасарини илмий жиҳатдан

ўрганишга жуда кўп олимлар ҳисса қўшган. В.В.Радлов, Х.Вамбери, С.Е.Маловлар уни таржима этиб, нашр қилган бўлсалар В.В.Бартолбд, Э.Беришртельс, И.В. Стеблева, О.А. Валитовалар Ҳар томонлама тадқиқ этдилар. Асарнинг мукаммал нашрини тайёрлашда ҳамда уни тадқиқ этишда ўзбек олимларининг хизмати, айниқса диққатга сазовор.

Биринчи бўлиб профессор Фитрат 1924 йилда Наманган нусхасини олиб кутубхонага келтиради ва у ҳақда мақола эълон қилади. "Кўтадгу билиг"нинг мукаммал нашри ўзбек олими К. Каримов томонидан амалга оширилди ва тадқиқ этилди. Уни таҳлил этишда С.М.Мўталлибоев, Н.М. Маллаевларнинг ҳам хизмати катта Юсуф Хос Хожиб Х асрнинг ташкил топган Корахонийлар хукмронлиги даврида яшаб ижод этди. Корахонийлар Сирдарёдан Ёттисувгача, Шимоли Фаргона ва бутун Шарқий Туркистонда хукмронлигини ўрнатгандан сўнг Мовароуннахрнинг ички ҳудудларига ҳам кириб бориб, Кошгардан тортиб Каспийгача бўлган кенг майдонда ўз давлатини таркиб топтирган эди. Унинг маркази Кошгар (Урдуқент) бўлиб, шимолда Боласогун (Кўзурду), Ғарбда Самарканд, марказидаги Узганд йирик шаҳарлардан ҳисобланарди. Ҳар бир давлатда бўлганидек Корахонийлар давлатининг ҳам идора қилиш усули, юргизадиган сиёсати, қонунлари, тарбия тамойиллари ифодаланган комус низомнома зарур эди.

"Кўтадгу билиг" асари ҳам шундай зурурият туфайли яратилди. Бу асарда корахонийлар давлатини мустахкамлаш, унинг идора усулларини яратиш ,барча табақа, тоифадаги кишиларнинг хулқ-атвори, жамиятда тутган ўрни, давлатни иқтисодий, ижтимоий, маданий жихатдан мустахкамлаш, давлат мустахкамлигининг бош таянчи - инсонни маънавий камолга етказиш масалалари камраб олинади. "Кўтадгу билиг"даги бош ғоя - инсонни ҳаётда бахт-саодатга элтувчи асосий қарашлари тўрт рамзий қаҳрамон кунтуғди Элиг подшо, адолат тимсоли, Ойтулди - вазир, давлат тимсоли, Угдилмиш - вазир, ақл тимсоли, Ўзгурмиш - вазирнинг

кариндоши, қаноат тимсолининг ҳаёти ва давлатни бошқариши жараёнидаги хатти - ҳаракатталари ва фикрлари орқали берилганки, булар инсон камолотининг муҳим мезонлари саналади.

Юқорида эслатганимиздек, Юсуф Хос Хожибнинг асарида инсон камолоти масаласи марказий масала бўлиб ҳисобланади. Мазкур асарда инсоннинг жамият ва ҳаётда тутган ўрни, бурч ва вазифаифалари ҳақидаги муаммолар ўзига хос бир тарзда баён этилади.

Мутафаккир китобнинг анъанавий бошланмасидан кейинроқ инсоннинг ҳақиқий бахти билимда эканлигини баён этади. Яна илм-заковатнинг аҳамияти ҳақида катор бобларда ҳам фикр юритиши билан бирга унга алоҳида боблар ҳам бағишланган. Лекин олим фақат илм-маърифатнинг аҳамиятини кўрсатибгина қолмайди, у билим ва заковатнинг амалиётдаги ўрнини ҳам ёритади. Юсуф Хос Хожибнинг биз таҳлил этган мазкур асари инсонни Ҳар томонлама камолга етказишнинг барча масалалари ўзининг бадий ифодасини топган йирик таълимий - ахлоқий дostonдир. Олим инсонни камолга етиши учун қуйидагиларни назарда тутади:

1. Ақлий камолот - билим ва заковат, ўқувга эга бўлиш.
2. Ахлоқий камолот.
3. Жисмоний камолот.

Юсуф Хос Хожиб инсоннинг, камолга етишининг йўл-йуриклари, усуллари, чора-тадбирларини юксак бадий маҳорат билан ёритиб беради. унинг учун ҳам бу асар ўзининг илмий, маърифий, тарбиявий аҳамиятини шу пайтгача сақлаб келмокда.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Тест. Юсуф Хос Хожибнинг "Кўтадгу билиг" асари қандай асар ва нима маънони англатади.(билиш)
 - а) Бахт ва саодатга элтувчи билим, таълим деган маънони ағлатади. Панд, насихат, таълим, тарбияга оид, ҳар томонлама комил инсон тарбиясига оид дидактик асардир.
 - б) Хукмдорлар насихатномаси: деган маънони англатади. Тарихий дидактик, муаллифнинг таржимаи ҳоли ҳақида маълумот беради.
 - в) Иккаласи ҳам тўғри.
2. Тест. Юсуф Хос Хожиб инсонни камолга етиши учун нималарни назарда тутади.(тушунтириш)
 - а) Ақлий камолот, илмий, ахлоқий.
 - б) Илмий камолот, ахлоқий, жисмоний
 - в) Ақлий Ахлоқий, Жисмоний.
 - г) а, в катордаги жавоб тўғри.
3. Тест. Юсуф Хос Хожиб асаридаги ёшлар таълим-тарбия бериш моҳиятини тушунтиринг (тушунтириш).

4. Юсуф Хос Хожиб асарларининг ўзига хос томонларини миллий тарбияга узвий боғлиқлигини таққослаб кўринг.(баҳолаш)

Мустақил иш топшириқлари:

1. Шарқ уйғониш даврида таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ўрганиб таҳлил қилиш.
2. Шарқ мутафаккирларининг педагогик фикрларини таҳлил қилинг.
3. И. А. Каримов асарларида Шарқ алломаларининг фаолияти ва ижоди ҳақидаги қарашларни ўрганиб, таҳлил қилиш.
4. Абу Наср Форобийнинг педагогика тараққиётига қўшган ҳиссасини ўрганинг.
5. Абу Райҳон Берунийнинг педагогик фикрларини таҳлил қилинг.
6. Абу Али Ибн Синонинг педагогик қарашларини ўрганинг ва таҳлил қилинг.
7. Аҳмад Яссавий қарашларининг педагогика тараққиётидаги ўрнини баён этинг
8. Унсурул Маолий Кайковуснинг ёшлар тарбияси ҳақидаги педагогик қарашларини таҳлил қилинг.
9. Юсуф Хос Хожибнинг ёш авлодга таълим-тарбия бериш ҳақидаги қарашларини таҳлил қилинг.
10. Маҳмуд Қошғарий асарларининг ўзига хос томонларининг миллий тарбияга узвийлигини асосланг.
11. Абу Райҳон Беруний ва Абу Али Ибн Синонинг педагогик фикрларини ўзаро таққосланг.
12. Шарқ уйғониш даврида таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифаларини, мазмунини ёритинг.
13. Шарқ мутафаккирларининг педагогик фикрларини ғарб педагогларининг педагогик фикрлари билан таққосланг ва таҳлил қилинг.
14. Кайковуснинг «Қобуснома» асарида таълим-тарбиянинг талқини.
15. Ю.Х.Хожибнинг «Қутадғу билиг» асарининг таълим-тарбияда тутган ўрни.
16. Шарқ уйғониш даврида таълим-тарбиянинг мазмуни мавзусида реферат тайёрлаш.

Мавзу бўйича илмий хулосалар:

1. Ислом динининг ёйилиши, марказлашган Араб халифалигидаги илм - фаннинг тараққиётида ижтимоий- иқтисодий юксалиш Моварунаҳирда ва Хуосонда 9 асрга келиб маънавий кўтарилиш, уйғониш даврини бошлаб берди.
2. Ал-Маъмун томонидан ташкил этилган “Байтул - хикма” (Донишмадлар уйи)- Академия барча илм соҳиблари тўпланган марказга айланди ва Шарқ ҳамда Ғарб ил-фанининг тараққий этишига, маънавий ҳаётнинг юксалишига таъсир этди.

3. Бутун шарқда бўлгани каби Моваруннахрда ҳам илм-фан ва маърифат соҳасида машҳур бўлган файласуф ва мунажжимлар, математик, физик, тиббиёт, тарих, тил ва адабиёт, педагогика соҳасида илмий мерос билан ном қолдирган ал- Хоразмий, Абу Наср Фаробий, ал-Фаробий, Абу Райҳон Беруний , Абу Али ибн Сино каби қомусий олимлар етишиб чиқди.

4. “Байтул – ҳикма” олимлари орасида ҳамюртимиз Муҳаммад Ибн Мусо ал- Хоразмий алоҳида мавқега эга бўлган. Аҳмад Фарғоний бу нуфузли масканнинг ҳақиқий аъзоси этиб қабул қилинди ва бу жамоанинг етакчи алломаларидан бирига айланди, унинг довуғи бутун Ўрта ва Яқин Шарққа ёйилди.

5. Фаробий “Бахт - саодатга эришув ҳақида” номли рисоласида билимларни ўрганиш тартиби бирма-бир санаб ўтилади: билиш зарур бўлган илм, бу- олам асослари ҳақидаги илмдир.

6. Юсуф Хос Ҳожиб турк дунёсидаги миллий ўғониш даврининг энг йирик мутафаккирларидан биридир. Унинг педагогик қарашлари ҳам бу соҳадаги улкан меъросдир. Улар тарих нуқтаи назари билангина эмас, бугунги кунимизга хизмат қилиши билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

7. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Аутадғу билиг” асари инсонни ҳар томонлама камолга етказишнинг барча масалаларини ўзида қамраган йирик ахлоқий-тапрбиявий асардир.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Шарқ уйғониш даври ва унда илм-фан ривожланиши йўналишларини педагогик асосини ишлаб чиқиш
2. “Байтул- ҳикма” олимлари орасида Марказий Осиёлик Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Аббос Ибн Сайд Жавоҳирий, Аҳмад Ибн Марказий каби алломаларнинг педагогик қарашларини илмий назарий асосларини яратиш. Бугунги ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш
3. Ибн Синонинг педагогик қарашларинини бугунги кун ёшларини тарбиялашдаги ўрни ва аҳамиятини илмий назарий асосларини аниқлаш.
4. “Қобуснома ” асарида баркамол инсон тарбиясида қўлланиладиган метод ва усулларнинг илмий назарий асосини ишлаб чиқиш.
5. Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул- ҳақойиқ” асарининг педагогик фикр тараққиётидаги аҳамиятини илмий асослаш.
6. Шарқ уйғониш давридаги қомусий олимларнинг дидактик ва ахлоқий фикрлар тизимини яратиш ва бугунги кун ёшларини тарбиялашда қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш.

Адабиётлар рўйхати:

1. И. Каримов “Ўзбекистон ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” Т, “Ўзбекистон” 1995 й.
2. К. Ҳошимов ва бошқалар “Педагогика тарихи” Т., “Ўқитувчи” 1996 й.

3. М. Хайруллаев. “Уйғониш даври ва шарқ мутафаккири” Т. “Ўзбекистон” 1971 й.
4. Беруний. “Танланган асарлар” 2,3,4, жилд. Т., 1965, 1966, 1975 йиллар.
5. Ирисов А. “Беруний ҳикматлари” Т., 1973 й.
6. М. Харуллаев “Ўзбекистон педагогикаси антологияси” 1 жилд. Т., 1995 й.
7. Раҳимов С. “Абу Али Ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида” Т., 1967 й.
8. Кайковус “Қобуснома” Т., “Ўқитувчи” 1986 й.
9. Каримов К. Илк бадиий дoston. Т., “Фан” 1976 й.

5- Мавзу: - XIV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрда Моварауннахрда тарбия ва мактаб. (2 соат маъруза)

Биз ким - мулки Турон,
Амири Туркистонмиз.
Биз ким – миллатларнинг
энг қадими ва энг улуғи
Туркнинг бош бўғинимиз.
(Амир Темур)

Асосий саволлар.

1. 14-16 асрда Мовароуннахрда таълим-тарбия ва педагогик фикр тараққиёти.
2. Соҳибқирон Амир Темурнинг таълим тарбияга оид фикрлари.
3. Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг педагогик қарашлари.
4. Алишер Навоий асарларида ёш авлодни тарбиялаш ҳақидаги фикрлари .
5. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг педагогик фикрлари.
6. Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг таълими-тарбиявий аҳамияти.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Маданият, «Бобурнома», “Ҳамса”, хаттотлик, миниатюра, санъат, архитектура, географик-библиографик луғат, аниқ фанлар, ҳарбий санъат, умумбашарий қадриятлар, Шохизинда, Гўриамир мақбараси, Бибихоним жоме масжиди, Регистон майдони, меъморчилик, одоб-ахлоқ, иймон, эътиқод, таълим- тарбия, юксаклик, мукаммаллик, ўғитлар, панд-насихатларни, Соҳибқирон, «Темур тузуклари».

Мавзуга оид муаммолар:

1. Иккинчи Ренессанс – Шарқ Уйғониш даврини ўзига ҳос хусусияти нимада эди? Сизнингча Темурийлар даврида Шарқ Уйғониш даври вужудга келдими, ёки Шарқ Уйғониш даврида Темурийлар

давлатида илм-фан, маданият ва маориф равноқтопдими? Фикрингизни тўғрилигини мисоллар билан исботланг.

2. Маърифатли Моварунахр руҳи, Самарқанд, Тошкент, Бухора, Хива, Шахрисабз, Термизнинг ноёб тарихий ёдгорликлари, Буюк ипак йўли, Шарқ Мутафаккирлари яратган бебаҳо таълимотлар, Амир Темур ва Темурийлар даврида гуллаб-яшнаган илм-фан, меъморчилик, таъсвирий санъат, наққошлик, musiqa ривожланган савдо- иқтисодий муносабатлар, барпо этилган мустаҳкам қудратли давлат ва унинг ички ва ташқи сиёсати Европадаги Уйғониш жараёнига ҳаётбахш таъсир этган таърихий ҳақиқатдир фикрга қўшилмасизми? Фикрингизни тўғрилигини ёзма изоҳланг.

3. Улуғбекнинг астрономия мактаби ўз даврининг академияси («Дорул – илм») бўлган ва Ўрта асрлар мусулмон Шарқи астрономиясининг ката таъсир қилган. «Улуғбек Самарқандада академияга асос солди, ер қуррасини ўлчашни буюрди ва астрономик жадвалларни тузишда иштирок этди». Унинг астрономия соҳасидаги қилган хизматларини бутун дунё тан олганлиги барчага маълум. Улуғбекнинг ҳаёти ва ижоди астрономия, география, адабиёт ва тарих фанлари орқали ўргансиз. Сизнингча нима учун педагогика фанида ҳам Улуғбекни ҳаёти ва ижоди ўрганиляпти? Унинг педагогик қарашларини нималардан иборат?

4. Алишер Навоий таълимоти фақат миллий аҳамиятга эга бўлибгина қолмасдан, умумбашарий қимматга ҳам эгадир. Навоий умуминсониятга хос бўлган даҳолардан биридир. Ушбу фикрга қўшилмасизми? Қўшилсангиз нима учун, қўшилмасангиз нима учун? Алишер Навоийнинг педагогик қарашларини ўзига хос жиҳатларига алоҳида тўхталинг.

5. «Бобурнома» тарихий-адабий, илмий, таълимий- ахлоқий мерос сифатида дунё олимларини ҳозиргача ҳайратда қолдириб келмоқда. Ушбу фикрни тўғрилигини исботланг ва асарни педагогик қийматини шарҳлаб беринг.

1-асосий савол: 14-16 асрларда Маворауннахрда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар тараққиёти.

1- савол бўйича дарснинг мақсади: 14-16 асрларда Маворауннахрда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар тараққиётнинг моҳиятини талабаларга тушунтириш ва мукамал ўрганишга қизиқиш уйғотиш.

Идентив ўқув мақсадлар (талабалар учун ўқув вазифалари).

1. 14-16 асрларда Мовароуннахрда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар тараққиётининг моҳиятини айтиб беради.
2. 14-16 асрларда Мовароуннахрда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар тараққиётининг ўзига хос хусусиятини изоҳлайди.
3. 14-16 асрларда Мовароуннахрда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар тараққиётининг бошқа тараққиётлардан ажратиб беради.

4. 14-16 асрларда Мовароуннахрда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар тараққиётининг моҳиятини асослаб беради.

1-асосий сосий савол баёни

14 асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннахрнинг феодал тарқоқлигига барҳам берилди, мамлакатта муғул босқинчларидан тозаланди. 14 асрнинг охири ва 15 асрда Марказий Осиё феодал муносабатлар янада ривож топа бошлади. Сохибқирон Темур ва дастлабки темурийлар ҳукмронлик қилган давр Мовароуннахр тарихида алоҳида ўрин эгаллади. Марказлашган буюк Темур давлатининг барпо этилиши билан Мовароуннахр янада фан ва маданият, маориф, қайтадан раванқ топа бошлади. Темур ва унинг издошлари, темурийлар даврида фан ва маданият ривожланди. Айниқса Самарқанд ва Хирот шаҳарлари маданият, илм-маърифат марказига айланди. Шохизинда, Гурамир макбараси, Бибихоним жоме масжиди Регистон майдони ва шу сингари, кўплаб Мадраса ва масжидларнинг меъморилик намуналари бунёд этилди.

Улугбек замонига келиб эса математика, астрономия, каби фанлар айниқса ривож топди. Тиббиёт, тарих, адабиёт ва шулар билан баробар диний билимларнинг ҳам раванқ топишига катта эътибор берилди. Олий мактаб-мадрасалар кўрилди. Бухоро, Самарқанд ва Ғиждувонда кўрилган уч Мадраса фан тараққиётида илмий марказ бўлиб келди.

Бухородаги Мадраса пештоқида битилган куйидаги ёзувлар ҳалигача яққолқўзга ташланади: «Илм олмоққа интилоқ. Ҳар бир муслим ва муслима учун қарзу фарздор»

Шулар 14 асрнинг иккинчи ярими ва 15 аср Марказий Осиё тарихида уйғониш даври бўлиб тарихга кирган деб олишимизга асос бўла олади. Бу даврда ўзбек адабиётида анча силжиш рўй берди. Улугбек олимларга хомийлик қилиб, фан аҳлини раҳбатлантирди, унинг ўзи, айниқса, астрономия, математика фанлари бўйича муҳим ишларни амалга оширди. Самарқандда Румий, маъсудӣ, Мансур қосий, Муҳаммад Биржондӣ ва бошқалар ижод этдилар. Хиротда эса Алишер Навоӣ, Абдураҳмон Жомӣ, улугъ рассом Бехзод тарихшунос -Хондамир ва бошқалар ижодиёт чўққиларига кўтарилдилар

Улугбекнинг шогирди Муҳаммад Қушчи Самарқандий Ўша даврда Мовароуннахрнинг маданий ва илмий ҳаётида катта роль ўйнади. Астрономия тўғрисида «Рисолаи дар фалакиёт» деган китоб ёзган Али Қушчини ўз даврининг Птолемейи деб аташарди. Унинг мазкур асарида геометрик билимларнинг асослари баён қилинди, нукта, чизик юза, айлана ва шу каби тушунчалар тўла таърифлаб беришрилди. Тиббиёт фанлари ва шунинг сингарилар соҳасида бошланғич билимлар баён қилинди. Бу асарда ҳамма нарса оддий ва мураккаб нарсаларга бўлиниб таърифланди.

Султон Хусайн Бойқаро даврида олимлар ва шоирлар Самарқанддан Хиротга кўчиб ўтдилар. Хирот илмий-маданий марказга айлантирилди.

Алишер Навоий Хиротда фан, маданият, маърифат ишларини йўлга қўйишда, у ерларни ободонлаштиришда катта хизматлар қилди. Захриддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарида Хирот тўғрисида ёзар экан бутун дунёда бундай обод шаҳарни кўрмаганлигини айтади.

Хиротда масжид ва мадрасаларнинг муаззам биноларини, ижтимоий фойда иншоотлар: ҳаммомлар, шифохоналар, ховўзлар, бог-роғлар кўприклар карвон йўлларидаги работлар ва бошқа архитектура иншоотларини кўришга Алишер-Навоий ташаббускор бўлди.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий тил-адабиёт, музика, тарих, фалсафа, астрономия, тарбия назарияси соҳасида жуда кўп илмий асарлар яратди. У фан ва маорифни биринчи даражадаги муҳим иш деб ҳисоблаб, уларни ривожлантириш учун тинмай кўрашди.

Алишер Навоий даврида китобларни безаш санъати, аввало, хатотлик ва миниатюра юксак даражага етди. Хиротда хашаматли архитектура иншоотлар яратилди. Илмий мунозаралар ўтказиш кенг йўлга қўйилди.

Бу даврда Мовароуннахрда ҳам санъат, архитектура, бинёдкорлик техникаси анча раванқ топди. Музика, тасвирий санъат, архитектура, маданият адабиёт, таълим-тарбияга оид катор асарлар яратилди. Тарихий ва адабий ёдгорлик бўлган «Бобурнома» асари ҳам ўша даврда яратилган асарлар орасида ўзига хос аҳамият касб этди. Амин Аҳмад Розий «Хафт иклим» (етти иклим) деган географик библиографик луғат тузди.

16 асрда хатотлик санъати юксак даражага етди. Султон Али

Мирали Халавий ва бошқалар устоз хатгот номини қозондилар. Муҳаммад Бухорий хатотлик санъатининг назарияси тўғрисида асар яратди.

Бу даврда бир қатор илм масканлари бунёд этилди. Жумладан Шайбонийхон мадрасаси, Абдурахм Садр мадрасаси, Мирараб мадрасаси, масжиди калон ва бошқа иншоотларнинг қурилиши таълим-тарбия жараёнида муҳим босқич бўлди.

Аҳолининг саводхонлигини ошириш, болаларга таълим тарбия бериш борасида ҳам маълум даражада имкониятлар яратилди. Хусусий мактаблар юзага келди, муаллим минглаб болаларни уйда ўқитиш тадбирлари одат тусига кирди.

Шаҳар ва қишлоқларда, овулларда очилган мактабларда болаларни ўқитиш 6 ёшдан бошланди. Олти ёшли болалар мактабга бориб, алифбени ўрганар, унинг айрим ҳарфларини чизишни машқ қилар эдилар. Ўқувчилар мактабларда савод чиқарганларидан кейин мадрасага кириб ҳам диний ҳам дуневий фанлардан билим олар эдилар.

Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, 14-16 асрларда Мовароуннахрда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар анча юксак тараққиёт босқичига кўтарилди деб ҳисоблаш мумкин

Назорат учун савол ва топшириқлар.

1. Тест. 14-16 асрда Мовароуннахрда нима сабабдан фан ва маданият, маориф қайтадан раванқ топди.? (билиш).
 - а). Амир Темур давлатининг барпо этилиши.
 - б) Араб давлатининг ҳукмронлиги.
 - в). Мўғил истилочиларининг ҳукмронлиги.
2. Тест.Қайси шаҳарлардаги Олий мактаб-мадрасалар фан тараққиётида илмий марказ бўлди.? (тушунтириш)
 - а). Тошкент, Самарканд, Бухоро.
 - б).Бухоро, Самарканд, Гиждувон.
 - в) Қўқон,Самарканд, Бухоро.
- 1.14-16 асрларда Мовароуннахрда таълим тарбия ва педагогик фикр тараққиётининг моҳиятини изоҳланг (тушунтириш).
 - А). Тошкент, Самарқанд, Бухоро.
 - Б). Бухоро, Самарқанд, Гиждувон.
 - В). Қўқон, Самарқанд, Бухоро.
3. 4-16 асрларда Мовароуннахрда таълим тарбия ва педагогик фикр тараққиётининг моҳиятини изоҳланг.
4. 4-16 асрларда Мовароуннахрда таълим тарбия ва педагогик фикр тараққиётининг моҳиятини таҳлил қилинг. (анализ).
5. 4-16 асрларда Мовароуннахрда таълим тарбия ва педагогик фикр тараққиётининг моҳиятини ҳозирги давр таълим –тарбия ва педагогик фикр тараққиётининг моҳияти билан таққослаб кўринг. (баҳолаш).

2-асосий савол. Амур Темурнинг таълим-тарбия ва педагогика тараққиётига қўшган ҳиссаси.

2- асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Амур Темурнинг таълим тарбия ва педагогикага оид фикрларини моҳиятини талабаларга тушунтирилади ва талабаларда уларни ўрганишга қизиқиш уйғотилади.

Идентив ўқув маъқсадлар (талабалар учун ўқув вазифалари)

- 1 .А.Темурнинг таълим тарбия ва педагогика тараққиётига оид фикрларини моҳиятини айтиб беради.
- 2.А.Темурнинг таълим тарбия ва педагогика тараққиётига қўшган ҳиссасини изоҳлаб беради.
- 3.А.Темурнинг таълим тарбия ва педагогика тараққиётига оид фикрларини моҳиятини таҳлил қилиб беради.
- 4.А.Темурнинг таълим тарбия ва педагогика тараққиётига оид фикрларини моҳиятини ҳозирги давр ёшларига мослигини асослайди.

2- асосий савол баёни:

Темур шахси кўп йиллар давомида умуман тил теккизилмайдиган мавзу бўлиб келди . Агар унинг номини эсласалар ҳам киноя, камситиш ёки бошқа уйдирмаларни унга тиркаш билан чегараланар эдилар .

Темур шахси масаласи узоқ йиллар давомида ман қилинганлиги натижаси нафақат Темур тарихи, балки бутун марказий Осиёни 14-15 асрлардаги тарихи, маданияти, маорифий масалалари деярли ўрганилмай қолди.

Ўзбекистон қомусий олими Иброхим Муминов Амир Темур шахси, унинг жаҳон тарихида тутган ўрни ҳақида шўро ҳокимияти даврида дадил фикр айтганлиги учун ҳам тайикка учради. Бу алломанинг таъкидлашича, соҳибқирон Амир Темур илм - фан, адабиёт ва санъат фидойиларини зўр кадрлар, хусусан риёзиёт, хандаса, меъморлик, жуғрофия, адабиёт, тарих, ахтаршунослик, тиббиёт, мусиқа, геология ва дин соҳасидаги соҳиби ҳунарлар билан суҳбатлашишни, бахслашишни, улардан фикр - маслаҳат сўрашни ўзи учун фазилат деб билган.

Дарҳақиқат, «Муҳаммад Тарағай Боҳодир ўғли Амир Темур ёшлик чоғидан мард довюрак ғурурли ўткир зеҳн ва ақл идрок эгаси бўлиб ўсади. Турли дунёвий илмларни, ҳарбий санъатни эгаллади. Кўрьони Каримни ёд олди, Хадис илмини ўрганди, иймон- эътиқодли, ҳалол пок инсон бўлиб етишди.

У ёшликдан бошлаб ўз олдига она юртини мўғил босқинчилардан озод қилиш мақсадини қўяди, ер юзида буюк салтанат соҳиби сифатида эл ва элатнинг бошини қовуштирди. Мамлакат қудратини ҳар соҳада юксакликка кўтариб, дунёга инсоф-иймон туйғуси диёнат мезони Амир Темур ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Оламнинг қарийб ярмига жаҳонгир эрса-да, у куч-қудрат зўрлик, зўровонликда эмас, аксинча адолатда эканини теран англади».

Можор олими Херман Вамберининг «Мовароуннахр тарихи»да «Темурнинг уруғи барлос буган, аммо оила тамоғи курағон, яъни кўркам, тоза уруғдандир», дея изоҳ беради. Шу билан у Амир Темурнинг мўғил хонининг куёви деган тушунчаларга чек қўйди.

Амир Темурнинг болалиги тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ, лекин унинг ёшлигидан билимга чанқоқлигини айрим манбалардан билишимиз мумкин. Замондош тарихчиларнинг айтишларича, соҳибқорон Темурнинг энг характерли хусусиятлари-давлат, мамлакатта ва фуқаронинг ғамхўри бўлганлиги эди «Жаҳонгирлик кодаси эса Ҳақиқатта сихат-саломатлик, ҳақиқат-тартиб, ҳақиқатта-адолат деб тушунилган.

Амир Темур, одоб-ахлоқ, иймон, эътикод, таълим тарбия соҳасида ўз юксакликка мукамалликка эришган сиймодир. Бунга ишонч ҳосил қилиш унинг томонидан яратилган одоб-ахлоққа оид дастурлар, ўғитлар, панд-насихатларни, шунингдек, Соҳибқирон ҳақидаги тарихий асарларни кўздан кечириш kifоя. «Тузуки Темурий» («Темур тузуклари»), «Малфузоти Темурий» (Темурнинг бошидан

кечирганлари») номи билан жаҳонга машхур бўлган асарларда ўз ифодасини топган.

Тарих фанлар доктори, профессор Ашраф Ахмад Темурнинг ўзи амал қилган қуйидаги сифатларни юксак баҳолайди.

1 .Жиддий ва одил бўлиш, бойни камбағалдан устун қўймаслик.

2 Исломга қатаъий риоя қилиш.

3.Хайри -эҳсон қилиш.

4.Бировга ноҳақ озор етказмаслик, раҳм шавқатли бўлиш.

5.Исломга таълуқли бўлган ишларни ҳар доим кундалик ва дунё ишлардан устун қўйиш.

6.Барча сўзларида доим ҳақиқатгўйликка амал қилган .

7.Вадасига вафо қилиш.

8. Бировлар мулкига эга бўлишга интилмаслик.

9.Нопок ишлардан ўзини тийиш.

10.Инсофли бўлиш ва иймонликка чорлаш.

11 .Илмли кишиларни эъзозлаш.

“Бухоро тарихи» китобининг муллифи Наршахийнинг издоши-тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида ёзилишича Амир Темурнинг ўзига хос хусусиятларидан бири давлат ва мамлакат фуқаросининг ғамхўри бўлганлигидир. Унинг қонидаси «Рости -дурусти» эди «Ҳақиқат-сихат –саломатлик, катта-тартиб, ҳақиқат-адолат демақдир».

Амир Темур ўзининг Аҳлок ва одобга оид ўғит-насихатларида: адолат ва адолатсизлик ҳақида, дўст ва душманлик ҳақида, сўз ва ширинсуханлилик ҳақида ўз фикрларини баён этган.

У жумладан шундай дейди «Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим» «Белда камар ва тилда сано» яъни иш ва сўз бир бўлсин дейишни кўрдим «Дустлик синовда чиниқади» «дусту душман билан мурасаю мадора қилдим», «Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди» «Ақлли душман жохилу нодон дўстдан яхшироқдир». У ширин суханликка оид ўзининг фикрларини айтиб ўтади. Жумладан: «ширин сўз айтиб ғанимни имонга киритгин», «тил қиличдан ўткирдир», «Бир калима ширин сўз қилични қинга киритади» деб таъкидлади соҳибқирон.

Бу ўғитлар соҳибқироннинг ўз тажрибасида синалган. Амир Темурнинг панд -насихадлари подшолик мамлакатларни идора этиш ҳақидаги илмий хулосалар бўлиб жуда катта маърифий -тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Панд насихатлар Соҳибқироннинг кўп йиллик ва машаққатли ҳаётининг

меvasидир, Булар мамлакатни бошқариш, кишиларни тарбиялаш, аҳлок-одобга ўргатишга оид педагогикадир. Соҳибқирон ўз панд-насихатларини унга Аллоҳ томонидан ҳадя этилган дейди.У Мовароуннахр давлатини ва Темурийлар сулоласини бошқаришнинг асосий қонунидир. Уларга амал қилиш Аллоҳга бўйсунуш ислом динига итоат этиш баланд мартабаларга эришишнинг асосидир. Улар Темур ва Темурийлар сулоласи

давлатларида таълим-тарбия тизимини ҳам илмий назарий асосидир. «Амир Темур ўғитлари рисолада ҳаққний таъкидлаганидек Амир Темурнинг тарих олдигаги ҳиссаси бениҳоя катта. Биринчидан, у мамлакатда кучайиб кетган феодал тарқоқликка барҳам бериб, эл юртни ўз туги остига бирлаштира олди.

Марказлашган йирик феодал давлатга асос солди. Бу билан зироатчилик ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва маданият ривожига мустаҳкам замин яратди. Иккинчидан, Амир Темур бир қатор халқлар ва юртларга мустамлакач зулмидан озод бўлишда ёрдам беришди. Масалан, Ўша даврининг энг ку; подшоҳларидан ҳисобланган Боязид Илдирымни тор-мор келтириб Усмон туркларнинг истебдодига тушиб қолган болкон ярим оролидаги халқлар мамлакатларга озодлик бахшлайди. Олтин Урда хони Тўхтамишни икки марта тор-мор келтириб, Урусиянинг мўғиллар ҳукумронлигидан қутилишини қарийб 300 йилга тезлаштиради.

Учинчидан, Туркистон заминини ҳунармандчилик, илм-фан ва маданият ривожланган илғор мамлакатга айлантирилди. Амир Темурнинг саъй ҳаракатгаи туфайли обод этилган шаҳарлар, кишлоқларни Шахрисабз, Бухоро, Ясси (Туркистон) шаҳарларида қад кўтарган иморатлар «Темур ва Темурийлар давлати «Темурий маданияти», «Улуғбек ва Самарканд», «Обсерватория мактаби» каби улуг тушунчаларни дунёга келиши ва дунё халқлари тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилиши ҳам Амир Темур номи билан боғлиқдир.

3-асосий савол. Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг педагогик қарашлари.

3-асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг педагогика ривожига қўшган ҳиссасини моҳиятини талабаларга тушинтириш. У яшаб ўтган давридаги мутафаккирларнинг таълим-тарбиявий фикрларини тўғри талқин этиш. Талабаларда Мирзо Улуғбекнинг хислатларини ўрганиб, ўзларида кўникма ҳосил қилишга қизиқиш уйғотиш.

Идентив ўқув мақсадлар. (Талабалар учун ўқув вазифалар)

1. Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг педагогика ривожига қўшган ҳиссасини моҳиятини тушунтириб беради.
2. У яшаб ўтган даврга Мирзо Улуғбекнинг ўз давридаги фанларнинг ривожига қўшган ҳиссасини изоҳлайди.
3. Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг педагогика ривожига қўшган ҳиссасини моҳиятини таҳлил қилади.
4. Мирзо Улуғбекнинг фан тараққиётига қўшган ҳиссасини ва таълимий-тарбиявий қарашларнинг ҳозирги давр ёш авлодлар тарбиясига таъсирини асослайди.

3- асосий савол баёни.

Улуғбек 1394 йилнинг 22 мартада эроннинг Ғарбидаги султония шахрида бобоси Соҳибқирон Амир Темурнинг Ҳарбий юриши пайтида таваллуд топди. У Шохрух Мирзонинг тўнғич ўғли бўлиб унга Муҳаммад Тарағай исми берилди. Лекин уни бобоси алоҳида меҳр билан «Улуғбек»деб айтавергани сабабли унинг асосий исми Улуғбек бўлиб қолади ва жаҳонга ана шу ном билан шухрат таратди. Улуғбекнинг болалик йиллари бобоси Темурнинг Ҳарбий юришларида Амир Темур набираси Улуғбекни ўткир зехли ақлу-фаросатли бўлганлиги учун жуда севарди. Улуғбек мирзо кўп вақтини китоб мутолаа қилиш билан ўтади. Давлат ишларига ҳам раҳбарлик қилди. Улуғбекнинг тарбияси билан бувуси Сарой Мулк хоним шуғулланиб унга ўқиш ёзишни ўргатди бу эса унинг ҳаётида ўзига хос мактаб бўлди.

1405-1411 йилларда, ўша даврнинг қонун қойдаларига биноан Амир шох малик отабеги бўлиб тайинланган. У Улуғбекака асосан Ҳарбий ва сиёсий тарбиядан илм ўргатди. Улуғбек мактабда «Сулук ул мулук»ларда кўрсатилган давлатни идора қилиш санъати-турли лавозим эгаларини тайинлаш, солиқ тўлаш, Руҳонийлар, мансабдорлар, ҳамда бошқа юртлардан келган элчиларни қабул қилиш,, ҳайру садақа бериш каби тартиб-қоидалар бўйча кўникмаларни эгаллади.

Улуғбек ёшлигидан математика, астронимия илмларига қизикди. 1411 йилда 17 ёшли Улуғбек мирзо Мовароуннахр ва туркистоннинг ҳокими этиб тайинланиши Темурийлар хонадонида унинг мавқеи юксак бўлганлигидан далолат бери. У ҳокимлик қилган даврда мактаб ва мадрасалар кўрилишлари изчиллашди. Улуғбек, Самарканд, Бухоро ва Ғиждувонда учта Мадраса барпо этди. Самарканддага Мадраса кўрилиши 1417 йили бошланиб уч йилда кўрилиб битказилди. Тез орада Улуғбек мадрасага мударрис ва олимларни тўплай бошлайди шу тарика унинг фалаккиётшунослик мактаби шаклланади Бу мактабнинг асосий мударрислари илмий ишларга қулай шароит ва паноҳ излаб Темур давридаёқ Самаркандга келган Тафтазоний, Мавлона Аҳмад ва Козизода Румий каби олимлар эди. Козозоданинг маслаҳати билан Хуросон шахридан Ғиёсиддин Жамшид қошийни чакиртирди. Шундай қилиб, Мавороуннахрнинг турли шаҳарларидан ва Хуросондан тўпланган олимларнинг сони 1417 йилга келиб юздан ортиб кетди.

Козизода Румий машхур математик ва астраномдир. У Улуғбек мадрасасининг дастлабки мударисларидан бири эди. Ғоят билмли бу олим замондошлари «ўз даврининг афлотуни » деб атаганлар.

Улуғбек мактаби тарихида муҳим руль ўйнаган бошқа йирик математик астраномлардан бири Ғиёсиддин Жамшид ибн Маъсуд эди.

Мадрасада бошқа мударрислар билан бир қаторда, Улуғбекнинг ўзи астронимия бўйича маърузалар ўқир эди. Учинчи даражали алгебрик тенгланма олиб келган бир градус ёйнинг синусини аниқлаш Улуғбек ва

унинг мактаби эришган ажойиб ва энг муҳим мувафакқиятлардан бири бўлди. Улуғбек атрофида тўпланган Самарканд олимлари каттага аҳамият берган энг илмий йуналишларидан бири фалакиётшунослик фани эди.

Улуғбек бошчилик қилган астрономларнинг мувоффақиятли равишда олиб борган таълим ва илмий ишлари уларни аниқроқ асбоблар билан таъминланган намунали расадхона қуриш керак деган фикрга олиб келди. Тарихий манбалар ана шундан далолат берадики, Мирзо Улуғбек ўз мадрасасини қурдириб битказгандан кейин орадан тўрт йил ўтгач Козизода Румий, Мовлоно Гиен Жамшид ва Муниддин Коший билан маслахатлашиб беш йил орасида яна расадхона қурдирдилар. Расадхона битгач унинг кутубхонаси кўплаб асарлар, жаҳондаги машхур кишиларнинг асарлари билан тўлдирилди ва у ерда сақланаётган китоблар сони 150 мингдан зиёд бўлди.

Расадхона билан Мадраса илми аҳлларининг биргаликдаги фаолияти Улуғбек илмий мактабида юлдуз илми ва риезиетни ўрта асрлар даврида энг юқори поғонага кўтарди.

Улуғбекнинг илмий меросининг энг асосийси, маълум ва машхури унинг «Зижи» бўлиб, бу асар «Зижи Улуғбек»дир.

Чексиз ақл-идроки, азму қатаъияти, одилона сиёсати билан Мирзо қарийб қирқ йил мобайнида Мовароуннахр диёрининг донишманд хукмдори бўлиб, халқларнинг азалий орзуси-тинчлик, тотувлик, ҳар томонлама тараққиётни қарор топтириш йўлида мислсиз шижоат ва матонат кўрсатди. Улуғбек, аввало илмий фаразлар билан эмас, балки соф амалий услубда ижод «Зижи жадиди кўргоний» деб номланган Улуғбек астрономик жадвали асрларда лотин тилига таржима қилиниб, Европа олимлари орасида тарқалгани фикримизнинг яққол исботидир.

Мирзо Улуғбек ўз умрини келажак учун, бугунги ҳаёт учун фидо этди. Ўша узок замонларда башарият тараққиётини ўйлаб яшади, ўз авлодлари асрлар оша тартиб этажак маърифатли бир жамиятни орзу қилди. Ҳар миллат ҳам Улуғбекдай фарзандни тарбия этгани учун ғурурланиши табиий ҳолдир, чунки бундай инсонлар фақат ўз халқига эмас, балки умумбашарий гуллаб яшнаш учун ҳам хизмат қилади ва жаҳоннинг эътиборини қозонади.

Мирзо Улуғбекнинг умумбашарий қадриятларига қўшган ҳиссаси беқиёс бўлиб, у бугунги кунда ҳам ҳаётимизда улкан аҳамият касб этмокда ва Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини ошириш йўлида катта хизмат килмокда. Буюк аجدодимиз Улуғбек номи билан берилган маънавият масканлари, маҳалла кўчалар ва шаҳарлар жуда кўп. Буларнинг барчаси-миллатимизнинг буюк алломага бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиромидан далолат беради.

Назорат учун савол ва топшириқлар.

1. Тест Қуйидаги қайси қаторда Мирзо Улуғбек асарлари кўрсатилган. (билиш).

- А) «Зижи шох Жахоний», «Рисолаи Улуғбек»
- Б) «Тарихий арбаъ улус », «Зижи жадидий кўрагоний»
- В) «Рисолаи Улуғбек», «Зижи Улуғберишк»
- Г) «Б,В» қатордаги жавоблар тўғри.

2.Тест. Мирзо Улуғбек яшаган даврда қайси фанлар ўз ривожини топди.(билиш).

- А) Одоб-ахлоқ, она-тили, риёзиёт, астрономия.
- Б). риёзиёт фалақийтшунослик
- В) Ҳарбий фанлар, фалсафа.
- Г) а ва б қатордаги жавоблар тўғри.?

3.Тест.Улуғбек ва унинг мактаби эришган муваффақиятларидан бири нимадан иборат. (тушунтириш).

- А) «Зижи жадиди кўрагоний» асарини яратди.
- Б) Учинчи даражали алгебрик тенгламага олиб келган бир градус ёйнинг синусини аниқлади.
- В) Мовароуннахр ҳокимлигига эришди.
- Г) А,Б жавоблар тўғри.

4.Мирзо Улуғберишкнинг фан тараққиётига қўшган хиссасини моҳиятини изоҳланг.

Унинг педагогик ғояларини таҳлил қилинг. (анализ)

2. Мирзо Улуғбекнинг педагогик ғояларини ва фан тараққиёти, таълим-тарбияга қўшган хиссаларини аҳамиятини ҳозирги даврдаги педагогик ғоялар, фан тараққиётига таққослаб кўринг. (баҳолаш).

4-асосий савол. Алишер Навоийнинг педагогик қарашлари.

4- асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Алишер Навоийнинг педагогик қарашларининг моҳиятини тушунтириш. Унинг асарларини таълимий-тарбиявий аҳамиятини талабалар онгига сингдиради ва моҳиятини ўрганишга қизиқиш уйғотиш.

Идентив ўқув мақсадлари (талабалар ўқув вазифалари).

- 1.А.Навоийнинг педагогик қарашларини моҳиятини тушунтиради.
- 2.Унинг асарларидаги инсон тарбиясига оид фикрларини изоҳлаб беради.
- 3.А.Навоийнинг комил инсон ҳақидаги қарашларини ўрганиб таҳлил қилади.
- 4.А.Навоийнинг инсон тарбиясига оид фикрларини ҳозирги давр ёшлар тарбиясига таъсирини шарҳлаб беради.

4- асосий савол баёни.

Буюк мутафаккир олим Алишер Навоий фан ва санъатнинг турли сохаларини ривожлантириш билан биргаликда таълим-тарбияни ҳам такомиллаштиришга эътибор берган. Унинг ҳамма асарларида тарбияга оид қарашлар ўз ифодасини топган. Алишер Навоий ўзининг бадиий асарларида комил инсон образларини яратиб, таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларини ифодалаган бўлса, таълимий-ахлоқий асарларида эса комил инсоннинг мазмуни, йўллари, усулларини баён этади. У инсон камолотида илм -фаннинг ўрни ақл-идрокнинг аҳамияти, ақлий тарбиянинг моҳиятини ёритиб беради.

Алишер Навоий илмни инсон камолоти учун энг зарур фазилатлардан деб билади. У инсонни, халқни нодонликдан, жаҳолатдан қутқарувчи омил деб таърифлайди. Шунга кўра ўз асарларида кишиларни илм-маърифатли бўлишга ундайди. Илм олиш ҳар бир кишининг инсоний бурчи деб ҳисоблайди. Чунки эгаллашдан мақсад ҳам халқнинг, ўз мамлакатининг бахт саодатли, фаровон ҳаёт кечириши учун хизмат қилишдан иборатдир деб таъкидлайди.

У билим олишда барча фанларни ўрганишни тарғиб этади. Бунда у (фозилларни йиғиб, улар орқали илм-фанни тараққий эттиришга эътибор беради.

Алишер Навоий «Ихлосия» деб номланган Мадраса ва унинг қошида мактаблар очади. Мадраса ва мактабда таълим олаётган ҳар бир талабадан илмда катта интизом ва талабга риоя қилишни талаб этади.

Алишер Навоий ўзи барпо этган «Ихлосия» мадрасасида ўз замонасига етук муддарисларини йиғди ва илм излаган талабалар ана шу мадрасаларда пешволаридан таҳсил олдилар.

Яхши хулқ асоси-одоб, у Навоий назарида барча инсоний хислатлар бошланиши саналади. Комил инсонга хос хислатлар ана шунга боғлиқ равишда таъриф берилади. Навоий ўзининг бадиий асарлари билан бир қаторда таълимий - тарбиявий-ахлоқий асарларида ўзи орзу этган комил инсонга хос ахлоқий фазилатлар деб қаноат, адолат, саховат, ҳиммат мурувват, вафо, тўғрилиқ ва бошқаларни тушунган, ана шу хислатлар таркиб топган инсонда ёмонлик, разиллик бўлмаслиги керак деб ҳисоблайди.

Инсонни ҳар томонлама етук инсон бўлиб шаклланишида Навои жисмоний тарбияни ҳам муҳимлигини таъкидлаб ўтади. Уни биз Навоийнинг «Фарход ва Ширин» асаридаги Фарход образида ўз қаҳромонини жисмонан етук яратганидан биламиз. Унинг қаҳрамонлари ҳар қандай кийинчилиқни ўз кучлара ақли билан барараф этади. У яна бола тарбиясида оила яъни ота-она тарбияси муҳимлигини таъкидлаб ўтади. У тарбия ва таълим ота-она ҳамда ўқитувчи томонидан олиб бориши лозим дейди.

У ўзининг «Ҳамса», «Махбуб ул-қулуб», «Муножот», «Вакфия» ва асарларида таълим тарбия масалаларига эътибор берар экан, тарбия жараёнларини, воситаларини, талабларни кўрсатади. У

таълимда илмийликка асосланганлик, тарихийлик, каби талабларни асос қилиб олади. Ўз даврдаги мусулмон мактабларини ютуқ ва камчиликларини таҳлил этади. У ўқитувчи гапирар экан, муаллим ўз шогирдларини ҳам, ўзи таълим бераётган фанни севган бўлиши зарур дейди. Ўзига ҳам, ўқитувчига ҳам талабчан бўлишни Навоий ўқитувчини жамиятда обрўли ва ҳурматга лойиқ инсон билиб, шогирдлар муаллимни ватандек жуда ҳурмат қилишларини, эъзозлашларини уқтиради.

Навоийнинг ҳақиқий инсони-пок, меҳнатсевар, соф виждонли, инсофли, тўғри, саховатли, одобли, камтар, ҳаёли, мурувватли шахс. Бу хислатларни одамларда таркиб топтириш учун уларда ана шу олийжаноб хислатларни тарбиялаш керак дейди ва ахлоқий фазилатларга таъриф беради, уларнинг оқибатларини тушунтиради.

Назорат учун савол ва топшириқлар.

1. Тест А.Навоий қандай ташкил қилди ва унга қандай ном берди? (билиш)

А). «Донишмандлар уйи» деб номланган Мадраса.

Б). «Ихлосия» деб номланган Мадраса.

В). «Ихлосия» деб номланган мактаб.

Г). б,в қатордаги жавоблар тўғри. ;

2-тест. А.Навоий инсон камолоти учун энг зарур фазилатни нима деб ҳисоблайди? (билиш)

А).Ахлоқ.

Б).Илм.

В) Одоб.

Г).а ва б қатордаги жавоблар тўғри.

3. А.Навоий асарларидаги таълим-тарбияга оид фикрларни изоҳланг.(тушунтириш).

4. А.Навоийнинг педагогик қарашларини таҳлил қилинг. (анализ)

5. А.Навоийнинг асарларидаги ахлоқий қарашларни асослаб беринг. (баҳолаш)

5 - асосий савол. Хусайн Воиз Кошифийнинг таълимий-тарбиявий қарашлари.

5- асосий савол бўйича дарснинг мақсади:: Хусайн воиз Кошифийнинг таълимий тарбиявий қарашларини моҳияти тушунтириш. Талабаларда унинг асарларини ўрганишга қизиқишни тарбиялаш.

Идентив ўқув мақсадлари: (талабалар учун ўқув вазифа)

1.Хусайн Воиз Кошифийнинг таълим тарбияга оид фикрларини айтиб беради.

2. Хусайн Воиз Кошифийнинг педагогик қарашларини ўрганиб изоҳлайди.
3. Хусайн Воиз Кошифийнинг педагогик қарашларини таҳлил қилади.
4. Кошифий асарларини тарбиявий аҳамиятини асослайди.

5- асосий савол баёни:

15 асрнинг йирик олимларидан бири Хусайн Воиз Кошифий бўлиб, у ахлоқ, нужум мантиқ, адабиётшунослик, риёзиёт, ҳисоб, ислом тарихи, илоҳиёт, тарих, - мусикашуносликда тасвирий санъат, табобат илмига оид 200дан ортиқ асар қолдириб Шарқ маънавий маданиятини ривожлантиришда муайян ўринни эгаллайди.

Хусайн Воиз Кошифий туғилган йили номаълум бўлиб, тахминан 1440 йилларда Хуросон вилоятининг Сабзавор шаҳрининг Байҳақи қишлоғида дунегга келган дейилади. У кейинчалик Жомийнинг тавсияси билан Хиротга келади ва шу ерда яшайди. Хиротда у Навоий билан ҳам учрашади ва у билан дўстона муносабатда бўлади.

Кошифий Хуросонда Хусайн Бойқаронинг воизи, таъбирчиси маслаҳатчиси сифатида шуҳрат қозонди. У қуръон ва ҳадис масалаларини шарҳлаб халқ орасида ҳурмат-эътибор қозонди.

Хусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи Мухсиний», «Ахлоқи Карим», «Анварӣ Сухайлий», «Жавохирнома», «Рисола дар илми эъдод», ва бошқа асарлари бизгача етиб келган.

Унинг машҳур асари «Ахлоқи Мухсиний» узоқ вақт йиллар мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган, мазкур асар 40 бобдан иборат бўлиб, асосан ахлоқий тарбияга бағишланган.

Р.Махмудов Кошифийнинг ахлоқий ғояларига инсонни камолга етказиш мақсадида унда таркиб топтириш учун зарур бўлган хислатларни унга бўлиб туркумлаштиради:

1. Комил инсон (етук ахлоқли инсон) ҳақидаги фикрларни анъанага кўра буюк донишмандлар-ҳақимлар, саркардалар, шохлар тилида баён этади ва уларни адолатли, доно, оқил ва камтар инсон сифатида таърифлаб, ўзининг комил инсон ҳақидаги концепциясини илгари суради.

Кошифий фақат подшоларнигина эмас, балки ҳар бир оддий инсонда ҳам энг

олижаноб хислатлар таркиб топишини истади. У ўзининг ижтимоий-ахлоқий идеалини юзага чиқаришда асосий восита деб илм-маърифат ва ахлоқий тарбияни тушунади. Кошифий одобли инсонни ахлоқли деб тушунади. Инсон одобли, саховатли, тўғри, ҳалол, пок бўлгандагина ҳақиқий инсон бўлиши мумкин дейди.

дейди. Воиз Кошифий инсонпарварлик ва ҳалолликни энг юксак инсоний фазилатларлардан деб билди. Кошифий инсоннинг энг юксак хулқ-атвор эгаси бўлиши учун унга қоидага амал қилиши зарурлигини илгари суради.

а). элга тескари иш килмаслик, б) ўз нафсига инсоф тилаш, в) киши айбини очмаслик, г) кишиларда учрайдиган ёмон хулқни-одатни яхшиликка буриш, д) ўз айбига иқрор бўлиб, узр сураган кишининг ўз ўрини қабул қилиш, е) юпунларнинг хожатини чиқариш, е) инсон учун машаққат тортиш, ж) ўз нафсини тийиш, з) ҳалққа тоза юз билан кўриниш, и) кишиларга яхши сўз айтиш.

7. Кишиларни иноқликка, тинч -тотув яшашга чақиради.

8. Ҳалқлар ўртасида дўстликни тарғиб этади.

9. Касб-хунар, илм-маърифатни эгаллашга чақиради.

Ю.Илмли кишиларнинг жамиятда тутган ўрнини таъкидлаб, олимларни, умуман аҳлини эъзозлаш керак, дейди.

Кошифий асарларида инсон **Ақлига, Ақлий тарбияга катта эътибор берилади. ҳақиқат мезони сифатида таърифлаб, инсон ўзининг фаолиятини фақат ақл ерда амалга оширади** дейди.

Кошифийнинг ахлоқий қарашлари Куръон ва Хадислардаги қоидалари билан боғлиқдир. У илгари сўрган ахлоқий тушунчалар: яхшилик ёмонлик, адолат, бурч, виждон, ор -номус, бахт саодат кабиларни таърифлаб, ҳар бирини инсонда шакллантириш йўллари ва усуллари ҳам баён этади, улар таркибий қисмларигача ажратиб, ижтимоий талаб даражасида тушунтиради, ҳамда асосий мезонларини ҳам кўрсатиб беради. У ахлоқийликнинг асосий мезонлаи, инсонийлик, адолатлилик, соф инсоний муносабатларни билади.

Кошифийнинг «Футувватномаи Султоний» асари ҳам бошқа таълимий-ахлоқий асарлар қаторида ана шу жавонмардлик илмининг қоида-низомларини ифода этган. Жавонмардликнинг рукнлари ўн иккита бўлган: олтитаси зохирий, олтитаси ботиний, ботинийга:

1.Ғийбат бўхтон ва ёлғондан тилини тийиш.

2.Ножуя номаълум сўзлардан қулоғини беркитиш.

3.Кўриш ножоиз нарсалардан кўзини юмиш.

4.Ҳаром нарсалардан кўлини тортиш.

3.Бориш ман қилинган жойлардан оёғини тортиш.

б.Ҳаром овқатдан тийилиш, зинодан сақланиш.

Ботиний рукнлар:

Саховат

2. камтарлик.

3.Каноат.

4.Авф ва махорат.

5.Кибр ва ғурурни тарк этиш.

6. кўнгил дунё ташвишларидан тозалниш.

Юқоридаги пандномаларнинг инсон камолотида ўз ўрни бор. Шарқшунос олим Беришртельс ҳам «Қобуснома»ни , ўта амалиётга оид асар сифатида таърифлаган. Бу фикр Хусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи Султоний» асарига ҳам тегишлидир. Унинг мундарижаси ва мазмунида ҳам кўриниб турибдики, мазкур асар ёшларни ҳар томонлама етук инсон сифатида камолга етказишда ҳақиқатдан амалий аҳамиятга эга.

Кошифий фанлар таснифида ҳам касб-хунар, илмга катта эътибор беришради. У

илм бойлик орттириш учун эмас , балки ҳаёт кечириш учун зарурдир, деб тушунтиради.Чунки илм-доимийдир мол дунё эса ўткинчидир, ҳақиқий, доно, билимли кишилар ўткинчи нарсаларга эътибор бермайдилар дейди.

Назорат учун савол ва топшириқлар.

1.тест.Хусайн Воиз Кошифий ўз асарларида инсон камолоти учун нималарни асосий деб ҳисоблайди? (билиш)

А) Ақл, Ақлий тарбия.

Б) Ахлоқ, ахлоқий тарбия.

В) жисмонан етуклик.

Г) меҳнат, меҳнат тарбияси.

2..тест. Кошифий ўзининг қайси асарида инсонларнинг салбий ва ижобий фазилатларини белгилаб беради.? (билиш)

А) «Калила ва Димна»

Б) «Ахлоқи Мухсиний»

В) «Футувватномаи Султоний»

Г) а ва в катордаги жавоблар тўғри.

3 . Хусайн Воиз Кошифий асарларини моҳиятини таҳлил қилинг (анализ).

4. Унинг асарларининг таълимий-тарбиявий аҳамиятини асослаб беринг.(баҳолаш)

4 Унинг асарларининг таълимий-тарбиявий аҳамиятини асослаб беринг (баҳолаш)

6-асосий савол. Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг таълимий-тарбиявий аҳамияти.

6- асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг педагогик қарашларини моҳиятини тушунтириш. Унинг таълим - тарбияга оид фикрларини моҳиятини изоҳлаб унинг асарларини ўрганишга қизиқиш уйғотиш.

Идентив ўқув мақсади: (талабалар учун ўқув вазифалари)

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таълим-тарбияга оид фикрларини моҳияти тушунтиради.

2.Унинг асарларидаги таълим -тарбияга оид фикрларини аҳамиятини изоҳлайди.

3.Бобурнинг асарларидаги таълим-тарбияга оид фикрларни таҳлил қилади.

4.Бобур асарларини ҳозирги давр ёш авлод тарбиясига таъсирини асослаб беради.

6-асосий савол баёни

Бобур илм-фан, санъатнинг, умуман ҳаётнинг ҳамма соҳалари билан яқиндан қизиққан. Ғайрат ва ташаббус, синчковлик ва истеъдод Бобурни ривожланган феодал даврининг улуғ намоёндаларидан бирига айлантиради. У ҳар доим соҳани аниқ билишга интилан, ундага нуксонларни кўра билган ва масаланинг моҳиятини тезда тушуниб етган. Жаҳон шарқшунослари томонидан олим сифатида эътироф этилган. Бобур фаннинг кўпгина соҳалари бўйича қимматли ишларни амалга оширган. Яқин ҳамда Ўрта Шарқ халқлари маданияти тарихи учун катта хизмат қилган. Масалан, ўзбек олими, география фанлари доктори, профессор Х.Хасанов уни фақат давлат арбоби эмас, балки машҳур лашкарбоши, тарихчи, гега биолог, мусиқачи ва меъмор ҳам бўлганини таъкидлайди.

Бобур ижодиёти асосан унинг лирик шеърлари ва адабий-тарихий асари-«Бобурнома» билан яққол кўзга ташланади. Бобурнинг хотираларидан ташкил топган ва темурийлар давлатининг таназзулга кетиш даврини ўзида ифодалаган, қомусий ҳарактердаги «Бобурнома» китоби илмий-тарихий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда тарих, география, ботаника ва фаннинг бошқа соҳаларига тааллуқли қимматли маълумотлар бор. Бундан ташқари, мазкур асар эски ўзбек тилидаги прозанинг илк намунаси ва нодир ёдгорлиги ҳамдир.

Бобур ана шу солномасида ўзи бўлган жойларнинг, жумладан Хиндистоннинг табиий манзараларини ҳам маҳаллий аҳолининг кийиниши ва урф-одатларини ҳам хайвонлари, қушлари ҳамда уларнинг қилиқларини ҳам тасвирлайди. Ўзи тилга олган нарсаларни теран фикрли, ўткир кўзли рассом сингари жозибали баён қилади.

Бобур ўрта асрлардаги Хиндистон халқлари тарихини ўзидан беш аср илгари яшаб ижод этган Абу Райхон Беруний каби маҳорат билан ёрита олган. Филология фанлари доктори С.Азимжоновна шу масалани таҳлил қилиб, чиқарган хулосасида айтгандек, хинд халқи ҳаётининг турли томонларига тааллуқли материалларнинг изчил баён этилиши, оригиналиги ва ишонарлиги жиҳатидан Берунийнинг маълумотларига фақат «Бобурнома» даги маълумотларни тенглаштириш мумкин. Беруний ва Бобур қадимий ҳамда ўрта асрлардаги Хиндистон халқлари маданияти тарихининг чинакам тадқиқий ёлғирлар. Уларнинг асарлари Хиндистон тарихига қизиқувчилар учун асосий манба сифатида хизмат қила олади.

Истеъдод соҳиби бўлган Бобур 12 ёшида подшо бўлганидан бошлаб, то умрининг охиригача ўзи кўрган воқеаларни, ўзи қатнашган ҳодисаларни, ана шу воқеа ва ҳодисаларга дахлдор бўлган юзлаб тарихий шахслар ҳаётини, фан учун муҳим аҳамиятга молик кўплаб далилларни адабий шаклда ёритган. «Бобурнома» ва шеърлар девонидан ташқари, мусулмонлик қоидалари ва қонуншуносликка бағишланган «Мубайн», араб алфавитини ўрганиш тўғрисидаги «хатти» шунингдек мусиқа ва ҳарбий санъат ҳақидаги асарларни яратди. Бу асарлар ўзбек адабий тили, адабиёти ва илм-фаннинг равақида муҳим аҳамият касб этади.

Буюк шоир, адиб, тарихчи ва олим Бобурнинг илмий-адабий мероси ҳозир ўзининг маълум тарихий-маърифий, илмий ва эстетик қимматини сақлаб келмоқда. Унинг кўп қиррали меросида педагогикага оид бирор махсус китоб ёки рисола мавжуд бўлмаса-да, деярли ҳамма асарларида ҳаётга ва ватанга муҳаббат хислатларининг яққол ифодасини, инсоннинг юксак бурчи ва кишиларнинг маънавий қиёфаси ҳақидаги теран фикр-мулоҳазаларни, фан ва динга муносабат масалаларини, яхши хулқли ва одобли бўлишга даъватни, илм-фан ва маърифатни эгаллашгача чақириқни, ахлоқий ва эстетик ғояларни, жўшқин ва мазмундор ҳаёт кечиришга тарғиб қилишни ва хоҳозаларни кўриш мумкин.

Фан ва маърифатни жуда юқори қадрлаган бобур адабиёт, санъат ва илм аҳли билан доимо яқин алоқада, ижодий муносабатда бўлди, уларга хомийлик қилди, илмий-адабий суҳбатлар, мушоиралар уюштирди. У ўз даврида илмга интилан одамларни жуда камлигидан ташвишланиб, астойдил қизиқиш, интилиш ҳамда машаққатли меҳнат билангина илм олиш мумкинлигини ва шундай қилиш зарурлигини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам у илм фаннинг аҳамиятини чуқур хис қилиб, ўзи жуда қадрлаган илм-фан кишиларини энг аввало, уларнинг юриш-туришига, кўпчилик манфаати учун қилган хизматларига қараб баҳолайди.

Ўз ижодида эзгуликни, иноқликни, вафодорликни ардоқлаган шоир ўзида аввалги касбдошларига эргашиб ёвузликни, зулмни, қабихликни қоралайди. Булардан ташқари, Бобур дўстликни, ҳаётни, унинг ҳар бир фурсатини қадрлашга, қайгу-хасрат билан эмас, балки оқилона, хушчақчақлик билан яшашга чорловчи, ёшларга ибрат бўладиган талайгина байтлар битган.

Бобурнинг фикрича, ёшлар шахсини ҳаётнинг ўзи шакллантиради, лекин Бунда меҳнат ва меҳнатда тобланиш муҳим рол ўйнайди. Меҳнат қилган ва «машаққат чеккан кишилардагина чинакам инсоний фазилатлар таркиб топади.

Бобур меъросини ўрганишда унинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятида, адиблик ижодиётида ҳам чуқур зиддиятлар мавжудлигини унутмаслик керак.

Бобурнинг шеърлари оригинал ижод самараси сифатида кўп авлодларга зўр бўлиб келган, ота-боболаримиз сарқирра фаолиятидаги ижобий жиҳатлари учун Бобурни эъзозлаганлар, биз ҳам уни ва унинг маънавий меъросини, хусусан ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга молик бўлган ахлоқий, маърифий ва педагогик ғояларини қадрлашимиз керак.

Назорат учун савол ва топшириқлар.

- 1 Тест. Бобур ўзининг Қайси асарларида таълим -тарбияга оид фикрларини юритган?
А). «Бобурнома» асарида.

Б) «Хатти Бобурий» асарида

В). Ҳамма асарларида.

а ва б қатордаги жавоблар тўғри.(билиш)

2.Бобур қандай санъат тури, соҳа ва фанларни чуқур эгаллаган ?

а) Давлат арбоби, ёзувчи, тарихчи, шоир, бастакор, тарихчи, мусиқачи, меъмор.

б).Давлат арбоби, лашкарбоши, тарихчи, географ, биолог, мусиқачи ва меъмор.

в).Давлат арбоби, лашкарбоши, бастакор, мунажжим, археолог, файласуф ва меъмор.

г).б ва в қатордаги жавоблар тўғри.(тушунтириш)

3.Бобурнинг асарларини ўрганиб улардаги инсон тарбиясига оид фикр моҳиятини изоҳланг. Сизнингча «Бобурнома» асарида педагогик фикрлар баён этилганми? Фикрингизни ёзма равишда баён қилинг.(тушунтириш)

1. Бобурнинг асарларининг таълимий-тарбиявий аҳамиятини Таҳлил қилинг.(анализ).

5. Миллий умуминсоний тарбияда Бобур асарларининг ўзига хослигини, ҳамда узвий боғлиқлигини таққослаб кўринг.(баҳолаш).

Мустақил иш топшириқлари:

1. XIV-XVI асрларда Мовароуннаҳрда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар тараққиётини ўрганиш.

2. Амир Темурнинг марказлашган маҳалий давлатининг пайдо бўлиши ва унда илм-фан ва маданиятни равноқи учун қилинган ишларни ўрганиб, ёзма маълумот тайёрлаш.

3. Мирзо Улуғбекнинг илм-маърифат соҳасидаги хизматларини ўрганинг. «Улуғбек – шоҳ, мунажжим, фан арбоби», «Улуғбекнинг педагогик фикр ва ғоялари» мавзусида реферат ёки ёзма иш тайёрлаш

4. М.Бобурнинг таълим-тарбияга оид қарашлари.

5. 14-16 асрда Мовароуннаҳрда нима сабабдан фан ва маданият, маориф қайтадан равноқ топди.Шарқ уйғониш даври ва Темурийлар давлатдорлигининг ўзаро боғлиқлиги таҳлили.

5. Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг умумбашарий қадриятларни юксалишига кўшган ҳиссаси.

6. Али Қушчи ва «Зиҷжий кўрогоний» тақдири.

7. Темур «Тузуқлар»и, «Темур ввасиятлари», ва «Темур ўғитлари» дан парчаларкелтиринг.

8. Алишер Навоий асарларида комил инсон талқини.

9. Алишер Навоийнинг таълим-тарбия масалаларига доир қарашлари.

10. Алишер Навоий афоризмларидан намуна ёд олинг.

11. Алишер Навоийнинг «Ҳамса», «Маҳбуб ул-қулб» асарларининг таълим-тарбиявий аҳамияти.

12. Хусайн Воиз Кошифийнинг педагогик қарашлари.

Мавзу бўйича илмий хулосалар:

1. 14 асрнинг иккинчи ярмидан 16 асрнинг бошларигача бўлган Уйғониш даври – маданий юксалиш биринчи навбатда Амир Темур номи ва фаолияти билан узвий боғлиқ бўлса, иккинчидан бу соҳада фарзандлари, авлодлари ҳам ката ўрин тутган.
2. Соҳибқирон бобомиз ўз одоби- ахлоқи, имон-этикод, маданият-маърифат, мановият, ижтимоий адолат бобида юксакликка, мукамалликка эришган сиймодир. Унинг салтанати юксак маънавият ва олий даражадаги маданиятга йўғрилган салтанат, Оврупа ва Шарқда энг қудратли давлат эди.
3. Улуғбекнинг энг ката ҳизмати шундаки, у бевосита илмий – педагогик қарашлари билан ҳам одамларни илимли ва маърифатли бўлишига дават этади. Ёшларнинг ақлий ва маърифий тарбияси ҳақида гапириб, уларни дунёвий билимларни эгаллашга дават этади, илмсизликка қарши курашади.
4. Улуғбек Самарқандда академияга асос солди, ер куррасини ўлчашни буюрди, ва астрономик жадвалларни тузишда иштирок этди.
5. «Бобурнома» тарихий, адабий, илмий, таълимий-ахлоқий мерос сифатида дунё олимларини ҳозиргача ҳайратда қолдириб келмоқда. У ўзининг маълум ва машҳур асарлари билан маърифатни халқ орасига ёйишга, илм ва жамоатравнаки йўлида хизмат қилишга интилди.
6. Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий қарийб олти юз йил нарида туриб бўлса-да, нафақат ўз халқининг, балки банибашариятнинг ҳам маънавий оламини бойитишида бевосита иштирок этмоқда., маънавий – рухий мададкор бўлиб турибди.
7. Алишер Навоий асарлари жамики одамзотга меҳнат ва ҳалолликдан, дўст ва ҳамкорликдан, ростгўйлик ва софдиллик ва самимийликдан муҳим ҳаётий сабоқ бермоқда. Анашу маънода алганда унинг таълимотифақат миллий аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, умумбашарий қимматга ҳам эгадир. Навоий умуминсониятга хос бўлган даҳолардан биридир.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Ўз Ватанни тарихини билишни, донишмад халқимизнинг кўп асрлик тажрибаларини ва жамиятнинг маданий- маърифий тараққиёти билан боғлиқ анъаналарни ифодалаб келган педагогика тарихининг ўтмиши, истиқболлари ва бугунги ўзгаришларини ўрганиш давр талаби.
2. Таълим ва тарбия ва илм-фанга ҳисса қўшган Аимр Темур фарзандлари, набиралари, авлодлари: Мирза Улуғбек, Бобур, Хусайн Бойқаро, Хумоюн Мирзо, Камрон Мирзо, Хиндол Мирзо, Гулбаданбегим ва бошқаларнинг таълим-тарбия ва педагогик фикр тараққиётган қўшган ҳиссасини ёшларга ўргатиш
3. Мирзо Улуғбекнинг педагогик қарашини илмий назарий асосларини яратиш.

4. Улуғбекнинг педагогик қарашларига, асарлари асосий омил бўлган алломаларни ижодини педагогик қийматини ўрганиш.
5. Мирзо Улуғбекнинг умумбашарий қадриятларни юксалишига қўшган ҳиссасини илмий педагогик асосини яратиш.
6. Алишер Навоий асарларида комил инсонни тарбиялаш услуб ва усуллари илмий назарий асосларини ишлаб чиқиш.
7. Шарқ Уйғониш даври ва Темурийлар давлатдорлигининг ўзаро боғлиқлиги таҳлили.

Адабиётлар рўйхати:

1. И. Каримов “Ўзбекистон ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” Т, “Ўзбекистон” 1995 й.
2. Амир Темур ўғитлари. Т.: наврўз, 1992.
3. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи.-Т.: Чўлпон, 1998.
4. К. Ҳошимов ва бошқалар “Педагогика тарихи” Т., “Ўқитувчи” 1996 й.
5. М. Харуллаев “Ўзбекистон педагогикаси антологияси” 1 жилд. Т., 1995 й.
6. Раҳимов С. “Абу Али Ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида” Т., 1967 й.
7. Кайковус “Қобуснома” Т., “Ўқитувчи” 1986 й.

6- мавзу: XVII ASRDAN XIX ASRNING BIRINCHI YARMI GACHA TARBIA, MAKTAB VA PEDAGOGIK FIKRLAR RIVOJI.

(2 соат маъруза).

Асосий саволлар

1. XVII-XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида таълим-тарбия, мактаб, фан ва маданият.
2. Жаҳон Отин Увайсийнинг педагогика ривожига тутган ўрни.
3. Муҳаммад Содик Кошгарийнинг ёшларни ахлоқан етук инсон бўлиб тарбияланишига оид қарашлари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

ёзувчи, шоир ва олимлар, ижтимоий, мафкуравий, адабий, маърифий ҳаёт, меъморий ансамбл, диний мафкура, фан арбоблари, адиблар, илохий таълим асослари, Отинойи мактаблари, "Одоб ас-солихан", Жаҳонбиби, қизлар мактаби, оқила қизлар

Мавзуга оид муаммолар:

1. XVII-XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларидаги таълим-тарбия, мактаб, фан ва маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари нимада эди. Уларнинг фарқли ва ўхшаш томонларини ўрганиб чиқинг, бир-бири билан таққосланг.

2. XVII- асрда хонликлар ўртасидаги ўзаро клишмовчиликлар, урушлар, халқни талон-тораж қилиш янада кучайди. Иқтисодий-ижтимоий ҳаётда тушқунлик вужудга келди, аммо шунга қарамай илм, фан, ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий фикр тараққий этди. Сизнингча илм-фан тараққиётига нима сабаб бўлди? Фикрингизни тўғрилигини исботланг.

2. Жаҳон Отин Увайсийнинг педагогика ривожига қўшган ҳиссасини аниқланг, унинг идеалидаги таълим-тарбияни ҳозирги кун билан қиёсланг. Увайсийнинг қарашларида қандай ғоялар устун эди.

3. Муҳаммад Содик Қошғарийнинг маънавий меросидан хабардорсиз, улар ичида ёшларни ахлоқан етук қилиб тарбиялашда салмоқли ҳисса қўшган асарларини кўрсатинг.

1-асосий савол: 1. XVII-XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида таълим-тарбия, мактаб, фан ва маданият.

1- савол бўйича дарснинг мақсади: XVII-XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида таълим-тарбия, мактаб, фан ва маданиятнинг моҳиятини талабаларга тушунтириш. Ўша даврнинг таълимий-тарбиявий фикрларни тўғри талқин этиш, талабаларнинг мутафаккир олимларнинг асарларидаги ижобий ҳислатларни ўрганиб ўзларида кўникма ҳосил қилишга ўргатиш.

Идентив ўқув мақсади:

1. XVII-XIX асрларда Бухоро, Хива, ва Қўқон хонликларида таълим-тарбия, мактаб, фан ва маданият тараққиётининг ўзига хос жиҳатларини айтиб беради.
2. XVII-XIX асрларда Бухоро, Хива, ва Қўқон хонликларида таълим-тарбия, мактаб, фан ва маданият асосий сабабларини моҳиятини очиб беради.
3. XVII-XIX асрларда Бухоро, Хива, ва Қўқон хонликларида таълим-тарбия, мактаб, фан ва маданият тараққиётига ҳисса қўшган алломаларнинг педагогик қарашларини таҳлил қилади.
4. XVII-XIX асрларда Бухоро, Хива, ва Қўқон хонликларида таълим тарбия, мактаб, фан ва маданият тарикқётининг моҳиятини ҳозирги тарикқётига таққослайди.

1-асосий савол баёни:

XV асрнинг охири ва XVI аср бошларида Мовароуннаҳрда юз эллик йил ҳукмронлик қилган темурийлар сулоласи инқирозга учради. Унинг ўрнига Шайбонийлар хумонлиги ўрнатилди. Шайбоний ўлимидан кейин ўзаро урушлар авж олди оқибатда ҳар соҳада турғунликка учради. Бу ҳудудда учта хонлик ташкил топди. Бухоро, Хива кейинчалик

Қўқон хонликлари. Бу хонликлар барпо этилгандан кейин ҳар соҳа ўз ривожини топа бошлади. Жумладан Бухоро хони Абдуллахон давлатлар билан ҳар томонлама ташқи алоқани ўрнатишга эришди. Бу ерда кўпроқ адабиёт, тарих, меъморчилик, тасвирий санъат ривожланди. Табиий фанларга оид яратилган асарларни кўпайтириш усуллари ифода этувчи "Ҳисоблаш усуллари ҳақида трактат) номли математикага оид аса юзага келди.

Бу даврда Абулғозийнинг "Шажараи Турк" асари Айниқса машҳур бўлди. Абулғозий 1603 йили Хива хони Арабмуҳаммад оиласида келди ва у 1645-1663 йилларда келиб ҳукмронлик қилган Абўлғозийнинг "Шажараи турк" асари машҳур. У сипоҳилик, шоирлик тарихнавислик соҳаларида шухрат топганди.

Абўлғозий Хоразмда илм-фанни тараққий эттириш ва маданиятни яхшилаш мақсадида ўз саройига бинокорлар, табиблар, шоирлар, тарихнавислар, адиб, хаттот ва 17-19 асрда Бухоро Хива, Қўқон хонликларида таълим тарбия фан ва маданият ривожини изохлаб беради.

XV асрнинг охири ва XVI аср бошларида Мовароуннахрда бир юз эллик йил ҳукмронлик қилган теурийлар сулоласи инқирозга учради. Унинг ўрнига Шайбонийлар ҳукмронлиги ўрнатилди. Шайбонийхон (1451-1510) Мовароуннахрда кучли марказлашган давлат барпо қилишган бўлса ҳам, унинг ўлимидан сўнг ўзаро урушлар авж олиб кетди ва бу ҳудудда учта хонлик , аввало , Бухоро ва Хоразм, XVIII аср охирига "Қўқон хонлиги қарор топди. Аммо хонликлар ўртасидаги бетухтов ўзаро урушлар мамлакатни маълум даражада ҳароб эта бошлади, фан ва маданият соҳасида турғунлик юз берди.

Мамлаката иқтисодий аҳволини мустаҳкамлаш мақсадида, 1502 йилда Зарафшон дарёсига сувайиргич кўрилди. 1507 - 1508, 1529-1530, 1583, 1598 йилларда пул ислоҳоти ўтказилди.

Бухоро хони Абдуллахон даврида бошқа давлатлар ўртасида ҳар томонлама алоқалар ўрнатилишга эришилди. Жумладан Хиндистонда шох Акбар, Шарқий оврупада Иван Грозний билан дўстона муносабатлар ўрнатилди.

Абдуллахон ўз атрофига ёзувчи, шоир ва олимларни тўплаб уларга ҳомийлик қилди. Шоирлар орасида, Айниқса Мушфикий ўз мадхиялари, лирик шеър ва ҳажвиялари билан шухрат топди. Абдуллахоннинг топшириғи билан у турли бинолар учун тарихлар битди.

Шайбонийхоннинг "Таворихи гўзидаи нусратнома", Бобўрнинг "Бобурнома", Восифийнинг "Бадойеъ ул-вакоеъ", Фазлуллох ибн Рўзбехоннинг "Меҳмонномаи Бухоро" каби йирик бадиий асарларида ўша даврнинг ижтимоий , мафкуравий, адабий маърифий ҳаёти ўз аксини топган.

XVII-XVIII асрларда меъморчилик соҳасида кўплаб иншоотлар бунёд этилди. Бухорода Имомкулихоннинг нуфузли катта амалдорларидан Нодир девонбеги шаҳар кўркига кўрк кўшувчи масжид, ховуз, мадрасадан иборат катта меъморий ансамбл қурдирди. Нодирдеворонбеги бундан

ташқари, Самарқанддан 4 чақирим жанубда Хўжа Ахрор қабри олдиға мадраса ва номозгоҳ ҳам бино қилдирди.

Бу даврда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида диний мафкура ҳукумрон эди. Турмушда ҳам, оилада ҳам, ҳар бир киши ахлоқида, ҳуқ-атвори диний талабларга риоя этилар, мадрасаларда асосан илохий таълим эсослари ўргатилар эди.

Мадрасани битирганларидан мударрис, мутавали, қози, имомлар, шунинг билан фан арбоблари, адиблар, шоирлар ҳам етишиб чиқарди. Чунончи: Бобораҳим Машраб, Муҳаммад Амин Косоний - Намангоний, Сайидо Намангоний, Шавқий Намагоний, Сайидо Насафий, Суфи Оллоёр, Зебунисо, Дилшод - Барно, Муҳаммад Мир Олим Бухорий, Абулғози Баходирхон қабилар бошқа касб эгаларини тўплади. Абўлғозий ота-боболарининг кунтсизликлари туфайли ёзилмай қолиб кетаётган хонлик тарихини яратишга қатъий киришди ва қобилиятли хаттотларни бу ишга жалб этди. Хоразмнинг ўтмиш маданияти Абулғозийнинг катта иштиёқ қизиқиш уйғотган эди.

Абўлғозий асарлари Шарқ тарихчиларининг - олимларининггина эмас балки, 1880 йиллардан бошлаб рус ва Ғарбий Оврупа олимларининг ҳам диққатта-эътиборини ўзига торта бошлади. Муаллифнинг "Шажараи туре асри 1825 йилда Козонда Румянцев, 1854 йилда Г.С. Саблуков, 1871 йил П.И.Демизонлар томонидан, "Шажараи тарокима" асари эса 1898 ва йилларда бир неча маротаба рус тилида нашр эттирилди.

Ўзбекистон ҳудудидаги хонлик ва амирликлар даврида фан, адабий санъат, маърифат бир мунча ривожланган. Кўпроқ хон саройлари доирасида ҳам диний, ҳам дунёвий адабий асарлар ёзилган. Ўзбек тилида ёзилган асарлар орасида муаллифи халигача номаълум "Таворихи Гўзида" туркий қабилалар тарихи ва номлари кенг ёритилади. Бу даврда бошқа кўплаб тарихий, асарлар яратилганки, биз уларни ўрганишимиз орқали ўтмишни тўғри тасаввур қила олиш имкониятига эга бўламиз... Жумладан бу пайтда Муҳаммад Ёқубнинг "Гулшан ул-мулук", Муҳаммад Олимнинг "Тарихи амир Насрулло", Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳами Шарифларнинг "Тарихи амир Хайдар", Муҳаммад Хақимхон Турам "Мунтахабут таворих", Мулла Авазифа Муҳаммаднинг "таверн жахоннумойи", Мулла Ниёз Муҳаммаднинг "Тарихи Шохрух Абдурахмон Толенинг "Абўлфайзхон тарихи", Муҳаммад Вафо Кирмонийнинг "Тухфаи хоний" каби асарлари диққатга лойиқдир.

XVIII асрда яшаб ижод этган маърифатпарварлар орасида Сўфи Оллоёр (асли исми Оллоҳёр) анчагина машҳур бўлиб, унинг асарлари мактаб ва мадрасаларда ўқув қўлланмаси сифатида кенг фойдаланилган.

Суфи Оллоёр фикрига оид "Сирож ул-оҷизин", "Сабот ул-оҷизин", "Мурод ул-орифин", "Махзан ул-орифин", "Нажот ул-толибин" асарларини яратди. "Суфи оллоёр" номи билан ҳалқ орасида машҳур бўлган "Сабот ул-оҷизин" деган асар мактабларда савод чиқарилиши билан ўқитилар эди. Унда ислом динининг асосий қоидалари, ақидалари баён этилганди. Ул инсоний фазилатлар бадий ҳикматлар ҳамда ҳикоялар тарзида

ифодаланади. Китобда илгари сурилган масалалар ояту хадисларга мувофиқ ёзилганлиги намоён бўлади. Асар форс ва араб тилини билмаган оддий халқ учун мўлжалланган. Бу унинг муқаддимасидан ҳам кўриниб турибди. Унда Аллох таолони танимоқ баёнида", "аллох таоло маърифатининг баёни", "Аллох таолонинг саккиз сифатининг баёни"дан сўнг иймоннинг, ришталарнинг баёни, пайғамбарларга иймон келтириш баёнидан сўнг ислом динининг асосий қоидалари юксак ахлоқий талаблар, ҳикоятлар, ҳикматлар асосида баён этилиб берилади. Масалан: "Камтаринлик, ҳақида мавъиза", "Таъмадан тийилиш ҳақида", "Ёмонлар суҳбатидин қочиб, яхшилар суҳбатинда бўлмоқнинг баёни", "Нафси шум баёнида" , "Банда аҳдида турмоғи баёнида", "Яхши ҳамроҳ баёнида", "Ҳиёнатдин йирок бўлмоқ баёнида", "Жавонмардлик нишони" каби боблар бунга мисолдир.

Бу даврда мактаб ва мадрасаларда грамматика, Ҳандаса, мантик, роат, тафсир, шариат, ҳикмат, ислом тарихи ва ақидаларига оид илмий-назарий билимлар, иш юритиш, ҳуқуқшуносликка, савдо-сотик ишларига оид, мерос ва бойлик, тақсимоат ва шу каби бошқа ўнлаб имлий билимлар, дунёвий ҳамда диний билимлар ўргатилад эди. Барча мадрасаларда мажбурий фан сифатида "Қуръон", "Тафсир", "Одоб ас-солиҳин", "Маслак ул-муттакин", "Сабот ул-оҷизин", "Қимёи саодат", "Ҳадис", кабилар ўқитилар эди. Ўқиш муддатти 15-20 йилни ташкил этган. Масжид ёнидаги мактабда болаларга 7 йил алифбе, абҷад, Қуръон, Фарзи айн, чор китоб, Хўжа Ҳафиз, "Маслик ул-муттакин" , Мирзо Бедилдан савод ўргатилган.

Ўзбек болалари ўқийдиган мактабларда "Китоби Фўзулий", "Лисон ул-тайр", "Девони Алишер Навоий", "Хувайдо", "Қиссаи Девона машраб", Сўфи оллоёрнинг "Сабот ул-оҷизин" китоби ўқитилган. Барча мактабларда ибораларнинг саводи чиқарилгандан сўнг Суфи Оллоёр ўқитилган.

Таълим-тарбия жараёнида хотин-қизларга , аёллар тарбиясига катта эътибор берилди. Ўқимишли, маърифатли, зиёли аёллар томонидан кўплаб мактаблар ташкил этилди ва у отинлар мактаби деб номланди.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1 .Қайси хонликда бошқа давлатлар ўртасида ҳар томонлама алоқалар ўрнатишга эришилди? (билиш).

А). Бухоро хони

Б). Хива хони

В). Қўқон хони

2. Қайси қатордаги асарлар Абдулғозий асарлари ҳисобланади?

А). «Тарихи амир Насрулло» (тушунтириш)

Б). «Шажараи турк», «Шажараи тарокима».

В). «Манофеъ»,

Г). б,в қатордаги жавоблар тўғри.

3. XVII-XVIII асрларда Бухоро Хива, ва Қўқон хонликларида таълим-тарбия, мактаб, фан ва маданият тараққиётининг моҳиятини таҳлил қилинг (анализ)
4. XVII-XVIII асрларда Бухоро Хива, ва Қўқон хонликларида таълим-тарбия, мактаб, фан ва маданият тараққиётининг моҳиятини таққослаб ўзига ҳос жиҳатларини аниқланг. (баҳолаш).

2 асосий савол: Жаҳон Отин Увайсийнинг педагогика ривожига тутган ўрни.

2- савол бўйича дарсинг мақсади: Жаҳон Отин Увайсийнинг таълим-тарбияга оид фикрларини моҳияти талабаларга тушунтириш. Унинг педагогик қарашларини туғри талқин этиш ва мукамал ўрганишга қизиқиш уйғотиш.

Идентив ўқув мақсади: (талабар учуй ўқуи вазифалари).

1. Жаҳон Отин Увайсийнинг таълим тарбияга оид фикрларини моҳиятини айтиб беради.
2. Жаҳон Отин Увайсийнинг педагогик қарашларини шу давр алломалари қарашлари билан таққослайди.
3. Увайсийнинг таълим тарбияга оид фикрларини таҳлил қилади.
4. Жаҳон Отин Увайсийнинг педагогик қарашларини асослайди.

2- асосий савол баёни:

Жаҳон Отин Увайсий Марғилон шаҳар Чилдухтарон маҳалласида, Фарғона тумани, Арсун қишлоғида туғилиб яшаган. Унинг отаси Қайнар девона ёки Девонаи Каландар деб юритилган. (Унинг Исмини Сиддиқбобо деб атаганлар). Онасининг номи эса Чиннибиби эди. Уларнинг Увайсийдан катта Охунжон хофиз деган ўғли ҳам бор эди. Қайнар девона Косондан келиб, марғилонда турғун бўлиб қолган.

Дастлаб Жаҳонбиби ота-онаси ва акасининг кўмагида ўз-ўзича мутолаага берилади. Ўзбек, тожик мумтозлари, айниқса Жомий, Фузулий асарларини севиб ўқиб, улардан ўрганади. Увайсий таҳаллуси билан шеърлар машқ қила бошлайди. У арўз вазнини ҳамда у билан боғланган муаммо санъатини мукамал эгаллайди.

Увайсийнинг мактабдошлик фаолияти қайси йилларда бошланганлиги маълум эмас. Аммо у турмушга чиққунча, шоира, отинча сифатида анчагина танилиб қолган эди. Онаси Чиннибиби ўқитадиган қизлар мактабида аввал халифалик қилган, кейинчалик унинг ўзи мустақил тарзда қизларни ўқита бошлаган.

Нодира Увайсийни ўз ҳимоясига олади. Иккала шоира эгачи-сингил тутинадилар. Нодира эгачисига Қўқондан ховли-жой инъом қилади. Увайсий Қўқонда Нодиранинг энг яқин кишиси, суҳбатдоши, сирдоши бўлиб қолади. Ҳалқ орасида тобора унинг обрўйи, шуҳрати ортади, Нодира саёҳатга қаерга борса, Увайсийни ҳам ўзи билан бирга олиб боради.

Нодира билан у Конибодом, Хужжанд, Ўратепа, Тошкент, Андижон, уш ва башқа шаҳарларда бўлади.

Бухоро амири Насрулло 1842 йилда Қўқон талон-торож қилиб, Нодирани вахшиёна ўлдиргандан кейин, Увайсий Марғилондан бутунлай кетиб қолади ва умрининг охиргача у Қўқонда яшайди.

Увайсийнинг муаллимлик фаолиятини ўрганар эканмиз, унинг ўқитиш усуллари ҳақида, ўша даврдаги қизлар мактаби, уларнинг мазмунида отинларнинг ўрни ҳақида муайян маълумотга ҳам эга бўламиз.

XIX асрда Ўзбекистонда, умуман Марказий Осиёда таълим-тарбия муаммолари билан махсус шуғулланувчи мутахассислар, олимлар, мутафаккирлар бўлмаган. Лекин даврнинг илғор кишилари шоир ва мутафаккирлари ўз маърифий қарашлари асосида таълим-тарбияни ривожлантирганлар. Шубҳасиз, таълим-тарбиянинг моҳияти, ижтимоий роли, мақсад ва вазифалари, тарбиячининг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни сингари масалалар ҳақида у ёки бу шаклда ўз фикрини билдирмаган, чинакам тарбиячи бўлиши қийин.

Ўтмишдаги барча шарқ мўтафаккир ва шоирлари сингари ўзбек отинларининг ҳам педагогика назариясига оид асарлари йўқ. Лекин уларнинг кўпчилигида назм иқтидорли бўлганлиги туфайли бизга мерос қилиб қолдирган шеърий дурдоналарига асосланган ҳолда таълим-тарбия тўғрисидаги қарашлари, ҳалқа маърифий тарқатиш соҳасидаги интилишларини аниқлаш мумкин. Бир сўз билан айтганда, педагогика уларнинг асарларига сингиб кетгандир. Ана шундай маърифатпарвар ўзбек аёлларидан бири, ҳалқимиз орасида Увайсий таҳаллуси билан машҳур бўлган шоира Жаҳон Отин Увайсийдир.

У 1796-97 йилларда онаси отинлик қилган хусусий мактабда дастлаб ҳалифалик ва кейинчалик мустақил равишда отинлик қилган Жаҳон отин ўз мактабида таълим-тарбия соҳасида ўзига хос илғор усулларни қўллашга ҳаракат қилганлигини кўрамиз.

Аввало, шуни таъкидлаш кераки, XIX аср шароитида мактабларнинг аниқ таълим-тизими ҳақидаги гапириш бир оз қийин.

Бу даврда асосан мактабларнинг, яъний таълим муассасаларининг қуйидагича бошланғич мактаблар тузилишига эга эканини кўрамиз:

1. мактаблар:

- ўғил болалар мактаблари-ўғли болаларга диний таълим-тарбия беришрадиган бошланғич мактаблар;
- отинойи мактаблари-қиз болаларга ислом қоидаларини ўргатадиган ва бошланғич таълим беришрадиган мактаблар;
- мадрасалар-ўғил болаларга диний таълим беришувчи оли таълим муассасалари;

Юқорида санаб ўтилган таълим учоқлари (отинойи мактабларидан ташқари) вақт даромадларидан келган маблағ ҳисобига таъминланарди.

Қизларга бошланғич диний таълим беришрадиган отинбиби мактаблари эса асосан хусусий бўлиб, отинларнинг уйларида ташкил қилинарди. Бундай мактаблар муайян бир ўқув режаси ва дастурига эга

эмас эдилар. Ўқувчилар ҳам синфларга бўлиб эмас, балки болалар ўқитиладиган китобларни ўзлаштириш даражасига қарб гурҳларга бўлиб ўқитиларди.

Домла ёки Отинойи дарсни беришрилган вазифаифани ўқитиб кўриш ва янги топшириқ беришришдан бошлар эди. Хеч бир домла отинойида ўзига хос ишлар, умумий ўқув дарслиги ё бўлмаса ўқув услуби бўлмаса эди.

Отинойи мактабида ўқитишнинг сифати отинойининг билим даражасига ниҳоятда боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидламоқчимиз. Чунки, қизлар учун мутлақо нотаниш бўлган араб графикасида ўқитиш ва ёзишга ўргатиш ниҳоятда қийин шароитда кечади, мактабларни битирувчилар орасида кўплаб оқила ва билимдон қизлар етишиб чиққанлиги ҳақида тарихда мисоллар кўп.

Увайсий Умархон саройида шоир сифатида шеър санъатидан, мусикадан шу тарзда муаллимали қилган.

Жаҳон Отин Увайсий фаолият кўрсатган **Жаҳонбиби** қизлар мактаби ҳам ана шундай ибрат олса арзийдиган билим ўчоқларидан саналган. Ўзининг бутун фаолияти давомида ҳалқимиз орзу умидларини рўёбга чиқаришга ҳаракатта қилган Жаҳон Отин ҳалқимизнинг оқила қизларини тарбиялаш, гўзал ҳаётга эришишнинг бирдан бир йўли деб ўйлаб, ўзининг бутун умрини ёш қизларга таълим ва тарбия беришришга бағишлади. Ўзбекистон аёлларининг маънавий озодлиги уларнинг назм дунёсига кириб, баралла куйлашида муҳим ўрин тутди.

Жаҳон отиннинг мураббийлик фаолияти нимадан ибрат бўлганлигига бир мисол ва бу фаолиятнинг кичик бир лавҳаси.

Увайсийнинг авлодлари шоирадан 4та девон қолганини айтдилар. Увайсийнинг ўз қўли билан кўчирган девонларидан иккитаси ёшлик чоғида йўқолган. Қолган иккитаси Андижонлик лўли хотин олиб кетиб йўқотган. Улардан кўчирилган уч нусха қўлёзма девон Андижон Давлат педагогика институти кутубхонасида сақланмоқда.

Увайсий ҳақиқий дўстни «сохиби идрок» ақли расо бўлиши лозимлигини таъкидлаш билан ақлий тарбияга эътибор беришради.

У ўз асарида ҳалқнинг онги, тили, дилида ёд бўлиб кетган хикматли сўзлар, мақоллар, иборалардан кенг фойдаланадики, Булар ҳам унинг асарларини тарбиявий аҳамиятини янада оширади.

Жаҳон отин Увайсий ўзбекистон педагогикаси мактаблари тарихида ўз ўрнига эга бўлган буюк шахс.

У ўзининг мактабдорлик ва ижодий фаолияти билан ёшлар таълимида юксак ўринга эга. Увайсийнинг маърифий фаолиятида унинг аёллар саводхонлигини ошириш, ақлий тарбия, мусиқа санъати, қобилиятли қизлар билан иш усуллари алоҳида ўринга эга. У ўз даврининг ёш толибаларига ҳаётга муҳаббат туйғуларини сингдириб борган, тез фикрлаш, чиройли сўзлаш ва бошқа тарбиялаш воситалари билан боғлиқ бўлган чистон топишмоқ усуллари яратишни ўргатган. Шунинг учун ҳам Увайсий

ижодий меросини ўрганиш ва уни ҳозирги давр мактаблари таълим - тарбия тизими мазмунига киритиш муҳимдир.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. XVIII аср бошларида бошланғич таълим мактаблари қандай тузилишга эга бўлган?
А) Ўғил болалар мактаблари ўғил болаларга диний таълим –тарбия беришрадиган бошланғич мактаблар.
Б) Отинойи мактаблари қиз болаларга диний таълим –тарбия беришрадиган мактаблар. Ўғил болаларга диний таълим беришувчи оли таълим муассасалари.
В) Қуйи мактаб, корихона, мактаб интернат.
Г) А ва Б қатордаги жавоблар тўғри.
2. XVII-XVIII асрларда Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида таълим тарбия, мактаб, фан ва маданият тариққётининг ўзига хос жиҳатлари нимадан иборат эди.(анализ)
3. XVII-XVIII асрларда Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида таълим тарбия, мактаб, фан ва маданият тариққётида Увайсининг ўрни асослаб кўрсатинг.
4. XVII-XVIII асрларда Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида кўзга кўринган алломалар ижодининг асосий ғояси нимани ташкил қилар эди? Жоҳон Отин Увайси ақлий тарбияга тима учун кўп эътибор қаратган? Фикрингизни тўғрилигини исботланг.

3-асосий савол: Муҳаммад Содик Қошғарийнинг ёшларни ахлоқан етук инсон бўлиб тарбияланишига оид қарашлар.

3- савол бўйича дарснинг мақсади: Муҳаммад Содик Қошғарийнинг педагогик қарашларини моҳиятини тушунтириш. Унинг асарларининг таълим-тарбиявий аҳамиятини талабалар онгига сингдириш ва унинг асарлари ўрганишга қизиқиш уйғотиш.

Индентив ўқув мақсадлари

1. Муҳаммад Содик Қошғарийнинг педагогик қарашларини моҳиятини айтиб беради.
2. Муҳаммад Содик Қошғарийнинг асарларидаги инсон тарбиясига оид фикрларни изоҳлайди.
3. Муҳаммад Қошғарийнинг камил инсон тарбиясига оид фикрларига аниқлик киритади.
4. Муҳаммад Қошғарийнинг педагогик қарашларини бугунги кундаги аҳамиятини шарҳлайди.

3- асосий савол баёни:

Муҳаммад Содик Кошғарий ҳақида бизгача жуда оз маълумот етиб келган. Лекин ҳозирги пайтда бизга маълум бўлган «Одоб ас-Солихин» асасарининг ўзиёқ бизга унинг машхур педагог олим сифатида танитади.

Муҳаммад Содик Кошғарий 1740 йилда Кошғарда камбағал дехқон оиласида туғилган ва 1843 йилда у шу ерда вафот этган. Биз олимнинг тарбияшунос эканлигини унинг мероси қолдирган асарларидан биламиз. «Одоб ас-Солихин» («Яхши кишилар одоби»), «Зубдат ал-Масойил» («Масалаларнинг қаймоғи»), «Дур ал-Мўзохир» («Кўмакдошларнинг дурдонаси») ҳамда «Тазкиран хожагон» («Хожалар тазкираси») асарлари бизгача етиб келга.

Муҳаммад Кошғарийнинг «Одоб ас-Солихин» («Яхши кишилар одоби») «Зубдат ал-Масойил» («Масалаларнинг қаймоғи») асарлари туркий тилда яратилди. У 5 марта: Тошкентда 1889, 1901 йиллар ва Истанбўлда 1891-92, 1986 ййилларда қайта нашр этилган.

Мазкур асар мазмуни, номидан ҳам кўриниб тўрганидек, инсоннинг ҳаёти давомида зарур хулқ-одоб қоидаларига ўргатиш ғояси илгари сурилади. Унда кундалик турмушимизда ҳар бир ёш эгаллаб олиши зарур бўлган зохирий (ташқи) ва ботиний (ички) одоб ва ахлоқ қоидалари нималардан иборат бўлиши зарурлиги ва шунда Буларнинг (толиб содиқларнинг) ҳам ўсиб, баркамол инсон даражасига етишиши таъкидланади. Муҳаммад Кошғарийнинг «Одоб ас-Солихин» асари муаллифининг ўзи таъкидлаганидек, муқадима ва 7 бобдан ҳамда ҳар бир боб 4 фаслдан иборат.

Ҳар бир инсон одоби зохирий ҳамда одоби ботинийни билиб, унга амал қилиши зарурлиги ва у одоб қоидаларини муътабар китоблардан жам этганлигини. Сўнг юқорида таъкидлаганимиздек, инсоннинг баркамол бўлиб етишишида кундалик турмушида зарур зохирий ва ботиний одоб қоидалари: саломлашиш ва рухсат сўраш, мулоқат одоби, ухлаш ва йўл юриш, суҳбат ахлининг ўзини тўтиши, эр-хотин одоби, тозалик ва озодалик қоидалари, меҳмон кўтиш, зиёфат ва овқатланиш одоби, сафар қоидалари баён этилади.

Биринчи боб рухсат сўраш ва саломлашиш, кўришиш, қўл олишиш ҳақида бўлиб, у 4 фасилдан иборат.

Маълумки, шарқ халқларида бирор кимса бирорта уйга кирганда у ерга рухсатсиз кириб боравермай, маълум урф-одат қоидаларига риоя қилади. Ана шу қоидаларининг энг муҳимлари, Муҳаммад Содик Кошғарий ҳар бир одам келганлигини билдириш (эшикни қоқиш ёки йўталиш), овоз беришрилгандан сўнг ичкарига киришга рухсат сўраш ва сўнг кириш керАқлиги баён этилади.

Иккинчи фаслда эса саломлашишнинг 12 одоб қоидаси ҳақида фикр юритилади. Шунда салом беришриш ва жавоби масаласида ҳозирги пайтда ҳам юз беришраётган мунозарали фикрларга нуқта қўйгандек бўлади. Муаллиф айтишича, адаби аввал 2 мўмин киши келсалар хох ошно хох ноошно, салом беришришгайлarki, салом беришриш суннатдир, жавоби фарзи айндиr, дейди.

Мазкур бобда яна саломлашишидаги хатти ҳаракатталар, жисмонан заиф кишилар ва саломлашиш қоидалари, эркак ва хотин-қизларнинг саломлашиш қоидалари, салом беришрмаслик ва хотин-қизларнинг саломлашиш қоидалари, салом беришрмаслик ва жавоб қайтармаслик ҳақида ҳам ҳозирги давр учунмуҳим тавсиялар мавжуд.

Биринчи бобнинг учунчи фаслида беришрилган мулоқат (учрашув) одбига оид тавсиялар ҳам диққатга сазовар. Бунда учрашганда қўл беришриб кўришиш, лекин қўл учида эмас, астойдил, лекин қўлни силамай, очик юз билан кўришиш баён этилади.

Иккинчи бобда ухламоқ кийим кийиш, йўл юриш одоблари ҳақида фикр юритилади. Масалан, ухлаш олдидан эшикларни маҳкамлаш, идишларни оғзини ёпиш, ўриндаги кўрпани қоқиб ёзиш, ўт, чироқни ўчириш, ухлайдиган ўринни юмшоқ қилмаслик ўнг қўлига бир оз суяниб ётиш тавсия этиладики, бу қоидаларга риоя қилмаслик натижасида кўплаб нохуш воқеалар рўй беришрганлиги айтилади. Либос кийиш қоидалари ҳам хулқ- одоб қоидаларининг таркибий қисми саналади. Бунда энг муҳимларидан киши имкон даражасида кийиниши лозимлиги, қулайлиги ва ёши, жинсига, жойига, фаслига мос бўлиши, уни тоза тўтиш, яхши либос кийганда манманлик қилмаслик, киймайдиган ортиқча либосларидан мухтожларга инъом қилиш каби тавсиялар ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Йўл юриш қоидалари ҳар бир инсон учун бўлиши зарур бўлган қоидалар бўлиб, бу ҳақда қуйидагилар: йўлда юрганда меъёрида қадам ташлаш, атрофга алангламаслик, жамоат жойларида бошқаларга озор беришрмаслик, кексалардан кейин юриш, ўзтозлар билан бирга кетаётганда уларнинг ҳурматиini сақлаш, йўлда ҳамкорлари бўлса улар билан бирга кетишлик, йўлда эса бирор киши билан учрашиб қолса, саломлашиб, тез ўтиб кетиш, агар зарур бўлса бирор чеккага чиқиб сўзлашиш, йўлда оғиз суви ёки балгамни тўпурса юзини беришркитиш, уни ўнг томонга ёки олдига эмас, чап томонга ёки орқасига ташлаш, йўлда ёрдамга мухтожларга ёрдам беришриш, кишиларга азият етказадиган нарсаларни олиб ташлаш, мазлумлар ғам андухларига шерик бўлиб уларга ёрдам беришриш, яхши ишни маъқуллаб, ёмон ишдан қайтариш Қабилар баён этиладики, Буларни билиш катта-ю кичикка бирдек зарурдир.

Учинчи бобда суҳбатлашиш одоби баён этиладики, бу одоб қоидаларига инсон ҳар бир дақиқада риоя этиши зарур.

Эр киши хотинига яхши муомала қилиши, уни беришхуда ғазаблантирмаслиги, олижаноб бўлиши, мурувват кўрсатиши, хавойи нафс балосидан сақланиши, агар аёл таккабур ва жафо кўрсатса, унга аввал насихат қилиб адаб беришриши, яхшитомонга юз тутса авф этиши зарурлиги баён этилади. Хотин эса эрининг рухсатисиз ҳеч жойга бормаслиги ва ҳеч кимни уйга келтирмаслиги, эрининг мол дунёсини сарф этмаслиги, ўз маъсулятини бажариши, эри хурсанд бўлса-хурсанд, ғамгин бўлса - ғамгин бўлиши, эрининг топиш-тўтишига қаноат қилиш, эр вафот

этганда мотам тўтиб мархумнинг рухини пок сақлаш ҳақида ибратли пандлар баён этиладики, бу нарсалар ҳозирги кунда ҳам долзарбдир.

Муҳаммад Содик Кошғарий «Одоб ас-солихин» асарида, касал ҳолини сўраш, таъзим ва мўсибат одоблари ҳақида ҳам фикр юритади. Бу нарсаларни Ҳар бир кишининг билиши муҳимдир.

Беришмор ҳам ўз навбатида касалидан нолиши мумкинлигини, оғир дардга чалинганда ўзига ўлим тиламасдан умр тилаши, оғирлашгани сезила бошлаганда гуноҳларидан тавба қилиб, қаризларини адо этиб, фарзандларини, қариндош ва дўстларидан розилик сўраши ва васият қилиши ҳамда уларга сабр қаноат тилаши энг муҳим қоидалар эканлиги такидланган.

Асарда мўсибат одоблари ҳақида ҳам баён этилганки, Буларни билиш, айниқса ёшларга зарурдир.

Асарда зиёфат, меҳмондорчилик одоби ҳақида ҳам кўпгина ибратли гаплар ёзиб қолдирилган. Жумладан меҳмондорчилик одоби ҳақида қуйидагилар ифодаланади.

Асарда меҳмонинг ҳам соҳиби хонодонга қиладиган одоб қоидалари ҳақида ҳам батафсил тўхталиб ўтилган. Муҳаммад Содик Кошғарийнинг «Одоб ас-солихин» асари ёшларнинг баркамол, маънавий юксак етук ахлоқли бўлишларида катта аҳамиятга эга. Мазкур асар кундалик турмушимизда Ҳар куни, ҳар дақиқада билиш зарур бўлган турмуш одобига оид хулқ- одоб қоидаларининг мажмуидир. Шунинг учун ҳам Шарқ педагогикаси тарихида «Қобуснома» каби бу асар ҳам, ўз ўрни, ўз мавқеига эга. Бу асарни бобма - боб ўрганиш ёш авлоднинг маънавий камол топишига фойдаланиладиган беришбаҳо ҳазинадир, дейиш жоиз.

Назорат учун савол ва топшириқлар.

1. Тест: Муҳаммад Содик Кошғарийнинг «Одоб ас-солихин» («Яхши кишилар одоби») асарида қандай ғоя илгари сурилади?
 - А) Инсонларни ахлоқан етук қилиб, тарбиялаш.
 - Б) Инсонни жисмоний ва ақлий етук қилиб тарбиялаш
 - В) Инсонни хулқ - одоб қоида­сига ўргатиш.
2. Муҳаммад Кошғарийнинг «Одоб ас-Солихин» асарининг нечанчи бобида саломлашишнинг 12 одобга тўхталган?
 - А. Биринчи боб Иккинчи фаслда
 - Б. Биринчи боб Учунчи фаслда
 - С. Биринчи боб Биринчи, Тўртинчи фасл
 - Д. Биринчи боб Тўртинчи фасл
3. Сизнингча Муҳаммад Содик Кошғарийнинг «Одоб ас-солихин» асарини Шарқ педагогикаси тарихида қандай асарга таққослаш мумкин.
5. Мухаммад Содик Кошғарий асарларини тарбиявий аҳамиятини изоҳланг.

6. Мҳаммад Содик Қошғарий асарларини тарбиявий аҳамиятини таҳлил қилинг.
7. Муҳаммад Содик Қошғарийнинг педагогик қарашларини моҳиятини ёзма баён қилинг.
8. Муҳаммад Содик Қошғарийнинг «Одоб ас-солиҳин» асарининг бугунги кун ёшларини тарбиялашдаги аҳамиятини изоҳланг.

Мустақил иш топшириқлари:

1. XVII-XIX асрларда Бухоро, Қўқон ва Хива хонликларида илм-фан тараққиётини ўрганиш.
2. Жаҳон Отин Увайсий ва унинг қизлар мактаби ҳақида маълумот тўплаш.
3. Муҳаммад Содик Қўшғарийнинг «Одоб ас-солиҳин» асарида ахлоқ-одоб масалаларини таҳлили.
4. 17-19 асрларда Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида таълим-тарбия, мактаб, фан ва маданият тараққиётининг моҳиятини таҳлил қилинг
5. Жаҳон Отин Увайсийнинг таълим тарбияга оид фикрларини моҳиятини тушунтиринг
6. Муҳаммад Содик Қошғарийнинг педагогик қарашларини моҳиятини ёритинг.
7. Увайсийнинг таълим тарбияга оид фикрларини таҳлил қилинг
8. Муҳаммад Содик Қошғарийнинг инсон тарбиясига оид фикрларни ўрганиб таҳлил қилинг.
9. 17-19 асрларда Бухоро, Хива, ва Қўқон хонликларида таълим- тарбия, мактаб, фан ва маданият тараққиётининг моҳиятини ҳозирги тараққиётга таққосланг.
10. Унинг инсон тарбиясига оид фикрларни ҳозирги давр ёшлар тарбиясига таъсирини шарҳлаб беринг.

Ижодий иш ёки реферат тайёрлаш

11. XVII-XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида таълим-тарбия , мактаб, фан ва маданият.
12. Жаҳон Отин Увайсийнинг педагогика ривожига тутган ўрни.
13. Муҳаммад Содик Қошғарийнинг ёшларни ахлоқан етук инсон бўлиб тарбияланишига оид қарашлари.
14. XVII-XIX асрларда тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар

Мавзу бўйича илмий хулосалар:

1. XV асрдаги маданий юксалишнинг анъаналари узоқ вақт сақланди.
2. Илм, дин, ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий фикрлар тарихида айрим йирик мутафаккир шахслар, истеъдодли ижод эгалари, машхур шоирлар етишиб чиқади.

3. Бу даврда ўзбек ва тожик адабиёти тарихида ўчмас из қолдирган, халқнинг оғир аҳволини, кайфиятини, орзу-умидларини ачиниш билан ўз асарларитда баён этган Саид Насафий, Турдий, Сўфи Оллоёр каби шоирлар тинимсиз ижод этадилар.
4. Улар ўз асарларида ижтимоий ҳаётдаги зиддиятларга қарамай халқни аҳилликка, меҳнатга, ўз аро бирликка чақиради.
5. Нодира, Увайсий, Дилшод отин, Анбар отин ижодида инсон маънавий камолоти ҳақидаги ғоялар ёрқин ифодаланган.
6. XIX асрнинг биринчи ярмида маданий ҳаётда жадал ривожланиш юз берди ва бу даврда Навоий мактаби вужудга келди, унда халқчил, демократик йўналишни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшган шоиру, олимлар етишиб чиқди.
7. Огоҳийнинг педагогик қарашларида қаноат, саҳийлик, қарам, ҳиммат каби ахлоқий сифатлар юқори баҳоланди.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Муҳаммад Содик Кошғарийнинг «Одоб ас-солихин» («Яхши кишилар одоби») асарини илмий- назарий асосларини яратиш.
2. Жаҳон Отин Увайсийнинг қизлар мактаби фаолиятининг таълим – тарбиявий аҳамияти.
3. Жаҳон Отин Увайсийнинг педагогик қарашларини илмий- назарий асослари.
4. Муҳаммад Содик Кошғарийнинг «Одоб ас-солихин» асарида комил инсон талқини.
5. XVII-XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида таълим-тарбия, мактаб, фан ва маданиятни ривожига ҳисса қўшган мутафаккирларнинг педагогик қарашларни тизмини ишлаб чиқиш
6. Бугунги кун ёшларини ҳар тамонлама тарбиялашда 17 аср да яшаб ижод қилган мутафаккирларнинг педагогик қарашларини маънавий – ахлоқий асосларини илмий асослаш.

Адабиётлар рўйхати:

1. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият, Т., «Ўзбекистон», 1994й.
2. Худойназаров Х Абдулғозий Боходирхон тарихчи ва адиб. –Т., «Ўзбекистон»1994 й.
3. К Хошимов, С Нишонов, М Иномова, Р Хасанов. «Педагогика тарихи» Т. «Ўқитувчи» 1996 й.
4. И Искандаров «Ўзбек педагогикаси антологияси» Т. «Ўқитувчи»,1995 й 1-жилд.

**7- мавзу: XIX АСРНИНГ 2- ЯРМИ – XX АСР БОШИДА
ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА ТАРБИЯ, МАКТАБ ВА ПЕДАГОГИК
ФИКРЛАР.
(2 соат маъруза)**

Асосий саволлар:

1. Туркистон ўлкасида диний-исломий татбиявий муассасалари ва педагогик фикрлар тараққиёти.
2. Туркистонда жаидчилик маърифати ва таълим - тарбия.
3. Махмудхўжа Бехбудийнинг педагогик тараққиётга қўшган хиссаси.
4. Мунаввар Қори Абдурахшидхон ўғлининг педагогик қарашлари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: мадрасалар, жаидчилик, диний- исломий тарбия, янги усулдаги мактаб, таълимий-тарбиявий қарашлар, диний таълим, ўғил ва қиз болалар бирга ўқийдиган коммерция билим юртлари, олий диний мактаб, араб тилини граматикиси, мантиқ илмлари.

Мавзуга оид муаммолар:

1. XIX асрнинг ўрталарида Туркистон ўлкасида бошланғич маълумот бердиган мактаб ҳамда ўрта ва олий диний таълим берадиган мадрасалар мавжуд эди. Бу мактаб ва олий диний таълим мактабларида кимлар дарс берган? Сизнингча бу мактабларда таълим - таърибияни моҳияти нима ташкил қилар эди. Фикрингизни тўғрилигини исботланг.
2. Марказий Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейин мактаб ва мадрасаларида баъзи ўзгаришлар юз берди. Сизнингча бу ўзгаришлар миллий тараққиётга қандай таъсири бўлди? Фикрингизни исботланг.
3. Иқтисодий жиҳатдан энг ривожлангак Қўқон ва Тошкент шаҳарларида 1905-1907 йилларида янги типдаги ўрта мактаблар ва қиз болалар бирга ўқийдиган коммерция билим юртлари очилди. Бундай янгиликлар халқнинг маънавий – ахлоқий қарашларига қандай таъсир қилди? Туркистонда мандаий иқтисодий ривожланишда қандай аҳамиятга эга?
4. Туркистонда жаидчилик ҳаракатинимоҳияти нимадан иборат? Жаидлар ҳаракатининг бугунги кун таъмадунида ўрни борми? Бўлса фикрингизни исботланг.

5. Туркистонда XIX асрнинг бошларида нима учун жаидлар ҳаракати вужудга келди? Буни халқни ийжтимоий – иқтисодий ҳаётига таъсири қандай эди?
6. Жаидчилик ғоясини биринчи бўлиб қирим – татар мутафаккири Исмоил Гаспринский кўтаради ва биринчилардан бўлиб бу ғояни амалга оширишга киришади. Нима учун у тез фурсатда турк дунёсининг «ғоявий отаси» сифатида шуҳрат қозонади.
7. XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўрта Осиё ўлкасида жаидчилик ҳаракати юзага келди. Бу миллий уйғонишга қандий таъсир қилди? Фикрингизни мисоллар билан исботланг.
8. Туркистонда жаидчилик ҳаракатини вужудга келиши ва ривожланишида кимлар тинмай ҳаракат қилди. Бу ҳаракатда Мунаввар Қори Абдурахшидхон ўғлининг ўзига хос ўрни бор эди. Унинг педагогик қарашларини тушунтириг.

1- асосий савол -Туркистон ўлкасида диний-исломий тарбиявий муассасалари ва педагогик фикрлар тараққиёти.

1 - асосий савол бўйича дарс мақсади: Туркистон ўлкасида диний-исломий тарбиявий муассасалар ва педагогик фикр тараққиётининг моҳиятини талабаларга тушунтириш, уларни тўғри талқин этишга, педагогик мавқеини беришга беришга ўргатиш.

Индентив ўқув мақсадлари

1. Туркистон ўлкасида диний-исломий тарбиявий муассасалар ва педагогик фикр тараққиётининг моҳиятини тушунтиради.
2. Туркистон ўлкасида диний-исломий тарбияни ўзига хос жиҳатларини изоҳлайди.
3. Туркистонда рус, рус-тузум мактабларининг мақсад-вазифаларини, моҳиятини текшириб кўради.
4. Туркистон ўлкасида диний-исломий тарбиявий муассасалар ва педагогик фикр тараққиётининг моҳиятини асослайди.

1-асосий савол баёни:

XIX асрнинг ўрталарида Туркистон ўлкасида бошланғич маълумот бердиган мактаб ҳамда ўрта ва олий диний таълим берадиган мадрасалар мавжуд эди. Мактабларнинг аксарияти, шу жумладан, қишлоқ мактабларининг кўпчилиги диний таълим беришувчи энг оддий бошланғич мактаблар эди, холос. Бу мактабда мачитларнинг имомлари, саводхон муллалар дарс берардилар. Бундай мактабларда ўқитиш энг оддий диний вазифаларини ўргатиш билан, яъни араб тилида ёзилган Қуръонни ўқишни ўргатиш, ҳар бир мусулмон учун зарур бўлган асосий вазифаларини билдириш билан чекланарди.

Шаҳар мактабларида диний таълимдан ташқари, умумий таълим элементлари-ёзиш ва ҳисоблаш йўллари ўргатилад, халқ орасида машҳур шоирларнинг шеър ва ғазаллари ўқитилар эди.

Олий диний мактаб бўлган мадрасада ўрта асрга оид диний фалсафа ва мусулмон ҳуқуқлари араб тилини граматикаси ва мантиқ илмларида дарс ўтилади. Мадрасанинг томонлаб чиққанлар имомлик билан шуғулланиш ва қозихоналарида ишлаш ҳуқуқига эга эдилар. Мактаб ва мадрасаларида асосан ўғил болалар ўқитилар эди.

Мусулмон мактабларида таълим тизими 5 тоифага бўлинар эди:

Қуйи мактаб-бу мактабларда ўғил болаларга савод ўргаттишиган (4 йил);

Халилхона мактаби – (номоз) ёд олдириб ўргатилган;

қорихона - Қуръон ёд олинган;

Мактаб интернат – ўрта мадраса бўлиб, бу мактабда ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар ўқитилиб ўрта маълумот бериширилган;

Марказий Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейин мактаб ва мадрасаларида баъзи ўзгаришлар юз берди. Мусулмон мактаблари учун босмахонада чоп қилинган дарсликлар пайдо бўлди. Қозондан босмахонада нашр қилинган Қуръон ва ҳафтияклар, Хиндистон ва Эрондан шоирларнинг литографияда чоп қилган тўпламлари келтирилди. Тошкентнинг ўзида ҳам мактаблар учун дарсликларнинг литография усулида нашр қилиш йўлга қўйилди.

XX аср бошларида эса мадрасаларида рус тилини ўқитиш жорий қилинсин деган кўрсатмага биноан 1913-17 йилларда баъзи мадрасаларида рус тилини ўқитиш жорий қилинди.

Туркистон ўлкасида йирик марказий шаҳарларида олий таълим маскани ҳисобланган қўйидаги мадрасалар: Бухорода-80, Қўқонда-40, Самарқандда-22, Марғилонда-28, Тошкентда-17, Хива хонлигида-130 мавжуд бўлиб, уларда 400 дан 5000 гача талаба таҳсил олар эди.

1906 йилга келиб, биргина Самарқанд вилоятининг ўзида мусулмон мактаби бор эди, уларда 1482 ўқитувчи 12740 талабага сабоқ беришрган.

Феруз фармониға мувофиқ 1904 йилнинг 10 ноябрида Урганчда 1-янги усул мактаби очилди. Унда Хусайн Кушаев деган Туркиядан келган ўқитувчи ёшларға таълим-тарбия бера бошлади.

1909 йилга келиб Феруз қўли остидаги мадрасалар сони 130 таға етиб, ундаги муллавачалар 2300 кишидан ортиб кетди.

Россиянинг босқинчилик юриши XIX асрнинг II ярмиға тўғри келади. Чунки бу даврда собиқ империя ўрнида учта хонлик бўлиб, Бухоро амирлиги, Хива ҳамда Қўқонликлари эди.

Бу уч мустақил давлат ўртасидаги ўзаро зиддиятлардан фойдаланган рус давлати Марказий Осиёни босиб олиш учун қулай шароит етилди, деб ҳисоблаб хужим бошладилар ва дастлаб Қозоқистонни ўзларига тобе қилдилар. Сўнгра Қозоқистон орқали 1864 йилда Туркманистон, Чимкент, Авлиё отани 1865 йилда Еттисув вилояти, 1868 йилда Самарқанд, 1867 йилда Фарғона вилояти Россия қўлиға ўтди.

1876 йил 19 февралда подшо Александр II Қўқон хонлиги тугатилганлиги тўғрисида буйруқа имзо чекди. 1885 йилга келиб Марказий Осиёнинг ҳамма ерлари Россия тасаруфига ўтади ва ўлкада Туркистон генерал губернаторлиги ташкил этилади. Шу билан Марказий Осиё мустамлака давлатига айлантирлади.

Чор ҳукумати томонидан XX асрнинг 60-йилларида мактаб уставлари тасдиқланиб, шулар асосида бошланғич ҳамда ўрта мактаблар қайта тузилиб, рус бўлмаган халқлар учун мактаблар ташкил этишга доир давлат ҳужжатларни ишлаб чиқишга киришдилар.

Мактаб ишига таалукли асосий сиёсий ва идеология соҳасидаги кўрсатмалар 1870 йилда Чор Россияси халқ маорифи нозири Д. А. Толстой томонидан ифодалаб беришрилган эди. «Бизнинг ватанимизда яшовчи барча беришгона (рус бўлмаган) халқларнинг маълумоти бўлишининг охирги мақсади, деб маълум қилган эди, у шубҳасиз, уларни руслаштириш ва рус халқи билан бирлаштиришдан иборат бўлиши керак». Руслаштириш кўрсатмаси 1870 йилда эълон қилинган бўлиб унга биноан рус миллатига мансуб бўлмаган барча халқлар учта тоифага бўлинган эди.

«Жуда кам руслашаган халқлар», Буларга шарқий сибирь ва Поволжье халқлари кирар эди. Бу халқлар учун очилган мактабларда ўқиши она тилида бошлаш ва кейинчалик рус тилида ўқитишга ўтиш тавсия қилинар эди;

«Руслар ҳам яшайдиган районларда яшовчи халқлар». Бу жойлардаги мактабларда ўқитишнинг дастлаб рус тилида олиб бориш айрим ҳолларда она тилининг ёрдамига таяниш ва мумкин қадар тезроқ фақат рус тилида ўқитишга ўтиш таклиф қилинар эди (масалан, грузин болалари ўқитиладиган мактабларда ўқитиш шундай олиб борилади);

«Етарли даражада руслашаган халқлари». Украинлар, Беришлорусь ва бошқалар, Буларнинг мактабларида ўқитишни фақат рус тилида олиб бориш тайинланган эди.

1776 йилда Марказий Осиё туманининг генерал-губерил- губернатори ҳузурида Туркистон ўқув юртларининг махсус бошқармаси ташкил этилган бўлиб, аввало, руслаштириш сиёсатини амалга ошириш вазифасини унинг зиммасига юклатилган эди.

1814 йилда Қўқон хонлиги қишлоқларини кезиб чиққан поручик Ф.Назаров бундай деб ёзган эди: «Қўқон ва бутун Қўқон давлати пахта экини ва ипак дарахтига тулиб ётибди, ҳамма ёқда пахта экилган далалар кўзга ташланади, унда Қўқонликлар мато тайёрлаб, уни Бухороликларга рус товарлари: темир, кундуз, сандал, концеляр, уруғи, денгиз орти мушуғи, пўлат, мовут ва ҳакозоларига айирибошлашйдилар».

Мусулмон аҳолиси яшайдиган жойларда қадимдан мактаб мадраса ва ҳакозолар мавжуд бўлиб, буларга қараши чор ҳукумати Россиядаги кўп сонли халқлар учун махсус ҳукумат мактаблари барпо қилар эди. Бу мактабларнинг кўпчилигида ўқитиш рус тилида олиб борилар эди. Уларнинг бири-тўрт йиллик, иккинчи-икки йиллик эди. Баъзи бир тўрт йиллик мактабларда интернатлар ҳам бўлиб, уларда кўпроқ феодалларнинг

ва маҳаллий аҳолининг бой қатлами болалари таълим оларди.

Дастлабки овул мактаблари 1892 йилда Турғай областининг овулларида ташқи топган бўлиб, аҳолининг кўчманчилик турмушига мослаштирилган эди. Овул мактабларида рус тили, арифметика, қозоқ алифбоси ва ислом дини ўқитилар эди. Бу мактабларда ўқитиш ўқувчиларнинг она тилида олиб бориларди, лекин уларнинг савияси жуда паст эди. 1916 йилда 169 та овул мактаби бўлиб, уларда 5 минг ўқувчи ўқирди, бу мактаб ёшидаги барча қозоқ болаларининг фақат бир фоизга яқингина ташкил этарди, ҳолос.

Туркистонда дастлабки рус ўрта ўқув юртлари 1870 йиллардан очила бошлаб:

1876 йили Тошкентда, Вернийда (Ҳозирги Олмаотада) эрлар ва хотин-қизлар гимназиялари. 1879 йил эса Тошкентда ўқитувчилар семинарияси очилди. Гимназияларга ҳам аҳолининг болалари қабул қилинар эди. Ўқитувчилар семинарияларида эса маҳаллий аҳоли болалар 1.3 ўрни ажратилган эди.

Туркистон дастлаб очилган баъзи бир рус мактабларида ўқитувчилар 1,4 ини ва ундан кўпроқ маҳаллий аҳоли болалар ташкил этган бўлса лекин бутун Туркистон улкаси бўйича ҳисоблаган бундай мактаблар ўқувчи аҳоли болалар 200тадан ошмас эди. Буларнинг ҳам кўп қозоқ болалар бўлиб, ўзбек ва тожик болалари жуда оз эди, чунки мусулмон руҳонийлари «кофирлар» мактабларига қариш тарғибот юрғизар эдилар. Рус мактабларида ўқитувчилар ўртасида ўз ижтимоий аҳволига бойлар ва оқ суякларнинг болалари кўпчиликти ташкил этар эди. Чоризмнинг мактаб соҳасида сиёсати руслаштишдан иборат бўлса ҳам лекин рус болалари билан маҳаллий аҳвол болаларининг биргаликда ўқишлари, улар ўртасида ўзора дустликни тарбиялар эди.

1880 йилларнинг бошларига келиб рус мактабларидан ўқийдиган ўзбек ва тожик болалари учун ислом динини ўқитиш керак, токи ота-оналари бу мактаблардан кўркмасинлар, деган фикр тарқалган эди,

Улкада рус, рус-тузем мактаблари илк бор XIX асрнинг 70- йилларида юзага келган бўлса, 1904 йилга келиб уларнинг сони 57 тага етди.

Иқтисодий жиҳатдан энг ривожлангак Қўқон ва Тошкентда шаҳарларида 1905-1907 йилларида янги типдаги ўрта мактаблар ва қиз болалар бирга ўқийдиган коммерция билим юртлари очилди. Шу тариқа Туркистондан мандай иқтисодий ривожланиш анча юкса поғанганга кутарилди.

Назорат саволлар ва топшириқлари

1. XX-аср бошларида Туркистонда мусулмон мактабларида таълим тизими неча тоифага бўлинган ва қайсилари?

А) 5 тоифага: қуйи мактаб, халилхона мактаби, қорихона, мактаб интернат, олий диний мактаб;

- б) 6 тоифага: бошланғич таълим,ўрта таълим, халилхона мактаби , қорихона, мактаб интернат,олий диний мактаб;
в) 4 тоифага: бошланғич мактаб, ўрта мактаб, халилхона мактаб,қорихона.
г) б ва в катордаги жавоблар тўғри.

2.Чоризмнинг мактаб соҳасидаги сиёсати нималардан иборат эди?

- а). Мусулмон мактабларни йўқотиш.
б). Аҳолини руслаштириш.
В) Рус тузим мактабларини пайдо этиш.
г). А ва Б жавоблар тўғри. (тушунтириш)

3.Рус тузим мактаблари нима мақсадда очилди?

- А) Рус мактабларида ўқийдиган ўзбек ва тожик болалари учун ислом динини ўқитиш керак, токи ота оналари бу мактаблардан кўрқмасинлар деган фикрни амалда синаш мақсадида.
Б) Аҳолини мусулмон динидан мутлоқ чиқариб, уларни рус тилини мукамал ўрганишлари учун.
В) Рус олимлари мусулмон мактаблари устидан тадқиқот ишлари олиб бориш учун
Г) А ва Б жавоблар тўғри.

4.1. XX -аср бошларида Туркистонда мусулмон мактабларида таълим - тарбиянинг тараққиётини моҳиятини изоҳланг.(тушунтириш)

4.2. XX -аср бошларида Туркистонда мусулмон мактабларида таълим -тарбиянинг тараққиётини моҳиятини таҳлил қилинг.

4.3. XX -аср бошларида Туркистонда таълим –тарбия, маориф соҳасидаги жаддал ўзгаришларнинг моҳиятини аниқлаб. Мусулмон мактабларида таълим –тарбиянинг, янги усул мактади билан таққосланг.

4.5. Руслаштириш сиёсатининг Туркистон ўлкасга таъсирини кўрсатинг.

4.6. Туркистонда маданий-иқтисодий ривожланишнинг юқори кўтарилиш сабабларини аниқланг.

2- асосий савол- Туркистонда жади́дчи́лик маъри́фати ва таълим - тарбия.

2-асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Туркистонда жади́дчи́лик маъри́фати ва таълим-тарбиянинг моҳиятини тушунтириш, у даврни ҳар томонлама ўрганишга қизиқишни тарбиялаш.

Идентив ўқув мақсадлари

2.1 .Туркистонда жади́дчи́лик маъри́фати ва таълим-тарбиянинг моҳиятини айтиб беради.

2.2. Туркистонда жади́дчи́лик маъри́фати ва таълим-тарбиянинг ўзига хос хусусиятини тушунтиради.

2.3. Туркистонда жади́дчи́лик ҳаракатини мақсадини изоҳлаб беради.

2.4. Туркистонда жади́дчи́лик маъри́фати ва таълим-тарбиянинг ривожига ҳисса қўшган мутафаккирларнинг фаолиятини таҳлил қилади.

2.6. Туркистонда жаидчилик маърифати ва таълим-тарбиянинг моҳиятини ҳозирги пайтда педагогика тарақиёти ривожига таъсирини таққослаб ўрганади.

2-асосий саволнинг баёни.

XIX-асрнинг бошларидан Бухородаги маърифатпарвар мусулмон руҳонийлари ва зиёлилари орасида Мадраса ва мактаблар тизими ҳамда ислим динига кириб қолган бидъатларни силоҳ фикри пайдо бўла бошлайди. Шундай ислохатлар тарафдорларини жаидларини, яъни янгилик тарафдорлари деб атай бошладилар. Ўша даврлардан бошлаб бунга қарама-қарши турган оқим, яъна феодал ўрта асрчилик, диний фанатизм

руҳида бўлган қадимистлар деб атай бошладилар. XIX-аср охири-XX бошларида Туркистонда чор мустамлакачилигининг кучайиши натижасида Марказий Осиёнинг кўп жойларида жаидчилик ҳаракати кучайиб кетди. Бу ҳаракатга мавжуд жамиятнинг ижтимоий-маданий асосларини қайта кўршига қаратилгани сабабли эски-тузум, эски турмуш, эски мактаб тарафдорлирининг кучли қаршичилигига дуч келди.

Жаидчилик жамиятни тунтариш йўли билан эмас, ислохот йўли билан ривожлантиришни ўзининг асосий вазифаси белгалади. У ўзининг бу вазифасини адо этишда, фақат бир синфга пролетариатгагина таянмади. Умуман жаидчилик иносиятни синфларга бўлиб ташлаш тарафдори эмас. Жаидлар хатто қадимчилар билан ҳам иттифоқ тузиб, халқ ва келажак манфаати йўлида бақамти ишлаш, бугунги ифода билан айтганимизда турли сиёсий қарашлар эга бўлган халқ катталаринининг тинч-тотув яшаши ва ишлиши ғоясини кўтариб чиқдилар.

Беҳбудий ана шу "муттаҳид" фронт тузиш ғоясини баён қилар экан, "уламо ёки зиёли ва тараққийпарварларимиз бой ва авомимиз бирлашиб, дин ва миллат ва ватаннинг ривожини уч хизмат этсак", деб ёзган. Жаидларнинг бундай муттаҳид фронти тузишга интиланларнинг боиси турли шароит билан белгиланган Авом ҳам, бойлар ҳам, уламо ҳам, зиёлилар ҳам чор қарамоғида бўлган мустамлаканинг бири оз, иккинчиси кўп сиқувда бўлган кишилар эдилар. Марказий Осиё бозорларида рус савдо ва саноат буржуазия ҳукмрон бўлиб, марказий буржуазия вакиллари сина бошлаган эдилар. Бошқача қилиб айтганда, мустамлакачилик азобини маҳаллий бойлар ва савдогарлар ҳам сеза бошладилар. Ана шундай тарихий шароит; жаидларнинг фикр-мулоҳазаларига кўра, оддий халқнинг иқтисоди маданий ҳаётини яхшилаш қандай зарур бўлса, чет эл капитали ишканжасида, мустамлакачилик кишанларидан қутилиш ҳам шунчалик кечиктириб бўлмас вазифа эди.

Жаидлар 1906 йилдаек "Тараққий" деб номланган газета нашр эттириб, ўз ғояларини тарката бошладилар, орадан кўп ўтмай "Хуршид", "Шухрат" сингари янги газеталар дунё юзисини кўрди Марказий Осиёнинг турли шаҳарларида жаид мактаблари бодрокдек очилиб, уларда диний илмлар билан биргаликда дунёвий билимлар ҳам кенг тарғиб қилинди. "Жаидлар

нима ҳақида гапиришмасин, ҳаммаси янги нафас, янги ғоя эди, пролетар мафкураси ҳам, ишчилар синфи ҳа йўқ эди, табиан бирламчи деувчиларнинг мафкурасини деярли ҳеч ким тушунмас, биладиган эса жуда озчиликни ташкил қилар эди. Шунинг учун жадиदчиликнинг янги ғоялар билан пайдо бўлиб, руҳонийларга, ҳукмрон синфларга қарши туриши, маданиятни яратиши, бир сўз билан айтганда, янгилик эди, «Жади́д» жумласининг маъноси ҳам «янги» демакдир.

Агар лунда қилиб айтсак, жади́дларнинг ҳаракат дастури қўйидаги масалаларни ҳал қилишга қаратилган:

1. Диний таасуф ва фанатизмга қариш кураш.

2. Диний ақидаларга асосланган ўрта аср мактаблари урнига Оврупа кабилидаги дунёвий илмларни она тилида ўқитишга мослаланган янги усуллари мактабларни ташкил этиш, феодал даври маориф тизимини ислоҳ қилиш.

Жади́дчилик ғояларини кенг халқ оммасига етказиш ниятида янги ўзбек адабий тилини ишлаб чиқиш, матбуот хурлиги учун кўраш, адабиёт ва театрни яратиш.

Хотин қизларни паражидан чиқиш ва жади́д мактабларга қатнашларни таъминлаш йўл билан улар тақдирини ўзгартириш ва оилада ислоҳот ўтказиш.

Маҳаллий бойлар савдогар аҳлининг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан рус буржуазияси билан бар ҳуқуқда бўлиш, маҳаллий амалдорларни чор ҳукмдорлари томонидан сиқувга олишига қариш кураш. Шу йўл билан мустамлакачилик сиёсатини ислоҳ қилиш.

Асоий талаблари ана шудан ибрат бўлган иборат бўлган жади́длар учун илм ва марифат ягона қурол бўлиб, улар қурашиоқчи бўлдилар.

Биринчи марта жади́дчилик Кримда пайдо бўлди. Унинг асосчиси асримиз бошларида туркий кавмларининг чинакам жафокаши ва ифтихори Исмоилбек Гаспирали ҳисобланади.

Исмоилбек Гаспирали 1851 йилнинг 21 мартада – қутлуғ Наврўз кунда таваллуд топади. Ёш Исмоилнинг тарбиясида онаси Фотима ва энагаси Хабибанинг хизмат катта бўлди. Исмоилни 8 ёшида бокчасаройлик Хожи Исмоилнинг эски мактабига бердилар Унга кирганда эса отаси Мустафобек онаси Фотиманинг эътирозларига қарамасдан, Оқмачитдаги Губерния гимназиясига олиб боради. Ундан икки йил ўқиган, Воронеждаги офицерлар ҳарбий ўқув юртига ўтади. Ун уч ёшда ўқишни Москвадаги гимназиясига кучиради. 1868 йил уни битириб, Бокачасарой қайтади.»Занжирли» мадрасада рус тил тилдан дарс бера башлайди. Орадан куп ўтмай ўқиш-ўрганиш иштиёқи уни Туркия-Истамбулга бошлаб кетади. Ундан Францияга ўтади. Вена, Мюнхен, Штутгардда бўлади^ Машхур Сарбона университетида ўқишга қатнайди. Нихоят, 1876 йилда Бокчасаройга қайтиб келади ва "Занжирли" да рус тили муаллими сифатида давом эттиради.

1884 йилда Гаспирали яна бир муҳим ишга қул ўради. У ўн икки бола янгича-"усули жади́да" билан ўқитишга киришади.

Гаспирали жаҳоннинг тараққий қилган мамлакатларидан орқада қолиб кетишимизнинг сабабларидан бири деб ўз даврдан ўзилган ўқиш-ўқтиш усулини курсатади.»Эски усул »да ўқиган ва ўқиётганларни ҳеч бир камситмаган ҳолда, "Усул"ни янгилаш шартлигини ўқтиради.

Янги усул мактада қуйидагиларига

Синфда болалар сони ўттиладан ошмасликка.

Болалар фақат икки дафтар-ёз ва киш бошларидагина мактабга қабул қилишниши.

Ҳар қабул нечта бўлишидан қатъи назар, бир синфдан ошмаслиги.

Ҳар бир муаллимда кўпи билан 3-4 синф бўлиши;

Агар мактаб уч синфдан иборат бўлса, дасрлар кетма-кет маълум уйғунликда қўйилмоғи;

7-9 ёшлардаги бола 7-8 соат зулуксиз ўқий олмайди. Унинг учун 5 соат кифоя. Ҳар дарсдан сўнг 10 танаффус;

Жума ва байрам кунлари дам олимиши;

Ўн ой ўқишдан сўнг ёзнинг иссиқ кунларида таътил бўлиши;

Дарс зериктирмаслиги

Шогирдларини ўриш ва сўқиш бефойда эканлиги ва бошқаларга эътибор қаратилган эди. Гаспирал "усули жаҳид билан ўқитининг қоидаларини шундай тушунтиради.

1. Бутун алифбони бирдан ургатиш оғирдир. Ибтидо(бошда) уч, беш ҳариф ургатиб бориш.

2. биринчи дарсдан шогирдлари ёзишни бошламасликлари даркор.

Дарслар муаян соатларга ,қисмларга ажратитилиб ўргатилиши лозим.

Ҳарифлар билан таништиргандан . улар ҳақида кенгроқ маълумот берилган маъқул.

Ўқувчи бир дарсини ўзлаштирмагунча иккинчисига ўтмаслиги керак.

XX –аср бошларида 30-йиллар ўртасида Туркистон ва бутун Россия ижтимоий ҳаётида юз берган кўплаб воқеа ва ҳодисалар улар қайси соҳага дахлдорлигидан қатъи назар жаҳидчилик оқим ҳаракати билан боғлиқ бўлди.

Жаҳидлар 1917 йил тунтаришдан кейин ўз қурашларни турли шакларда давом эттирдилар. Улар Ғоят мустаҳкам иймон эътиқодли бўлганликдари ўз йўлларида қайтмадилар.

Назорат учун савол ва топшириқлар.

2.1. Биринчи мартда жаҳидчилик қаерда пайдо бўлди ва унинг асосчиси ким?

- а) Туркистонда пайдо бўлган асосчиси Махмудхужа Бехбудийдир
- б) Россияда пайдо бўлган ва асосчиси К.Д. Ушинскийдир.
- в) Қримда пайдо бўлган ва унинг асосчиси Исмоилбек Гаспирали
- г) А ва В қатордаги жавоблар тўғри.

2.2. Жаҳидчиларнинг мақсадлари нималардан иборат эди.(билиш)

- а)Муулмон мазтабларянм такомиллаштиришдан иборат.

- б) Янгича усулдаги таълим тарбия беришни мактабларда қўллаш
- в) Руҳонийлар билан биргалида янгича ўқитиш усулидаги мактабларни ташкил этиш.

г) А ва Б қатардаги жавоблар тўғри

- 2.3. Туркистонда жади́дчи́лик маърифати ва таълим тарбиянинг вужудга келиш сабабларини моҳиятини изоҳланг (тушунтириш)
- 2.4. Туркистонда жади́дчи́лик маърифати ва таълим тарбиянинг кенг тарқалиши моҳиятини таҳлил қилинг (анализ)
- 2.5. Туркистонда жади́дчи́лик маърифати ва таълим тарбиянинг моҳиятини энг асосий хусусиятларини таҳлил қилинг.
- 2.5. Жади́дчи́лик ҳаракати намоёндаларининг фаолиятларини таҳлил қилинг.
- 2.6. «Эски усул» ва «янги усул» мактаблари ўртасидаги умумийлик ва фарқни изоҳланг.

3 -асосий савол- Махмудхўжа Бехбудийнинг педагогик тараққиётга қўшган хиссаси.

3 -асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Махмудхўжа Бехбудийнинг педагогика тараққиётга қўшган хиссаси моҳиятини талабаларга тушунтириш, унинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга қизиқишни ошириш.

Индентив ўқув мақсадлар

- 3.1. М.Бехбудийнинг таълим тарбияга оид фикрларини моҳиятини тушунтиради.
- 3.2. М.Бехбудийнинг таълим-тарбияга оид фикрларини изоҳлайди.
- 3.3. Бехбудийнинг янги усулдаги мактаб тараққиётга қўшган хиссаларини таҳлил қилади.
- 3.4. М.Бехбудийнинг жади́дчи́лик ҳаракатининг моҳиятини ўзига ҳос жиҳатларини, шу даврнинг бошқа мутафаккирлари қарашлари билан таққослаб ўрганиб, аниқлик киритиш.

3-асосий саволнинг баёни:

Туркистонда жади́длар ҳаракати асосчиларидан бири, жаҳонга машҳур бўлган ўзбекнинг янгона жуғрофияшуноси, атоқли жамоат арбоби , буюк ислом шунос, улуғ педагог ахлоқшунос, юксак дидли журналист, Мухмудхўжа Бехбудий 1874 йил 10 мартда Самарқанднинг Бахштепа қишлоғида руҳоний оиласида таваллуд топаган.

Бехбудий ўзига Гаспиралининг тутган йўлини танлайди ва ундан маслаҳатлар олади ҳамда маслакдаш будилар.

Бехудий «усули жади́д» мактабининг зарурлиги. Унинг қонун-қоидалари, мактабда ўтиладиган дарслар. қандай имтиҳонлар олишниш. Мактабнинг қай тарзда тузилиши унга қандай асбоб-ускуналар кераклиги, муаллаларни вазифалари. Уларнинг таъминот масалалари ва бошқа кўп

жиҳатларини Гаспиралидан ва унинг асарлари ҳамда мақолларидан ўрганди. Шулар асосида Туркистон «усули жаид» мактабларни ташкил этиш учун бор кучини сарифлайди. М.Бехудий «усули жаид» мактаблари учун бир канча дарсликлар ёзади» Мунтаҳбай жуғрофияи умумий»(қисқача умумий жуғрофия), Китобатул –атфол (Болалар мактуи)

« Мухтарси тарихи ислом» (Исломнинг қисқача тарихи). Мадхали жуғрофи умроний (Ахлоқ жуғрофиясига кириш),»Мхтараси жуғрофияи русий »(Россиянинг қисқача жуғрофияси).»Амалиёти ва ислом» ва китоблари дарслик сифатида ўқитилганганди.

М.Бехудий ва унинг маслакдошлари «Усули жаид» мактабларида Туркистон фарзандларнинг ўқитиш ишларни жадвал суратда олиб борардилар.М.Бехудий «усули жаид» мактабларидаги ўқитиш ишлари куйдаги тартибда олиб бориларди эди: «Мактаб иккита боқичдан иборат бўлиб, биринчи босқич ибтидоий қисми, деб номланган». Бу нинг таҳсил муддати тўрт йил. Ббиринчи йилида: форис ва арабча ёзув ҳамда ўқишни ўрганилган.Суралар ёдж олинган.Ҳисоб дарси ўргатилган.Умуман бир йил давомида ёзмок ва ўқимокни тўлиқ ўргатилганлар.Йккинчи йилида ҳафтияк, имон ва эътиқоддан дарс,форс.туркий, ва араб тилида шеърлар ,қасидалар ўқитилган.Учинчи йилида: Қурон Карим, ислом ибодати, тажвид, Саъдийнинг насихатлар, форс ва туркий тил пухта ўргатилиб,ундан иншолар ёздириларди.

Мактабнинг икккнчи босқичи - рушадия бўлиб, бунга

Синф-ибтидоий қисмни тамомлаганлар ўтказилар эди. Бу ўқитиладиган дарё ва илмларнинг мундарижаси куйидагича: Биринчи йил араб тили, жуғрофия, шафақия, форс тили, таржима муҳтасар, тарихи анбиё ва ислом тарихи, Саъдийнинг Гулистони турксий тили ўқитилган; иккинчи йил-араб тили, шифохия, тарих,ислом, ахлоқ, турк тили, ҳисоб, форс ёзуви ва хоказолар; учуинчи йил араб тили, ҳисоб, хат ёзуви, тарих, туркий тал, рус тили ўқитилган; тўртинчи йил-араб тили, рус козиҳона хатлар, булистнойхона хатлари, турк тили ва адабиёти, саломатлик ҳаёт, ишқ ва муҳаббатсиз ахлоқ ва бошқа кўпгана ҳаёти дарслар ўқитилган.

Бехбудий мактабида ҳар йил охирида тантанага имтихонлар ўтказилиб туриларди. Имтихонларга, албатта, ота-оналар: ва бошқа меҳмонлар ҳам тактиф қилинарди, Бу биринчидан: "усулм-жаид" мактабларини тарғиб қилиш ва унинг тартибларини кўрсатиш бўлса иккинчидан: мактабни ҳаётийроқ қилиш, яъни оила ва мактаб бирлигини амалга ошириш эди.

Саккиз синф яъни икки босқични тамомлаган шогирд араб, форсча ва туркчада бемалол сўзлаб, ёзарди. Русчани ҳам ўқиб, бемалол гаплаша оларди. Туркистоннинг бошқарма маҳкамаларининг барчасида ишлашга қурби етарди. Бу шогирд мактабда ҳам кила олар, тижорат билан ҳам шуғулланар, ҳатто муҳаррирлик ҳам қулидан келарди.

"Усули жаид» мактабни йўлга қуйкш осон кечмади. Бехбудн ва Шакурий бунинг учун бирча мусулмон тараққий этган шаҳарларидаги мактабларни ўрганиб чиқди. Бундай мустамлакачилик даврида Туркистоннинг истиқболи учун ўз ховлисида илм маърифат учоғини

очгани учун Бехбудийнинг бошида неча-ича таёқлар синди.Шунга қарамасдан жафокаш муаллим "усули жаид" мактабини қаттиқ туриб ҳимоя қилди.Унинг мактабига чор рус инспекторлари келиб тафтиш ўтказишганида жуғрофия, тарих ва ҳисоб китобларини охури тагига яшириб куйган.

Беришхбудий ахлоқ ва тарбиянинг асоси - мактаб, барча илмнинг боши ва ибтидоси мактаб, Саодатнинг, фозил инсоанинг маънавий чашмаси- мактаб деган ақидага амал киларди. Бу борада "Туркистон вилоятининг газетаси" "Тараққий», "Хуршид», "Шўро" каби матбуот

саҳифаларида юзлаб мақолалар билан чиқишлар кндди. Ушбу мақолалар асосан таҳсил ва таълимнинг тараққиётига бағишлананди. Масалан% Таҳсил оyi, Эҳтиёжи миллат, Самарқанд усули жаид мактаб хусусида , Бухоро усули жаид каби чиқишларда янгиусули мактаблари, уннинг аҳамияти ўқитиш тизимлари, янги моариф ва маданиятни ривожлантириш дунёвий фанларнинг нафи , маърифатга рағбат, комил инсонинг тарбияси ҳақидаги муҳим маърифий фикрларини ўқиш мумкин эди. Бехудий таълим тарбия ҳамда унинг муаммолари тўғрисида бой публицистик мерос қолдирди.Жумладан имон ва ислом

«Бухоро хонлигига саёҳат »Ибтидоий мактбларимизнинг тарибсизлиги ёхуд тараққийнинг йўли, Самарқандда миллий ишлар ҳақида ва бошқалар.

М.Бехбудийнинг янги мактаблар учун ёзган асарлари мактабларнинг ислоҳида катта ҳодиса бўлди.Айни даврда бу дарсликлар назарий, илмий ва амалий жиҳатдан кенг қўлланилди.Бу китобларнинг бугунги кунда ҳам кадри йўқолганича йўқ.

Назорат учун савол ва топшириқлар

3.1. М. Бехбудий қайси соҳаларни пухта эгаллаган?

А) фан арбоби, жўғрафияшунос, исломшунос, педагог, меъмор, қўшиқчи, муסיқачи

Б) жамоат арбоби, исломшунос, пелагог, ахлоқшунос, журналист, жўғрафияшунос,

В) жадидчи, фан арбоби, журналист

3.2. М. Бехбудий Туркистонда қандай мактаб яратди, унинг миллий мустақиллик ғояларини тушунтиринг?

4.3.Унинг педагогик қарашларини моҳияти нимадан иборат?

4.4. М.Бехудий педагогика тараққиётига қўшган ҳиссаси моҳиятини изоҳланг.

4.5. Бехбудий яратган асарларнинг бугунги кундаги аҳамиятини ўрганиб, таҳлил қилинг. Ёзган дарсликларига алоҳида тўхталинг?

4.6. Бехбудий таълимотидаги асосий ғояларни санаб ўтинг. Унинг дунёқарашини шаклланишида ката ўрин тутган шахс?

4.7. Ўз устида кунт билан ишлаш натижасида Бехбудий шариатнинг қайси юксак мақомлари даражасигача кўтарилди? Нечанчи йилларда ҳаж сафарига чиқади?

4 асосий савол- Мунаввархори Абдурашидхон ўғлининг педагогик ғояларини ҳозирги педагогика фанининг тараққиётидаги ўрни

4- аосий савол бўйича дарс мақсади: Мунаввархори Абдурашидхон ўғлининг педагогика тараққиётига қўшган ҳиссасининг моҳиятини талабаларга тушунтириш, унинг педагогик фикрларига нисбатан қизиқиш уйғотиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Мунаввархори Абдурашидхон ўғлининг педагогика тараққиётига қўшган ҳиссасини моҳиятини тушунтиради.
2. Унинг мактаб ва таълим-тарбия тараққиётига қўшган ҳиссасини моҳиятини изоҳлайди.
3. Унинг педагогик қарашларини таҳлил қилади.
4. Мунаввархори Абдурашидхон ўғлининг педагогик ғояларини ҳозирги педагогика фанининг тараққиётидаги аҳамиятига аниқлик аиритади.

4-асосий савол баёни:

Абдурашидхон Сотиболдихон ўғли Мунаввар Қори 1878 йилда Тошкент шаҳрининг марказий даҳаси - Шайх Холванд Тахурнинг Дархон маҳалласида мударрис Абдурашидхон ва Хосият отин оиласида дунёга келади.

Мунаввар қори 1901 - 1904 йилларда қримлик дустн Расм Қёшод ёрдамида Тошкентда "усули савтия" мактабини очади. У мактабни аввал ўз ҳовлисида, кейин бошқа жойларда очишга ҳаракат қилади, У мактабни ислоҳ қилмай туриб, одамларнинг онгида ўзгариш ясаб бўлмаслигини яхши тушуниб етган эди.

Мунаввар қори зиёли ёшларни чет элга юборишни, у ерда илм- фанни ўрганишини- тарғиб қилади. Масалан, у 1916 йили йиғилишда нутқ сўзлаб шундай дейди: "Ўзбек зиёли болаларининг Германияга юбориб ўқитишга жуда муҳтожмиз, болалар ўқуб илм таҳсил олиб келсалар, миллатга катта хизмат қила олади».

Мунаввар қори 1909 йили Убайдулла Хўжаев, Абдулло Авланий, Тошпўлатбек Норбўтабеков, К Норбеков ва бошқалар билан биргаликда тошкентлик бир бойнинг раислигида "Жамияти хайрия" ташкил этади. Бу жамият орқали қашшоқ ва касалманд кишиларга, ўқувчиларга ёрдам кўрсатади ва бу билан чекланмайди, у Россия ва Туркиядаги олий ўқув юртларига талабалар юбориш билан ҳам шуғилалланади. Айирим маълумотларга қараганда шу жамиятнинг ёрдами билан Мирмуқсин Шермуҳааммедов Уфадаги «Олия» мадрасасида ўқиган. Мунаввар қори 1906 йил сентябрида "Хуршид» журналининг нашр эттириб, ўзи муҳаррирлик қилади. Бу журнал ўзбек кизини очишга, фикрий уйғонишга, ўз ҳақ-хуқуқини танишига хизмат қилгани учун оқ

пошшо малайлари томонидан тезда ёпиб қўйилдн.У Туркистоннинг мустамлакага айланиши, миллатнинг иқирозга учраши сабабларини очиб беришради. Яна буюк мураббий миллатнинг инқирозга учраш сабабларидан

бирини "бузахурлик, қиморбозлик. ..." ларга ухшаш иллатларни бизларнинг ота-боболаримиз расмларидир, деб истемоъл қилганларида кўринади. Муннавар қори форс, араб, рус, турк тилларини мукамал билган у куп улуғ асарини мутолаа қилган. Мунавар қори улканинг қолоклиги сабабини ахтарар экан: "Бизнинг Туркистон мамлакати тупроқ, сув ва хаво жиҳатидан энг бой мамлакаталардан бўла туриб, на учун ўзимиз бундан фойдалана олмаймиз?" деб афсус надоматлар қилади.

Мунаввар қори 1917 йил май ойида тараққийпарвар мусулмон ёшлари ва руҳонийлар иштирокида ўтган курултойда "Шўрои Исломия" Жамияти раисининг муовини этиб сайланди. Бу унинг обрусини ошаётганлигидан далолат беради, илғор фикрли кишилар унинг атрофида тўплана бошлайди. Мунаввар қори уларга хурриятнинг йўлини кўрсатиб беришради: "Хуррият берилмас, уни олтину ҳеч нарса ила олиб бўлмайди, Фақатта қон қурбон билангина олинур", у.

Ўзбек халқини маърифатли қилишга интилган буюк мураббий 1918 йил май ойида Тошкент шаҳрида "Турк учоғи" илмий-маданий жамияти тузади. У бу жамиятни Туркистон туркларини миллий туғриа туплаб, аларга рух ва мариъфатлармизни, тижорат зироат ва гапгимизни ривожлантириб, чин маданият вужудга келтирмак ва шу тариқа миллатимизни руҳий ва жисмоний кувватини ортириш мақсади" ташкил этган эди. Мунаввар қори ана шу ғоя асосида иш боради.

У инсоннинг маърифатли бўлиб, кузи очилмагунча виждон уйғонмаса ўзини, на халқинининг эркини мухофаза қилаолишини, имонсизлик эканини мутафакқирона нозиклик билан ўз асарларида ифода этади. "Сўнгги икки йил ичида, - дейди у, - Туркистон халиқ бошина келган фалокатлар ҳар бири ёлғиз нодонлик ва маорифсизлик орқасидагина бўлганлиги ҳар кимга маълумдир. келажакда бундай фалокатлардан кўтулмоқ ва Туркистон халиқ равишда идора қилмоқ ва душманлардан сақламоқ ёлғиз воситаси илагина мумкиндир", - дейди у.

-Ҳа бу Мунаввар қорининг имон-эътиқодидан, виждонидан сўзлар эди. Зеро, тошкентлик жадидлар - тараққийпарварлар миллатни иллатдан, асоратдан маърифатгина кутказа олиш ҳақидаги Туркистон халқи бошидан ўтказган исёнларнинг фожиали якунини кўриб келдилар. Чунки хатсаводсиз замонавий замбаракларни, темир йўлу телеграфии бошқариб бўлмасди-да. Бундан ташқари, Хуррият фақат булар эмас. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш, банк, сиёсий ва амалий иқтисод, элчилик ва бошқа соҳаларга олий маълумотли мутахассислар керак эди. Тошкент жадидлари ана шунга интилишган.

Назорат учун савол ва топшириқлар

- 1.1. Мунаввар қори Тошкентда "усули савтия" мактабини қачон очди?
А. 1901 - 1904 йилларда
Б. 1903 - 1905 йилларда
В. 1911 - 1912 йилларда
Д. 1914 - 1915 йилларда
- 1.2. Мунаввар қори 1909 йилда қандай ҳайрия ташкил этди?
А. «Жамияти хайрия»
Б. «Усули Жаид»
В. «Хайрия»
Д. «Туркистони хайрия»
- 1.3. Мунаввар қорининг мактаб ва таълим-тарбия тараққиётига қўшган ҳиссасини ўрганиб аниқлик киритинг.
- 1.4. Мунаввар Қори Туркистон ўлкасининг қолоқлиги сабабларини нималарда деб билади.
- 1.5. Мунаввар Қорининг мактаб ва таълим-тарбия тараққиётига қўшган ҳиссасини ўша даврдаги мутафаккиларнинг педагогик қарашлари билан таққослаб ўзига ҳос жиҳатларини аниқланг.
- 1.6. Туркистонда педагогик фикр тараққиётида Мунаввар Қорининг қўшган ҳиссасини таҳлил қилинг.

Мустақил иш учун савол ва топшириқлар:

1. XIX аср охири ва XX аср бошларида таълим- тарбия моҳиятини ўрганиш.
2. Туркистон ўлкасида янгича қарашларнинг пайдо бўлиши сабабларига аниқлик киритиш.
3. Туркистонда жаидчилик ҳаракатининг моҳиятини ёзма изоҳланг.
4. Махмудхўжа Берхбудийнинг педагогик тараққиётга қўшган ҳиссасини ёзма баён қилинг.
5. Мунаввар Қори Абдурахшидхон ўғлининг педагогик қарашларини ўзига ҳос жиҳатларини аниқланг.
6. Берхбудийнинг таълим тарбияга оид фикрларини ўрганиб ёд олинг.
7. Берхбудийнинг янги усулдаги мактаб тараққиётига қўшган ҳиссаларини таҳлил қилади.
8. Мунаввар Қорининг мактаб ва таълим-тарбия тараққиётига қўшган ҳиссасини моҳиятин ёритиб ижодий иш тайёрланг.
9. Мунаввар қорининг мактаб ва таълим-тарбия тараққиётига қўшган ҳиссасини моҳиятини ўша даврдаги мутафаккирларнинг педагогик қарашлари билан таққослаб фикрингизни баён қилинг.
10. Махмудхўжа Беришхбудийнинг педагогик тараққиётга қўшган ҳиссаси.
11. Мунаввар Қори Абдурахшидхон ўғлининг педагогик қарашлари.

Мавзу бўйича илмий хулосалар:

1. XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўрта Осиё ўлкасида жадидчилик ҳаракати юзага келди. Бу миллий уйғониш даврининг бошланиши бўлди ва бу давр маърифатпарварлари тараққий этган мамлакатларга тенглашиш ғоясини олға сурди.
2. Жадидчилик ғоясини биринчи бўлиб кирим – татар мутафаккири Исмоил Гаспринский кўтаради ва биринчилардан бўлиб бу ғояни амалга оширишга киришади. У тез фурсатда турк дунёсининг «ғоявий отаси» сифатида шуҳрат қозонади.
3. А. Шакурый, М. Беҳбудий, Мунаввар Қори Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ҳудудларида биринчи бўлиб жадидчилик ҳаракатини тарғиб қилган фидоий маърифатпарвар олимлардир.
4. М. Беҳбудий илм-маърифатни тарғиб этувчи 200дан ортиқ турли мақолалар ва ўзбек ҳамда тожик тилларида қатор дарсликлар тайёрлаб нашр қилдирган.
5. М.Беҳбудийнинг жаҳон халқлари ўртасида дўстона алоқа ўрнатиш, миллатларнинг ўзаро самимий муносабатларини ривожлантириш борасида таълимоти ўзбек педагогикаси, халқ таълими тарихига қўшилган салмоқли ҳиссасидир.

Мавзу бўйича ечимини кўтаётган илмий муаммолар:

1. XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда рўй берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларда жадидиларнинг ўрнини педагогик қарашларини илмий таҳлил қилиш.
2. Жадидчилик маърифатининг бугунги кун тараққиётидаги таъсирини илмий – назарий асослаш.
3. Жадидчилик ҳаракати намоёндалари педагогик меросининг бугунги кундаги аҳамиятини таҳлил этиш.
4. «Янги усул» мактабларининг халқнинг маданий уйғонишидаги таъсирини педагогик қийматини ўрганиш.
5. XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда жадидлар ҳаракатини асосчиларини ижодини ёшларга тарғиб қилиш технологиясини ишлаб чиқиш.
6. Баркамол шахс инсон тарбиясида жадидчиларнинг маънавий-ахлоқий қарашларининг ўрнига аниқлик киритиш.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳомидов Ҳ. Педагогика тарихи.- Т.: “Ўқитувчи”, 1997.
2. Ҳошимов К., Нишонов С., Иномова М., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи.-Т.: “Ўқитувчи”, 1996.
3. Ғайбуллаев Н., Ёдгоров Р. ва бошқ. Педагогика. Олий ўқув юртлари учун қўллама.-Т., 2005.

4. Хасанбоев Ж.Й. ва бошқалар. Педагогика. Ўқув қўлланма.-Т., “Фан”.2006.
5. О.Хасанбоева, Ж.Хасанбоев, Х.Хамидов. Педагогика тарихи. Ўқув қўлланма Т., “Ўқитувчи”1997.
6. К.Хошимов, С.Нишонова. Педагогика тарихи. II- қисм. Дарслик.. Алишер Навои номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Т., 2005.
7. Ўзбек педагогикаси тарихи. Т., “Ўқитувчи”, 1997 (Тузувчи муаллиф, проф. А. Зуннунов).

Қўшимча адабиётлар

1. Абдулла Авлони. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. —Т.: Ўқитувчи 1993.
2. Абдурасулов М. Ўзбек маърифатпарвар шоирлари илм маърифат ҳақида. -Т.: Ўқитувчи, 1981.
3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т.: Халқ мероси нашриёти. 1993.
4. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар.
5. Авлони А. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. Т.: “Ўқитувчи”, 1992.

8-мавзу: ШҲРОЛАР ҲОКИМИЯТИ ДАВРИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ. (1917--1990 йилларда Ўзбекистонда таълим тизими ва педагогика фани ривожини.)
(ажратилган вақт 4- соат)

Асосий саволлар

1. ШҲролар ҳокимияти йилларида Туркистонда педагогик ғоялар.
2. А. Авлони асарларининг педагогик аҳамияти.
3. А.Фитратнинг педагогик қарашлари.
- 4 Х.Х. Ниёзийнинг мактаб тизимини такомиллаштиришига қўшган ҳиссаси.
5. Иккинчи жаҳон уриши йилларида ва ундан кейинги даврда Ўзбекистонда халқ морифи ва педагогика назарияси тарақиёти.

Мавзга оид таянчи тушунча ва иборалар:

умумий таълим мактаблари, Ватан туйғуси, инсонтакимили, маърифат парварлик, "Биринчи муаллим", «Туркий гулистон ахлоқ», «Иккинчи муаллим», саводсизликни тугатишга, азалий аъаналар, удумлар, дин ва тил, руҳият, умуминсоний қадриятлар, садақат, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф –адолат, маърифат.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Янги Шўро ҳукумати аввалги таълим тизими, ўқув-тарбиявий ишларин ислоҳ қилиш, Халқ маорифи тизимининг янги шаклини жорий этиш билан қандай ижобий натижаларга эришди? Ушбу натижалар бугунги кун учун қандай аҳамиятга эга.
2. Абдулла Авлонийнинг педагогикага оид асарлари ичида "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асари XX аср бошларидаги педагогик фикрлар тараққиётини ўрганиш соҳасида катта аҳамиятга моликдир. Сизнингча ушбу асарни педагогик моҳияти нимада?
3. Бугунги кун миллий- илмий педагогикани ривожда А. Авлонийнинг ўзига хос, мос ўрни бор. Сизнингча бу фикрни қандай изоҳлаш мумкин.
4. Абдулла Авлонийнинг «Ал- ҳосил тарбия биз учун ё ҳаёт- ё- мамот, ё нажот- ё ҳалокат, ё саодат- ё фалокат масаласидир» деган фикри нима учун бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади.
5. А.Фитратнинг «Раҳбари нажот» асари тўла равишда таълим –тарбия масалаларига бағишлаган. Ушбу асарида айнан қайси тарбияни инсон камолотида энг муҳим деб кўрсатади?

1- асосий савол. Шўролар ҳокимияти йилларида Туркистонда педагогик ғоялар.

1- **савол бўйича дарс мақсади:** Шўролар ҳокимияти йилларида Туркистонда маориф, янги тизимининг ташкил этилиши ва педагогик ғояларни моҳиятини талабаларга тушунтириш, уларни ўрганишга қизиқишни тарбиялаш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Шўролар ҳокимияти йилларида Туркистонда маориф, янги тизимининг моҳиятини тушунтиради.
2. Шўролар ҳокимияти йилларида Туркистонда маориф, янги тизимининг ташкил этилиши ва педагогик ғояларни моҳиятини шарҳлаб беради.
3. Шўролар ҳокимияти йилларида Туркистонда маориф, янги тизимининг ташкил этилиш сабабларини ўрганиб таҳлил қилади.
4. Шўролар ҳокимияти йилларида Туркистондаги педагогик ғояларни ўзига хос хусусиятларини асослаш.

1- асосий савол баёни.

1917 йил тунтаришқдан сўнг марказий Осиёдаги 3 та (Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Қўқон хонлиги) давлат ўрнида янги йўналшда мафкурага асосланган республикалар яъни Туркистон Мухтор Жумҳурияти (Собиқ Туркистон АССР), Бухоро халқ республикаси. Хева халқ республикаси ташкил топади.

Янги Шўро ҳукумати аввалги таълим тизими, ўқув-тарбиявий ишларин ислоҳ қилиш, Халқ маорифи тизимининг янги шакли жорий этиш юзасидан бир қатор вазифалари белгилаб берди.

Собиқ Туркистон АССРда янги типдаги халқ маорифи тизимини ташкил этишда ҳукумат РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг "Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисидаги 1918 йиладаги 20 январ декрктига асосланиб, муллалар ва турли зиёли дин ахлларининг мактабларда дарс беришига йўл қўймаслик тўғрисида декрет қабул қилди. Мазкур декретга Мувофиқ собиқ Туркистон АССР халқ маорифи комиссарлиги аҳолининг ҳамма табақаларидан бўлган болаларни қайси миллатга ва жинсга мансуб бўлишидан қаттаъи назар мактабларда текин ўқитишни Туркистон республикасида жорий қилиш тўғрисида буйруқ чиқарди. 1918 йилнинг июнида Тошкент мориф ходимларининг биринчи сёзди очилиб, унда халқ маорифи соҳасидаги аҳвол муҳокама қилинди ҳамда уни қайта куриш бўйича конкрет тадбирлар белгиланди. 1918 йил декабрда Туркситон Республикаси халқ маориф комиссарлиги буйруқ чиқариб, ҳамма мактабларда она тили ва рус тили ўқитиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1918 йилнинг августида эса Туркистон Республикасининг Марказий Ижроия Комиттети мактабларда ўқувчиларни ўз она тилида ўқитишга ўтиш тўғрисида декрет чиқардики, бу улка ҳақлари миллий маданиятлари истиқболи учун хал қилувчи аҳамият касб этди.

Мактабларни ташкил этишда маҳаллий аҳоли ораси етишиб чиққан муаллимлар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдуқодир Шакурый, Исматулла Раҳматуллаев, Абдурауф Фитрат, Исхокхон Иброт, Т.Н Қори Ниёзи, Мунаввар Қори, Т. Шермуҳаммедов, Эргаш Комилов, Оқилхон Шарафуддинов ва шу сингари зиёлилар қаттанашдилар. 1918-19 йиллардаек ўзбек тилида уқув адабиётларини чоп этишга киришилди. Ўша вақтда дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмалари нашр этишнинг жиҳатдан асосланган истиқбол режалари мавжуд бўлмасада, бундай адабиётларнинг чиқарилиши ўқитувчилар ишида катта ёрдам берди, бу борада келажакда муҳим ишлар амалга оширалажагига умид туғдиради.

Шу даврда нашр этилган ўқув адабиёти орасида Круббернинг "Бошланғич география"*(у рус тилидан таржима қилинган зди) табиий география бўйича ўқитувчилар учун қўлланма, Туркистон у (Крубек ёзган "Россия географияси, биринчи ва иккинчи синфлар учун арифметика масалалари тўплами (Валишевнинг татар тилидаги дарслигининг таржимаси), Т.Н.Қори Ниёзовнинг табиатшуносликка оид қўлланмаси ("Табиатнинг бир бўлаги") шулар жумласидандир.

Улкада умумий таълим мактабларини ташкил этиш ўрта, махсус ўрта ва олий юртлари ҳам очила бошлади),1918 йилдан 1920 йилгача бўлган вақт ичида Туркистонда бир неча махсус ўқув юртлари, шу жумладан, Туркистон шарқшунослик институти, Тимирязев номидаги блим юрти, Тошкентда ўзбек, киргиз ва бошқа туркий халқларнинг хотин

қизлари учун билим юртлар ва Самарқандда ўзбек билим юрти ташкил этилди. 1921 йилда химия-фармакология институти, консерватория ва 6 та қишлоқ хужалик техникуми ишга тушди. Булар орасида 1918 йил 21 апрелда Тошкентда очилган Туркистон халқ университети алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бу университет шўро мактабининг олий, ўрта ва бошланғич, босиқларини бирлаштирган ўзига хос ўқув юрти эди. Унинг социал-иқтисод, адабиёти-фалсафа, табиёти, математика, техника ва қишлоқ хужалик факультетлари юқори малакали мутахассислари тайёрлаш билан шуғулланди. Факультети ҳузурида очилган шу хилдаги курслар ўрта босиқич вазифасини бажариб турди.

1923 йил Туркистон АССР Маориф Халқ Комиссарлиги ҳузурида саводсизликни тугатиш билан шуғулланувчи улка фавкулудда комиссияси тузилди. Шундай комиссиялар маҳаллий Советларнинг халқ маорифи бўлимлари ҳузурида ҳам ташкил этилди. Республикадаги барча олий ўқув юрти талабалари ҳам ишчи факультетларидаги ўқувчиларнинг ҳаммасини саводсизликни тугатишга сафарбар қилинди. Миллий чегаралаш арафасида Туркистон Давлат университети юқори малакали мутахассислар тайёрлаб берадиган энг катта манбагина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга марказий Осиё олий таълим тизимни вужудга келтириш учун ҳам база бўлиб қолди.

1924-25 ўқув йилида университетда 2440 киши ва ишчилар факультети 889 киши ўқиди. 1923-24 ўқув йилида Туркистон АССРда ишлаб турган ва университет факультетлари негизида ташкил этилган олий ўқув юрти 4 тага етди.

Ўқитувчилар тайёрлаш йилдан йилга яхшиланиб борди. 1925 йилда Ўзбекистон қишлоқларида ишлаб турган муаллимлар 2748 кишига етди. Ўқувчиларнинг 1917 йилга қадар ҳукумат ишлаб турган муаллимларга нисбат тўрт бараварга кўпайди. Шу билан бирга, таълим-тарбия ишларининг сифати яхшиланди. Ўқувчиларни дарсликлар ва ўқув қуроллари билан таъминлаш ҳам йўлга қўйилди. Ҳукумат халқ маорифи учун маблағ аямади. 1924-25 ўқув йилида халқ маорифи эҳтиёжларига 11.4 миллион сум ёки республика бюджетининг 24 фоизи сарфланди.

Назорат учун савол ва топшириқлар

Тест. 1. Туркистон Мухтор Жумҳурияти, Бухоро халқ республикаси. Хева халқ республикаси нечанчи йилда ташкил топди?

- А. 1917 йил тўнтаришдан сўнг
- Б. 1918 йилда
- С. 1921 йилда
- Д. 1924 йилда

2. 1918 йил 21 апрелда Тошкентда қандай таълим муассасаси очилди?

- А. Туркистон халқ университети

- Б. Шарқшунослик институти
 С. Тимирязев номидаги билим юрти Д. 1924 йилда
 Д. Тошкентда ўзбек, киргиз ва бошқа туркий халқларнинг хотин кизлари учун билим юртлар
 3. 1923 йил Туркистон АССР Маориф Халқ Комиссарлиги хузурида қандай комиссия тузилди?
 А. Саводсизликни тугатиш билан шуғullanувчи ўлка фавкулда комиссияси
 Б. Советларнинг халқ маорифи комиссияси
 С. Осиё олий таълим тизими комиссияси
 Д. Хукумат халқ маорифи комиссияси
 4. Шўролар ҳокимияти даврида Туркистонда маориф янги тизимнинг ташкил этилиши ва педагогик ғояларнинг моҳиятини ўрганинг
 5. Шўролар ҳокимияти даврида Туркистонда маориф янги тизимнинг ташкил этилиши ва педагогик ғояларнинг моҳиятини изоҳлаб беринг.
 6. Шўролар ҳокимияти даврида Туркистонда маориф янги тизимнинг ташкил этилиши ва педагогик ғояларнинг моҳиятини таҳлил қилинг

2-асосий савол А. Авлоний асарларининг педагогик аҳамияти.

2-савол бўйича дарс мақсади: А.Авлоний асарларининг педагогик аҳамиятини талабларга тушунтириш. Унинг асарларни мукамал ўрганишга қизиқиш ўйғотиш ва асарларидаги маънавий-ахлоқий сифатларни ўзида тарбиялаш ҳиссини ўйғотиш

Идентив ўқув мақсадлари.

1. А.Авлоний асарларининг педагогик аҳамияти тушунтиради.
2. Унинг асарларини моҳиятини изоҳлайди.
3. А.Авлоний асарларининг педагогик аҳамиятини таҳлил қилади.
4. А.Авлоний асарларини моҳиятини ҳозирги ёшлар тарбиясига таъсирини асослаб беради.

2-асосий савол баёни:

И.А.Каримов «Миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётга тадбиқ этиш» ҳақидаги фикрлари биз тарбиячи-муаллимларнинг ҳам ҳаракат дастуримиздир. Чунки истиқлол мафкураси биз шу вақтгача амал қилиб келган мафкурадан фарқ қилиб, у халқимизнинг азалий аъаналарига, удумларига, динга ва тилга, руҳиятига, умуминсоний кадриятларга садақат, келажакка ишонч меҳр-оқибат, инсоф –адолат, маърифат туйғуларини кишилар онига сингдиришга асослангандир.

Таниқли ўзбек педагоги ва олим Абдуллу Авлоний 1878 йил 12

июльда Тошкент шаҳрининг Мерганча маҳалласида, майда хунармат-тукувчи оиласида дунёга келди. Ота-онаси, саводли кишилар бўлганлар. А.Авлоний эски усул мактабини тамомлагандан кейин 12 ёшида мадарасага ўқишга киради. У ёзда ишлаб ота-онасига ёрдам қилар, бошқа вақитларда ўқир эди. Ўта иқтидорли бўлган Абдулла Авлоний 15 ёшида шеърлар ёза бошлади.

Дастлабки шеъри «Таржимон» газетасида босилади. У ўзининг дастлабки шеърларида ва «Хижрот» деган мақоласида халқни янги усули мактабларида ўқиб-ўрганишга тарғиб қилади. А.Авлоний «Усулий жадид» мактаблари учун тўрт қисмидан иборат «Адабиёти ёхуд миллий шеърлар» ҳамда «Биринчи муаллим»(1912), «Туркий гулистон ахлоқ» (1913), «Иккинчи муаллим»(1915), «Мактаб гулистон»(1917) каби дарслик ва ўқиш китоблари яратди. Бу асарларида ҳамда пулицистик мақолаларида дунё халқлари маданиятини, илм-фанни, мактаб ва маорифни улуғлаб, ўз халқни илмли, маданиятли бўлишга чақиради. Асримиз бошларида янги мактаблар учун ёзилган алифбелар анчагина эди. Шулар орасида Авлонийнинг "Биринчи муаллим"и ҳам ўзига хос уринга эга; "Биринчи муаллим" 1917 йил тунтаришига қадар 4 марта нашир этилган. А.Авлоний

Уни ёзишда мавжуд дарсликларга, биринчи навбатда Саидрасул Азизийнинг "Устози аввал"ига суянади (дарс бериш жараёнида ортирғай тажрибларидан самарали фойдаланади. А.Авлонийнинг «Иккинчи муаллим» китоби "Биринчи муаллим» китобининг узвий давомидир. Биз биринчи китобини, шартли равишда, алифбе деб, иккинчи китобни хрестоматия деб атасак жоиз булар, десак хато бўлмас.

Абдулла Авлонийнинг педагогикага оид асарлари ичида "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асари XX аср бошларидаги педагогик фикрлар тараққиётини ўрганиш соҳасида катта аҳамиятга моликдир. "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асари ва таълимий тарбиявий асардир. Асарда инсонларни яхшилика чақирувчи, ёмонлардан қайтарувчи бир илм-ахлоқ ҳақида фикр юритилади. Шу жиҳатдан қараганда Юсуф Хос Хожининг «Кутадгул билиғ», Носир Хисравнинг «Саодатнома», Саъдийнинг «Гулистон» ва Бўстон,

Жомийнинг «Баҳористон» А.Новойнинг "Махбуб ул-кулуб", Аҳмад Донишнинг «Фарзандларга васият» асарлар шаклидаги ўзига хос тарбиявий асардир. А.Авлоний педагог синфтида бола тарбиясининг роли ҳақида фикр юритиб "Агар бир киши ёшилигида нафси бузулиб, тарбасиз, ахлоқсиз ўсдими, аллоху акбар, бундай кишилардан яхшилиқ кутмок ердан туриб юлдузларга қўл узатмақ кабидур", - дейди. Унинг фикрича, болаларида ахлоқий хислатларнинг таркиб топишида ижтимоий муҳим, оилави шароит ва боланинг атрофидаги кишилар ғоят катта аҳамиятга эга. Ўзбек педагогикаси тарихида А.Авлоний биринчи марта педагогикага "Педагогия", яъни бола тарбиясининг фани демакдир", деб таъриф берди. Табиий, бундай таъриф А.Авлонийнинг педагогика фанини яхши билганлигидан далолат беради.

Абдулла Авлоний бола тарбиясини нисбий равишда қуйидаги тўрта

бўлимга ажратган: 1. "Тарбиянинг замони». 2. "Бадан тарбияси», 3. "Фикр тарбияси» 4.»Ахлоқ тарбияси» ва бу ҳақида ҳам унинг аҳамияти тўғрисида фикр юритади. А.Авлоний тарбиянинг доирасини кенг маънода тушунади. Уни биргина Ахлоқ билан чегаралаб қўймайди. У биринчи навбатда боланинг соғлиги ҳақида ғамхурлик қилиш лозимлигини ўқитради. Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ, илм-маърифатга эга бўлиш учун баддани тарбия қилиш зарур. "Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керикли нарсадур. Чунки ўқумок, ўқитмок, ўрганмок ва ўргатмок учун инсонга кучли, касалсиз жаса лозимдир" А.Авлоний янги адабиёт дастури асосида 1933 йилда ўзбек мактабларининг VII синфлари учун «Адабиёт хрестоматияси» тузади.

А, Авлонийнинг меҳнат юксак тақдирланиб, унга ўзбек маданияти ва адабиётини юксалтиришда, ходимлар тайёрлашда, узок йиллик меҳнати учун 1925 йилда "Меҳнат қахрамони" унвони, 1930 йилда меҳнатсеварлига, илмий ишлари ва асарлари учун "Қизил профессор" ва "Ўзбекистон маорифи зарбдори" унвонлари берилди. Абдулла Авлоний 1934 йилнинг 25 августида Тошкентда вафот этди.

Авлонийнинг педагогик қарашлари ҳозирги кунда ҳам янги инсонни комил топтириш йўлиди, чинакам туйғулар, умуминсоний эзгу ғоялар руҳида, виждонийлик руҳида тарбиялаш борсида қимматли тарихий материаллар сифатида эътиборни ўзига жалб қилади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

Тест. Абдулла Авлонийнинг дастлабки шеърिकाъси газетада чоп этилди?

- А. «Таржимон» газетасида
- Б. «Туркистон» газетасида
- С. «» газетасида
- Д. «» газетасида

2. А.Авлоний «Усулий жаид» мактаблари учун қандай дарслик ва ўқиш китоблари яратди?

- А. «Адабиёти ёҳуд миллий шеърлар», «Биринчи муаллим», «Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ», «Иккинчи муаллим», «Мактаб гулистон» каби дарслик ва ўқиш китоблари яратди.
- Б. «Адабиёти ёҳуд миллий шеърлар»
- С. «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим»
- Д. «Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ», «Мактаб гулистон»

3. Ким биринчи марта педагогикага "Педагогия", яъни бола тарбиясининг фани демақдир", деб таъриф берди.

- А. А.Авлоний
- Б. М. Беҳбудий
- С. А. Фитрат
- Д. Х.Х. Ниёзий

4. А.Авлоний асарларининг тарбиявий аҳамиятини моҳиятини изоҳланг

5. А.Авлоний асарларининг тарбиявий аҳамиятини моҳиятини таҳлил қилинг.

3-асосий савол А. Фитратнинг педагогик қарашлари.

3-савол бўйича дарс мақсади: А.Фитратнинг педагогик қарашларини талабаларга тушунтириш. Унинг педагогик асарларини ўрганишга қизиқиш ўйғотади ва асарларидаги маънавий - ахлоқий сифатларни ўзида тарбиялаш.

Идентив ўқув мақсадлари.

1. А.Фитратнинг педагогик қарашларини моҳиятини тушунтириб беради.
2. Унинг асарларини педагогик аҳамиятини очиб беради.
3. А.Фитратнинг педагогик фикрларини моҳияти таҳлил қилади.
4. Унинг педагогик қарашларини баркамол шахс тарбиясидаги аҳамиятини таҳлил қилиш.

3-асосий савол баёни:

Маънавиятимизнинг илк намояндаларидан бири Абурауф Фитрат гарча катагон қурбони бўлиб, жисмонан орамизда бўлмаса ҳам у ҳамиша тирик. Қисмат оғир бўлган сиймолар қатори Фитрат бутун кучқудратини халқга бағишлаган.

Давлатбошимиз И.А.Каримовнинг таъкидлашича «Жаҳонга машҳур бўлган Беруний, АЛ-Хоразмий, Ибн сино, Имом Бухорий, ат-Термизий, Ахмад Ясавий, Улуғбек Навоий ва бошқа кўпгина алломалар маънавияти кенг ва айни вақтда қисмати оғир бўлган сиймолар»дан бири-А. Фитратдир.

Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат 19886 йил Бухоро шаҳрида тўғилган. Фитрат Абурауфнинг адабий таҳаллуси бўлиб, бу сўз туғма истедод деган маънони англатади. Унинг отаси ўзбек, онаси тожик бўлган. Фитратнинг отаси савдогарчилик билан шуғулланган, диндор, ўқимшли шахс бўлиб, олам кезишни, тижоратни яхши курган.

XX аср бошида бутун Шарқда бўлган каби Бухорода ҳам ижтимоий фикр тараққиётида жиддий уйғониш бошланиб, жади́дчилик ҳаракати кенг ёйилади.

Бухорода жади́длар «Ёш бухороликлар» номи билан иш олиб борди.

А.Фитрат мана шу ҳаракатнингш раҳбарларидан бири эди. А.Фитрат нинг барча асарларида таълим-тарбия масалаларга алоҳида эътибор берилади.

Хусусан унинг «Сайёҳи ҳинд баёноти» деган асари» Хиндистонда бир фаранги ила бухоролик бир муддарисининг бир неча масалалар ҳам усули жади́д ҳусусида қилган мунозараси » дан бошланади. Асарда Бухоро

амирлигидаги ўқув ва ўқитувчи ишларнинг ахволи ва абу соҳасидаги асрий қолоқлик кўрсатилади, ўрта олий ўқув юртлари тубдан ислоҳ қилишга чақирилади. Мадрасаларда ўқув муддатининг ўзоқлиги ва ўқув усулларинининг эскирганлиги, мудариларнинг нодонлиги. Дастурларнинг ҳаётдан ўзоқлиги, савод чиқариш усулларининг қийинлиги танқид қилинади. Мактабни ва ўқиштиш усулларини тубдан ўзгартириш тадбирлари баёни қилинади.

А.Фитратнинг «Раҳбари нажот» асари тўла равишда таълим – тарбия масалаларига бағишлаган Айниқса, асарнинг учунчи боби оила, бола тарбияси, ахлоқ-одоб мавзуларига бағишланган бўлиб, бу масалалар ҳозирги даврда ҳам катта маърифий аҳамиятган эгади.

А. Фитрат ота-онанинг вазифаси ўз болаларини етук кишилар қилиб тарбиялашлари зарурлигини, бунда айниқса, уч тарбияга: 1. Жисмоний тарбия-тарбия-саломатлик. 2. Ақлий тарбия-соғлом фикрлилик. 3. Ахлоқий тарбия-ахлоқий сано, яъни ахлоқий покликка эътибор берши кераклиги таъкидланади.

Асарнинг "Бола тарбияси" масалалари бобида қуйидагилар кўрсатиб ўтилади.

А.Фитрат "Ҳар бир киши шу уч қуролдан бирисиз майдонга кирса, албатта мағлуб бўлиши табиийдир, деб айтиб, бу билан уч тарбияни доимо қўшиб олиб бориш кераклигини, агар бу тарбияларнинг биронтаси кам бўлса етук киши тарбиялаб бўлмаслигини кўрсатмоқчи бўлади. Яна айтадики: "Агар ҳар бир отз ўз фарзандининг бадбахт бўлишини хоҳламаса, уни бу майдоннинг ғолиб қилиб тайёрлаши керак. Фарзандингизни жисмоний, ақлий, руҳий томонидан баркамолликка етказишнг ва жамиятнинг қобил аъзосига айланиши учун ғамхурлик қилинг.

«Болаларни баркамол қилиб етказиш учун тарбиясига фақат оилагина жавобгар бўлмасадан, бутун қавм аъзолари жавобгардирлар чунки ёшлар ҳар томонлама ётук инсон бўлиб тарбияланса, қавмнинг келгуси тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлади».

А.Фитрат жисмоний тарбияга. Кишининг саломат ва бақувват бўлиб тарбияланишига алоҳида аҳамият беради: »Бадан тарбияси» га қадим замонлардан бошлаб катта аҳамият берилган. Инсоннинг бутун аъзоси саломат ва қувватга эга бўлмаса, унда инсон ўзоқ яшамайди. Агар инсоннинг танасидаги аъзоларидан бирига ҳалал тегса, у киши ишдан кулии тортиб, бошқаларнинг мухтожига айланади. Бизнинг фарзадларимиз илм олиш бирга, уларнинг бадан тарбиясига аҳамият беришимиз лозимдир.

А.Фитрат бу фикрлари билан болага тўлиқ ағлий таълим бериш учун ижтимоий, илмий, дунёвий фанларни мактаб дастурларига киритиш керак деган хулосага келади.

А.Фитрат эски мактабларда боларга нисбатан қулланиладиган тан жазолаарини бутунлай қоралайди, унга қариш чиқади.

А.Фитрат ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш зарурлигини, унга нисбатан инсоний муносабатда бўлиш, қилган гуноҳларини ўзига тўғри,

яхши сўз билан тушунтириш кераклигини шунда у ҳам ўқитувчини ҳурмат қилишини ўқтиради.

А.Фитрат яна болга бериладиган билим унинг ёши ва билиш даражаси мос бўлиши, болага қийинлик қилмаслигини, агар бериладиганбилим болага жуда осон ёки жуда қийинлик қилсау билим олишдан бешиб қолишини ўқтиради.

Абдурауф Фитрат кишининг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишида ахлоқий тарбиянинг ўрни жуда эканлигини ҳар бир асар ва тадқиқот ишларида такрор-такрор ўқтиради.

А.Фитрат ёшларни янги жамият қуришдават этади. Эл-юртнинг бахти, саодати, истиқлоли учун курашишга давъат этадм. У "Халқ бахти учун курашмаган ёшларни бўшанг, жасоратсиз", деб тушунади.

Мустақиллик, демократия, озодлик ғоялари А.Фитратнинг бутун фаолияти ва барча асарлари ва мақолаларида бош мақсад бўлиб қолганлиги ҳозирги ёшларимизга, уларни мустақил Ўзбекистоннинг ривожлантиришларида ибрат –намунадур. Абдурауф Фитрат маориф соҳасида ишлаган кишиларнинг бошини силаган, маорифни ривожлан-тиришга катта ҳисса қўшган ҳаммага бирдек озодлик йўлини кўрсатган. Озодликни тезликда руёбга чиқаришга ҳаракатта қилган атоқли маърифатпавар ўқитувчи бўлиши билан уларнинг устозидир.

Назорат учун савол ва топшириқлар

Тест. 1. Бухорода ижтимоий фикр тараққиётида жиддий уйғониш бошланди Бу жаидчилик ҳаракатига ким раҳбарлик қилди?

- А. А. Фитрат
- Б. М. Беҳбудий
- С. Мунаввар Қори
- Д. А. Авлоний

2. А.Фитратнинг «Раҳбари нажот» асари қандай масалаларига бағишлаган?

- А. Таълим –тарбия масалаларига
- Б. Оила тарбиясига бағишланган
- С. Ахлоқ-одоб масалаларига
- Д. Жисмоний, ақлий тарбияга бағишланган.

3. А.Фитрат эски мактабларда боларга нисбатан қулланиладиган қандай жазоларни бутунлай қоралайди?,

- А. Тан жазоларини қоралаб, унга қариш чиқади
- Б. Жисмоний жазони
- С. Уриш, ҳақоратлаш
- Д. Барча жавоб тўғри

4. Унинг асарларини тарбиявий аҳамиятини моҳиятини таҳлил қилиб беринг.

5. Унинг педагогик қарашларини ҳозирги ёшлар тарбиясига

таъсирини илмий асосланг.

6. А. Фитрат ижодида Комил инсон муаммоси.

4- асосий савол Х.Х. Ниёзийнинг мактаб тизимини такомиллаштиришига қўшган ҳиссаси.

4-асосий савол бўйича дарс мақсади: Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг мактаб тизимини такомиллаштиришга қўшган ҳиссасини талабаларга тунунтириш, унинг педагогик қарашларини ўрганишга қизиқишларини ошириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Х.Х.Ниёзийнинг мактаб тизимининг ривожига қўшган ҳиссасини моҳиятини тушнтиради.
2. Х.Х Ниёзийнинг педагогик қарашларини моҳиятини очиб беради.
3. Унинг мактаб тизимининг ривожига қўшган ҳиссасини моҳиятини таҳлил қилади.
4. Унинг педагогик қарашларини моҳиятини ҳозирги ёшлар тарбиясига таъсирини асослайди.

4-асоий савол баёни:

Ўзбек халқининг тўнғичи педагог, шоир, адиб, драматург, композитор Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1889 йилда Қўқон шаҳрида табиб оиласида туғилди.

Ҳамза турмушда кўп қийинчиликларга дуч келади, илм-фанга, ҳаваси зўр бўлсада, кунгилдагидек ўқий олмайди. Бу ахволни кейинчалик эслаб, унга сабаб «Ота-она тасуби ва ҳукумат истибдоди, фақирлик» эканини кўрсатиб ўтади.

Ҳамза ёзувчилик ишига 1905 йилдан, 16 ёшидан бошлаб киришади. Унинг шахсий архивида сақланган материаллар орасида 1905-1914 йиллар мобайнида ёзилган 214 шеърининг рўйхати бор. Ҳамзанинг "Девон"ига 214 шердан 197 таси киритилган.

Ҳамза 1911 йил Қўқоннинг Хожибек гузарида мактаб очиб камбағал болаларни ўқитади, ўқувчилар учун "Енгил адабиёт", "Ўқиш китоби" ўқув қуланмаларини яратади.

Х.Х Ниёзий 20 йиллик ўқитувчилик фаолияти давомида ёшлар тарбияси масаласида амалий ва назарий жиҳатдан муҳим ғояларни олға суради.

Х.Х Ниёзий 1913 йил февралда чет элларга кетади: Афғонистон, Ҳиндистон, Макка Мадина, Шом (Сурия), Байрут, Истамбўл, Оддеса шаҳарларда бўлиб, 1914 йил бошларида Қўқон қайтади. 1915 йили Марғалонда мактаб очади. Муаллимлар тайёрлайдиган курс ташкил этади.

Ҳамза 1918 йил Фарғонга шаҳарига бориб ўқитувчилик давом эттиради. Шунингдек, у Фарғонада театр санъатини яратишда катта

ташаббус кўрсатади. Фарғонадаги ёш санъат ҳаваскорларини тўплаб, "Сайёр драм труппа" ташкил қилади. У шу йилнинг ўзидаёқ, ўзининг машхур асари «Бой ила хизматчи», «Тухматчилар жасоси», «Ким тўғри» каби пьесаларини ёзади. Бу пьесаларини режиссёрлигида сахнага қўйилади ва катта муваффақиятга эришади. Ҳамза бир қатор асарларида халқ маорифини демократик асосда қайта кўриш, халқ маорифи тизим яратиш гояларини олга суради. Унинг фикрича, "Инсонни қаторига кушиш", инсонни камолга етказиш, инсонни олижаноб фазилатларига эга қилиб етиштириш тарбияга боғлиқдир. Юксак кучга эга тарбия илм, хунар тарбиясини ўз ичига олган бир бутун жараён бўлиши керак.

Демак, мактаб ёларни илмли, одобли қилиб тарбиялаши ва хунарга ўргатиши керак. Ҳамза Ҳакимзода хунар ўргатишни кенг маънода тушунади. У мактабда ўтиладиган хунарни косибчилик, тўқимачилик, тақачилик эмас, балки дунёвий фанлар асосида яратилган илм-техникани егаллашни хунар деб тушунади. Ҳамзанинг фикрича боланинг ақлий ривожланиши, иродаси, хулқ-атвори умуман маънавий фазилатлари тарбия орқали шаклланади. Боланинг ким бўлиб етишиши унинг насл-насабига эмас, балка унга бериладиган тарбияга боғлиқдир, яъни боланинг қизиқиш, ўқиш қобилиятининг ривожи насл-насабнинг эмас, балки тарбиянинг дейди. Ҳамза Ҳакимзода ўз педагогик қарашларида ҳар бир инсон табиат ва ҳайвонот дунёсидан ҳабардор бўлиши кераклиги ҳақида сўзлар экан, бунинг учун илм-фанларни егаллаш зарурлигини таъкидлайди.

Ҳамза Ҳакимзода ақлий тарбия сўз юритар экан, ақлий тарбия орқали табиат ва жамият, қонуниятларини, табиат ходисаларини, улар ўртасидаги боғлиқликни билиш кераклигини айтади. Шоир ана шундай маълумотга эга бўлган ва жамият, халқ форовонлиги учун хизмат қиладиган ёшларни етиштиришга даъват этади.

Ҳамзанинг фикрича, болаларни шундай баркамол киши қилиб етиштириш учун ўқитувчининг ўзи чуқур билимга эга бўлган, қобилжитли ва юксак ахлоқий фазилати бўлиши керак. Ҳамза Ҳакимзода таълим-тарбия ҳақида билдирган фикрларида болаларнинг соғлом бўлишига ҳам этибор беради.

У айниқса таълим-тарбияда ота-оналарнинг муҳим ўрин тутишини таъкидлайди, боланинг гўзал ахлоқли бўлиб камол топиши учун оила муҳимида тарбиянинг тўғри йўлга қўйилиши зарурлигини айтади. Шоирнинг фикрича бола-одобнинг бошини ота-онадан олади, ўрганади, бунга жиддий эътибор берилмаса тарбия жуда кийин кечади ва ёмон оқибатларга олиб бориши аниқ эканлигини аниқ - равшан баён этади.

Ҳамза Ҳакимзода ахлоқий тарбия хусусидаги қарашларида ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг фикрича, ёшлардаги инсонпарварлик кишиларнинг кадр-кимматини англаш, уни ҳурмат қилиш, инсоний ҳуқуқларини ҳимоя этиш, уларга ҳурмат билан муомала қилишдан иборат бўлиши керак. Ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш уларда ўзига яқин бўлган кишиларга, аввал ота-онасига самимий муҳаббат туйғусини ривожлантиришдан

бошланиши керак. Шу туфайли ҳам, шоир ўз дарсликларига киритган бир қатор шеър ва ҳикояларида болаларни ўз ота-оналарига меҳрибон бўлишга, уларни қадрлашга ва ҳурмат қилишга чақиради.

Ҳамза Ҳакимзода ўз педагогик фаолиятида ва адабий ижодида хотин-қизларнинг илм олишига, жамият ишларида фаол иштирок этишларига жиддий эътибор беришди. Ҳамза ўзининг ҳарактер хусусиятлари билан бошқалардан ажралиб турадиган шахс эди. У ғайратли, жасоратли, тиниб тинчимайдиган ижодкор сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Доимо нималарнидир яратиш ва ташкил қилиш, нималаргадир бош қўшиб, фаоллик кўрсатиш билан банд эди. У бир қарасангиз, мактаб очиб мазлум болаларни ўқитар, бир қарасангиз гуруҳлар тузиб, элга концерт ва спектакллар кўрсатар, яна бир қарасангиз, Туркистон фронти буйлаб юриб, жангчилар хизматида булар гуё, ҳаёт уни зарур нукталарга чорлар, шоир эса "Лаббай", дея ўзининг санаъткорлик, бинобарин фуқаролик бурчини иккиланмасдан адо этарди.

Ҳамза Ҳакимзода Шохимардонда бўлган вақтида ҳам ўз илғор фикрларини тарғиб қилади. Аммо у бу ерда жойлашган душманлар томонидан 1928 ўил, 18 март фожиали ҳалок қилинади.

Ўзбек халқни содиқ фарзатди Х Ҳакимзода ажойиб, ёзувчи ва композитор сифатида ўз халқига сидиқдил билан хизмат этади. У меҳнаткаш халқни маърифатли қилиш, ёш авлодларни ҳар томонлама билимли қилиб етказиш йўлига ҳаётини бағишлади.

Умуман Х.Х Ниёзий республикамызда педагогик фикрнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшган моҳри педагог шоирдир.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

Тест. 1. Х. Х. Ниёзий нечанчи йилларда чет эл сафарида бўлади?

- А. 1913-1914 йилларда.
- Б. 1915-1917 йилларда
- С. 1909-1911 йилларда
- Д. 1913-1915 йилларда.

2. Муаллимлар тайёрлайдиган курсни қачон ва қаерда ташкил этади?

- А. 1915 йили Марғалонда мактаб очади.
- Б. 1914 йил Қўқонда мактаб очади
- С. 1915 йил Фарғонада мактаб очади
- Д. 1916 йил Андижонда мактаб очади

3. Х.Х. Ниёзий инсон камолотида қайси тарбия ассий ўрин эгаллайди дейди?

- А. Ақлий, жисмоний
- Б. Оила, ахлоқий
- С. Ақлий, жисмоний, оила
- Д. Оила тарбияси, ақлий, ахлоқий, меҳнат.

4. Х. Х. Ниёзийнинг педагогик қарашларини моҳиятини изоҳланг

5. Х. Х. Ниёзийнинг бугунги таълим ривожига қўшган ҳиссасини таҳлил қилинг.

6. Х. Х. Ниёзий педагогик қарашларини моҳиятини нима ташкил қилади.

5-асосий савол Иккинчи жаҳон уриши йилларида ва ундан кейинги даврда Ўзбекистонда халқ маорифи ва педагогика назарияси тарақиёти.

5-савол бўйича дарс мақсади: иккинчи жаҳон уриши ва ундан кейинги йилларда Ўзбекистонда халқ маорифи, педагогика назарияси ҳақида, талабаларга тушинча бериш, уларни ўрганишга талабаларни йўналтириш, кизиқишни тарбиялаш.

Идентив ўқув мақсадлари.

1. Иккинчи жаҳон уриши ва ундан кейинги йилларида Ўзбекистонда халқ маорифи ва педагогика аҳволи моҳиятини тушунтиради.
2. Ўзбекистонда педагогика назарияси ва маориф тизимини ўзига хос хусусиятини изоҳлайди.
3. Иккинчи жаҳон уриш ва ундан кейинги йилларнинг Ўзбекистонда педагогик тараққиётга таъсирини таҳлил қилади.
4. Иккинчи жаҳон уриш ва ундан кейинги йилларнинг Ўзбекистонда халқ маориф ва педагогиканинг моҳиятини ҳозирги давр ёш авлодлар тарбиясига таъсирни асослайди.

5-асосий савол баёни:

1941 йил 22 июнда фашистлар Германияси хужум қилмаслик ҳақидаги битимни бузиб, уруш эълон қилмай туриб собиқ иттифоқига бостириб кирди.

Мамлакатлар мудофаа фондига пул, қиммат баҳо нарсалар, давлат облигациялари, хулос кимда нимда бўлса, ҳаммасини топширдилар. Унинг дастлабки кунларида биргина Тошкент шаҳрининг ўзида мудофаа фондига 5,5 миллион сўмдан ортиқ пул тўпланди. Ўзбекистон республикаси бўйича 30 миллион сўм пул тўпланди. Ватан учун берилган шанбаликлар ватанпарварлик руҳи остида ўтди.

Барча маълумки уриш йўллари, барча соҳадаги каби халқ маорифи соҳасида ўзига хос қийинчиликлар даври бўлди. Бу ҳол маориф соҳасидаги кўпчилик тажрибали ўқитувчиларнинг армия сафига чақиртирилиши, айрим мактаб биноларининг госпиталларга айлантирилиши ўқув қуролларининг етишмаслиги, моддий таъминотидаги танқислик, оталарнинг фронтга кетиши, эвакуация қилинган болалар сонининг кўплиги, кўпроқ вақти ижтимоий ишлаб чиқаришга сарифланиш ва бошқа шунга ўхшаш сабаблардан иборат бўлиб, бу

хусусиятлар мактабларда аввало таълим-тарбия жараёнини мустақкамлашни тақозо қиларди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида айниқса, халқ маорифини янада ривожлантиришда янги инсонни камол топтиришда ёшларни инсонпарварлик идеаллари, ватанпарварлик идеалари, ватанпарварлик, руҳида тарбиялаш иши ғалабани муҳим омиларидан бўлиб қолди.

Иккинчи жаҳон уруши дарида мактабларнинг ўқув дастурлари бўлиб қолди.

Уриш йилларида Халқ маорифи Комиссарлиги томонидан мактабларда таълим-тарбия ишларни юқори даражага кўтариш ҳамда ўқувчилар билимини мустақкамлаш мақсадида жуда кўп умумдавлат аҳамиятига эга бўлган бўйруқ ва курсатмалар берилади. Жумладан 1943 июлда Собиқ СССР Халқ Комиссарлар Совет 8 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва усмирларни ҳисобга олиш ва уларни мажбурий таълимга тортиш ҳақидаги қарор чиқариди. 1943 йил 2 августда РСФСР Халқ комиссарлари Совети мактаб тарбиявий ишларини янада ишларини яна яхшилаш мақсадида 20 пунктдан иборат «Ўқувчилар учун қоида» ни тасдиқлади.

Уриш даврида ўқитувчилар сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилди. Чунки купчилик педагоглар фронтга сафарбар қилинганлиги учун республика бўйича 1940-1941 ўқув йилида 36267 нафр ўқитувчидан 30616 киши қолди.

Уруш йиллари мактаб олдида турган энг муҳим вазифалардан яна бири шароит тақозосидан келиб чиқиб ҳар бир ўқувчига коммунистик ахлоқ нормаларни синдириб бориш билан уларни юқори ахлоқий малакалар руҳида тарбиялашдан иборат бўлди. Зеро мактаблар олдида турган тарбиявий масалаларини бажаришда қатор тадбириий ишлар амалга оширилиши муҳим исобланди.

Айниқса:

1. Мактаб ёшидаги болаларнинг ҳаммасини умумий таълимга тортиш ишини давом эттириш.

2. Ўқув-тарбия ишларини қайта куриш ва сифатини янада юқори кўтариш, фан асосларни юксак сиёсий - ғоявий савияда ўқувчиларга зарурий жисмоний тарбия бериш, ёшларни ижтимоий фойдали иларда кенг қаттанашишини таъмин этиш учун уларга агротехника билимини бериш;

3. Аҳоли ўртасида оммавий ва сиёсий оқартув ишларини бориш;

4. Ўқувчиларнинг корхона ва қишлоқ хужалигида мудофаа эҳтиёжи учун қилинадиган меҳнатларини йўлга қўйиш каби масалалар шулар жумласидандир.

Мактабларда таълим-тарбия ишларини юқори даражага кун ҳамда ўқувчилар бўлимини мустақкамлаш мақсадида халқ маорифи комиссарлиги томонидан умумдавлат аҳамиятига эга бўлган жуда қатор кўрсатмалар берилди. Масалан, 1943 йил 14 июлда Собиқ Халқ Комиссарлари Совети 8 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларни

ҳисобга олиш ва уларни мажбурий таълимга ҳақида қарор қабул қилди. Мазкур қарор ва кўрсатмаларнинг талабларини қатъий бажаришни назорат қилиш автоном республикаларнинг, область, район ва қишлоқ Советлари раислар депутатларига топширилди.

Уруш йилларида амалга оширилган ишларга баҳо берган ва қатъий айтиш лозимки, собиқ совет халқи эришган буюк қалаб мактабнинг, ўқувчиларнинг ҳиссаси бениҳоядир. Айниқса, бу борада дарсдан ва мактабдан ташқари олиб борилган тарбиявий ишлар кулами жуда кенг бўлиб, у асосан комсомол ва пионер ташкилотлар орқали олиб борилди.

Уруш йилларида маориф куз кўриб, қулоқ эшитмаганлик даражадаги ишларни амалга оширди. Ёшларни ҳар қандай кийинчиликка бардош бера оладиган иродали қилиб тарбиялади. Натижада болалар тарбияси ҳар қачонгига нисбатан намунали йўлга қўйилди ҳамда уруш уруш даври маорифи, мактаблари, ундаги таълим-тарбия жараёнида тарихда учмас бир саҳифа сифатида из қолдирди.

Урушдан кейинги йилларда маориф ва педагогик фикрлар.

Иккинчи жаҳон уруши ғалаба билан тамом бўлгач, собиқ Совет Иттифоқи халқлари собиқ партия XVIII съезди бегилаб берган, уруш сабабли вақтинчалик тўхтаб қолган ишларни давом эттириш учун фидокорона меҳнат қилдилар.

Барча бошқа халқлар каби Ўзбекистон халқлари ҳам собиқ КПСС XIX (1952) ва XX (1956) съездларининг тарихий қарорларини амалга оширишда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилдилар.

Айниқса Ўзбекистон халқ маорифининг тараққиёти ва мактаблар қурилиши бутун мамлакатлардаги каби урушдан кейинги халқ хўжалиги режаларида белгиланди ва республикада бу ишлар давлат, хўжалик ва маданият қурилиши билан маҳкам боғлиқ ҳолда амалга оширила бошлади.

Урушдан кейинги дастлабки йилларда Ўзбекистон мактаблар тармоғининг ривожланиш хусусиятларидан бири урушнинг биринчи йилларида бошланган етти йиллик мактаблар сонининг ўсиши бўлди. Чунки уруш муносабати билан маориф соҳасида юз берган камчиликларни биринчидан, қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқаришдаги мутахассисларнинг этишмаслиги, иккинчидан, мактаблар тармоғининг қисқариб кетганлиги, учинчидан, мактаблар биносининг этишмаслиги, тўртинчидан, ўқитувчилар сонининг камлиги, бешинчидан, мактаб ва ундаги таълим-тарбияни жонлантириш учун керакли ашёларнинг тақислиги ва бошқа шунга ўхшаш сабаблар ҳам асосий тўртки бўлди.

Мактаб биноларни тиклаш, янгиларни қуриш ишлари ҳар бир вилоят аҳолисининг сони ва зичлиги ҳолида вилоят иқтисодини ҳисобга олиб амалга оширилди. Мактаб биноларини қуриш ва тиклаш, мактабларнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, мактаб шохобчаларини регионал жойлаштириш режалари тузиб чиқилди.

Шунинг учун ҳам маориф ходимлари тезлик билан мактаб шохобчаларини тиклаш ва кенгайтириш ҳамда ота-оналари билан бирга эвакуациядан қайтиб келаётган болаларни ё уруш вақтида мактабни

ташлаб кетган болаларни мактабга тортиш соҳасида жуда катта ишлар қилиш керак эди. Бундай масъулятни бажаришда улар дастлаб бошланғич мактабларни тамомлаган болаларни ҳаммасини тўла равишда ўқишга тортишга айниқса катта эътибор беришлари лозим эди. Ва бу иш анча муваффақиятли амалга оширилди. Бу эса болаларни ва ўсмирларни умумий мажбурий ўқитишни кенгайтириш учун зарур шарт-шароит яратиб берди.

1949 йилда умумий мажбурий 7 йиллик таълимга ўтилди. Бу эса ўз навбатида мамлакат бўйлаб ҳаётда катта воқеа бўлди. 1949 йилнинг январ ойида РСФСР Вазирлар маҳкамаси шу йилдан бошлаб болаларни 7 йиллик умумий таълим мактабларида ўқитишни жорий қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Мана шундай қатор масъулиятли вазифаларни амалга оширишда педагог ходимларнинг танқислиги тобора сезила бошлади. Чунки барчага маълумки, ўқитувчиларнинг асосий қисми фронтга жалб этилганлиги, қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларига тортилганлиги сабабли мамлакатда ўқитувчилар сони анча камайиб қолган эди. 1957-58 ўқув йилидан бошлаб баъзи педагогика ўқув юртларида боланғич мактаб учун олий педагогика маълумотига эга бўлган ўқитувчилар тайёрлашга киришилди ва бунинг учун махсус факультетлар ташкил этилди.

1962-63 ўқув йилига келиб ҳамма жойда аниқроғи бутун Иттифок бўйлаб етти йиллик мактабларнинг ҳаммаси қайта ташкил этилиб, саккиз йиллик мактабларга айлантирилди.

Урушдан кейинги йилларда педагогика фани ҳам тараққиёт йўлига кирди. Ватанпарварлик, онгли интизом ва уюшқоқликни мардлик ва қатъий иродани тарбиялаш масалалари айниқса муҳим бўлиб қолди.

Ўқувчиларни ижтимоий-фойдали меҳнати масаласи алоҳида аҳамият касб этди. Шу муносабат билан қатор тадқиқотлар олиб бориш лозим бўлиб қолди. Қатор педагогика тарихи назариясига доир монография, қўлланма ва фундаментал ишлар яратилди. Қатор кузга кўринган олимлар Н.К.Гончаров, И.А.Киров, И.Т.Огородников, П.Н.Шимберов, П.Б.Есипов, Н.А.Константинов, Е.Н.Мединский, М.Ф.Шабаетова, А.В.Луначарский ва бошқа педагоглар педагогика институтлари учун дарслик ва қўлланмалар яратдилар. Таълим-тарбия ишлари ўша дарслик ва қўлланмалар асосида ихтиёрий-мажбурий равишда олиб борилди.

1962 йилда педагогика фанлари соҳасида юқори малакали ходимлар етиштиришни яхшилаш мақсадида биринчи марта Тошкент Давлат университети қошида педагогика фанлари бўйича илмий даражалар берувчи Бирлашган Совет ташкил этилди.

1967 йилдан бошлаб илмий даражалар берувчи кенгаш Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика институти қошида иш бошлади. Бу кенгаш ўз ишини то шу бугунги кунгача давом эттириб келмоқда.

XX асрнинг 70-80 йилларида Ўзбекистонда халқ таълими равнақи ўзига хос йўлни босиб ўтди. Мамлакатда олий таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида, умумий таълим мактабларининг ўқувчиларига таълим-тарбия беришни ва уларни меҳнатга тайёрлашни яна такомиллаштириш

тўғрисидаги 1972-77 йиллар мобайнида қабул қилинган тарихи қарорлари асосида Республикамизда салмоқли ишлар амалга оширилди. Ёшларни умумий ўрта таълимга ўтказиш 1975 йилга келиб тугалланди.

9-5 йилликда бир миллион ўқувчи ўрта маълумот ҳақида аттестат олди.

Агар 1974 йили Республикамиз бўйича фақатгина 2 ўқув ишлаб чиқариш камбинати ишлаган бўлса, 1977-78 ўқув йилига келиб уларнинг сони 185 тага этди, уларда таълим олувчилар сони 95562 ўқувчини ташкил қилди. Булардан ташқари 1978 йили Республикамизнинг 431 та умумий таълим мактабида автомобил ҳайдовчи касбини бериш мақсадида машинашунослик курси ўқитилди. Қишлоқ умумий таълим мактаблари эса (1010 та мактабда) трактор ҳайдовчиси, 90 та мактабда пахта териш машинасининг ҳайдовчиси, 26 та мактабда котиба-машинистика каби касблар бўйича ўқувчилар таълим берилди.

Республикада олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг сони кўпайди. 4 та олий ўқув юрти ва 28 та техникум очилди, халқ хўжалиги учун 450 мингга яқин мутахассис тайёрлаб берилди.

1975-76 ўқув йилида Ўзбекистоннинг 960 та қишлоқ советида, 162 та шаҳар ва шаҳар типигаги пасёлкасида, 9642 та умумий таълим мактаби иш олиб борди. Бу мактабларида 38028 минг ўқувчига 237,5 минг ўқитувчи сабоқ берди. Собиқ КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди тарихий қарорларининг турмушга жорий этилиши, Ўзбекистон Республика ҳукумати барча жамоа ташкилотлари, корхона ва муассасаларининг доимий диққат эътибори, шунингдек, ўқитувчилар халқ маорифи бўғинлари ҳамда педагогика ўқув юртларида ходимларнинг катта меҳнатлари туфайли ўтган. 1981 йилда улкан муваффақиятлар қўлга киритилар олинган юксак мажбуриятлар асосан бажарилди. Халқ маорифи соҳасида катта ишлар қилинди. Умумий мажбурий ўрта таълим муваффақиятли равишда ҳал этилди. Ёш авлодга тарбия беришда атрофлича ёндошиш натижасида, айниқса меҳнат ахлоқий ва ғоявий- сиёсий тарбия ишларида самарали натижаларга эришилди, унинг шакл ва методлари такомиллаштирилди.

Мактаб ўз табиатида кўра иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни таъминловчи, уни сақловчи, инсоният томонидан тўпланган умуминсоний маънавий бойликлари авлодан авлодга етказиб берувчи ва бойитувчи муҳим тармоқ ҳисобланади. Хали маорифини қуйи ва юқори босқичларини ислоҳ қилиш ва қайта кўриш талабларига жамиятнинг қонуний жавобидир.

Ислоҳатда қайд этилган умумий ўрта ва хунар таълими қурилишининг асосий моҳияти шундан иборатки, унда умумий таълим ўн бир йилликдир, I-IV синфлар бошланғич мактаб V-IX синфлар тўлиқсиз ўрта ва X-XI синфлар барчаси умумтаълим мактабини ташкил қилади. Шунингдек, хунартехника билим юртлари, ўрта махсус ўқув юртлари каби номланган. Мазкур қурилишга биноан ўрта умумий таълим мактабларида болаларни олти ёшдан бошлаб ўқитиш назарда тутилди.

VII-XI синф ўқувчиларига табиий-математик, ижтимоий гуманитар

фанларни факультатив машғулотлар орқали чуқурроқ ўрганиш имконияти яратилади.

Умумий ўрта таълим хунар таълими бериш билан тўлдирилган ҳолда, ёшларнинг меҳнат фаолияти бошлангунга қадар бирор-бир касбни эгаллаш имкониятини яратади. Шу билан умумий таълим ва хунар мактабининг бир-бирига яқинлашуви, ягона меҳнат, политехника мактаби вужудга келтиради.

Ўрта умумий таълим мактабининг XI синфини битириб чиқан ёшлар учун бир қатор қулайликлар мавжуд. Биринчидан ўқиш жараёнида олган меҳнат малакалари асосида халқ хўжалигининг бирор тармоғида ишлаш ҳуқуқига эга бўладилар. Иккинчидан бирор бир касб бўйича юқори малакали бўлиш учун ўрта хунар техника билим юртларининг бир йиллик кўрсларида таҳсил олишлари мумкин. Учинчидан ўрта махсус ўқув юртларида ёки олий ўқув даргоҳларида ўқишни давом эттирадилар.

Хунар техника таълими эса қайта тубдан ўзгартирилиб, ўрта хунар техника билим юртларига айлантирилди.

Халқ хўжалиги учун зарур бўлган ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифати янада оширилади.

Ўрта маълумотга эга бўлмаган, ишлаб чиқаришдаги фаол ёшлар учун кечки (сменали) ва сиртқи мактаблар сақланиб қолади. Шунингдек, бундай мактабларда таълим ва тарбия бериш сифати, ишни тўғри режалаштиришга алоҳида эътибор берилади.

Ўқув фанларининг амалий йўналишини кучайтириш, меҳнат тарбияси ва касб танлашга ўргатишни йўлга қўйиш, таълим мазмунининг политехника йўналишини таъминлаш масаласи асосан амалга оширилади.

Таълим-тарбия самарадорлигини оширишда ахлоқий, бадиий ва эстетик тарбия беришга алоҳида аҳамият берилади.

Ўқувчиларда ёшлик чоғиданоқ жамоатчилик, ўзига ва бир-бирига талабчанлик, ҳалоллик ва ҳақгўйлик, сахийлик каби хусусиятларни шакллантириш ҳар бир ўқитувчининг кундалик вазифасига айланмоғи зарур. Бунинг учун эса ислоҳат талаб этганидек ижтимоий-гумонитар фанларининг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш, мактабларни шу ихтисослар бўйича малакали мутахассислар билан таъминлаш зарурати келиб чиқади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

Тест. 1. Уруш йилларида дарсдан ва мактабдан ташқари олиб борилган тарбиявий ишлар қандай ташкилотлар орқали олиб борилган?

А. Асосан комсомол ва пионер ташкилотлар орқали олиб борилди.

Б. Комсорклар ташкилотлар орқали олиб борилди.

С. Октябрий, пионер, комсомол ташкилотлар орқали олиб борилди.

Д. Барча жавоб тўғри

2. Ўзбекистонда Нечанчи йилдан бошлаб умумий мажбурий 7 йиллик таълимга ўтилди?
- А. 1949 йилда
 - Б. 1945 йилда
 - С. 1946 йилда
 - Д. 1948 йилда
3. 1962-63 ўқув йилига келиб бутун Иттифок бўйлаб таълим тизимида қандай ислохат ўтказилди?
- А. Етти йиллик мактабларнинг ҳаммаси қайта ташкил этилиб, саккиз йиллик мактабларга айлантирилди
 - Б Педагогика маълумотига эга бўлган ўқитувчилар тайёрлашга киришилди ва бунинг учун махсус факультетлар ташкил этилди.
 - С. Қатор педагогика тарихи назариясига доир монография, қўлланма ва фундаментал ишлар яратилди.
 - Д. Илмий даражалар берувчи Бирлашган Совет ташкил этилди.
4. Қачон илмий даражалар берувчи кенгаш Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика институти қошида иш бошлади?
- А. 1967 йилдан бошлаб
 - Б. 1977 йилдан бошлаб
 - С. 1960 йилдан бошлаб
 - Д. 1959 йилдан бошлаб
5. Урушдан кейинги йилларда таълим-тарбия ишлари қандай дарслик ва қўлланмалар асосида ихтиёрий-мажбурий равишда олиб борилди.
6. Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистонда таълим- тарбияни мақсад ва вазифалари нимадан иборат эди.
7. Урушдан кейинги йилларда педагогика фани тараққиётида қандай ўзгаришлар амалга оширилди.
8. Урушдан кейинги йилларда педагогика фани тараққиётида эришган натижалар бугунги кун педагогика тараққиётида қандай аҳамиятга эга?
9. Уруш ва урушдан кейинги йилларда халқни бир мақсад асосида бирлашишида таълим тизимининг ўрнини ва мақсад, вазифалари нимадан иборат эди.
10. Иккинчи жаҳон уриши ва ундан кейинги йилларида Ўзбекистонда халқ маорифи ва педагогика аҳволи моҳиятини тушунча беринг.
12. Ўзбекистонда педагогика ва маорифга таъсирини изоҳлаб беринг.
13. XX асрнинг 70-80 йилларида Ўзбекистон халқ таълим равнақи ҳақида маълумат беринг.

Мустақил иш топшириқлари:

1. Шўролар тузуми даврда Ўзбекистонда халқ таълими ва педагогиканинг ривожланиши.
2. Ўзбекистон маърифатпарварлари А.Авлоний ва А. Фитрат, Х.Хамзаларнинг таълим-тарбияга қўшган ҳиссаси
3. Шўролар ҳокимиятининг йилларида Туркистонда маориф, янги тизимнинг ташкил этилиши ва педагогик ғояларнинг моҳиятини ўрганиш.
4. А. Авлонийнинг педагогик ғоялари моҳиятини тушунтиринг.
5. А. Фитратнинг педагогик қарашларининг моҳиятини таҳлил қилинг.
6. Х.Х.Ниёзийнинг мактаб ривожига қўшган ҳиссаси моҳиятини ўрганинг.
7. А. Авлоний асарларининг педагогик аҳамиятини таҳлил қилинг.
8. А.Фитратнинг педагогик фикрларини моҳиятини таҳлил қилинг
9. Х. Х. .Ниёзийнинг мактаб ривожига қўшган ҳиссасини ҳозирги мактабларга таъсирини таккосланг
10. А.Авлоний асарларини моҳиятини ҳозирги ёшлар тарбиясига таъсирини асослаб беринг.
11. А. Фитратнинг педагогик қарашларининг моҳиятини ҳозирги кун ёшлар тарбиясига таъсири.
12. А.Авлоний асарларининг тарбиявий аҳамиятини моҳиятини ҳозирги ёшлар тарбиясига ижобий таъсири.
13. А. Фитратнинг Х.Х.Ниёзийнинг педагогик қарашларини моҳиятини ўрганиш.

Мавзу бўйича илмий хулосалар:

1. А. Авлоний ўзбек матбуотининг забардас вакили, ўзбек матбуотининг асосчиларидан бири сифатида шуҳрат қазонган алломаларидандир.
2. Абдулла Авлонийнинг «Ал- ҳосил тарбия биз учун ё ҳаёт- ё- мамот, ё нажот- ё ҳалокат, ё саодат- ё фалокат масаласидир» деган фикр бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмади.
3. Ўзбек педагогикаси тарихида А. Авлоний биринчи марта педагогика «Педагогия», яъни «Бола тарбияси»нинг фани деб таъриф берди.
4. А. Авлонийнинг педагогикага оид асарлариичида «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асари XX аср бошларидаги педагогик фикрлар тараққиётини ўрганиш соҳасида ката аҳамиятга молликдир
5. «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асари ахлоқий ва таълимий- тарбиявий асардир. Асарда инсонни «яхшилиқка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илм – ахлоқ ҳақида фикр юритилади.
6. Иккинчи жаҳон уруши йилларида айниқса, халқ маорифини янада ривожлантиришда янги инсонни камол топтиришда ёшларни

инсонпарварлик идеаллари, ватанпарварлик идеаллари, ватанпарварлик, руҳида тарбиялаш иши ғалабани муҳим омиларидан бўлиб қолди.

7. Ислоҳатда қайд этилган умумий ўрта ва хунар таълими қурилишнинг асосий моҳияти шундан иборатки, унда умумий таълим ўн бир йилликдир, I-IV синфлар бошланғич мактаб V-IX синфлар тўлиқсиз ўрта ва X-XI синфлар барчаси умумтаълим мактабини ташкил қилади.

8. 1962 йилда педагогика фанлари соҳасида юқори малакали ходимлар етиштиришни яхшилаш мақсадида биринчи марта Тошкент Давлат университети қошида педагогика фанлари бўйича илмий даражалар берувчи Бирлашган Совет ташкил этилди.

9. VII-XI синф ўқувчиларига табиий-математик, ижтимоий гуманитар фанларни факультатив машғулотлар орқали чуқурроқ ўрганиш имконияти яратилади.

10. XX асрнинг 70-80 йилларида Ўзбекистонда 1975-76 ўқув йилида Ўзбекистоннинг 960 та қишлоқ советида, 162 та шаҳар ва шаҳар типидagi пасёлкасида, 9642 та умумий таълим мактаби иш олиб борди.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Мактабларни ташкил этишда маҳаллий аҳоли ораси етишиб чиққан муаллимлар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдуқодир Шакурий, Исматулла Раҳматуллаев, Абдурауф Фитрат, Исҳоқхон Ибрat, Т.Н Кори Ниёзи, Мунаввар Қори, Т. Шермуҳаммедов, Эргаш Комилов, Окилхон Шарафуддинов ва шу сингари зиёлиларнинг педагогик қарашларини илмий- назарий асосларини ишлаб чиқиш.

2. Тошкентда очилган Туркистон халқ университети алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бу университет шўро мактабининг олий, ўрта ва бошланғич , босиқларини бирлаштирган ўзига хос хусусиятларини педагогик асосини яратиш.

3. Авлонийнинг педагогик қарашлари ҳозирги кунда ҳам янги инсонни комил топтириш йўлиди, чинакам туйғулар, умуминсоний эзгу ғоялар руҳида, виждонийлик руҳида тарбиялаш борсидаги аҳамияти.

4. Бухорода жадидлар «Ёш бухороликлар» номи билан иш олиб борди бу ташкилотни фаолиятини илмий асослаш.

5. А.Фитратнинг «Раҳбари нажот» асарини ёшларни тарбиялашдаги маънавий-ахлоқий асосларини ишлаб чиқиш.

Адабиётлар рўйхати:

1. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият, Т., «Ўзбекистон», 1994й.

142бет

2. Худойназаров Х Абдулғозий Боходирхон тарихчи ва адиб. –Т., «Ўзбекистон»1994 й. 7-12 бетлар
3. К Хошимов, С Нишонова, М Иномова, Р Хасанов. «Педагогика тарихи» Т. «Ўқитувчи» 1996 й. 65-71бет
4. И Искандаров «Ўзбек педагогикасианталогияси» Т. «Ўқитувчи»,1995 й 1-жилд.26-9бетлар.

Қўшимча адабиётлар

5. К.Хошимов, С.Нишонова, М.Иномова, Р.Хасанов «Педагогика тарихи» Т.: Ўқит 1996 й.
6. Хайруллаев ва бошқалар «Ўзбекистон педагогикаси антологияси» Т.: 1995 й.
7. А.Авллоний «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ».
8. Н.Ўлдошев «Раҳбари нажод» асарида бола тарбияси масалалари. «Халқ маорифи» жўрнали 1993 й. 3-4 сонлари.

9- мавз Мустақил Ўзбекистон Республикаси таълим тизими. Мустақиллик йилларида педагогик фикрлар ривож.

(ажратилган соат-2)

Асосий саволлар

1. Мустақиллик ва таълим тизимидаги ислохотлар.
2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”.
3. Ўзбекистон Республикасида таълим тизими.

Мавзуга оид таяч тушушча ва иборалар: Миллий истиқлол ғояси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, инсон, ижодкор шахс, комил инсон, баркамол шахс, маънавий-ахлоқий тарбия, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий соҳалар, ислохотлар, мустақиллик, бағрикенглик,

Мавзуга оид муаммолар:

1. Ҳозирги янгиланаётган жамиятнинг ривожланиш жараёнида инсон ижодкор шахс сифатида баҳоланмоқда. Бу ўз навбатида, инсонни жамиятнинг мавҳум бир зарраси сифатида эмас, балки унга дунёни ўзгартириувчи қудратли куч, эркин ижодкор шахс сифатида муносабатда бўлишни талаб этмоқда. Сиз ушбу фикрга қандай қарайсиз? Бундай

шахсларни тарбиялаб вояга етказишда педагогика фонинг мавқеи қандай даражада. Фикрингизни тўғрилигини исботланг.

2. Ўз даврларида Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Ян Амос Коменский, Лев Толстой, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний ва бошқалар ўз асарларида ўқитувчилик касби, унинг машаққатлари, шунингдек, ўқитувчи шахсида акс этиши зарур бўлган сифатлар хусусидаги қарашларни ёритиш орқали ўзлари ҳам педагогик маданиятга эга эканликларини намоён этганлар. Сизнингча бугунги кун ўқитувчисига қандай талаблар қўйилади таққосланг. Фикрингизни тўғрилигини исботланг.

2. Миллий истиқлол ғояси шаклланаётган, жамиятимизда маънавий-ахлоқий муҳит соғломлашаётган, миллий кадриятлар, инсон ҳуқуқлари эркин тикланаётган, ижодий куч-қудрати намоён бўлаётган шароитда сизнингча бакамол шахсга қандай таъриф бериш мумкин? Фикрингизни далилланг. Комил инсон ғоясининг моҳияти ва мазмунини қандай тушунасиз?

3. Миллий - илмий педагогиканинг жаҳон педагогикасидан фарқли томонларини изоҳланг. Миллий педагогиканинг ўзига ҳос хусусиятларга таъриф беринг.

4. Ўзбекистон республикаси миллий мустақиллика эришгач, таълим соҳасидаги энг асосий туб ислоҳотларга изоҳ беринг . Фикрингизни тўғрилигини исботланг.

8. Бугунги кун миллий-илмий педагогикасининг метадологик асосини тушунтиринг. Фикрингизни мисоллар билан исботланг.

1-асосий савол. Мустақиллик ва таълим тизимидаги ислоҳотлар.

1-асосий савол бўйича дарс мақсади: Мустақиллик ва таълим тизимидаги ислоҳотларнинг бош мақсади хабардор қилиш. Баркамол шахс хусусиятларини ўзида сингдириш ҳиссини тарбиялаш.

Идентив ўқув мақсади:

1. Мустақиллик ва таълим тизимидаги ислоҳотларни мақсадини тушунтиради.
2. Мустақиллик ва таълим тизимидаги ислоҳотларни таҳлил қилади..
3. Комил инсон, баркамол шахс хусусиятларини тизим холга келтиради ва асослайди.

1-асосий савол баёни

Мустақиллик эълон қилинган (1991 йил 1 сентябрь) дастлабки йилларданок Ўзбекистон ҳукумати таълимга устивор соҳа сифатида эътибор бериб келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасида аниқ ва равшан ҳамда илмий асосланган давлат сиёсати мавжуд бўлиб, у инсонпарварлик ва демократик тамойилларга асосланади ҳамда ҳар бир

фуқаронинг билим олиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қонунийлаштирилган.

Мустақил Республикамизда халқ таълими тизими мазмунини янгилаш ва янги ижтимоий муҳит шароитида уни янада ривожлантириш зарур эди. Чунки ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий соҳаларда олиб борилаётган ислохотларда асосий мақсад ҳам барча фуқароларнинг ҳаётини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, маънавий жиҳатдан юксалтириш, энг муҳими, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдан иборатдир.

Ана шу мақсадни амалга ошириш борасида Республикамиз ҳукумати халқ таълими тизимини тубдан ислоҳ қилишни ва миллий кадрларга бўлган эҳтиёжни тобора ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб таълим тизимини ҳам янгилашни тақозо этар эди. Шу мақсадда 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1X сессиясида “Таълим тўғрисида” Қонун ҳамда “Кадрларни тайёрлаш миллий дастури” кенг муҳокама қилинди ва тасдиқланди. Мустақиллик йилларида педагогик фикр тараққиёти.

Мустақиллик йилларида педагогика фанининг энг долзарб муаммолари устида докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Чунончи, О.Мусурмонова “Юқори синф ўқувчиларида маънавий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асослари”, С.Нишанова “Шарқ уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси”, У.Маҳкамов “Юқори синф ўқувчиларининг ахлоқий маданиятини шакллантириш”, М.Иномова “Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик асослари” каби докторлик диссертациялари шулар жумласидандир.

Ҳозирги пайтда Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлар илмий тадқиқот институти, ҳунар таълими илмий тадқиқот институти, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университети янги ижтимоий-иқтисодий шароитда таълим соҳаси бўйича Давлат илмий-техникавий дастурининг ижрочилари ҳисобланадилар.

Ҳозирги даврда, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти стратегияси, ўзбек халқининг буюк давлат барпо этиш йўлидаги эзгу орзу-умидларини, миллий истиқлол мафкурасини асл моҳиятини ёшлар қалбига ва онгига сингдириш жараёни кечаётган бу даврда бу муҳим ишни “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида узлуксиз тарзда олиб боришни тақозо этади.

Зеро, истиқлол мафкураси хур фикрлилик ва журъатсизликдан холи бўлган, ўз билими ва кучига ишониб яшайдиган инсонни тарбиялайди.

Миллий мустақилликка эришган Ўзбекистон давлати ва унинг Yangi pedagogikani boshqarish: O'qitish jarayonini tubdab o'zgartiruvchi olti qoida/ Jeff Halstead¹

Qisqacha bayoni: “Yangi pedagogika” ni boshqarish: o'qitish jarayonini tubdab o'zgartiruvchi olti qoida – XXI asrdars amaliyotining aniq maslahatlarini yoritib beradi. Boshqaruvchilar professorlar va o'qituvchilar darsini ijobiy va samarali o'rganish muhitiga aylantirishlariga ko'maklashuvchi fikrlar . Rowman & Littlefield Ta'limi tomonidan nashr etilgan. Rowman & Littlefield Nashriyotchilari bo'limi The Rowman & Littlefield Publishing Group Inc. 4501 Forbes Boulevard, Suite 200, Lanham, Maryland 20706 ning shaxsiy mulki hisoblanadi.

1. Jeff Halstead- Yangi pedagogikani boshqarish: O'qitish jarayonini tubdab o'zgartiruvchi olti qoida

Назорат саволлари ва топшириқлари

1. Ўзбекистонда таълим- тарбиянинг маъно, мазмуни нимадан иборат?
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва ғоявий тарбия.
3. Комил инсон ғоясининг моҳияти ва мазмунини қандай тушунасиз?

2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”.

2-асосий савол бўйича дарс мақсади: Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни мақсад ва вазифаларини, моҳиятини талабаларга тушунтириш ва уни ўрганишга ҳавасни, маъсулиятни тарбиялаш.

Идентив ўқув мақсади:

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилинишини долзарблигини тушунтиради
2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни мақсад ва вазифаларини изоҳлайди.
3. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгилаб берилган принципларга аниқлик киритиб, чизма асосида изоҳлайди.
4. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш босқичларини таҳлил қилади.
5. Бугунги кунда эришилган ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиб асослайди.

2-асосий савол баёни

“Таълим тўғрисида”ги Қонун таълим, тарбия фуқаролар касбий тайёргарлиги ва ҳар бир фуқаронинг илм олиш конституцион ҳуқуқини таъминлаш каби қатор долзарб вазифаларни белгилаб берди. Республикамиз бугунги кунда тубдан янги давлат бўлиб, унда ҳар бир сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳадаги ислоҳотлар ҳам янги таълим тизимида босқичма-босқич олиб боришни назарда тутди. Зеро, таълим соҳасидаги ислоҳотлар ҳам янги босқичма-босқич ўтиш тамойилига асослангандир. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳам узлуксиз таълим тизimini ислоҳ қилишнинг ташкилий, илмий ва методик асоси бўлиб ҳисобланади. Миллий дастурнинг асосий мақсади узлуксиз таълим тизimini ривожлантириш бўлиб, у ижодий ва мустақил фикрловчи, тафаккури ривожланган, эркин шахсни шакллантириш билан барча

соҳаларда рақобатбардош кадрлар тайёрлашни кафолатлаш билан аҳамиятлидир. Шунга кўра, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бой маданиятимизни тиклаш ва уни ривожлантириш, таълим тизимини такомиллаштириш, уни замон талабларига жавоб бера оладиган жаҳон андозалари даражасига кўтариш мақсадига эътибор бериб борилмоқда. Таълим соҳасида “Таълим тўғрисида” Қонун қабул қилинганлиги, 1996—1997 йилдан бошлаб биринчи синфларда ўқишнинг лотин ёзувига асосланган янги алифбода дастур, қўлланма, дасрликларнинг яратилганлиги — бу таълим соҳасида қўйилган дастлабки одимлар эди. Ўтган даврда янги турдаги таълим муассасалари ташкил этилди. Олий ўқув юртлари қошида лицейлар очилди. Қобилиятли ўқувчилар чет элларда таълим ола бошлади. Ўқитувчилар хорижий давлатларда бўлиб, илғор тажрибаларни ўрганиб кела бошладилар.

Вилоятларда янги-янги бизнеч мактаблари, кичик ва ўрта касб ҳунар курслари очила бошлади ва бозор иқтисоди шароитида фермер, солиқ ва божхона ходимлари, аудит в.б. янги мутахассисликлар киритилди.

Олий мактаб соҳасида тест усули жорий этилди. Вилоятлардаги педагогика институтлари университетларга айлантирилди, чет эл мутахассислари республикамиз ўқув муассасаларига жалб этилди.

“Маҳалла”, “Камолот”, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний”, “Улуғбек”, “Умид” жамғармалари ҳам таълим соҳасини ривожлантиришга ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Лекин ҳозирги даврда амалга оширилган барча ишларга қарамай таълим тизими ҳали ҳаёт талаби даражасида натижаларга эришмаётгани, эски Шўро замонидан мерос бўлиб қолган мафкуравий қарашлардан ва сарқитлардан халос бўла олмагани, шунингдек, узлуксиз таълим тизимини ташкил этиш муаммолари тўлиқ ҳал этилмагани ва ниҳоят, амалдаги таълим тизими тараққий этган давлатлар даражасида ривожлана олмаганини кўрсатмоқда.

Шунингдек, мутахассислар кадрлар тайёрлаш, уларга билим ва тарбия бериш тизими мамлакатимизда амалга ошаётган ислохотлар билан боғланмагани, мактабларнинг моддий базаси талабга жавоб бера олмаётгани, кадрлар, ўқитувчилар тайёрлаш муаммоси ҳали ҳал этилмагани маълум бўлди. Ўқув дастурлари, қўлланма ва дарсликлар ҳам талабга жавоб бера олмаётганини ҳаёт кўрсатмоқда.

Олий таълим соҳасида ҳам ислохот ўтказишни талаб қила бошлади. Буларнинг барчаси ҳисобга олиниб, 1997 йил март ойида Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ, таълим тизимини ислох этилиш, кадрлар тайёрлаш жараёнига замон талаби даражасида ўзгартиришлар киритиш мақсадида махсус комиссия тузилди ва натижада “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда “Таълим тўғрисида” Қонун Олий Мажлис сессиясида қабул қилинди.

Бу икки ҳужжатга биноан таълим тизими ислох қилишни босқичма-босқич амалга ошириш назарда тутилади:

Биринчи босқич — ўтиш даври. 1997—2001 йиллар. Бу йилларда янги талаб доирасида педагог кадрлар тайёрлаш, таълим стандартларини яратиш, ўқув дастурлари устида ишлаш, умумтаълим мактабларини қайта қуриш, ўрта махсус ва касб-хунар билим юртлари тизимига замин тайёрлаш ва узлуксиз таълим тизимига асос солиш.

Иккинчи босқич — 2001—2005 йилларга мўлжалланади. Бу даврда миллий дастурни тўлиқ амалга ошириш мўлжалланади. Унинг баъзи ғоялари ва қоидаларига ўзгартиришлар киритилиш ҳам кўзда тутилган.

Учинчи босқич — 2005 йил ва ундан кейинги йиллар бўлиб, ислохот тажрибалари таҳлил этилиб, умумлаштирилади ҳамда кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилиб, ривожлантирилиб борилади.

“Таълим тўғрисида”ги Қонунга асосан Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёт соҳасида устувор деб эълон қилинди.

Таълим соҳасидаги давлатнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- Таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерида эканлиги;
- Таълимнинг узлуксиз ва изчиллиги;
- Умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;
- Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг йўналишини: академик лицей ва касб-хунар коллежида ўқишни танлаш ихтиёрийлиги;
- Таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- Давлат стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги;
- Таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
- Билимли бўлиш ва истеъдодни рағбатлантириш;

- таълим тизимида давлат ва жамият бошқарувини уйғунлаштириш.

Халқ таълимининг асосий бўғини — узлуксиз таълими тизимини ташкил этади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Тест. 1. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсади қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

а) узлуксиз таълим тизимини яратиш асосида жаҳон таълими даражасига эришиш;

в) таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни юзага келтириш;

с) таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратиш;

д) шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ҳамда ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги асосида таълим тизимини юқори босқичга кўтариш;

е) миллий педагогика ва жаҳон таълими тажрибасига таянган ҳолда малакали мутахассис, илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлашда сифат даражасига эришиш.

2. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

а) таълим муассасаси, педагоглар жамоаси, Педагогик Кенгаш, Халқ таълими Вазирлиги, Давлат тест Маркази;

в) шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш;

с) халқаро донор ташкилотлар, олий ўқув юртлари, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари;

д) «Устоз» жамғармаси, педагогик ходимлар жамияти, доимий ҳаракатдаги семинарлар, методик бирлашмалар, Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги;

е) педагог ходимлар ассоциацияси, Халқ таълими Вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги., Методик Кенгашлар, халқаро донор ташкилотлари.

3. «Кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгилаш, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш» вазифаси кадрлар тайёрлаш миллий моделининг қайси таркибий қисми томонидан амалга оширилади?

а) шахс;

в) давлат ва жамият;

с) узлуксиз таълим;

д) фан;

е) ишлаб чиқариш.

4. Мактабдан ташқари таълим функцияси тўғри белгиланган жавоб вариантини топинг:

а) тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини бериш;

в) маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда болалар ҳамда ўсмирларнинг таълимга бўлган, якка тартибдаги, ортиб боровчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш;

с) мутахассисликлар йўналишлари бўйича фундаментал ва амалий билимларни бериш;

д) боланинг соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлаш, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотиш, уни мунтазам билим олишга тайёрлаш;

е) барча жавоблар тўғри.

5. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг бош ғояси нимадан иборат?
6. Кадрлар тайёрлаш миллий модели нима?Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари нималардан иборат?
4. Узлуксиз таълим тизимининг моҳиятини ёритиб беринг.
5. Олий ўқув юртидан кейинги таълим мазмунини изоҳлаб беринг.
6. Педагоглик касбининг асосий хусусиятлари нималарда намоён бўлади?
7. Ўқитувчи қандай сифатларга эга бўлиши зарур?
8. Сизнинг назарингизда бугунги кун ўқитувчисига қандай педагогик талаблар қўйилмоқда?

3. Ўзбекистон Республикасида таълим тизими.

3-асосий савол бўйича дарс мақсади: Ўзбекистон Республикасида таълим тизими ҳақида тўла маълумот бериш, миллий хусусиятлари ўз ҳулқида шакллантириш ҳиссини тарбиялаш.

Идентив ўқув мақсади:

1. Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини санаб беради.
2. Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ўзига хос хусусиятларини изоҳлайди
3. Таълим соҳасидаги давлатнинг сиёсатининг устувор тамойиллари таҳлил қилиб асослайди.
4. Бугунги кун таълим тизимидаги ўзгаришларга аниқлик киритади.

3-асосий савол баёни

Ўзбекистон Республикасида қуйидаги узлуксиз таълим тизими асос қилиб олинган.

Бола шахсини соғлом ва етук ўқишга тайёрлаш мақсадини кўзлайди. Мазкур таълим уч ёшдан олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъий назар, бошқа хил таълим ташкилотларида олиб борилади.

Умумий ўрта таълим.

Умумий ўрта таълим қуйидаги босқичларга бўлинади:

Бошланғич таълим (I-IV синф)

Умумий ўрта таълим (I-IX синфлар)

Бошланғич таълимда умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникмалар асослари шакллантирилади. Биринчи синфга болалар 6—7 ёшдан қабул қилинади.

Умумий ўрта таълимда билимларни зарур ҳажми берилади. Болаларда мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмалари ривожлантирилади.

Касбга йўналтиради, таълимнинг навбатдаги босқичига ёрдам беради.

Ихтисослаштирилган макталар ҳам ташкил этилиши ва болалар қобилияти, истеъдодга кўра бундай мактабларда таълим олиши мумкин.

Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими.

Ҳар бир йигит-қиз умумий ўрта таълимга эга бўлгандан сўнг академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни ихтиёрий равишда танлаши мумкин. Бу таълим муассасаларида ўқиш муддати уч йилдан кам бўлмайди.

Лицей ва коллежлар эгалланган касб-ҳунар бўйича ишлаш ҳуқуқини беради ва ҳамда иш ёки таълимни навбатдаги босқичда давом эттириши учун асос бўладиган махсус, касб-ҳунар таълим беради.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Олий таълимда юқори малакали мутахассислар тайёрланади.

Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш университет, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида ўрта махсус, касб-ҳунар таълим асосида амалга оширилади.

Олий таълим икки босқичда: бакалавриат ва магистратурага эга.

Бакалавриат — олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим бериладиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълимдир.

Магистратура — аниқ мутахассислик бўйича бакалавриат негизида камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Иккинчи ва ундан кейинги олий таълим шартнома асосида олинади.

Олий ўқув юртидан кейин малакали илмий ва илмий педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжга қараб олий ўқув юрти ва илмий тадқиқот

муассасаларида аспирантура, адъютантура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик тарзида давом эттирилади.

Олий таълимдан сўнг кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш касб билимини ва кўникмаларини чуқурлаштириш ва янгилашга қаратилади.

Болалар ва ўсмирларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун маданий-эстетик, илмий-техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасалари мавжуд. Бундай масканларга болалар, ўсмирлар, ижодиёти саройлари, уйлар, клублар ва марказлар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари киради ва бу жойларда болалар ўз эҳтиёжлари ва қизиқишларига кўра шуғулланадилар.

Таълим ислохотларида кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмларини асосан қуйидагилар ташкил қилади:

- шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

- давлат ва жамият — таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

- узлуксиз таълим — малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳити ўз ичига олади;

- фан — юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

- ишлаб чиқариш-кадрларга бўлган эҳтиёжни, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қуйидаги талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий техник жиҳатдан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурда интеллектуал, маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш назарда тутилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделида фан, жумладан, педагогика фани, ҳам янги фундаментал ва билимларни шакллантириш орқали муҳим илмий натижаларни жамлайди. Олий малакали ва илмий ва педагогик кадрлар тайёрлашнинг амалга оширилиши, илғор педагогик технологияларни яратиш ва ўзлаштириш орқали илм-фаннинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлашни амалга ошириш кўзда тутилади, илғор ахборот ва тенденция технологияларини жорий этиш механизмларини ишлаб чиқишга эътибор қаратилди.

Мустақил йилларда педагогика соҳасида ҳам йирик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Масалан, Ўрта ва олий таълим вазирлигида йилига 17 аспирантура ва 7 докторантура; Халқ таълим вазирлигида 5 аспирантура, 1 докторантура ўринлари мавжуд.

Педагогика ва психология фанлари бўйича докторлик ва номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш учун ихтисослашган Кенгашлар фаолият кўрсатмоқда.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Тест. 1. Қайси жавоб вариантыда педагогика фанлари тизими тўғри кўрсатилган?

а) умумий педагогика, мактабгача таълим педагогикаси, коррекцион (махсус) педагогика; сурдопедагогика, тифлопедагогика, олигофренопедагогика ва логопедия;

в) *умумий педагогика, мактабгача таълим педагогикаси, коррекцион (махсус) педагогика, методика, педагогика тарихи, таълимни бошқариш, ижтимоий педагогика ва бошқалар;*

с) умумий педагогика, ижтимоий педагогика, касб таълими;

д) умумий педагогика, методика, таълимни бошқариш; ахлоқ-тузатиш педагогикаси;

е) барча жавоблар тўғри.

2. Мазкур ғоя қандай тушунча моҳиятини ёритади: «... шахсни тарбиялаш, унга муайян йўналишларда чуқур, пухта илмий билимларни беришга йўналтирилган педагогик жараённинг ички моҳияти, алоқа ва қонуниятларини махсус текшириш ва билиш усуллари бўлиб, улар асосида муаммони ижобий ҳал этишга ёрдам берувчи тамойиллари, объекти ва субъектив омиллари аниқланади»?

а) педагогик илмий-тадқиқот методларининг;

в) таълим назариясининг;

с) *тарбия назариясининг;*

д) педагогик фанлар тизимининг;

е) педагогика фани вазифаларининг.

3. Республикамизда мустақиллик эълон қилингандан сўнг таълим соҳасида қандай ўзгаришлар содир бўлди?

4. Таълим соҳасидаги ислохотларнинг моҳияти нимадан иборат эди?

5. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғриси” Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида таълим тизимида қандай ўзгаришлар содир бўлди?

6. Республикамизда таълим тизими қачон тузилган?

7. Мустақиллик йилларида педагогика фани тараққиёти ҳақида сўзланг?

8. Ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини қандай сингдириш мумкин?

Мустақил иш топшириқлари:

1. Мустақилликдан кейинги даврда таълим тизимидаги ислохотлар.

2. Педагогик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари.

3. Хозирги кун педагогик олимларининг татқиқот ишларини ўрганиб таҳлил қилинг(М. Тўхтаўжаева, О. Тўраева, Ф. Юсупова, О. Сувонов, Х. Абдукаримов) ижодини ўрганиш
4. Янги педагогик технологиялар, инновацион технологияларни кириб келиши.
5. Комил инсон ғоясининг моҳияти ва мазмунини қандай тушинасиз?
6. Интеграциялашган таълим жараёнида педагогик технологияларни жорий этиш муаммо ва ечимлари реферат тайёрлаш.

Мавзу бўйича илмий хулосалар:

1. Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасида аниқ ва равшан ҳамда илмий асосланган давлат сиёсати мавжуд бўлиб, у инсонпарварлик ва демократик тамойилларга асосланади ҳамда ҳар бир фуқаронинг билим олиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қонунийлаштирилган.
2. Ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий соҳаларда олиб борилаётган ислохотларда асосий мақсад ҳам барча фуқароларнинг ҳаётини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, маънавий жиҳатдан юксалтириш, энг муҳими, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдан иборатдир.
3. 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1X сессиясида “Таълим тўғрисида” Қонун ҳамда “Кадрларни тайёрлаш миллий дастури” кенг муҳокама қилинди ва тасдиқланди.
4. Ўз даврларида Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Ян Амос Коменский, Лев Толстой, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний ва бошқалар ўз асарларида ўқитувчилик касби, унинг машаққатлари, шунингдек, ўқитувчи шахсида акс этиши зарур бўлган сифатлар хусусидаги қарашларни ёритиш орқали ўзлари ҳам педагогик маданиятга эга эканликларини намоён этганлар.
5. Миллий истиқлол ғояси шаклланаётган, жамиятимизда маънавий-ахлоқий муҳит соғломлашаётган, миллий қадриятлар, инсон ҳуқуқлари эркин тикланаётган, ижодий куч-қудрати намоён бўлаётган баркамол шахс- бу ўзида маънавий –ахлоқий хислатлар мажмуини мужассамлаштирган, жамиятда ўзлигини ва ўз қобилиятларини ҳар томонлама намоён эта оладиган, маърифатли, дуёвий билимларни мукамал эгаллаган, ақлан етук, юксак исътедод ва салоҳиятга эга бўлганижодкор шахс, деб таъриф бериш мумкин.
- 6-Ватан туйғусини шакллантириш;
 - Она тилига муҳаббат;
 - Миллий қадриятларга ҳурмат;
 - Аёлни- онани улуғлаш;
 - Оиланинг тарбия борасидаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш;
 - Умуминсоний қадриятлар;
 - Ҳуқуқий маданият.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Ёшларнинг маънавий – ахлоқий тарбиясида «Авесто» ёдгорлиги, ва Шарқ мутафаккирларининг педагогик таълимоти ҳамда Маъмун академияси олимлари меъросидан фойдаланишни самарали йўллари ишлаб чиқиш.
2. Талабаларда ўзининг буюк юртдошлари, дунё- илм фани, жумладан педагогика фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган олимлар билан фахрланиш ҳиссини тарбиялаш технологияси.
3. И.А.Каримовнинг «Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» асарининг талабаларга ўргатиш технологиясини яратиш.
4. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва ғоявий тарбияни ёшлар онига сингдиришни маънавий ахлоқий асослари.
5. Талабаларда ҳозирги кун педагогик олимларининг татқиқот ишларини ўрганиб таҳлил қилиш кўникмасини шакллантириш.
6. Ижодкор ёшларга янги педагогик технологиялар, инновацион технологияларни ургангатиш ва ҳаётга тадбиқ қилиш тизмини яратиш.

Асосий адабиётлар:

1. И. А. Каримов- “Юксак маънавият-енгилмас куч.”, Т.,” Маънавият” 2008й
2. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.1997 й.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ -Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. –Ўзбекистон, 1999
5. Турсунов И., Нишоналиев У. «Педагогика курси» Т.: 1997 й.
6. Искандаров И. «Ўзбекистон педагогикаси антологияси», 1-жилд. Т.: 1995 й.
7. Ҳошимов К ва бошқалар «Педагогика тарихи» Т.: 1996 й.
4. Искандаров И. «Ўзбекистон педагогикаси антологияси», 1-жилд. Т.: 1995 й.

Қўшимча адабиётлар:

1. Баркамол авлод орзуи. Т.1999 й.
2. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.-Т.:ўқитувчи 1993
3. Подласий И.П. Педагогика I-II т.-Владос, 1999
4. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар.-Т.: Молия, 2003.0
5. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Т., 2006
6. Толипов У. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Т., «Фан»/2006
7. www.gduportal.uz
8. [http:// www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz).

**10- МАВЗУ ЕНГ ҚАДИМГИ ДАВРЛАРДАН XIX АСРНИНГ
БИРИНЧИ ЯРМИДА ЖАҲОН ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ
РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ. .
(ажратилган вақт 4-соат)**

Асосий саволлар.

1. Қадимги Юнонистон ва Рим давлатларида таълим-тарбия.
2. Ғарб педагогларининг жаҳон педагогика фани тараққиётига қўшган ҳиссаларининг хусусиятлари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Эфеблар, мактаб, жимоний тарбия, жисмонан етуклик, ахлоқий тарбия, ақлий тарбия, диний тарбия, «Педаном», дидактика, «граммист», «дидасқол», «Буюк дидактика», «Педагогик поэма». грамматист мактаби, «тривиум», грамматика (лотин тили грамматикаси) риторика ва диалектика, лотинча «квадриум», арифметика, геометрия, астрономия ва мусиқа, «етти эркин санъат»

Мавзуга оид муаммолар

1. Юнонистонда маданият, тарбия мактаб ва дастлабки педагогик фикрлар бошқа қадимий шарқ мамлакатларига кўра жуда эрта ривожланган. Сизнингча бу ривожланишнинг ўзига хос сабаблари нимада? Фикрингизни тўғрилигини исботланг.
2. Спартанинг келажак ворислари жисмонан баққуват, ҳеч нарсадан қўрмайдиган, ботир жангчи, ўз ватанини халқини ҳар қандай офатдан ҳимоя қила оладиган бўлиб етишарди. У ҳолда қадимги Грециядаги таълим- тарбиянинг моҳияти нимадан иборат бўлган? Фикрингизни мисоллар билан тасдиқланг.
3. Педагогика назариясига олим ва файласуфлардан Сукрот, Платон, Арасту ва Демокритлар асос солдилар. Сизнингча уларнинг педагогика назариясини ривожига қандай ҳисса қўшишган. Педагогик ғояларидан мисоллар келтиринг
4. Я. А. Коменскийнинг педагогиканинг отаси, асосчиси деган фикрга қўшиласизми?. Фикрингизни тўғрилигини исботланг.
5. К.Д. Ушинскийнинг буюк педагог сифатида бутун дунё тан олган. Сизнингча унинг педагогика фанининг ривожигаги ўрни нимада деб биласиз?
6. А.С.Макаренконинг бадиий ва педагогик асарларида энг муҳим педагогик масалаларидан бири бўлган ўқитиш жараёнида тарбия масалалари ҳам етарли равишда системалаштирилган. Сизнингча А.С.Макаренко кўпроқ инсон камолотида қайси тарбияниустун қўяди. Фикрингизни мисоллар билан далилланг.
7. «Ҳақиқий инсонпарвар тарбиячи болалардан яхши бўлиб, деб илтимос қилмайди. Негаки ҳақиқий кунгилчан одам росғўй бўлади. Аччиқ ҳақиқатни яшириб ўтирмайди. Ана шу хил муносабат болада яхшилиikka интилиш истагини уйғотади», - деган фикри билан В.С.Сухомолинский нима демоқчи?

8. Сизнингча умуман олганда ғарб педагогикаларининг педагогик ғоялари Миллий ўзбек педагогикасини бугунги кунда эришган натижаларида қандай ўрни бор.

1-асосий савол Қадимги Юнонистон ва Рим давлатларида таълим-тарбия.

1-асосий савол бўйича дарс мақсади: Қадимги Юнонистон ва Рим давлатларида таълим-тарбиянинг моҳиятини талабаларга тушинтириш, уларни мукамал ўрганишга ва педагогика тарихига қизиқиш уйғотиш.

Индентив ўқув мақсадлари:

1. Қадимги Юнонистон ва Рим давлатларида таълим моҳиятини тушунтиради.
2. Қадимги Юнонистон ва Рим давлатларида таълим тарбиянинг хусусиятини изоҳлаб беради.
3. Қадимги Юнонистон ва Рим давлатларида таълим тарбиянинг моҳиятини асослаб беради.

1-асосий савол баёни:

Юнонистонда маданият, тарбия мактаб ва дастлабки педагогик фикрлар бошқа қадимий шарқ мамлакатларига кўра жуда эрта ривожланган. Юнонистон унчалик катта бўлмаган бир кулдорлик давлатлардан иборат мамлакат бўлган. Унинг энг катта шаҳарларидан Лакония пойтахти Спарта ва Аттика пойтахти Афина айниқса маданият маркази бўлиши билан ўта мўтабар эди.

Спарталикларнинг болалари 7 ёшигача уйида яшар эди ундан кейин эса «агелла» деб аталувчи алоҳида давлат томонидан ташкил этилган тарбия муассасига жойлаштиришлар ва 18 ёшга етгунча уларга ана шу муассасаларда таълим-тарбия берилар эди. Бу муассасанинг раҳбарлари давлат томонидан обрўли, таниқли кишилардан тайин қилинар эди. Бундай кишилар «Педаном» деб аталар эди. Спартанинг келажак ворислари жисмонан баққуват, ҳеч нарсадан қўрмайдиган, ботир жангчи, ўз ватанини халқини ҳар қандай офатдан ҳимоя қила оладиган бўлиб етишарди. Қадимги Грециядаги тарбиявий ишлар шуниси билан ўзига хос эдики, унда болани нафақат жисмоний чиниқтиришгина эмас, балки маънавий томондан ҳам баркамол бўлиши назарда тутиларди. Унда асосан болаларга мусиқа, ашула ва диний акслар ҳам ўргатилар эди. Бу машғулотларнинг мазмуни жанговор ҳамда ҳарбий тусда бўлган. Спарта таълим-тарбия тизимида бола 18-20 ёшга отгандан кейин махсус «эфеблар» -балоғатга етган ўспиринлар гуруҳига ўтказилар эди ва ҳарбий хизматни ўтганлар. Спартада қизлар ҳам жисмонан етук қилиб тарбияланар эди. Чунки эркалар бошқа бир давлат билан жанг қилган

вақт давлатни аёллар бошқаришган.

Қадимги Грециянинг иккинчи бош шаҳарларидан бири Афина эса ҳаёт, тартиб, интизом, мактаб тизими ва ундаги таълим-тарбия спартаникидан фарқлироқ эди. Афинада болалар 7 ёшга етгунча уйда тарбияланар эдилар. Ўғил боллар 7 ёшдан бошлаб мактабга қатнар, қизлар эса оилада она кўмагида уй-рўзғор ишларига ўргатилар эдилар. Афинада умуман хотин-қизлар ҳаёти уй доирасидан чиқмас, асосан ичкарида ўтар эди. Афинада дастлаб болалар (7 ёшдан 13-14 ёшгача) «грамматист» (грамматика мутахассислиги демакдир, савол ўқитувчиси маъносида) ва «кифарист» (Грегча мўзика демак, мўзика ўқитувчиси маъносида) мактабларида (ёки шу мактабларининг ҳар икковида ҳам, ё бўлмаса аввал граматист мактабида, сўнгра эса кифарист мактабида) ўқитилар эди. Бу мактаблар хусусий бўлиб, ҳақ тўланар эди. Шунинг учун ҳам пули йўқ (демос деб аталган) фуқароларнинг болалари бу мактабларида таълим ололмас эди.

Бу каби мактаблари «дидасқол» деб аталган ўқитувчилар машғулоти олиб борар эдилар. (Мен ўқитаман деган маънодаги «дидаско» сўзидан кейинроқ «дидактика» -таълим назарияси келиб чиқан). Ўғил болаларни мактабга қуллар етаклаб боришган. Бундай қуллар «педагог» деб аталган («пайс» бола, «агогейн» -етақлаб бориш деган сўзлардан олинган).

Афинадаги граматист мактабидаги таълим-тарбиянинг мазмунини ўқиш, ёзиш ва ҳисоблашни ўргатишдан иборат бўлган.

Ўқиш ҳарфларни ўқитиш усулида олиб борилиб, болалар ҳарфларнинг номларини (альфа, бета ва гамма ва х.к.) ёдлаб олар, сўнгра шу ҳарфларни кўшиб бўғинлар ясар, бўғинларни кўшиб сўзлар ясардилар. Ёзувни ўргатишда мум сурилган ялтироқ тахтачалардан фойдаланар эди. Бундай тахтачаларга ингичка чўп билан ҳарфлар ёзилар эди. Бармоқлар, сапол тошлар ва санок тахтаси (ҳозирги чўтга ўхшаш асбоб) ёрдами билан ҳисоблаш ўргатилар эди. Кифарист мактабида ўғил болаларга адабий билим, эстетик мазмундаги декломатциялар ўргатилар («Илиада» ва «Одисея»дан парчалар ўқитилар) эди.

Ўғил болалар 13-14 ёшга етганлардан кейин «полестра» (кўраш мактаби) деб аталган ўқув юртига ўтар эдилар. Бу ўқув юртида улар 2-3 йил давомида жисмоний машқлар билан шуғулланар эдилар. Беш кўраш деб номланган бу машқлар югуриш, сакраш, кўраш тушиш, диск ва найза ирғитишдан иборат бўлиб, сувда сўзиш ҳам ўргатиларди. Спартадаги каби Афинада ҳам 18 ёшдан 20 ёшгача бўлган ёшлар эфеблар қаторига ўтиб ҳарбий хизматга тайёрланар ва ўзларининг сиёсий билимларини оширишни давом эттирар эдилар. Юнонистон мактаб ва маданиятнинг тез ривожланиши педагогика назариясининг ҳам туғилишига имкон яратди. Педагогика назариясига олим ва файласуфлардан Сукрот, Платон, Арасту ва Демокритлар асос солдилар. Ғарбий Европа мамлакатларида қулдорлик жамиятининг ўрнини олган феодализм 5 асрда пайдо бўлиб, то 18 асрларгача давом этди. Ўрта аср феодал жамиятининг ҳаётида дин ва унга хизмат қилувчи рухонийлар ғоят катта роль ўйнардилар. Ўрта аср Ғарбий

Европа мамлакатларида икки гуруҳга бўлинган ва етти фанни ўз ичига олган таълим дастури вужудга келтирилди. Биринчи гуруҳ учта фандан иборат эди, шу сабабли унга латинча «тривиум» номи берилди. Бунга грамматика (латин тили грамматикаси) риторика ва диалектика кирар эди. Икки гуруҳ тўрт фандан иборат бўлгани учун уни латинча «квадриум» дейилади унга арифметика, геометрия, астрономия ва мусиқа кирар эди. Ҳаммаси бўлиб 7 та фанни «етти эркин санъат» деб аташ расм бўлиб қолди.

Мазкур ўқув фанлари қадимги Юнонистон таълим тизимидан олинган эди. Ўрта асрларида уларга диний мазмун берилиб, ҳаммаси рамз билан диний маънода тушунтирилар эди. Масалан грамматикани ўрганишдан мақсад муқаддас диний китобларни ўқишни билиб олиш, Астрономиядан эса диний календарь тузишда фойдаланиш ва ҳ.к.

Черковга қарашли мактаблар ва фақат диний руҳдаги тарбия энди ўрта асрлар жамиятига ҳуқумрон бўлган ҳарбий --- мансуб дунёвий феодалларнинг талабларига жавоб бера олмайдиган бўлиб қолди ва Ғарбий Европа мамлакатларида рицар тарбияси 12 асрга келиб тўла таркиб топди ва ривожланди. «Рицар тарбиясининг мазмуни», «рицарларга оид 7 та фазилят» дан ташкил топди. Бу фазилятлар қуйидагилардан иборат: от миниб юришни билиш, ов қила билиш, қиличбозликни, найзбозликни билиш, сўза билиш, шака (кейинчалик шахмат) ўйини билиш, шеър тўкиш ва қўшиқ айта билиш. Бу фазилятларда биринчи ўринда тўрган учтаси рицарга берилмоғи лозим бўлган, ҳарбий тарбияга таалуклидир: рицар отлик -- қилич ва найза ўша замоннинг жангчисининг асосий қуроли эди. Рицар тарбиясининг амалий йўллари қуйидагилардан иборат эди. Феодал ўз ўғлини 7 ёшдан оқ сюзеренинг саройига жойлаштирар эди. У 14 ёшгача овқат маҳалигача хизмат қилар эди. У 20 ёшгача қурол яроғ кўтариб юриш вазифасини бажарар эди. 21 ёшга кирганда унга тантана билан рицарлик унвони берилар эди. Ғарбий Европада 12-13 асрларда ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши шаҳарларнинг ўсишига ва шаҳар маданиятининг ривожланишига сабаб бўлди. Шаҳарнинг асосий ҳунарманд ва савдогарлари ўз болаларига фаолият учун зарур бўлган билим беришга манфаатдор эдилар. Шу сабабли цех, ва магистрат мактаблари вужудга келди. Европада биринчи Университетлар XII асрнинг иккинчи ярмида Италияда (Болонья), Англияда (Оксфорд), Францияда (Париж) да ташкил қилинди. Бу университетлар даслаб профессор ва студентларнинг мустақил идора қиладиган (Корпорациясидан) иборат эди. XV-асрларга келиб университетлар Европа мамлакатларининг ҳаммасида очилган эди. Ўрта аср университетлари одатда тўртта факультетдан тайёрлов факультети, юридик, медицина ва теология (дин) ақидалари факультетларидан иборат эди. Университет таълимининг ва ундаги методларнинг сҳолостик мазмунидан қатъий назар, ўрта аср университетлари Европв маданиятининг ривожланишида катта роль ўйнайди. Улар маърифат тараққиёти ва ўша даврдаги маълумотли кишиларнинг етиштиришда катта хизмат қилди.

Назорат учун савол ва топшириқлар.

Тест. 1. Спарталикларнинг болалари неча ёшдан «агелла» деб аталувчи алоҳида давлат томонидан ташкил этилган тарбия муассасида тарбияланган?

- Ф.7-18 ёшгача
- Б. 7-18 ёшгача
- С. 7-18 ёшгача
- Д. 7-18 ёшгача

2. 1.Қадимги Юнонистоннинг қайси шаҳарлари ўз даврининг маданият маркази ҳисобланган?

- А.Спарта, Рим
- В. Рим, Афина
- С. Афина, Спарта
- Д.А ва Б жавоблар тўғри

2.Юнонистоннинг қайси шаҳарида жисмоний тарбияга эътибор кучли бўлган?

- А.Спарта,
- В. Рим,
- С.Афина,
- Д.Аттика

3.Юнонистон қайси шаҳрида ақлий тарбияга кучли эътибор бўлган

- А. Спарта,
- В. Рим,
- С. Афина,
- Д. Оксфорд,

4. Европада биринчи Университетлар нечинчи асрда ташкил этилди?

- А. Аттика XII асрнинг иккинчи ярмида
- В. Спарта XII асрнинг бошларида
- С. Афинада XII асрнинг охирида
- Д. Римда XII асрнинг ўртасида

4. Рицар тарбиясининг етти фазилати нималардан иборат?

5. Қадимги Юнонистонда ва Рим далавларта таълим –тарбия моҳияни ихлоқлаб беринг.

6. Сократ, Платон, Арасту ва Демокритлар таълим –тарбия оид қарашларни таҳлил қилинг.

8. Ғарбий Европада 12-13 асрларда фан ва маданиятни ривожланиш сабабларини аниқлаб, таҳлил қилинг.

12-МАВЗУ: XIX АСРНИНГ 2-ЯРМИ – XX АСРДА ЖАҲОН ПЕДАГОГИКА ФАНИНГ РИВОЖИ.

1 -асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга

педагогиларнинг жаҳон педагогика фани тарақиётига қўшган ҳиссаларининг хусусиятлари тушунтириб бериш, жаҳон педагогика фани ривожланиш тарих ўрғанишига қизиқиш ўйғотиш.

Идентив ўқув мақсадлари.

1. Ғарб педагогларнинг жаҳон педагогика тарақиётига қўшган ҳиссалари ҳақида айтиб беради.
2. Ғарб педагогларнинг жаҳон педагогика фанини тарақиётига қўшган ҳиссаларининг изоҳлаб беради.
3. Ғарб педагогларнинг жаҳон педагогика тарақиётига қўшган ҳиссаларининг хусусиятлари моҳиятини асослаб беради.
4. Ўзбек миллий – илмий педагогикасини ривожда Ғарб педагогларини ўрнини асослайди.

2-асоий саволнинг баёни:

Ян Амос Коменский (1592-1670)

Буюк чех педагоги Я.А. Коменский 1592 йил 28 март «Угорский Брод» деган жойда Моравияда тегирмончи оиласида дунёга келади. Унинг оиласи рухоний «Чех қардошлари» жамосига тегишли бўлиб, уларини протестант Ян Гуснинг давомчиси деб ҳисоблар эди.

Коменский ота-онасида ёш ажралиб, анча вақт уқимади. 16 ёшида «Чех қардошлари» жамосининг ёрдами билан латин мактабига ўқишга киради, бу ер у тарбия тизимининг ёмонлигини, ўқу методларининг ярамаслигини кўради ва тушунтиради.

Ўша даврда алоҳида Князликлар ораида тез-тез уриш бўлиб турар эди. 30 йиллик уриш (1618-1648) давомида Чех қардошлари жамоаси ўзининг мусақиллиги учун курашиши сабабли Немис дворянлари томонидан ҳайдалади. Хайдалиш натижасида Коменскийнинг хотин, боласи улади. Кул ёзмалари йўқолади. Жамоа Польшанинг Лешко шаҳрида тиклангандан кейин Коменский бошчилик ишини олиб боради ва гимназия ташкил этади. 1631 йил ўқиш учун китоб «Открытая дверь языка» (Тиллир ва ҳамма фанларнинг очиқ эшиги)ни яратади.

Бу асардан сунг Коменскийнинг кўп мамлакатларда донги кетиб таъсири кучаяди.

1632 йили Коменский «Буюк дидактика» деган катта педагогик асарини тугатади. «Она мактаби» деган мактабгача тарбия кулланмаси асарини бунёд этади. «Буюк дидактика» асарида «пансофия идеясини» (пан грекча-бутун, ҳам, софия-донлик) ҳамма нарсани билиш, ҳамма учун билим бериш демакдир. Пансофияда у табиат ва жамият билимларининг йиқиндиси беради. Мактаб- бу муассаса, у ерда»» Хаммани ҳар нарсага ўргатмоқ керак»» Биз ҳамма кишилар учун таълим беришни таъкиблаймиз» деган фикр кўп марта такрорланишини кўрамыз.

Я.А. Коменскийнинг пансофик иши Англиянинг илғор кишилари томондан қувватланиб, парламент томонида чиқирилади.

Я.А.Коменский 1641 йили Англияга келади, лекин гранжданлар уриши бошлайдилар. Швецияда лотин тили дарслигини ва тил ўқитиш методикасини тузади. Я.А.Коменский чех қарошлари жамосига — епскон қилиб тайинлангач, 1648 йилда Лешнога қайтиб келади. Жамоа таркатилгандан сунг у яна ўқитувчилик фаолиятини давом эттиради. Бир неча йил Венгрияда мактабларни бошқаради. «Видимый мир ва картинках», яъни «Хислар воситаси билан идрок қилинадиган нарсаларнинг суратлари» деган асар ёзиб ўқиш ишини расмлар билан олиб бориш илгари суради.

Я.А.Коменский ўзининг педагогик назариясида тарбиянинг табиатга ўйгун бўлиш тўғрисидаги тушунчани илгар суради. Буюк дидактикада ўқитиш табиийлик бўйсиниш, ўқитиш табиат талабига бўйсиниш керак. Боланинг ақлий ва жисмоний узиш жараёни табиатдаги узиш жараёнига ўхшаган бўлади.

Я.А.Коменский яшаган даврда ҳаммани ўқишга тортиш керак эмас, қобилиятли кишигина ўқиши керак, деган ғоя мавжуд эди. Я.А.Коменский эа ўқишга ҳамманинг тортилишини, ҳамма умумтаълим олиши кераклигини ўқтиради. Умумтаълим тўғрисида гапирганда аёлларнинг ҳам ҳисобга олади. Ўша даврда хотин-қизлар учун ўқиш жуда катта муаммо эди, шунга қарамай, у бу масалани илгари суради.

Я.А.Коменский ўз асарларида тарбиянинг мақсадни кўрсатади. Тарбиянинг мақсади кишини мангулик дунёсига таёйрлашданиборатдир. Буни уч хил тарбия орқали амалга ошириш мумкин:

1. Ақлий тарбия
2. Ахлоқий тарбия.
3. Диний тарбия

Бунда у табиийлик принципига амал қилиб, ёшини даврларга бўлади.

Тўғилганидан 6 ёшгача — она мактаби. Бу даврда боланинг сезиш органларини устиришга, боланинг қабул қилиши, атрофдаги дунё билан таништиришга катта аҳамияти беради.

6-12 ёшгача — халқ мактаби ёки она тили мактаби. Бунда ўқувчи эса сақлаши, сўзлашга ўрганиши, зиши, бошланғич мактаб куникмасини ҳосил қилиш керак бўлади, бунинг учун гемометрия, география, табиийёт фанларини ўрганиш лозим.

12-18 ёшгача гимназия. Бу ўқув юртининг вазифаси бола тушунчасини, тафаккур қобилиятини устиришдан иборат бўлиб, унда классик тиллир, табиийёт билимлари, ахлоқ, ҳудогуйлик ўқитилиши керак.

18-24 ёшгача Университети. Академия. Бу ўқув юртлари ўқувчининг иродасини, шахсини бир бутун устириши керак.

Шундай қилиб, мактаб Я.А.Коменский қарашича ўқувчиларни ўйлашга, ҳаракатлантиришга, масалаларни амалда мустақил еча билишга, ўқувчиларни сўзлашга, ўз фикрини тўғри ифода қилишга ва исботлаб беришга ўргатиш керак.

Меҳнат кишини улуғлайди, дейди Коменский. Шунинг учун

меҳнатга ҳам ёшликдан ўргатиш кераклигини илгари суради.

«Буюк дидактика»да дидактик принциплар берилиб, дарс жараёнида ўқитувчи қуллаши кераклиги кўрсатилади. Коменский кўрсатмалилик принципини назарий жиҳатдан исботлаб беради. У бу принципни фақат курсатиб ўқитиш усули тариқасидагина эмас, балки барча сезги органларини нарса ва ҳодисаларнинг асосли ва яхши ўзлаштириб олишга жалб этиш воситаси тариқасида кенг маънида тўғри тушунади. Кўрсатмалиликни ўқитишнинг «Олтин қоида» деб атади.

Кўрсатмалилик принципида:

А) болага реал нарсаларни кўрсатиш

Б) Дунёни расмлар орқали тушунтириш

В) Нрсалар моделини кўрсатиш

Г) ўқитувчининг ўзи.

Я.А.Коменский «Мир чувственных вещей в картинках», яъни «Дунёдаги нарсаларнинг расмларда акс этиши» асарида тўхталаётган, урганилаётган нарсаларни ушлаш, ёйиш, хидлаш кераклигини айтиб, бу урганилаётган материални чуқур бўлишига ва эсда ўзоқ вақт сақланишига олиб келади, дейди.

Я.А.Коменский онглилик принципини ўқитишда маъно маъмунини тушунмай, оғзаки ёдлашга қариш чиқади. «Ақл- идрок билан яхши тушуниб олинган нарсалар бошқа ҳеч бир нарсани зурлаб ёдлатмаслик керак» Ўқувчилар « Ўрганлаётган нарса кундалик хатда қайндай фойда етказишини ўқувчи ёрдамида англаб олиш керак. Шу билан ходисаларнинг сабабларини англатмоқ ҳар бир нарсани тўла тушунтириб бўлгунча, шу нарса устида тўхтамоқ керак» деб ҳисоблайди.

Коменский таълимнинг тизимли бўлишини талаб қилади. Ўқитилаётган материал ўқувчиларга асосий қоидалар тариқасида лўнда баён қилиниши керак. Ўқитишда далиллардан ҳулосаларга, мисоллардан қонунларга ўтиш, далиллар ва мисолларни қоидалар тизимига солиб, умумлаштириб бериш лозим, акс ҳолда ходисаларнинг тизимиз уюми ҳосил бўлиб қолади.

Изчиллик принципида кун, ой, йилга вазифа қўйиш ва уни амалга ошириш учун интилиш кераклигини айтилади. Бунда а) аниқ вақтни белгилаш, б) ўқишнинг бола ёшига мос бўлиши, в) материал изчиллик билан ўрганилиши, яъни бугунги материал эртаги билан боғланиши ва кейинги ўтиладиган материалга йўл очиш керак.

Коменский материални мустаҳкам, асосли ўзлаштириб олишларига катта аҳамият бериб, «мустаҳкам асос» вужудга келтириш, ўқитилаётган нарсаларни бир-бирига боғланган ҳолда олиб бориш лозим, дейди.

Синф дарс тизими Я.А. Коменский ўқитувчи бутун синф билан жамоа бўлиб иш олиб боришини, яъни синф дарс тизимидан ўқитишнинг олиб боришининг тавсия этади.

Я.А. Коменский дарс синфини ишлаб чиқади, дарс вақтида ўтган дарсни қайтариш, янги мавзунини тушунтириш, мустаҳкамлаш, уйга вазифа бериш кераклигини кўрсатади. Дарснинг режалаштириш ва олиб бориш

тўғрисида кўрсатмалар беради. Хар бир дарснинг ўз мавзуси ва ўз вазифаси бўлишини айтади. Ўқитувчи ўқувчининг дарс машғулотларида фаол қатнашишларини таъминлаш, кузатиб бориш, синфда интизомни сақлаш кераклигини айтади.

Ўқув жараёнини ташкил қилишни хаддан ошириб юбориб, ўқитувчи бир вақтда 30 ўқувчи билан дарс олиб бориши мумкин деб хисоблайди. Ўқитувчи ўзига яхши ўқувчини ўзига ёрдамчи қилиб олиш мумкинлигини айтади. Мактабда ўқув йили ва уни ўқув йили чоракларига бўлиш, татиллар берилишини киритади. Ўқув кунини она-тили мактабида 4 соатдан, лотин мактабида 6 соат ни белгилаб беради. Ўқувчи мактабга бир вақтда қабул қилиниб ўқиш кузда сентябрдан бошланиши керак деб хисобланади.

Я.А. Коменский дарслик қандай бўлиши тўғрисида қимматли фикрларини айтиб ўз замонаси учун наъмунали бўлган бир неча дарсликларни ёзди. Ўзининг назарий фикрларини дарсликларда амалга оширади. Дарсликда ўқув материаллари етарлича бўлиши қисқа, мазмунли, тушунарли, изчил берилиши керак.

Дарслик оддий болаларга тушунарли тилда ёзилиши расмларга бой бўлиши керак. Дарсликдаги материал мунтазам тартиб билан жойлаштирилиши болаларни ёшига қараб равшан баён этилиши шарт. Я.А. Коменский «тиллар ва хамма фанларнинг очик эшиги» ва «хислар воситаси билан идрок қилинаётган нарсаларнинг суратлари» машхурдир. Ахлоқий тарбия интизом Я.А. Коменский ёшлигидан бошлаб болада ахлоқ ва одоб ҳосилд қилиш кераклигини айтади.

Ўқитувчининг роли ва унга қўйиладига таълаблар. Я.А. Коменский ўз давридаги истедодсиз, маълумотиз ўқитувчиларни қаттиқ танқид этади. Ўқитувчиликни ер юзидаги хар қандай касбдан кўра юқори турадигон жуда фахрли касб деб хисоблайди. Бу ўқитувчига нисбатан янги прогресс караш эди, чунки уша даврда ўқитувчилик касбига хурмат билан қарамас эди.

Я.А. Коменский ахлоқнинг ўқувчига хурмат билан қарашини талаб этиши билан ўқитувчининг ўзи жамиятда муҳим вазифасини бажараётганини тушуниб олиши ва ўзқадр-қимматини яхши билиб олиши лозимлигини ўқтиради. Ўқитувчи соф виждонли ишчан, саботли, ахлоқли бўлиши, ўз ишини севиши, ўқувчиларга оталардек муомала қилиши, уларда билимга ҳавас тўғдириши лозим. «Ўзи» намуна курсатиб, ўқувчиларни ўзига эргаштириши ўқитувчининг яхши ҳислати деб билади.

Константин Дмитриевич Ушинский

Машхур рус педагоги, рус педагогикаси ва халқ мактабларининг асосчиси, «рус ўқитувчиларининг ўқитувчиси» Константин Дмитриевич Ушинский 1824 йилнинг 19 феввалида Тула шаҳрида дунёга келди.

К.Д. Ушинский 9 ёшга қадар оилада тарбияланиб, савод чиқарди. Сунгра Новгород-Северск гимназияга ўқишга кириб, уни 1840 йилда муваффақиятли тамомлади. Уша йил Москва дорилуфунининг юридик факультетига ўқишга кирди ва ўша даврнинг машхур профессори

Редкиннинг бевосита рахбарлиги остида таълим олди.

К.Д.Ушинский 1845 йилда Ярославль лицейига камераль(юридика) фанлар профессори вазифасини бажарувчи синфатида хизматга кирди ва иш бошлади.У уч йиллик дастлабки педагоглик фаолиятида катта истедод эгаси эканини намоиш эта олди.Шунингдек, Ушинский зур иштиёқ билан ўқитувчилик ишини олиб бориб,талабаларга хавос билан беришга ҳаракат қилди,уларда илм-фанга нисбатан қизиқиш ўйғотди,энг муҳим, ўз халқи ваона юртини жондан севиш,ардоқлаш ҳамда виждонан ҳалол меҳнат қилишга давъат этди. Бу ёш ва истедодли профессорнинг мазмунли маърузуларини лицей талабалари мароқ билан тинглаб, чункур ва мустаҳкам сабоқ олар эдилар. К.Д.Ушинский педагоглик фаолиятини илмий-ижобий иш билан бирга қўшиб олиб борди. 1848 йилда унинг биринчи илмий иши-«Камерал фанларни ўқитиш ҳақида» деган асари нашр қилинди. Бу асарда Ушинскийолий ўқув юртларидаги мавжудўқитиш тизимига нисбатан танқидий кўз билан қаради.хукумат томонидан эркинлик берилишини талаб этди.Ўқитиш тизимини яхшилашга оид йирик услубий муаммоларни ўртага қўйиб, уларни қандай ҳал этиш йўллари кўрсатиб берди. Ушинскийнинг илм-фанни демократик тарзда тарғиб этиширеакцион доираларга

маъқул тушмади. 1849 йил сентябрда Ушинский ва унинг дўслири демократик руҳдаги ўқитувчилар сиёсатдан шубҳали,хукуматга ишончсиз кишилар сифатида литцейдан четлатилди. К.Д. ушинский бошқа иш топиш мақсадида 1849йилда Петербурга кўчиб бориб, жуда катта қийинчиликлардан сўнг 1850 йилда ички ишлар вазирлигида кичик бир амалдор вазифасида ишлашга мажбур бўлди ва у ерд тўрт йил ишлади. Ушинский фақат 1854 йилдагина Ярославль лицей собиқ директорининг тавсияси билан Гатчино институтида тил-адабиёт ва қонуншунослик ўқитувчиси бўлиб ишлашга киради ва у ерда тез фурсатда шу институтнинг синфлар инспектори вазифасига кўтарилади. Уинискийнинг пелагогик фаолияти том маъноси билан ана шу вақтдан бошланади. У 1854 йилда Смолний институтининг синфлар инспектори вазифасига тайинланиб, унга шу институтнинг жуда ачинарли ҳолга тушиб қолган илмий бўлим ишларини қайтадан тартибга солишдай муҳим топшириқ юкланди. Ушинский бу ишни эпчиллик билан пухта бажариб, педагогик жараёни уюштириш соҳасида катта қобилият сохиби эканини кўрсатди. Шу билан бирга унинг педагогика масалаларига бағишланган ва мунтазазам чоп этилаётган назарий татқиқотлари унинг фақат амалиётчи эмас, балки ўз ихтисоси бўйича кучли назарийчи эканидан далолат беради.

К.Д.Ушинский 1857 йилдан бошлаб «Тарбия журна́ли» («Журнал для новопитания»)да, сўнгра «Халқ маорифи журна́ли» да жуда кўп сермазмун мақолалар бостириб чиқарди. 1860 йилда у «Халқ маорифи журна́ли» нинг муҳарирри қилиб тайнланди. Ушинский 1861 йилда ўзининг «Болалар дунёси» («детский мир») номли китобини нашр эттирди. Бу китоб ўша йилнинг ўзидаёқ икки марта чоп этилди.

К.Д.Ушинскийнинг педагогика фаолиятига соя солувчи(1862йил) имзосини хат уни ишии тўхтатишга мажбур қилди. бу хатда гўё сиёсий жихатдан ишончсиз киши деб, айбланган эди бунинг оқибатида у чет эллардаги хотин-қизлар маорифининг йилга қўйилишини ўрганиш ва педагогикадан дарсликёзиш учун ўз ватанидан кетишга мажбурбўлди. У хорижий мамлакатларда юрган даврда ўзининг бутун куч-ғайратини таълим-тарбияга доир асарлар ёзиш ва улрни чоп эттиришга йўналтирди. Натижада,1861 йилда унинг 1 ва 11ўқув йиллари учун «Она тили» дарслиги нашр этилди ва унга «муаллим учун қўлланма» деган методик асари илова қилинди. 1870 йилда эса 111ўқув йили учун ҳам она тили дарслиги босилиб чиқди. Бундан ташқари,Ушинскийнинг педагогикасоҳасидаги асосий назарийасари ҳисобланган «киши тарбия предмети сифатида » номли асари ярим жилдларга бўлиниб нашр қилина бошлади. 1857 йилда бу асарнинг бир жилди. 1869 йилда 2- жилди босилиб чиқди. Ушинский китобнинг ҳамма жилдлари қисқартириб ингиз тилига таржима қилиш мақсадида учинчи жилд устида зўр ғайрат билан ишлай бошлади.Афсуски бу ишни тамомлаш унга насиб бўлмади.У Кирмда даволашниш пайтида қаттиқ шамоллаб қолади.Бу шамоллаш ва зур бериб ишлаши ва хизмати билан боғлиқ бўлган кунгилсизлар орқасида заифлашди ва толиқди,1870 йил 21 декабрда Оддесада зотилжам касалидан вафот этди.

К.Д. Ушинскийнинг хизмати шундаки,у ўз ватанига, ўз халқига хизмат қилишни педагогик фаолиятини асосий бурчи деб ҳисоблади.

К.Д. Ушинский ўқитувчининг меҳнати ва унинг тарбияланувчи шахсга таъсирини юқори баҳолади. К.Д. Ушинский россияда ўқитувчилар тайёрлаш тизимини биринчи бор ишлаб чиқди.

Антон Семенович Макаренко

Антон Семенович Макаренко 1888 йилнинг 13 мартда Харьков губерниясида Бело поле шахрида ишчи оиласида туғилди. Макаренколар оиласи ўз даврида илғор маданиятли оила эди.

Отаси Семен Григоревич соф виждони ростгўй меҳнатсевар киши эди.

А.С. Макаренко ўз билимини ошириш мақсадида 1914 йилда полтавадаги ўқитувчилик институтига кириб уни 1917йилда олтин медал билан тамомлади. У 1917F1918 йилида Крюковадаги олийбошланғич мактабига инспектор қилиб тайнланди. А.С. макаренко тезлик билан бу ишга киришиб Харьков яқинидаги болалар колдониясини ташкил қилди.

Антон Семенович кулига берилган болаларни ўтмишда жиноят қилган интизомсиз меҳнатга қўникмаган ўсмир ва йигитчалар эди. А.С.Макаренко ана шу ёшлардан Ватанга содиқ интизомли меҳнатни севадиган ва иш биладиган ҳақиқий фуқароларни етиштира олди. Ўзининг узоқ йиллик ҳалолмеҳнати орқасида боқувсиз болалардан янги одамлоар ажойиб талант эгаларини ёзувчи даражасига кўтарилди.

Бир неча педагогик ва публицистик асарлар ёзди . унинг «педагогик поэма», «минораларидаги бвйриқлар », «ўттизинчи йиллар марши », «»Ота оналар китоби , «болалар тарбияси тўғрисида лексиялар

»,каби асарларни уни ўзига хос мактаби яратган педагог ва адиб сифатида танлади .

А.С.Макаренко ўз асари болалар тарбиясига оид бир қатор методик тавсияларида оиладаги тарбия ишлари интизом ота оналар обрўси ,мехнат тарбияси ,жисмоний тарбия ,ўйин ,маданий малакани ошириш каби долзарб мавзуларда ёзилган бўлиб ,унда ёшларни чидамли ,иродали ,қувноқ, аҳлкли ,хеч қандай қийинчиликлардан қўрқмайдиган ҳақиқий ватанпарварлар қилиб тарбиялаш ғоялари илгари сурилган .

«Педагогик поэма» -болалар ҳаёти жамоасини реалистик асосда ҳар томонлама кенг тавсиялар берган асардир .

А.С.Макаренко ўзининг бу қарашлари ва амалий иш тажрибалари билан идиалист педагогларнинг зарарли назарияларини тамомини парчалаб ташлади .

А.С.Макаренко фикрича коллектив сотсиал тирик организм у ўзининг органига эга унда вакиллар бор масъулият бор ...бир – бирларига нисбатан боғланиш бор агар булар бўлмаса коллективнинг ўз ўзи ҳам бўлмас унда ёлғиз бошдоқлигина бўлар эди. А.С.Макаренко ўзининг системасини Горкий номли болаларколониясида тўла тўкис амалга ошира олди . Масалан уҳар қандай оғир ва қўнгилсиз ишни ҳам балалар ва отрядлар ўртасида навбат билан тақсим этар эди .

Шуни ҳам айтиш керакки А.С.Макаренко томонидан яратилган педагогиксистемада қатор камчилик ҳам бор. А.С.Макаренко асарлари ақлий тарбия дидактика ўқитишни методи ва мазмуни мактаб дарсининг форма ва системаси жисмоний тарбия ҳамда мактаб болалар ва ўсмирлар ёшлар ташкилотчиларнинг роллари маълум бир тизимда берилмаган А.С.Макаренконинг бадиий ва педагогик асарлаарида энг муҳим педагогик масалаларидан бири бўлган ўқитиш жараёнида тарбия масалалари ҳам етарли равишда системалаштирилган .

Василий Александрович Сухомлинский

Васлий Александрович Сухомлинский 1918 йилнинг 28 октябрида Украинанинг Кроовогрда вилоятидаги павлиш қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келди.

Васлий дастлабки таълимни ана шу қишлоқдаги Василевка мактабида олди. Мактаб директори Иван Сабович ва ўқитувчи си Анна самоиловналар Васлий учун энг севимли кишилар бўлиб қолади.1933йилда мактабни туғатиб Василий Кренчукда рапфакда ўқиди ва уни тугатиб Полтава пединстиутининг филология факультетига ўқишга кирди.

У ҳар бир имкониядан болаларни табиатдан завқ олишига ўргатиш учун фойдаланди. Бунда ўзнинг биринчи муаллиммаси Анна Самоиловнага тақлид қилар ва унинг тажрибасини қўллар эди.У дарсдан кейин болалар билан далаларга,қирларга сайлгачиқар,ўрмонга сай уюштирар,болалар эътиборини она юрт табиатининг гузаллигини ҳис этишга қаратор эди.

В.С.Сухомлинскийнинг педагогик фаолияти уршдан кейинги йилларда тикланди. Бу йилларида мактабда ўқувчилик қилиш ва

болаларни тарбиялаш анча оғир эди. Аммо В.С.Сухомолинский иккиланмади, кийинчилик оғир қанчалик қийин бўлмасин болаларни тарбиялашга уларга рухан далда беришга интилди.

В.С.Сухомолинский мактабда ўзга топширилган болларни тарбиялаш, уларни халқпарвар меҳнат севар инсонпарвар ватанни ҳимоя этишга доимо тайёр қилиб олов жамиятининг фаол қурувчилари қилиб тарбиялашни ўз орлдига мақсад қилиб қўйди.

В.С.Сухомолинский 39 ёшида педагогика фанлаар илмий номзоди даражасини олишга муваффақ бўлди. Шу даврдан бошлаб унинг тарбиянинг турли масалалари юзасидан куплаб мақола, рисола, монографиялари эълон қилина бошлади.

В.С.Сухомолинский тарбия ва тарбиячининг шахсга бўладиган таъсирига жуда юксак баҳо беради. Шунинг учун ҳам у тарбиянинг кудратли кучга атоқли педагоглар Н.К.Крупская, А.С.Макаренколарнинг нуқтаи назарида қаради ва ўз тажрибасида ҳал қилди.

Ҳақиқий инсонпарвар тарбиячи болалардан яхши бўлиб, деб илтимос қилмайди. Негаки ҳақиқий кунгилчан одам росғўй бўлади. Аччиқ ҳақиқатни яшириб ўтирмайди. Ана шу хил муносабат болада яхшиликка интилиш истагини уйғотади.

Тарбияда ижобий натижага эришишда тарбиячининг яна бир фазилати ростгуй ва виждонлилигидир. Ўқитувчилар ўқитувчи сузининг ростлигини жуда тез сезиб оладилар ва бу хил рост сўзга сезирлик билан жавоб қиладилар. Лекин ёлғончиликни ва қабаки сўзни ундан ҳам чуқур хис қиладилар ва сезадилар.

В.С.Сухомолинскийнинг жуда ҳақиқий қарашларига тухтар экамиз унинг А.С.Макаренкога бўлган муносабатини анқилашимиз керак. Унинг тўла маъносида Макаренкнинг издоши вариси ва ишининг давомчиси дейиш мукин. Макаренконинг издош педогог сифатида Макаренко ғояларининг кучли таъсири остида шаклланади. Ва тарбияланади. Унинг ўз ўз устозига бўлган меҳрини ҳар бир ишида ёзган сатрлари орасидаа кўриб ишонч ҳосил қилиш мумкин

В.С.Сухомолинский боллар жамоасини уюштираркан уларни ўқитиш ва билимли қилиш билан бирга жаома меҳнатига жамия манфатини йўнлида ҳизмат қилитшга меҳнат севарлик руҳида тарбиялашга ҳаракат қилади.

В.С.Сухомолинский тарбиянинг марказий масалалари қаторида ахлоқ ва ишончини тарбиялашга алоҳида эътибор беради.

Оммавий одат кучига эга бўлган ахлоқ авлодданавлодга ўтади. Жамиятни ахлоқни ўзлаштириб олади ва бошқалар хулқин ҳам баҳолайди.

Меҳнаткаш омма ахлоқининг ғояларини ва мезонини ўзда акс эттирадиган ахлоқий принциплар ижтимоий ҳайтнинг меҳнат ва шахсий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида одамларнинг ўзаро алоқаси ва муносабатларининг асосига айланади.

Ахлоқ тарбия ёш авлодга мустаҳкам ахлоқий

ишонч,хулқиймалакалааарини ҳосил қилиши керак,ижтимоий тароаққёт ва ахлоқ принципларининг қарор топиши учун курошувчиларни тайёрлашкерак. В.С.Сухомолинскийахлоқий ўқувчиларни меҳнатда иштирок эттириш, ўқишни яхши йўлга қўйиш,гузаллик каби воситалар ёрдами билан тарбиялаш мумкин деб билади.Ахлоқнинг ҳал қилувчи масаларидан бириишотириш ва этиқотлар ҳосил

қилишдир.Мустаҳкам ишончи ҳосил қилишнинг тарбиянинг энг муҳим масаласидир.

В.С.Сухомолинский болаларда яхши бўлиш истагини уйғотишга интилади. Табия ишида энг муҳим ва энг қимматлиси шуки В.С.Сухомолинский-бола ўз онгли ҳаётининг даслабки қадамлариданоқ инсонда бор ва бўлиши мукин бўлган энг яхши фазилатларга чуқур ишонши керак.Агар инсон болалалигидан бошлаб дустлик маънавий софлик оққунглик,ростгўйлик билангина ҳаётга чинакам гузалик бўлиши ишонса,у қалб гузаллиги учун, умумҳалқ бахти учун чинакам қурашчи бўлиб етишади.

Умуман олганда ғарб педагогикларининг фаолиятини ўрганиш ўзбек тарбиячиларга халқаро тарбия усуллаарини қиёсий ўрганишда муҳим аҳамиятга касб этади.

Назорат савол ва топшириқлари:

Тест. 1. Я.А. Коменскийга оламшумул шуҳрат келтирган асарлари қайсилар?

А. «Буюк дидактика», «Оналар мактаби», «Тиллар ва ҳамма фанларнинг очик эшиги».

Б. «Буюк дидактика», «Оналар мактаби», «Тинчлик фариштаси»

С. Тиллар ва ҳамма фанларнинг очик эшиги», «Фалокиёт»

Д. Тўғри жавоб йўқ.

2. Я.А. Коменскийнинг мактабгача тарбия ёшидаги болаларга бағшланган асарини кўрсатинг

А. «Буюк дидактика»

Б. «Оналар мактаби»

С. «Фалокиёт»

Д. «Тинчлик фариштаси»

3. Я.А. Коменскийнинг машхур дарсликларини кўрсатинг.

А. «Тиллар ва ҳамма фанларнинг очик эшиги», «Ҳисслар воситаси билан идрок қилинадиган нарсаларнинг суратлари»

Б. «Оналар мактаби», «Ҳисслар воситаси билан идрок қилинадиган нарсаларнинг суратлари»

С. «Фалокиёт», «Буюк дидактика», «Оналар мактаби»

Д. . «Буюк дидактика», «Оналар мактаби», «Тиллар ва ҳамма фанларнинг очик эшиги».

4. К.Д.Ушинскийнинг машхур асарларини кўрсатинг

А. «Детский мир», «Родное слова», «Инсон тарбия предмети сифатида»

- Б. «Инсон тарбия предмети сифатида»
 С. «Детский мир», «Родное слова»,
 Д. «Минораларидаги байроқлар», «Ўттизинчи йиллар марши »
 5. А.С.Макаренконинг болалар ҳаёти жамоасини ҳаққоний ҳар томонлама кенг тавсиялар берган асарини кўрсатинг
 А. «Педагогик поэма»
 Б. «Минораларидаги байроқлар »
 С. «Ўттизинчи йиллар марши »
 Д. «Ота оналар китоби»
 6. А.С.Макаренконинг издоши вариси ва ишининг давомчисини кўрсатинг
 А. В.С.Сухомолинский
 Б. К.Д. Ушинский
 С. Ф. Дистервег
 Д. Пестолоции.
 7. В.С.Сухомолинскийнинг педагогик қарашларининг ўзига ҳос хусусиятини кўрсатинг
 А. болларни ўқитиш ва билимли қилиш билан бирга жаома меҳнатига, меҳнат севарлик руҳида тарбиялашга ҳаракат қилади.
 Б. Ахлоқ ва ишончини тарбиялашга алоҳида эътибор беради.
 С. Жисмони ва ахлоқий тарбияга эътибор қаратади
 Д. Оила тарбиясини устун қўйади.
1. Я.А. Коменский ҳаёти ва у яшаган давр.
 2. Я.А. Коменскийнинг педагогик фаолияти ва асарларини ўрганиб таҳлил қилинг.
 3. Я.А. Коменскийнинг педагогик қарашларини ўрганинг.
 4. Я.А. Коменскийнинг умумтаълим ғояси ва синф дарс тизими нимадан иборат?
 5. К.Д. Ушинскийнинг тарбия санъат, ахлоқий ва меҳнат тарбияси ҳақидаги фикрларини таҳлил қилинг.
 6. К.Д. Ушинский дидактикаси ва таълим методикасини моҳиятини айтиб беринг.
 7. К.Д. Ушинскийнинг методик қўлланма ва дарсликлари ҳақида маълумот тўплаб таҳлил қилинг.
 8. К.Д. Ушинский таълимнинг ўзгармас қонуни, деб нимани билади?
 9. К.Д. Ушинскийнинг тарбиячи шахсига қўйиладиган талапблари.
 10. К.Д. Ушинскийнинг тарбия саъати ҳақидаги фикрларини изоҳланг.
 11. К.Д. Ушинскийнинг педагогик ғоялари ва талабларини ўрганинг
 12. А.С.Макаренко томонидан яратилган педагогик тизимнинг ўзига ҳос қатор камчиликлари бор эди. Ушбу камчиликларни изоҳланг.
 13. А.С.Макаренконинг бадий ва педагогик асарлаарида қандай энг муҳим педагогик масалаларни кўтариб чиққан?

14. В.С.Сухомлинскийнинг педогогик қарашларини ўрганиб таҳлил қилинг.

15. Ғарб педагогларнинг жаҳон педагогика тарақиётига қўшган ҳиссаларининг хусусиятлари моҳиятини асослаб ва таҳлил қилинг.

16. Я.А.Коменский ўз асарларида тарбиянинг моҳиятини изоҳланг.

17. К.Д.Ушинский педагогика фанга қўшган ҳиссаси.

18. А.С.Макаренконинг бадиий ва педагогик асарларида энг муҳим педагогик масалаларини таҳлил қилинг.

Мустақил иш топшириқлари:

1. Қадимги Юнонистон ва Рим давлатларида таълим тарбиянинг моҳиятини ўрганиг.

2. Қадимги Юнонистон ва Рим давлатларида таълим-тарбия ўзига хос хусусиятини аниқлақнг.

3. Қадимги Юнонистон ва Рим давлатларида таълим моҳиятини тушунтиринг.

4. Қадимги Юнонистон ва Рим давлатларида таълим тарбиянинг хусусиятини изоҳланг.

5. Ғарб педагогларнинг жаҳон педагогика тарақиётига қўшган ҳиссаларининг изоҳлаанг.

6. Ғарб педагогларининг жаҳон педагогика фани тараққиётига қўшган ҳиссаларини ўрганиш.

7. Я.А.Коменскийнинг тарбия ҳақидаги фикрларини изоҳланг

8. Я.А.Коменскийнинг «Буюк дидактика» асарининг XVIII-XIX-XX-XXI бобларини ўқиб ўрганинг

9. Я.А.Коменскийнинг дидактикаси ва ундаги янгиликлар нималардан иборат.

10. К.Д.Ушинскийнинг дидактик таълимоти ва унинг аҳамияти.

11. К.Д.Ушинскийнинг педагогика, мактаб ва маориф тараққиётидаги ўрнини изоҳланг

12. К.Д.Ушинский дарсликлари ва «Тарбияда халқчиллик ғояси».

13. Константин Дмитриевич Ушинский ақлий, ахлоқий тарбия ва унинг воситалари ҳақида.

14. Песталоццининг дунёқараши ва уни педагогикада тутган ўрни.

15. Песталоццининг таълим назариясини изоҳлаб беринг

16. Песталоццининг педагогикага қўшган (олиб кирган) янги ғояларини ёритинг.

17. Адольф Дистервегнинг ҳаёти ва ижтимоий-педагогик фаолияти.

18. Ғарб педагогларнинг жаҳон педагогика тарақиётига қўшган ҳиссаларининг хусусиятлари моҳияти аниқланг.

19. Қадимги Юнонистонда ва Рим давлатларида таълим – тарбия моҳияни асосий белгиларини кўрсатинг.

20. К.Д.Ушинский педагогика фан қўшган ҳиссаларининг изоҳлаб

беринг.

21. А.С.Макаренконинг бадиий ва педагогик асарлаарида урганиш ва улар орасини боғлаш аниқланг.

22. В.С.Сухомолинскийнинг педогогик қарашлари асосий белгилалар ёзинг.

Мавзу бўйича илмий хулосалар:

1. Юнонистонда маданият, тарбия мактаб ва дастлабки педагогик фикрлар бошқа қадимий шарқ мамлакатларига кўра жуда эрта ривожланган.

2. Юнонистон унчалик катта бўлмаган бир қулдорлик давлатлардан иборат мамлакат бўлган. Унинг энг катта шаҳарларидан Лакония пойтахти Спарта ва Аттика пойтахти Афина айниқса маданият маркази бўлиши билан ўта мўтабар эди.

3. Афинадаги граматист мактабидаги таълим-тарбиянинг мазмунини ўқиш, ёзиш ва ҳисоблашни ўргатишдан иборат бўлган.

4. Ғарбий Европада 12-13 асрларда хунармандчилик ва савдонинг ривожланиши шаҳарларнинг ўсишига ва шаҳар маданиятининг ривожланишига сабаб бўлди.

5. Машҳур донишманд, чехословакиялик гуманист-педагог Ян Аммос Коменский педагогиканинг асосчиси сифатида башарият тарихида ўзига хос ўринни эгаллайди.

6. Ян Аммос Коменскийнинг хизмати шундаки педагогика илми пойдеворини қурибгина қолмай, унинг кейинги ривожланиш йўлларини ҳам кўрсатиб берди

7. Ян Аммос Коменский биринчи бўлиб синф-дарс тизимини ишлаб чиқар экан, дарс вақтида ўтилган дарсни қайтариш, янги мавзунини тушунтириш, мустақамлаш, уйга вазифа бериш кераклигини алоҳида кўрсатиб ўтади.

8. К.Д.Ушинский рус педагогикаси, жумладан, мактабгача тарбия педагогикасининг асосчиси; у жаҳон педагогика ғояларининг ривожланишига жуда муҳим ҳисса қўшган.

9. К.Д.Ушинский таълим жараёнидаги кўргазмалилик бола бевосита идрок этадиган аниқ образлар асосида бўлишини таъкидлайди. Унинг қарашлари бугунги кунда ҳам ўз мавқесини йўқотмади.

10. К.Д. Ушинский ўқитувчининг меҳнати ва унинг тарбияланувчи шахсга таъсирини юқори баҳолади. К.Д. Ушинский россияда ўқитувчилар тайёрлаш тизимини биринчи бор ишлаб чиқди.

11. С.Макаренконинг бадиий ва педагогик асарлаарида энг муҳим педагогик масалаларидан бири бўлган ўқитиш жараёнида тарбия масалаларини ҳам етарли равишда системалаштирган .

11. Антон Семенович аўлига берилган болаларни ўтмишда жиноят қилган интизомсиз меҳнатга қўникмаган ўсмир ва йигитчалар эди. А.С.Макаренко ана шу ёшлардан Ватанга содиқ интизомли меҳнатни

севадиган ва иш биладиган ҳақиқий фуқароларни етиштира олди. Ўзининг узоқ йиллик ҳалол меҳнати орқасида боқувсиз болалардан янги одамлар ажойиб талант эгаларини ёзувчи даражасига кўтарди.

12. В.С. Сухомолинский тарбия ва тарбиячининг шахсга бўладиган таъсирига жуда юксак баҳо беради. Шунинг учун ҳам у тарбиянинг қудратли кучга атоқли педагоглар Н.К. Крупская, А.С. Макаренколарнинг нуқтаи назарида қаради ва ўз тажрибасида ҳал қилди.

13. В.С. Сухомолинский ҳақиқий инсонпарвар тарбиячи болалардан яхши бўл, деб илтимос қилмайди. Негаки ҳақиқий кунгилчан одам росғўй бўлади. Аччиқ ҳақиқатни яшириб ўтирмайди. Ана шу хил муносабат болада яхшиликка интилиш истагини уйғотади.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Қадимги Юнонистон ва Римдаги педагогик фикр тараққиётининг бугунги миллий – илмий педагогикадаги аҳамиятини илмий асослаш.

2. Қадимги Спарта ва Афина мактабларининг ўзига ҳос хусусиятларини маънавий-ахлоқий асослар.

3. Ян Аммос Коменскийнинг педагогик қоидаларини таҳлил қилиш

4. Ян Аммос Коменскийнинг таълимни табиатга уйғунлиги принциpidан келиб чиқиб ёш даврларни аниқлаш тизмини таҳлили.

5. Ян Аммос Коменскийнинг «Буюк дидактика» ва «Оналар мактаби» асарларининг бугунги кун ёшларини тарбиялашдаги аҳамиятини илмий асослаш.

6. Ян Аммос Коменскийнинг синф – дарс тизимининг ноъанавий дарс турларини ташкил қилишдаги ўрнини таҳлил қилиш.

7. К.Д. Ушинскийнинг педагогик ғояларининг маънавий-ахлоқий асослари

8. К.Д. Ушинскийнинг педагогик ғояларининг миллий педагогикани ривожланишидаги ўрнини илмий асослаш.

9. А.С. Макаренконинг педагогик қарашларинг ўзига ҳос жиҳатларининг илмий –назарий асослари.

10. А.С. Макаренконинг миллий-илмий педагогикага қўшган ҳиссасини маънавий-ахлоқий асосларини таҳлили.

11. В.С. Сухомолинскийнинг педагогик қарашларини бугунги кундаги аҳамиятини илмий-назарий асослари.

12. В.С. Сухомолинскийнинг педагогик ғояларини баркамол инсон тарбиясидаги ўрни.

Адабиётлар рўйхати:

1. И. А. Каримов- “Юксак маънавият-енгилмас куч.”, Т.,” Маънавият” 2008й

2. Баркамол авлод орзуси. Т.1998

3. Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.1998

4. Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳомидов Ҳ. Педагогика тарихи.-Т.: “Ўқитувчи”, 1997.
5. Ҳошимов К., Нишонова С., Иномова М., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи.-Т.: “Ўқитувчи”, 1996.
6. Зиёмҳаммадов Б. Педагогика. Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма -Т. “Турон-Иқбол”.-2006.
7. Маънавий дарслари. Тузувчи: С.Нишонова.-Т., Ўқитувчи, 1994.
8. О.Ҳасанбоева, Ж.Ҳасанбоев, Х.Ҳамидов. Педагогика тарихи. Ўқув қўлланма Т., “Ўқитувчи”1997.
9. К.Ҳошимов, С.Нишонова. Педагогика тарихи. II- қисм. Дарслик.. Алишер Навои номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Т., 2005.
10. Ўзбек педагогикаси тарихи. Т., “Ўқитувчи”, 1997 (Тузувчи муаллиф, проф. А. Зуннунов).

Қўшимча адабиётлар рўйхати

11. Коменский Я.А. Буюк дидактика. Т.: “Ўқитувчи”, 1975.
12. Педагогика тарихидан хрестоматия. (Тузувчи: О.Ҳасанбоева)Т.: “Ўқитувчи”, 1990.
13. Ўзбек педагогикаси анталогияси 1-2 т. (тузувчилар К.Ҳошимов, С.Очил. Ўқитувчи, 1995-2000).
14. Ўзбек педагогикаси анталогияси (Тузувчи К.Ҳошимов, Сафо Очил) Т.: “Ўқитувчи”, 1995.
15. Педагогика тарихи. 1-жилд. (Тузувчилар: К.Ҳошимов, Ш.Авазов, М.Ҳошимова) Т., 2001.

13- мавзу. ҲОЗИРГИ ДАВРДА ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ПЕДАГОГИКА ФАНИ РИВОЖИ.

Асосий саволлар

1. Америка Қўшма Штатларида таълим тизими
2. Японияда таълим тизими
3. Жанубий Кореяда таълим тизими
4. Францияда таълим тизими
5. Германияда таълим тизими

Мавзуга оид таяч тушушча ва иборалар: Америкада давлат ихтиёридаги мактаблар, шахсий мактаблар, махсус дастурлар, махсус ўқитувчилар, *SAT*, *АКТ*, Японияда бепул умумий таълим, дорилфунунлар, эски япон тили, Жанубий Кореяда таълим анъанавий ғарб модели олинган, ногиронларга алоҳида эътибор, хусусий ёки диний ташкилотларнинг хайрия маблағларига қурилган, Францияда давлат, хусусий, оралиқ мактаблар,

француз тили ва адабиёти, ўқиш ва ёзув, Германияда черковлар, федерал қонун, молия ёрдами.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Иқтисодий ривожланган ҳоржий давлатларда таълим соҳасида жуда ката ютуқларга эришилмоқда. Сизнингча таълим соҳасидаги бундай ютуқларга қандай эришилмоқда? Табақалаштирилган таълимни ўзига ҳосл хусусияти нимада?
2. Иқтисодий ривожланган Хоржий давлатларнинг таълим тизими билан Мустақил Ўзбекистон талими тизимидаги ўхшашликларни изоҳланг.
3. Америкада юқорида тасдиқланган ягона дастурлар бўлмайди. Ўқувчилар учун ягона, мажбурий дарсликлар, қўлланмалар йўқ. Шунга қарамай у жаҳон мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Сизнингча бундай ютуқларнинг асосий сабаби ва омиллари нимада? Фикрингизни далилланг.
4. Техника жиҳатдан ривожланган Японияда талим тизими ҳам шаклан, ҳам мазмунан юксак уйғунлик касб этади. Сизнингча ибрат олса, ўрганса арзийдиган жиҳатлари нимада? Миллий анъаналарга қандай қаралади?
5. Жанубий Кореяда инглиз тилига эътибор кучли. Кўпчилик бу тилда бемалол гаплаша олади. Шудай бўлсада корейслар яна бир тилни — классик хитой тилини мажбурий равишда ўрганадилар. Сизнингча нима учун тилни ўрганишга шунча эътибор қаратилади?
6. Германия таълими ўзига хос йўналишга, жуда мураккаб тизимга эга. Шу билан бир қаторда ҳозирда Германияда таълим тизимини ислоҳ этиш йўлида янги изланишлар олиб борилмоқда. Сизнингча бу изланишларнинг моҳияти нимада? Улардан ибрат олса, ўрганса арзийдига жиҳатларига изоҳ беринг.

1-асосий савол. Америка Қўшма Штатларида таълим тизими

1-асосий савол бўйича дарс мақсади: Ривожланган хорижий давлатларда таълим тизимини ўзига хос хусуиятларидан хабардор қилиш. Керакли хусусиятларни ўрганиш, миллий хусусиятларга ҳармат ҳиссини тарбиялаш.

Идентив ўқув мақсади:

1. Америка Қўшма Штатларида таълим тизимини ўзига хос жиҳатларини айтиб беради
2. Америка Қўшма Штатларида таълим тизимида эришилган ютуқларини сабабларини изоҳлайди
3. Америка Қўшма Штатларида таълим тизимини Ўзбекистон таълим тизими билан таққослаб ютуқ ва камчиликларини асослайди

1-асосий савол баёни

Америка Қўшма Штатларида болалар 6 ёшдан 17 ёшгача 12 йил ўқийдилар. Таълим тизими қуйидагича ташкил этилган:

1. 3 ёшдан 5 ёшгача мактабгача тарбия муассасаларида.
2. Бошланғич мактаб. Бу босқич 1—5-синфларни ўз ичига олади.
3. Тўлиқ бўлмаган ўрта мактаб. Бу босқич 6—8-синфлардан иборат.
4. Юқори мактаб. Бу босқич 9—11-синфлар бўлади. Мазкур Юқори мактаб билан Олий таълимни аралаштирмаслик керак.

Америка мактабларида 9-синфгача асосий эътибор математикага эмас, балки табиий фанларга қаратилади, юқорида тасдиқланган ягона дастурлар бўлмайди. Ўқувчилар учун ягона, мажбурий дарсликлар, қўлланмалар йўқ. Америка мактабларида техникавий жиҳатдан яхши жиҳозланган, синфлар компьютерлаштирилган. Ҳар бир мактабда бошланғич синф ўқувчиларини ташийдиган махсус автобуслар, стадионлар, турли лабораториялар бор. Америка мактабларининг аксарияти давлат ихтиёрида бўлиб, давлат маблағи билан таъминланади. Лекин шахсий мактаблар ҳам анчагина. Катта шаҳарларда яшовчи ўзига тўқ ота-оналар фарзандларини шахсий мактабларга беришга ҳаракат қилишади. Давлат мактабларида текин, шахсий мактаблар эса — пуллик ўқитилади. Вашингтон шаҳридаги шахсий мактабда болани ўқитиш учун бир йилга тахминан ўн минг доллар тўлаш керак. Бундай мактабларда бой оила фарзандлари таълим оладилар. Шахсий мактабларнинг ҳар бири ўзи хос хусусиятларга, махсус дастурларга, махсус ўқитувчиларга эга. Бундай мактабларда синфда ўқийдиган ўқувчилар сони кам бўлди. Шахсий мактабларда бошланғич синфлардан бошлаб эстетик тарбияга, санъатга алоҳида эътибор берилади.

Америка давлат мактабларининг юқори синфларидаги ўқиш-ўқитиш тизими бизникидан тубдан фарқ қилади. Юқори синфлардаги ҳар бир ўқувчига алоҳида ўқитувчи-мураббий бириктирилади. У шу ўқувчининг қобилияти, қизиқишларини синчиклаб ўрганиб, фақат шу ўқувчига мос алоҳида режа тузади, унинг ўқишига раҳбарлик қилади. У ўрганиши лозим бўлган мажбурий фанлар рўйхатини тузиб чиқади. Масалан, 9-синф ўқувчиси бир фандан, дейлик, кимёдан кучли бўлса-ю, чет тилидан оқсаса, бу ўқувчига 9-синфда ўнинчи синф режаси бўйича кимёни ўрганишга рухсат этилади. У чет тилини 9-синф ҳажмида ёки енгиллаштирилган режа бўйича ўрганиши мумкин. Кимёдан ёки математика, биология, физика ва бошқа табиий фанлардан мактаб режасини муддатидан олдин тугатган, барча контрол ишларини топширган ўқувчига мактабда ўқиб юрган вақтидаёқ шу фанлар бўйича ўзи кирмоқчи бўлган коллежнинг биринчи курси имтиҳонларини ҳам топширишига имконият яратилади.

Американинг Юқори мактабларида шундай ўқитувчилар борки, улар коллежларнинг биринчи курсларида ўқитиладиган маълум фанлардан

дарс беришлари ҳамда имтиҳон олишлари шарт. Америка мактабларида битириш имтиҳонлари йўқ. Олий ўқув юртларига кириш учун биздагидек кириш имтиҳонлари олинмайди. Бироқ ҳар бир абитуриент олий ўқув юртига кириш учун математика ва инглиз тилидан синов (тест) топширади. Бундай тестлар Америкада ҳар йили 3—4 марта ўтказилади. Синов саволлари китоб шаклида ҳар йили чоп этилади. Уларда мингга яқин машқлар, масалалар ва уларнинг ечимлари кўрсатилади. Синфларда қандай саволлар бўлиши бизга ўхшаб сир тутилмайди, балки очиқ-ойдин «математика ва инглиз тилидан бу йил мана шу саволларга жавоб бериш лозим» деб кўрсатилади. Ўқувчилар бу китобни олиб, кириш синовларига тайёрланади.

Америкада талабалар математика ва инглиз тилидан кириш синовларини 10-12 синфларда ўқиб юрган вақтларида, ўзларига қулай пайтда топшира оладилар.

Америка олий ўқув юртларига кириш учун белгиланган синов (тест)лар икки хил бўлади:

SAT (Схоластик аптитюд тест);

AKT (Американ коллеж тест) синовлари.

SAT синовлари мураккаброқ бўлади. Машҳур университетларга кириш учун SAT синовларини топшириш шарт бўлади.

Булардан ташқари Мураккаблаштирилган синов ҳам бор. Бу синовни олий мактабларга кираётган барча талабалар ҳам топширишлари шарт эмас. Мабодо бирор талаба шу мураккаблаштирилган синовларни топшириб университетга кирса, у талабага махсус стипендия берилади. Американинг энг катта бойлиги — бу ақл. Ақл бу мамлакатда қадрланади, ақлли талабалар алоҳида тақдирланади. Ақлли, аълочи талабалар ўқув юртларининг фахри саналгани сабабли ҳам, уларга турли йўллар билан ёрдам бериш, стипендиялар тайинлаш орқали уларни ўқув юртларида сақлашга ҳаракат қиладилар. Ўзи танлаган соҳада ютуқларга эришаётган талабалар рўйхати ҳар йили алоҳида китобда нашр этилиб турилади. Бундан мақсад мазкур соҳа билан қизиқувчи компанияларнинг эътиборини бўлажак олимларга қаратишдир.

Юқорида санаб ўтилган синовларнинг натижалари ва юқори синфларда барча фанлардан олган баҳоларининг ўртача миқдори талабани университетга қабул қилиш ёки қилмаслик учун асос ҳисобланади. Америка коллежлари икки йиллик ва тўрт йиллик бўлади. Икки йиллик коллежларни битирган талаба олий таълим поғонасидаги энг бирламчи даражага эга бўлади. Тўрт йиллик коллежларни тугатган талабалар бакалавр даражасини олиб, олий маълумотнинг биринчи поғонасига эришадилар. Тўрт йиллик коллежлар бизнинг тўрт йиллик институт ва айрим университетларга мос келади. Америка университетлари таркибига икки ва тўрт йиллик коллежлар, илмий-тадқиқот марказлари ҳамда иккинчи босқич олий маълумот берувчи ўқув юртлари киради.

Иккинчи босқич олий маълумот берувчи ўқув юртлари бизнинг аспирантурага тўғри келади. Бу ўқув юртига кириш учун икки фандан

имтиҳон топширилиши шарт. Ўқишни муваффақиятли битирган талаба магистрлик даражасини олади. Магистрлик илмий даражасини олган талаба докторантурага кириши мумкин. Америкада докторантурага кириш учун фақат мутахассисликдан жиддий имтиҳон топширилади. Имтиҳон комиссияси таркибида талабанинг бўлажак илмий раҳбари ҳам иштирок этади. Ўқишни муваффақиятли битириб, диссертация ёқлаган талаба докторлик илмий даражасини олади. Ижтимоий фанлардан докторлик диссертацияси ёқлаган талабаларнинг ҳаммасига «фалсафа доктори» илмий унвони берилади. АҚШ мактаблари — олий мактабгача мана шундай босқичларга эга.

Назорат учун савол ва топшириқлари

Тест. АҚШда таълим тизимининг тузулиши

А. Мактабгача муассасалар, бошланғич таъли, ўрта таълим, қуйи ва юқори босқич, олий таълим.

Б. Мактабгача муассасалар, бошланғич таъли, олий таълим.

С. ўрта таълим, қуйи ва юқори босқич, олий таълим.

Д. Касб-хунар таълими, бизнес, савдо-саноат, қурилиш таълими.

2. АҚШда қрта мактабларда тўрта йўналишда касб-хунар таълими берилади. Ушбу йўналишларни кўрсатинг?

А. Касб-хунар, бизнес, савдо-сотик, қурилиш таълими.

Б. Касб-хунар таълими, академ лицейлар.

С. Гимназиялар, бизнес, қурилиш таълими

Д. Савдо-саноат, касб – хунар, бизнес таълими.

3. АҚШда мажбурий таълим неча ёшгача?

А. 16 ёшгача

Б. 18 ёшгача

С. 14 ёшгача

Д. Мажбурий таъли йўқ.

4. АҚШда олий талим босқичларини кўрсатинг?

А. Кичик мутахассис, бакалавр, магистр мактаби, аспирантура, докторантура.

Б. 2 йиллик коллеж, 4 йиллик дорулфунун.

С. Бакалавр, магистр мактаби, аспирантура, докторантура.

Д. Барча жавоблар тўғри.

5. АҚШда таълим тизимини ўзига хас хусусиятларини изоҳланг

6. Таълимни табақалаштирилган усуллари таҳлил қилинг.

7. Америка олий ўқув юртларига кириш учун белгиланган синовларни тушунтириг.

8. Америка давлат мактабларининг юқори синфларидаги ўқиш-ўқитиш тизими бизникидан қандай фарқ қилади? мисоллар билан асосланг

9. Америкада шахсий мактабларни ўзига хос жиҳатлаини ўрганиб таҳлил қилинг.

10. АҚШ да таълим тизимини Ўзбекистон таълим тизими билан таққослаб ютуқ ва камчиликларини асосланг.

2-асосий савол. Японияда таълим тизими

1-асосий савол бўйича дарс мақсади: Техник жihatдан ривожланган Японияда таълим тизими хусусиятларидан хабардор қилиш. Ютуқларини ўрганиш ва ҳаётга татбиқ қилишга йўналтириш.

Идентив ўқув мақсади:

4. Японияда таълим тизимини ўзига хос жиҳатларини айтиб беради
5. Япония таълим тизимида эришилган ютуқларини сабабларини изоҳлайди.
6. Японияда таълим тизимини Ўзбекистон таълим тизими билан таққослаб ютуқ ва камчиликларини асослайди

2-асосий савол баёни

Япония таълимнинг шаклланиши 1867—1868 йилларда бошланган. Япония ўз олдида икки вазифани: 1—бойиш, 2-Ғарб технологиясини Япония ишлаб чиқаришига киритиш масаласини қўяди ва бу ишни амалга ошириш учун биринчи галда таълим тизимини тубдан ўзгартириш кераклиги айтилади.

1872 йили «Таълим ҳақида Қонун» қабул қилинди. Бунда япон таълими Ғарб таълими билан уйғунлаштирилади. 1908 йил Японияда бошланғич таълим мажбурий 6 йилликка айлантирилди. 1893 йили касб йўналишидаги дастлабки коллеж пайдо бўлди.

1946 йили қабул қилинган Конституция фуқароларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берди. Унда барча болалар бепул умумий таълим олишлари шарт эканлиги белгилаб қўйилган. Ҳозирги замон япон таълим тизимларининг таркиби қуйидагича: боғчалар, бошланғич мактаб, кичик ўрта мактаб, юқори ўрта мактаб, олий таълим тизимларига кирувчи ўқув юртлари. Болалар ёш хусусиятларига қараб 3, 2, 1 йиллик таълим курсларига жалб қилинади. Японияда мактабгача таълим муассасаларининг 59,9% хусусий, 40,8% муниципал, 0,3% давлатникидир.

Мажбурий таълим. Таълимнинг поғонаси 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларни ўз ичига олади. 6 йиллик бошланғич таълим ва 3 йиллик кичик ўрта мактаб, 9 йиллик мажбурий таълимни ташкил этади ва у бепулдир, текин дарсликлар билан таъминланган. Мухтож оилаларнинг болалари бепул нонушта, ўқув қуроллари, тиббий хизмат билан таъминланади. Зарур бўлган тақдирда уларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатилади. Шу қаторда хусусий мактаблар ҳам мавжуд.

Юқори босқич ўрта мактаб 10, 11, 12 синфларни ўз ичига олади, бундай мактабларнинг кундузги, сиртки ва кечки бўлимлари мавжуд. Ўқувчиларнинг 95% кундузги мактабларда ўқийдилар.

Японияда ўқув йили 240 кун (АҚШ 180). Ўқув йили 1 апрелдан бошланиб мартда тугайди. Ёзги каникул июнь ойининг охирида бошланиб, августда тугайди. Дарслар 7 соатдан ўтилади.

Дорилфунунларга катта ўрта мактабни ёки 12 йиллик оддий мактабни тугатган ўқувчилар қабул қилинади. У ерда 460 та университет бўлиб, 95 таси давлат тасарруфида, 34 таси муниципал, 331 таси хусусий, 1-тоифадаги университетларда ҳар бир ўқитувчига 8 нафар, 2-тоифали университетларда эса 20 тадан талаба тўғри келади. Университетларга қабул қилиш икки босқичга бўлинади: 1-босқичи турар жойда ўтказилади: бунинг учун япон, эски япон тили, математика, физика, химия, жамиятшунослик, тарих бўйича тест синовларидан ўтадилар.

Бу синовлардан ўтган ўқувчилар университетларга йўлланма оладилар ва яна синовдан ўтадилар. Хусусий университетларга эса тўғридан-тўғри тест топширилади. Бир қатор хусусий университетлар ўзининг узлуксиз шаҳобчасига эса (боғчадан бошлаб ҳамма босқичларни камраб олади). Университетдан талабаларни ҳайдаб юбориш мумкин эмас. Лекин ўқиш муддатини чўзиш мумкин (4 йиллик ўқиш 5-6 йилгача чўзилиб кетиши мумкин).

Коллежлар:

1-кичик коллеж;

2-техник коллеж

3-махсус коллежларга бўлинади.

Уни битирган талабалар бакалавр дипломини олади ва университетнинг 3 ёки 4 курсларига қабул қилинади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

Тест. 1. Ҳозирги замон япон таълим тизимларининг таркибини аниқланг?

А. Боғчалар, бошланғич мактаб, кичик ўрта мактаб, юқори ўрта мактаб, олий таълим тизимларига кирувчи ўқув юртлари, олий ўқув юртлари.

Б. Боғчалар, бошланғич мактаб, касб-ҳунар, олий

С. Боғчалар, бошланғич мактаб, кичик ўрта мактаб, юқори ўрта мактаб.

Д. Кичик ўрта мактаб, юқори ўрта мактаб, олий таълим

2. Японияда ўқув йили -----

А. 240 кун ўқув йили 1 апрелдан бошланиб 31 мартда тугайди.

Б. 180 кун 1 сентябрдан бошлаб мартгача

С. 200 кун 1 январдан декабргача

Д. 240 кун ўқув йили 1 сентябрдан бошланиб мартда тугайди.

3. Японияда мажбурий таълим -----

А. 6 ёшдан 15 ёшгача бўлади

Б. 7 ёшдан 16 ёшгача бўлади

С. 5 ёшдан 15 ёшгача бўлади

Д. 6 ёшдан 17 ёшгача бўлади

4. Нима учун япон таълими Ғарб таълими билан уйғунлаштирилди?
5. Япония таълим тизимининг қайси жиҳатлари сизни қизиқтиради?
6. Японияда ўаитувчи кадрлар тайёрлаш малакасини шарҳланг?
7. Японияда таълим тизими қандай тузулган?пония таълим тизимининг янгилиги нималардан иборат
8. Техника жиҳатдан ривожланган японияда ҳам ўқитувчи ва ўқувчи муносабатига қандай фикр билдирилган?
9. Японияда таълим муассасалари нима учун халқ томонидан кучли эъзозланади
10. Иқтисодий ривожланган Хоржий давлатларнинг таълим тизими билан Мустақил Ўзбекистон таълими тизимидаги ўхшашликларни изоҳлаб беринг?

3- асосий савол. Жанубий Кореяда таълим тизими

3-асосий савол бўйича дарс мақсади: Жанубий Корея таълим тизими ва унинг хусусиятлари ҳақида маълумот бериш. Иқтисодий ривожланган давлатлар таълим тизиминини ўрганиш ҳиссини тарбиялаш

Идентив ўқув мақсади:

1. Жанубий Корея таълим тизимини ўзига хос жиҳатларини айтиб беради
2. Жанубий Корея таълим тизимида эришилган ютуқларини сабабларини изоҳлайди.
3. Жанубий Корея таълим тизимида кўпроқ этибор бериладиган миллий жиҳатларни асослайди.

3-асосий савол баёни

Жанубий Кореяда таълим ҳақидаги Қонун 1948 йилда қабул қилинган. Таълим тизимига асос қилиб анъанавий ғарб модели олинган: 6 йил — қуйи мактаб, 3 йил — ўрта, яна 3 йил — олий мактаб; сўнгра тўрт йиллик коллеж ва бакалавр унвони берилади; танланган фан яна 2 йил чуқур ўрганилгандан сўнг магистр унвонини олиш мумкин. Фан доктори бўлиш учун яна 3 йил вақт сарфлаш лозим.

Мамлакатда олий ўқув юртларининг ишлари яхши йўлга қўйилган. Кореяда 104 та олий ўқув юрти бор, уларнинг 80 фоизи хусусийдир. Ҳозир мамлакатда олий ўқув юртларида ўқишга қизиқиш жуда кучайиб кетган. Ҳар йили мактабларни битирувчиларнинг 40 фоизи ўқишга киради. Талабалар сони бўйича Корея дунёда биринчи ўринда туради. Лекин мактабгача таълим муассасалари ишида муаммолар бор. Талаб эҳтиёжни қондира олмаяпти. Шунинг учун 1982 йилда мактабгача тарбия ҳақида қонун қабул қилинди. Бу ерда тарбияга болалар боғчасида асос

солинишини яхши тушунишади. Шу туфайли бу тармоқ кейинги йилларда 60 фоизга кенгайди. Бунда диний ташкилотларнинг ҳиссаси каттадир.

Бошланғич мактаб масаласига келганда (бу мактабга олти ёшлилар келишади) синфларнинг тиғизлигини кузатиш мумкин. Ҳар синфда 50 нафаргача бола ўқийди. Дарс нагрузкалари ҳам кўпроқ. Лекин ўйинлар дам олиш ўқув дастурига киритилган. Шунинг учун дам олишга имконият бор.

Бошланғич мактабда дарс 40 минут давом этади. Ўрта мактабда эса дарслар 45 минут.

Олий мактабда дарснинг давомийлиги 50 минутга тенг. Бу ерда икки муҳим жиҳатга тўхталиб ўтиш зарур. Олий мактабга, албатта, кириш имтиҳонлари топшириб кирилади, ўқишлар пуллик.

Бошланғич мактабда 9 та фан ўқитилади. Корейс тилини ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Бундан ташқари арифметика, айрим ижтимоий фанлар ҳам ўқитилади.

Ўрта мактабда фанлар яна 4 тага кўпайтирилган. 7-синфдан бошлаб чет тиллар ўргатилади. Мамлакатда инглиз тилига эътибор кучли. Кўпчилик бу тилда бемалол гаплаша олади. Чет тилларни ўқитишга ҳафтасига 4—5 соат ажратилган. Корейслар яна бир тилни — классик хитой тилини мажбурий равишда ўрганадилар. 8-синфдан бошлаб Хитой тарихи ўрганилади.

Ҳунар мактаблари Кореяда 600 тани ташкил этади. Бу мактабларнинг 45 фоизи бўлажак мулкдорларни тайёрлайди, 23 фоизида техник касб эгалари етишиб чиқади. Қолган мактабларда денгизчилик, қишлоқ хўжалик ихтисослари ўзлаштирилади.

Шуниси диққатга сазоворки, бу мактабларга корхоналар оталиқ қиладилар. Таълим ҳақидаги қонун талабларидан бири шудир.

Кореяда ҳам алоҳида иқтидорли болаларга эътибор кучли. Сўнгги йилларда 5 та спорт, 6 та илмий мактаб очилган. Жисмоний тарбиянинг ривожланишига Сеул олимпиадаси катта таъсир кўрсатган.

Кореяда ногиронларга кўрсатилаётган ғамхўрликни ҳар қадамда кузатиш мумкин. Айтайлик, бу ерда аравачалар ёрдамида ҳаракатланувчилар учун ер ости лифтлари мавжуд, махсус жиҳозланган паст қилиб қурилган телефон-автоматлардан ногиронлар бемалол фойдаланадилар, ривожланишдан орқада қолган болалар учун махсус мактаблар мавжуд. Бу мактабларнинг аксарияти хусусий ёки диний ташкилотларнинг хайрия маблағлари ҳисобига қурилган. Давлат мактабларида дин ўқитилмайди. Лекин 3-синфдан бошлаб «Одобнома» каби махсус фан жорий этилади. Бу фан 12-синфгача ўқитилиб, ҳафтасига 2 соат вақт ажратилган.

Бу фан ўз ичига динни ҳам қабул қилади. У қотиб қолган бир нарса сифатида эмас, қадрият сифатида ўқитилади. Бу бутун тарбия тизими натижасидир. Эҳромларга бориш, тарихий ёдгорликлар билан танишиш, маънавий тарихни ўрганиш мактаб фанининг мажбурий давоми ҳисобланади.

Мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам катта эътибор берилади. Кореядаги барча талабаларнинг 6,5 фоизи бўлажак педагоглардир. Мамлакатда 11 та ўқитувчилар коллежлари мавжуд. Ҳар бир провинция ўз коллежига эга. Бошланғич синфлар ўқитувчиси бўлиш учун 2 йил ўқиш керак. Фан ўқитувчиси бирмунча кўпроқ ўқийди.

Кореяда ўқитувчининг иш ҳақи 700 долларга тенг. Агар бунга педагогика олий ўқув юртларига ўқишга киришдаги юқори танловни ҳам қўшадиган бўлсак, бу мамлакатда ўқитувчи касбининг эъзозланиши сабаблари аёндир.

Жанубий Кореяда таълимнинг обрўси нақадар катталагини куйидаги мисолдан ҳам кўрсак бўлади:

Солиқлар тизимида таълимий солиқ жорий қилинган: ишлаб чиқарувчилар фойданинг маълум фоизини маорифга юборадилар. Давлат бюджетининг 24 фоизи таълимга сарфланади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

Тест. 1. . Жанубий Кореяда таълим тизимини белгиланг

- А. Қуйи мактаб, ўрта, яна олий мактаб
- Б. Бошланғич, ўрта, коллеж, олий.
- С. Умумий ўрта, касб-хунар коллежи, олий таълим
- Д. мактабгача, ўрта, лицей, коллеж, олий таълим

2. Хунар мактаблари Кореяда 600 тани ташкил этади ва унда кўпроқ кимларни тайёрлайди

- А. бўлажак мулкдорларни тайёрлайди
- Б. техник касб эгалари етишиб чиқади
- С. денгизчилик, қишлоқ хўжалик ихтисослари ўзлаштирилади.
- Д. бўлажак мулкдорларни, денгизчилар тайёрланади.

2. Жанубий Корея таълим тизимининг қайси жиҳатлари сизни қизиқтиради?

6. Жанубий Кореяда ўқитувчи кадрлар тайёрлаш малакасини шарҳланг?

7. Жанубий Кореяда таълим тизими қандай тузулган? Жанубий Корея таълим тизимининг янгилиги нималардан иборат

8. Жанубий Корея ўқитувчи ва ўқувчи муносабатига қандай фикр билдирилган?

9. Иқтисодий ривожланган Хоржий давлатларнинг таълим тизими билан Жанубий Корея таълими тизимидаги ўхшашликларни изоҳлаб беринг?

10. Жанубий Корея таълими тизимида нима учун иқтидорли болалар билан ногрон болаларга алоҳида эътибор қаратилади

4- асосий савол Францияда таълим тизими

4-асосий савол бўйича дарс мақсади: Францияда таълим тизимини ўзига хос жиҳатлари билан таништириш. Ривожланган хоржий давлат талабалари билан илмий салоҳият жиҳатидан баҳслашиш ҳиссини уйғотиш

Идентив ўқув мақсади:

1. Францияда таълим тизимини ўзига хос жиҳатларини айтиб беради
2. Францияда таълим тизимида эришилган ютуқларини сабабларини изоҳлайди.
3. Францияда таълим тизимини ривожланган хоржий давлатлар таълим тизимидан фарқли томонларини асослайди.

4-асосий савол баёни

Франция таълим тизими ҳам қадимий ва бой тарихга эга. Бу мамлакатда «Таълим ҳақида»ги Қонун дастлаб 1955 йилда қабул қилиниб, 1975 йилда унга қатор ўзгартиришлар киритилган.

Франция давлатининг ҳозирги даврда амал қилинаётган «Таълим ҳақида»ги Қонуни 1989 йил 10 июлда қабул қилинган бўлиб, унинг ўзгартирилишига таълим стратегиясида рўй берган ўзгаришлар, мамлакатнинг ички, ташқи сиёсатдаги ислохатлар, юзага келган иқтисодий шароитлар, чет эл педагогикасидаги илғор тажрибаларнинг мамлакат таълим тизимларига кириб келиши, ўқув предметларининг интеграциялари ва бошқалар сабаб бўлди.

Францияда таълимнинг асосий мақсади шахснинг ҳар томонлама камол топишини таъминлаш, уни мустақил фаолиятга тайёрлаш, бозор муносабатлари шароитида ўқувчиларни тадбиркорликка, ишбилармонлик ва омилкорликка ўргатиш, шунга яраша касб-корга эга қилишдан иборатдир. Бу ерда:

1. Давлат мактаблари;
2. Хусусий мактаблар;
3. Оралиқ мактаблари мавжуд.

Ўқитиладиган предметлар ичида француз тили ва адабиёти, ўқиш ва ёзув алоҳида аҳамиятга молик бўлиб ҳисобланади. Улар учун дарс вақтининг 30% ажратилади. Ўртача ҳафталик соатлар 26 соатдан иборат, дарснинг давомийлиги эса 60 минут. Ўқув йили 5 чоракка бўлинади. Француз мактаблари бошланғич синфларида ўқиш эрталабки ва тушдан кейинги қисмларга бўлинади. Эрталаб ўқувчилар она тилидан, тушдан кейин эса математика ва бошқа предметлардан сабоқ оладилар. Математика, она тили ва адабиёти база предмети, тарих, география, меҳнат, жисмоний тарбия предметлари эса ривожлантирувчи предметлар ҳисобланади.

Франция таълимида болаларнинг гўдаклик чоғиданоқ мактабда ўқитиш учун тайёр ҳолда олиб келиш ғоят муҳим масала ҳисобланади. Бу босқичда тарбияланувчилар қуйидагича табақалаштирилган: кичик гуруҳ (2-4 ёш), ўрта гуруҳ (4-5 ёш), катта гуруҳ (5-6 ёш). Мактабга тайёрлов гуруҳи (5-6 ёш) бўлиб, уларга Францияда 100% шу ёшдаги болалар қамраб

олинган. Болаларни мактабга тайёрлаш учун алоҳида дастур ва дарсликлар мавжуд.

Францияда бошланғич таълим мактабларига 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар жалб қилинадилар. Бошланғич мактаб бепул ва мажбурий. Унинг вазифаси ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш малакасини беришдир. Ўқув машғулотилари эрталаб соат 9 дан 12 гача, ҳамда соат 14 дан 16 гача 5 соат давом этади. Мактабда овқатланиш пуллик, лекин жуда арзонлаштирилган нархларда. Бошланғич синфларда ўқиш уч босқичда амалга оширилади:

1. Тайёрлов босқичи;
2. Элементар курс (бу босқич икки йил давом этади);
3. Чуқурлаштирилган босқич.

Дастурларда ўқув предметларнинг барчасига уч босқич бўйича аниқ, алоҳида-алоҳида талаблар қўйилади.

1990 йилдаги ҳукумат қарорида болаларни билимига, қобилиятига қараб дарс жадвалини табақалаштирган ҳолда тузиш ҳукуқи берилди.

Ўқувчилар 11 ёшда бошланғич мактабни тугаллаб ўрта мактабга ўтадилар. Ўрта таълим эса коллежлар ва лицейларда амалга оширилади. Ўрта таълим икки босқичда берилади. Биринчи босқич (11 ёшдан 15 ёшгача) 4 йил бўлиб, энг кичик синф 6-синф, 5-4 ўрта синф, 3-синф эса катта синф ҳисобланади. Демак синфларни рақамлаш юқоридан пастга қараб амалга оширилади. 6-5 синфлар умумий ўрта таълим, 4-3 синфлар эса ўқувчиларнинг мойиллигига қараб берилади. Бу биринчи босқични тугатгач, ўқувчилар касбий йўналишлари бўйича гувоҳнома оладилар. Сўнгра иккинчи босқич бошланади. Бу босқичда 15-18 ёшгача бўлган болалар таълим оладилар. Улар уч йил ўқиб бакалавр унвони ва дипломи учун имтиҳон топширадилар. Ана шунда диплом олган ўқувчиларгина олий ўқув юртларга қабул қилиниш ҳукуқига эга бўладилар. Францияда талабалар педагогика, политехника институти, олий маъмурий мактабларга кириш учунгина имтиҳон топширадилар. Бундан ташқари шу касбга мойиллиги ҳам алоҳида синаб кўрилади. Бошқа олийгоҳларга ва университетларга эса бакалавр дипломи бўлган ёшлар имтиҳонсиз қабул қилинаверади.

Олий таълим университетларда уч туркумда амалга оширилади.

Биринчи туркум: умумий бўлиб, ўқиш муддати икки йил давом этади.

Иккинчи туркум: ўқиш бир йил давом этади. Талабалар уни магистр даражаси билан якунлайди.

Учинчи туркум: ўқиш 1—2 йил давом этади. Бу циклда:

- бирон бир предметни чуқурлаштириб ўрганилганлиги ҳақида диплом 1 йил;

- ихтисослаштирилган олий маълумот тўғрисида диплом 1-йил;

- учинчи туркум докторлик диссертацияси 1—2 йил;

- давлат докторлик диссертацияси бирон-бир соҳани мукаммал ўрганиб диссертация ёзиш каби ҳужжатлар олиш мумкин.

Францияда олий маълумот ва ихтисос берувчи олий технологик институтлар мингдан ортиқ. Улар одатда саноат, маиший хизмат кўрсатиш, информатика мутахассисликларига ихтисослашган. Ўқиш муддати 2 йил бўлиб, саккиз ҳафталик ишлаб чиқариш амалиётини ҳам кўзда тутди.

Сиртки таълим шохобчалари жуда кенг бўлиб, у 500 турдаги ўрта, олий профессионал маълумот беришни тавсия эта олади.

Францияда мактаб раҳбарлиги лавозимида эришмоқ учун таълимга раҳбарлик қилишдан сабоқ берувчи махсус марказларда ўқийдилар. Бундай марказларда улар раҳбарлик қилиш, мактаб иқтисодиётини бошқариш, таълимдаги юридик масалалар, қонунчилик, ота-оналар билан ишлаш, маданий оқартув ишларини ташкил этиш, жамоада яхши психологик муҳитни барпо этиш каби жиҳатларни ўрганади. Ўқишни яқунлагач, суҳбатдан, тест имтиҳонларидан ўтадилар. Директор дарс бермайди. Унинг иш фаолиятини икки йил давомида диққат билан кузатиб борилади. Шу икки йил давомида мактаб директори талантли ташкилотчи, етук раҳбар сифатида фаолият кўрсата олмаса, у бу лавозимидан олиб ташланади. Мактаб ўқувчиларига қўйилган талаб Францияда ўта юқори. Айниқса, бошланғич мактабларда ўқитувчи ўз касбини устаси, ажойиб нотик, санъаткор, мусиқачи, спортчи, ташкилотчи, намунали хулқ-атвор эгаси бўлмоғи лозим.

Ўқитувчилар ўз назарий — услубий малакаларини оширишга аҳамият берадилар. Малака ошириш курсларидан ўтиш учун аниқ муддат белгилаб қўйилмаган. Ўқитувчилар ўз ихтиёрлари билан тест марказларида имтиҳон топширадилар.

Шу имтиҳонлар даврида ўқитувчи фаолиятида айрим нуқсонлар сезилиб, малака оширишга эҳтиёж аниқланса, ўз вақти ва маблағлари ҳисобига малака оширилади.

2000 йилда Франция мактабларидаги аҳвол синчиклаб ўрганилиб, ўқувчиларнинг кўпчилик дарсларга кирмай бошқа ишлар билан машғул бўлиб юриши аниқлангач, бу камчиликни тузатиш учун жиддий чоралар кўрилмоқда. Полицияни бу ишга жалб этиб, дарс вақтида бошқа жойларда юрган болаларни тутиш, уларга жарима солиш ва мактабга элтиб қўйиш юклатилади. Ўз фарзандларини мактабга юбормоган ота-оналарни эса суд ҳукми билан жазоланади. Унда ҳатто қамоқ жазоси ҳам белгилаб қўйилган. Чунки айнан дарсга қатнашмай юрган болалар ўртасида наркомания ва ҳуқуқбузарлик каби ҳолатлар кўп учрайди. Умуман Францияда таълим тизимини ривожлантириш учун бу йил жуда катта маблағ ажратилган.

Назорат учун савол ва топшириқлар

Тест. 1. Францияда таълимнинг асосий мақсадини кўрсатинг?

А. Шахснинг ҳар томонлама камол топишини таъминлаш, уни мустақил фаолиятга тайёрлаш, бозор муносабатлари шароитида ўқувчиларни

тадбиркорликка, ишбилармонлик ва омилкорликка ўргатиш, шунга яраша касб-корга эга қилишдан иборатдир.

Б. Шахснинг ҳар томонлама камол топишини таъминлаш битлан бирга француз тили ва адабиёти, ўқиш ва ёзув алоҳида аҳамиятга эга.

С. Шахснинг ҳар томонлама камол топишини таъминлаш шунга яраша касб-корга эга қилишдан иборатдир.

Д. комил инсонни тарбиялаб вояга етказиш.

2. Бошланғич синфларда ўқиш неча босқичда амалга оширилади:

А. уч босқичда; тайёрлов босқичи; элементар курс, чуқурлаштирилган босқич.

Б. икки босқичда; элементар курс (бу босқич икки йил давом этади); чуқурлаштирилган босқич.

С. уч босқичда; бошланғич, чуқурлаштирилган, элементар босқич.

Д. тўрт босқичда; тайёрлов, бошланғич, чуқурлаштирилган, элементар босқич.

3. Францияда олий таълим хусусиятини кўрсатинг-----

А. умумий бўлиб, ўқиш муддати икки йил, магистр даражаси, бирон бир предметни чуқурлаштириб ўрганилганлиги ҳақида диплом 1 йил, ихтисослаштирилган олий маълумот тўғрисида диплом 1-йил, докторлик диссертацияси 1—2 йил;

Б. Бакалавр, магистратура, аспирантура, доктарантура

С. Бакалавр, магистратура, доктарантура

Д. Бакалавр, магистратура, кичик, ката илмий ходим, доктарантура

4. Францияда таълим тизимининг қайси жиҳатлари сизни қизиқтиради?

5. Францияда ўқитувчи кадрлар тайёрлаш малакасини шарҳланг?

6. Францияда ўқитувчи касига ўта юқори талаб қўйилишини сабаблари аниқланг. Фикрингизни тўғрилигини исботланг.

7. Францияда таълим тизими қандай тузулган? Францияда таълим тизимининг янгилиги нималардан иборат

8. Францияда ўқитувчи ва ўқувчи муносабатига қандай фикр билдирилган?

9. Иқтисодий ривожланган Хоржий давлатларнинг таълим тизими билан Францияда таълими тизимидаги ўхшашликларни изоҳлаб беринг?

10. Францияда таълими тизимида нима учун сиртқи таълимга алоҳида эътибор қаратилагн?

5- асосий савол. Германияда таълим тизими

5-асосий савол бўйича дарс мақсади: Германияда таълим тизимини ўзига хос жиҳатлари билан таништириш. Ривожланган хоржий давлатлардаги таълим соҳасидаги ислохатларни ўрганишга қизиқишни уйғотиш, миллий хусусиятлари билан фахрланиш ҳиссини тарбиялаш

Идентив ўқув мақсади:

1. Германияда таълим тизимини ўзига хос жиҳатларини айтиб беради

2. Германияда таълим тизимида эришилган ютуқларини сабабларини изоҳлайди.
3. Германияда таълим тизимини ривожланган хоржий давлатлар таълим тизимидан фарқли томонларини асослайди.

5-асосий савол баёни

Мактабгача тарбия тизими Германия таълим тизимида ҳам муҳим босқич ҳисобланади. Унинг 100 йилдан ортиқ тарихи бор. Болалар боғчалари таълимнинг қуйи босқичи ҳисоблансада, лекин у давлат тизими таркибига кирмайди. Боғчаларни маблағ билан таъминлаш турли жамоат ташкилотлари, хайрия бирлашмалари, корхоналар, хусусий шахслар, диний муассасалар зиммасидадир. Ота-оналар болалар боғчаларига ўз фарзандларини тарбиялаётганликлари учун анча миқдорда пул тўлайдилар. 3 ёшдан 6 ёшгача болаларнинг 80% боғчаларга қатнайди. Германияда одатда болалар боғчада тушгача тарбияланадилар. Куннинг ярмида эса уйда, оилада бўладилар. Германияда куни узайтирилган боғчалар ҳам бор.

Мажбурий таълим 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга тегишли, яъни бу жараён 12 йил давом этади. Бундан 9 йиллик (баъзи жойларда 10 йил) мактабда тўла ҳафталик ўқишда ўқийди. Ўқиш давлат мактабларида текин. Хусусий мактаблар озроқ. Ўқиш 6 ёшдан бошланиб, 4 йил давом этади (фақат Берлинда 6 йил). Бошланғич мактабдан сўнг ўқувчилар йўналиш босқичидаги мактабга ўтадилар. Бу ерда 5-6 синф босқичидаги йўналиш мактабларда махсус дастур асосида ўқийдилар. Кейин навбатдаги мактаб типига кўчадилар: булар — асосий, махсус мактаб, реал билим юртлари. Деярли 30% бола асосий мактабга ўтади. 9 ёки 10 йиллик ўқиш тугатилгандан кейин касбий тайёргарликка ўтилади. Махсус мактабларда нуқсонга эга бўлган болалар ўқийди. Реал билим юртлари асосий мактаб ва юқори босқич мактаби ўртасида туради. Қоидага кўра бу ерда ўқиш 6 йил давом этади (5-10 синфгача) ва тўла ўрта маълумот бериш билан тугалланади. Билим юртини тугатганлар ўрта махсус ўқув юртига ёки юқори босқичдаги ҳунар-техника мактабига кириб ўқиш ҳуқуқига эга бўлади. Германияда гимназиялар ҳам мавжуд. Улар 5-13 синфларни ўз ичига олади. 11-13 синфлар олий ўқув юртларига тайёрлаш вазифасини ҳам бажаради. Гимназияни битирганлик ҳақидаги етуклик аттестати олий ўқув юртида ўқиш имконини беради. Германия таълим тизимида ҳунар таълими муҳим аҳамиятга эга, чунки юқори малакали ишчиларга бўлган талаб кучлидир. Тўлиқсиз ўрта мактабни битирувчиларнинг эса 20% ҳунар таълими тизимида билим олишни давом эттирадилар. Аксарият ҳолларда ўқиш муддати 3—3,5 йилни ташкил этади. Ўқиш уч босқичдан иборат бўлиб, биринчи йили асосий ҳунар таълими берилади. Бунга ўқитилаётган касбга тааллуқли махсус фанлардан назарий асослар берилиб, йирик корхоналарда амалий машғулотлар ўтказилади. Иккинчи йил давомида махсус ҳунар таълими берилади. Ўқувчининг биринчи йилда иккинчи йилга ўтиши синов имтиҳонлари ўтказилиб ўқишни давом эттирувчи

ёшлар танлаб олинади. Учинчи йил давомида махсус ҳунар таълими янада чуқурлаштирилиб борилади. Битирув имтиҳонлари махсус комиссия томонидан қабул қилинади. Комиссия аъзолари корхоналарнинг етакчи мутахассислари, федерал ерлардаги саноат палатаси, ҳунармандчилик палатаси вакилларида ташкил топади. Ҳунар мактабларининг дипломлари олий ўқув юртларига кириш учун ҳуқуқ бермайди. Бунинг учун 1 йиллик тайёрлов курсларини тугатиш талаб этилади. Ўқишга қабул қилиш имтиҳонсиз мактаб таълими тўғрисидаги ҳужжатга асосан оширилади.

Олий мактаб ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга. Олий ўқув юртини штатдаги ректор ёки бир неча йилга сайланган Президент бошқаради. Ўз-ўзини бошқаришда вазифалари аниқ тақсимлаб берилган бир неча гуруҳлар босқичма-босқич иштироки принципига амал қилинади. Унинг таркибига профессор-ўқитувчилар, ўқувчилар, илмий ходимлар ва бошқа ходимлар киради. Талабалар ўқиши эркин ташкил этилган. Кўп сонли ўқув босқичлари билан бирга ўқув режалари таклиф этилади. Ўқишга ҳақ тўланмайди. Агар талаба ёки уларнинг ота-оналари озик-овқат харажатларини кўтара олмаса ўқиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги федерал қонунга кўра улар молия ёрдамида оладилар. Бу ёрдамнинг ярми стипендияга қўшиб берилса, иккинчи ярми қарз тариқасида берилади.

Мамлакатда таълимнинг ислоҳ қилиш масаласи кўпдан буён муҳокама қилинмоқда, бунда ўқув жараёнини қисқартириш таклиф қилинмоқда. Ҳозир университетларда талабалар 7 йил ўқийди. Улар ўқишга кирганларига қадар корхоналарда бир неча йил ишлашлари ёки бундесверда хизмат қилишни ҳисобга олсак, талабалар ҳақиқий меҳнат фаолиятларини анча кеч бошлаётганлигини тушунамиз.

Германияда Халқ университетлари мавжуд бўлиб, улар партия ва диндан ташқари муассаса. Уларнинг кўпчилиги кечки бўлиб, фақат 1989 йилда университетларда 400000 курслар ташкил этилган ва бу курсларда, 5,5 млн. тингловчи малака оширган. Давлат малака оширганларни рағбатлантиради ва бу учун ҳар йили 5,5 млн. марка маблағ ажратади. Малака ошириш курсларида ўқиш даврида тингловчиларга маблағ билан молиявий ёрдам берадилар. Асосан ишсизлар ўз малакасини ошириш имкониятларидан кўпроқ фойдаланадилар ва бу билан иш топишлари тезлашади. Ярим йил давомида малака оширган ишчиларнинг 75% иш билан таъминланади. Черковлар ҳам фуқароларнинг билим даражаларини оширишда фаол иштирок этади. Евангель черкови ўзининг 15 академиясида долзарб мавзулар бўйича конференциялар ташкил этади.

Католиклар малака оширишда никоҳ, оила масалаларига, теология ва маданият соҳаларига катта аҳамият берадилар.

Олий ўқув юртларида тадқиқот билан шуғулланиш уларнинг қадимий анъаналаридан бири. Ўтган аср бошларида Вильгельм фон Гумбольдт прусс университетларини ислоҳ қилди, ўшандан бери «Тадқиқот ва ўқитиш бирлиги» уларнинг ҳаётий принципларига айланиб

қолган. Олий ўқув юртлари тадқиқотларининг асосий йўналиши-фундаментал амалий тадқиқот бўлиб, уларга бошқа илмий-текшириш институтлари, саноат лабораториялари яқиндан ёрдам беради. Германия таълими ўзига хос йўналишга, жуда мураккаб тизимга эга. Шу билан бир қаторда ҳозирда Германияда таълим тизимини ислоҳ этиш йўлида янги изланишлар олиб борилмоқда.

Назорат учун савол ва топшириқлар

Тест.1. Германияда мажбурий таълим неча ёшдан белгиланган?

А. 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга тегишли, яъни бу жараён 12 йил давом этади.

Б. 5 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларга тегишли, яъни бу жараён 12 йил давом этади

С. 7 ёшдан 19 ёшгача бўлган болаларга тегишли, яъни бу жараён 12 йил давом этади

Д. 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга тегишли, яъни бу жараён 15 йил давом этади

2. Германияда гимназиялар қайси синфларни ўз ичига олади.

А. 5-13 синфларни ўз ичига олади.

Б. 11-13 синфларни ўз ичига олади.

С. 6-12 синфларни ўз ичига олади.

Д. 7-11 синфларни ўз ичига олади.

3. Германияда олий ўқув юртлари тадқиқотларининг асосий йўналишини кўрсатинг?

А. -фундаментал амалий тадқиқот бўлиб, уларга бошқа илмий-текшириш институтлари, саноат лабораториялари яқиндан ёрдам беради

Б. инновацион -амалий тадқиқот бўлиб, уларга бошқа илмий-текшириш институтлари, саноат лабораториялари яқиндан ёрдам беради

С. Илмий- амалий тадқиқот бўлиб, уларга бошқа илмий-текшириш институтлари, саноат лабораториялари яқиндан ёрдам беради

Д. техник- амалий тадқиқот бўлиб, уларга бошқа илмий-текшириш институтлари, саноат лабораториялари яқиндан ёрдам беради

4. Ривожланган хорижий давлатларда таълим йўналишлари қандай белгиланган?

5. Германияда таълим тизими қандай ташкил этилган?

6. Германия таълим тизими ҳақида гапириб беринг.

7. Германияда таълим тизими қандай ташкил этилган?

8. Германияда таълим тизимини сўзлаб беринг.

9. Вильгельм фон Гумбольдт Прусс университетларини ислоҳ қилдиниши ҳақида гапириб беринг.

10 Ўзбекистонда хорижий мамлакатлар тажрибасидан қандай фойдаланиш мумкин?

Мустақил иш топшириқлари:

1. Иқтисодий ривожланган хоржий давлатларда таълим тизими таснифи
2. АҚШда таълим тизимини ривожланиш сабаблари ва унинг ўзига хос хусусиятлари
3. Иқтисодий ривожланган хоржий давлатларда таълимда «табақалаштириш» усули хусусиятлар.
4. Япония таълимнинг шаклланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари
5. Иқтисодий ривожланган хоржий давлатларда ўқитувчилар тайёрлаш масаласи.
6. АҚШ педагогикасидаги таълимотларни ўрганиб изоҳланг
7. Япония таълимида эаг асосий педагогик ғояларни ўрганиб асосланг.
8. жаҳонда энг етакчи ўринда турган (олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш) давлатларни санаб тизимлаштиринг.
9. Бизнинг таълим тизимимиз жаҳонни ривожланган давлатлари томонидан қандай баҳоланмоқда.
- 10.«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иқтисодий ривожланган давлатлар таълим қонунидан фарқли ва устун жиҳатларини ўрганиб, асосланг.

Мавзу бўйича илмий хулосалар:

1. Жаҳоннинг юксак даражада тараққий этган давлатларида таълим-тарбия ишларининг йўлга қўйилиши, мактабларда амалга оширилган муваффақиятларни ўрганиш орқали биз мустақил Ўзбекистонда миллий таълим тизимларини янгидан ташкил қилишда бой манбаларга эга бўламиз.
2. Чет эл таълими тизимларидан бизнинг мутахассисларни воқиф қилишда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, элчихоналар АҚШ нинг Тинчлик корпуси мутахассислари, ЮНЕСКОнинг ЮНИСЕФнинг ваколатхоналари ва бошқа кўплаб ташкилотлар яқиндан ёрдам бермоқда.
3. Ривожланган давлатлардаги ибратли жиҳатларни Ватанимиз таълим тизимларида қўллаш ёш, мустақил Республикада ўқув-тарбия ишларини тезлаштиради.
4. Олий ўқув юртларида илмий изланишлар олиб бориш бўйича АҚШ жаҳон мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.
5. Япония мактабларида ўқиш 1- апрелданбошлаб, келаси йилнинг 31 мартада ниҳоясига етади. Дорилфунунлар, кичик коллежлар, техник коллежлар, махсус ихтисослаштирилган коллежлар олий таълим тизимини ташкил этади.
6. Республикамиз Олий мажлисининг 1- чақириқ 9-сессиясида таълимга оид икки муҳим ҳужжат – “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши мамлакат таълимини жаҳон андозаларига, ривожланган хоржий давлатлардаги таълим-тарбия ва мактаб савиясига олиб чиқишда улкан воқеа бўлди.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда таълим тизими ва мактабларда таълим-тарбия амалиётидан ёшларни ҳабардор қилишнинг яхлит тизимини ишлаб чиқиш.
2. Жаҳон мамлакатларидаги замонавий-ижтимоий билимлар тизимида педагогика фани ва унинг асосий омилларини илмий- назарий асосларини ишлаб чиқиш
3. АҚШ, Япония, Англия, Туркия, Жанубий Кореяда таълим ва тарбия тизими, мазмуни ва тараққиётини ўзига хос хусусиятларини ўрганиб, ижобий ютуқларидан узлуксиз таъли тизимига тадбиқ этиш технологиясини ишлаб чиқиш.
4. Америка мактабларида техникавий жиҳатдан яхши жиҳозланган, синфлар компьютерлаштирилган ушбу хусусиятларни ўрганиб Ватанимиз таълим тизимига тадбиқ этиш.
5. Америка олий ўқув юртларига кириш учун белгиланган синов тестларни Ватанимиз олий ўқув юртларига кириш тестлари сифатида фойдаланиб олинган натижаларни таҳлил қилиш.
6. Ривожланган ҳоржий мамлакатларга чиқиб таълим соҳасидаги ислоҳатларни ўрганиб, ҳаётга тадбиқ этиш тизимини ишлаб чиқиш.

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

8. Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳомидов Ҳ. Педагогика тарихи.- Т.: “Ўқитувчи”, 1997.
9. Ҳошимов К., Нишонов С., Иномова М., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи.-Т.: “Ўқитувчи”, 1996.
10. Зиёмхаммадов Б. Педагогика. Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма -Т. “Турон-Иқбол”.-2006.
11. Маънавият дарслари. Тузувчи: С.Нишонов.-Т., Ўқитувчи, 1994.
12. О.Ҳасанбоева, Ж.Ҳасанбоев, Х.Ҳамидов. Педагогика тарихи. Ўқув қўлланма Т., “Ўқитувчи”1997.
13. Р. Ҳасанов «Иқтисодий ривожланган ҳоржий давлатларда таълим-тарбия».-Т.: МРДП,2000.

Қўшимча адабиётлар

6. Педагогика тарихидан хрестоматия. (Тузувчи: О.Ҳасанбоева)Т.: “Ўқитувчи”, 1990.
7. Ўзбек педагогикаси анталогияси 1-2 т. (тузувчилар К.Ҳошимов, С.Очил. Ўқитувчи, 1995-2000).

8. Ўзбек педагогикаси антологияси (Тузувчи К.Ҳошимов, Сафо Очил) Т.: “Ўқитувчи”, 1995.
9. Педагогика тарихи. 1-жилд. (Тузувчилар: К.Ҳошимов, Ш.Авазов, М.Ҳошимова) Т., 2001.
10. Педагогика тарихи. 2-жилд. (Тузувчилар: К.Ҳошимов, Ш.Авазов, М.Ҳошимова) Т., 2001.
11. www.gduportal.uz
12. [http:// www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) ,
13. (www.google.com),
14. www.World, [www. ask](http://www.ask).

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

**«Энг қадимги даврдан вў асргача педагогика
назарияси ва амалиётининг ривожланиши»
мавзусидаги амалий машғулотнинг технологик харитаси**

Т-р, босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул
1- босқич	<p>Дарс мақсади: Педагогиканинг фан сифатида шаклланишида энг қадимги ёдгорликлардаги инсон тарбиясига оид фикрларни талабалар онгига етказиш. Талабаларда педагогика тарихини ўрганишга қизиқиш уйғотиш.</p> <p>Идентив ўқув мақсад:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Педагогика фан сифатида шаклланишида энг қадимги ёдгорликлардаги инсон тарбиясига оид фикрларни фарқлайди. • Энг қадимги ёдгорликлардаги инсон тарбиясига оид фикрларни асослаб беради. • «Авесто»-энг қадимги ёзма маърифий ёдгорлик сифатида эканлигининг моҳиятини сўзлаб беради. • Қадимги ёзма маърифий ёдгорликлар ва туркий халқлар ахлоқ-одоб тизимининг ўзига хос анъанавий хусусиятларининг моҳиятини тушунтириб беради. 	Ўқитувчи

2- босқич	<p>Асосий тушунчалар: Маданий анъаналар, қадимий маданият, таълим тарбияга оид бой мерослар, ижодий мерос, санъат ва адабиёт намуналари, маънавий маданият ёдгорликлари, тарихий жараён, афсона ва ривоятлар, зардуштийлик, Авесто, зардушт таълимоти, ҳаётий йўл-йўриқлар, инсоний ҳислатлар.</p> <p>Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳда ишлаш.</p> <p>Воситалар: дарслик, тест ишланмалари, халқ оғзаки ижоди намуналари, педагогик тушунчалар изоҳланган жадвал, махсус мавзуга оид види ,аудио лавҳалар, кўргазмали қуроллар:</p> <p>Метод ва усуллар: китоб билан ишлаш, кузатиш, тушунтириш, амалий машқ, “Ровен доирвчалари”, “Ф С М У”технологиясидан фойдаланиш.</p>	Ўқитувчи
3- босқич	<p>Гуруҳда ишлаш :</p> <ul style="list-style-type: none"> •Энг қадимги ёдгорликлардаги инсон тарбиясига оид фикрларни шарҳлаб беради. • Педгогик таълимотларнинг ривожланиш хусусиятларини текшириб кўради. •«Авесто»даги инсон камолатига оид таълимотни бошқа муқаддаси китоблар билан таққослаб кўради.. • Қадимги ёзма маърифий ёдгорликлар ва туркий халқлар ахлоқ-одоб ёдгорликлардан фарқли томонларини тушунтириб тарбиявий аҳамиятини асослаб беради. 	<ul style="list-style-type: none"> • Талаба
4- босқич	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар</p> <ul style="list-style-type: none"> • Энг қадимги ёдгорликларни ўрганиб чиқинг ва улардаги инсон тарбиясига оид фикрларни моҳиятини изоҳланг. • Миллий умуминсоний тарбияда қадимги ёдгорликларнинг ўзига хослигини, ҳамда узвийбоғлиқлигини таққослаб кўринг • «Авесто»даги миллий ва умуминсоний тарбияда тутган ўрни бошқа тарихий манбалар билан таққослаб аҳамиятини асослаб беринг. • Энг қадимги ёзма маърифий ёдгорликлар туркий халқлар ахлоқ-одаб тизимининг ўзига хос анъанавий хусусиятларини бир-бири билан таққосланг. • Тест саволларини ечиш 	Ўқитувчи-талаба

	• Микрогуруҳлар ишини баҳолаш.	
5-босқич	Умумий якуний хулосалар чиқариш. Мақсад ва вазифалар бажарилганлиги таҳлил қилинади, тегишли таклифлар берилади, мустақил иш топшириқлари берилади.	Ўқитувчи

**«Ислом дини таълимотида педагогика ғоялар»
мавзусидаги амалий машғулотнинг технологик харитаси**

Т-р, босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул
1-босқич	Дарс мақсади: Ислом дини ғояларининг таълим-тарбияга таъсирининг моҳиятини талабаларга тушунтирилади, ислом дини ғояларини тўғри талқин этиш ва уни мукаммал ўрганишга қизиқиш уйғотилади Идентив ўқув мақсад: •Ислом дини ғояларининг моҳиятини тушунтириб беришради; •Мусулмон мактабларида таълим – тарбиянинг мазмуни тушунтириб беришради. •Хадис илмининг таълимий-тарбиявий аҳамиятини тушутириб беришради. Суфийлик таълимотидаги етук инсон муаммоси талқинини тушунтириб беришради	Ўқитувчи
2-босқич	Асосий тушунчалар: «Қрьон» тенглик тотувлик сура инсонпарварлик тарғиботи руҳий маънавий поклик етуклик, ислом ақидалари, ахлоқий-ҳуқуқий тамийллар, эътиқод, эҳтиром, этика, намоз, за+иёт, рамозон, хаж қилиш. Маънавий эҳтиёж, борлиқни мафкуравий идрок этиш, хадис, сунна, ривоят ижодий мерос. Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳда ишлаш. Воситалар: дарслик, тест ишланмалари, халқ оғзаки ижоди намуналари, педагогик тушунчалар изоҳланган жадвал, махсус педагогика намуналари, кўргазмали қуроллар.: Метод ва усуллар: китоб билан ишлаш, кузатиш, тушунтириш, амалий машқ.	Ўқитувчи
3-босқич	Гуруҳда ишлаш • Ислом дини ғояларининг таълим-тарбия таъсирини асослаб беришради;	

	<ul style="list-style-type: none"> • Мусулмон мактабларида таълим – тарбиянинг мазмунини таҳлил қилади. • Хадис илми ва унинг номоёндаларини таълим-тарбия ривожига қўшган хиссаларини таҳлил қилиб беришради. • Суфийлик таълимотидаги етук инсон муаммоси талқинини таҳлил қилиб беришради. 	Талаба
4-босқич	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ислонда умуминсоний тарбиянинг ўзига хос томонларини миллий тарбияга узвийбоғлиқлигини таққослаб кўринг. • Мусулмон мактабларда борликни мавқўравий идрок этишнинг асосий шАқллари бўлган ислон таълимотининг таъсирини таққослаб беришринг. • Хадис илмининг моҳиятини ва хадис илми муҳаддисларининг асарларини мазмунини таҳлил қилинг; • «Қрўони карим»да илгари сурилган таълим-тарбияга оид ғояларини суфийликда илгари сурилган ғояларга узвийбоғлиқлигини таққослаб кўринг; <p>-Тест саволларини ечиш - Микрогуруҳлар ишини баҳолаш.</p>	Ўқитувчи-талаба
5-босқич	<p>Умумий якуний хулосалар чиқариш.</p> <p>Мақсад ва вазифалар бажарилганлиги таҳлил қилинади, тегишли таклифлар берилади, мустақил иш топшириқлари берилади.</p>	Ўқитувчи

11 «Шарқ уйғониш даврида педагогиканинг тараққиёти» мавзусидаги амалий машғулотнинг технологик харитаси

Т-р, босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул
1-босқич	<p>Дарс мақсади: Шарқ уйғониш даврдаги таълим-тарбиянинг моҳиятини талабаларга тушунтиради, шарқ уйғониш таълим-тарбиявий фикрларни тўғри талқин этади. Мутафаккир олимлардаги хислатларни ўрганиб ўзларида кўникишхосил қилишга ўргатади.</p> <p>Идентив ўқув мақсад:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Шарқ уйғониш даврдаги таълим-тарбиянинг 	Ўқитувчи

	<p>моҳиятини тушунтириб беришради.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Абу Насир Фаробийнинг педагогика тараққиётига қўшган хиссасининг моҳиятини тушунтириб беришради. • Унинг таълим-тарбиявий фикрларини изоҳлаб беришради. • Шарқ уйғониш даврининг жамият аъзоларини таълим-тарбияга бўлган муносабатини изоҳлаб беришради. 	
2- босқич	<p>Асосий тушунчалар: Ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, шарқ уйғониш даври, маданий-маърифий ҳаёт, маданий ривожлантириш замини, академия, расадхона, маданий юксалиш, Сомонийлар давлати, ахлоқий хислатлар.</p> <p>Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳда ишлаш.</p> <p>Воситалар: дарслик, тест ишланмалари, халқ оғзаки ижоди намуналари, педагогик тушунчалар изоҳланган жадвал, махсус педагогика намуналари, кўргазмали куроллар.:</p> <p>Метод ва усуллар: китоб билан ишлаш, кузатиш, тушунтириш, амалий машқ.</p>	Ўқитувчи
3- босқич	<p>Гуруҳда ишлаш</p> <ul style="list-style-type: none"> • Шарқ уйғониш даври таълим-тарбиясини ҳозирги давр таълим-тарбиясига таққослаб беришради. • Мўтафаккирнинг инсон камолатига оид фикрларининг аҳамиятини шарҳлаб беришради. • Абу Наср Форобийнинг педагогик фикрларини ҳозирги замон педагогикаси узвийбоғлиқ томонини таққосланг. 	Талаба
4- босқич	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар</p> <ul style="list-style-type: none"> • Шарқ «Уйғониш даври»да таълим-тарбиянинг мазмунини ўрганиб моҳиятини аниқланг. • Шарқ «Уйғониш даври»даги таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифаифаларини асосланг . • Шарқ «Уйғониш даври»да таълим-тарбия ҳозирги мустақиллик давр таълим-тарбияга узвийбоғлиқлигини таққослаб кўринг . • Берунийнинг педагогик ғояларини ҳозирги давр ёшларининг таълим-збиясига узвийбоғлиқлигини таққосланг. <p>-Тест саволларини ечиш</p> <p>- Микрогуруҳлар ишини баҳолаш.</p>	Ўқитувчи- талаба

5- босқич	Умумий якуний хулосалар чиқариш. Мақсад ва вазифалар бажарилганлиги таҳлил қилинади, тегишли таклифлар берилади, мустақил иш топшириқлари берилади.	Ўқитувчи
--------------	---	----------

**«XVII-XIX асрларда таълим - тарбия ва педагогик фикрлар»
мавзусидаги амалий машғулотнинг технологик харитаси**

Т-р, босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул
1- босқич	<p>Дарс мақсади: XVII-XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида таълим-тарбия, мактаб, фан ва маданиятнинг моҳиятини талабаларга тушунтиради. Ўша даврнинг таълимий-тарбиявий фикрларни тўғри талқин этилади, талабаларнинг мутафаккир олимларнинг асарларидаги ижобий ҳислатларни ўрганиб ўзларида кўникма ҳосил қилишга ўргатади.</p> <p>Идентив ўқув мақсад:</p> <ul style="list-style-type: none"> • 17-19 асрларда Бухоро, Хива, ва Қўқон хонликларида таълим-тарбия, мактаб, фан ва маданият тараққиётининг моҳиятини тушунтириб беради. • Жаҳон Отин Увайсийнинг таълим тарбияга оид фикрларини моҳиятин тушунтириб беради. • Муҳаммад Содик Кошғарийнинг педагогик қарашларини моҳиятини тушунтиради; • Унинг асарларидаги инсон тарбиясига оид фикрларни изоҳлаб беради; 	Ўқитувчи
2- босқич	<p>Асосий тушунчалар: Ижтимоий, мафкуравий, адабий, маърифий ҳаёт, меъморий ансамбл, диний мафкура, фан арбоблари, адиблар, илоҳий таълим асослари, отиной мактаблари, "Одоб ас-солиҳан", иффат, насаб.</p> <p>Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳда ишлаш.</p> <p>Воситалар: дарслик, тест ишланмалари, халқ оғзаки ижоди намуналари, педагогик тушунчалар изоҳланган жадвал, махсус педагогика намуналари, кўргазмали қуроллар.:</p> <p>Метод ва усуллар: китоб билан ишлаш, кузатиш, тушунтириш, амалий машқ.</p>	Ўқитувчи
3- босқич	<p>Гуруҳда ишлаш</p> <ul style="list-style-type: none"> • 17-19 асрларда Бухоро, Хива, ва Қўқон хонликларида таълим-тарбия, мактаб, фан ва 	

	<p>маданият тараққиётининг моҳиятини очиб беради.</p> <ul style="list-style-type: none"> • 17-19 асрларда Бухоро, Хива, ва Қўқон хонликларида таълим-тарбия, мактаб, фан ва маданият тараққиётининг моҳиятини таҳлил қилиб беради. • Увайсийнинг таълим тарбияга оид фикрларини таҳлил қилиб беради. <p>Муҳаммад Содик Қошғарийнинг инсон тарбиясига оид фикрларни текшириб кўради.</p>	Талаба
4-босқич	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар</p> <ul style="list-style-type: none"> • 17-19 асрларда Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида таълим тарбия, мактаб, фан ва маданият тариққётининг моҳиятини таққослаб кўрсатинг. • Жаҳон Отин Увайсийнинг таълим тарбияга оид фикрларининг ўрганиб чиқиб, ўз тушунунчагизни ёзма равишда боён қилинг. • Унинг педагогик қарашларини изоҳлаб беринг. • Ўрганиб чиққан асрларингизнинг бугунги кундаги аҳамиятини қиёсий таҳлил қилинг. <p>-Тест саволларини ечиш - Микрогуруҳлар ишини баҳолаш.</p>	Ўқитувчи-талаба
5-босқич	<p>Умумий якуний хулосалар чиқариш.</p> <p>Мақсад ва вазифалар бажарилганлиги таҳлил қилинади, тегишли таклифлар берилади, мустақил иш топшириқлари берилади.</p>	Ўқитувчи

1«XX-аср бошларида Туркистон мактаб-мариф ва педагогиканинг аҳволи» мавзусидаги амалий машғулотнинг технологик харитаси

Т-р, босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул
1-босқич	<p>Дарс мақсади: Туркистон ўлкасида диний-исломий тарбиявий муассасалар ва педагогик фикр тараққиётининг моҳиятини талабаларга тушунтириш, уларни тўғри талқин этишга, педагогик мавқеини беришга беришга ўргатиш.</p> <p>Идентив ўқув мақсад:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Туркистон ўлкасида диний-исломий тарбиявий муассасалар ва педагогик фикр тараққиётининг моҳиятини тушунтиради; • Туркистон ўлкасида диний-исломий тарбиявий муассасалар ва педагогик фикр тараққиётини изоҳлаб 	Ўқитувчи

	<p>беради;</p> <ul style="list-style-type: none"> ▪ Туркистонда жадимдчилик маърифати ва таълим-тарбиянинг моҳияти тушунтириш. • Туркистонда жадимдчилик маърифати ва таълим-тарбиянинг моҳияти изоҳлаб беринг. 	
2-босқич	<p>Асосий тушунчалар: жаҳидчилик, диний-исломий тарбия, янги усулдаги мактаб, таълимий-тарбиявий қарашлардаги оқим ва ҳ.о.</p> <p>Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳда ишлаш.</p> <p>Воситалар: дарслик, тест ишланмалари, халқ оғзаки ижоди намуналари, педагогик тушунчалар изоҳланган жадвал, махсус педагогика намуналари, кўргазмали куроллар.:</p> <p>Метод ва усуллар: китоб билан ишлаш, кузатиш, тушунтириш, амалий машқ.</p>	Ўқитувчи
3-босқич	<p>Гуруҳда ишлаш</p> <ul style="list-style-type: none"> • Туркистон ўлкасида диний-исломий тарбиявий муассасалар ва педагогик фикр тараққиётининг моҳиятини текшириб кўради; • Туркистон ўлкасида диний-исломий тарбиявий муассасалар ва педагогик фикр тараққиётининг моҳиятини асослаб беради; • Туркистонда жадимдчилик маърифати ва таълим-тарбиянинг моҳияти таҳлил қилади. • Туркистонда жадимдчилик маърифати ва таълим-тарбиянинг моҳияти ҳозирги педагогика тараққиёти ривожига таъсирини асослайди. • Унинг жаҳидчилик ҳаракатининг моҳиятини ҳозирги мактаб тизимининг тараққётига таққослаб кўринг. 	Талаба
4-босқич	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар</p> <ul style="list-style-type: none"> • XX-аср бошларида Туркистонда мусулмон мактабларида таълим-тарбиянинг тараққётини таҳлил қилинг. • XX-аср бошларида Туркистонда диний-исломий ва рус мактабларида берилган таълим-тарбияни таққосланг. • «Эски усул» ва «янги усул» мактаблари ўртасидаги умумийлик ва фарқни изоҳланг. • Туркистонда жаҳидчилик маърифати ва таълим тарбиянинг моҳиятини ҳозирги давр мактаб тараққиётига солиштиринг. <p>-Тест саволларини ечиш</p> <p>- Микрогуруҳлар ишини баҳолаш.</p>	Ўқитувчи-талаба
5-	Умумий якуний хулосалар чиқариш.	

босқич	Мақсад ва вазифалар бажарилганлиги таҳлил қилинади, тегишли таклифлар берилади, мустақил иш топшириқлари берилади.	Ўқитувчи
--------	--	----------

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда халқ маорифи мавзусидаги амалий машғулотнинг технологик харитаси

Т-р, босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул
1- босқич	<p>Дарс мақсади: Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда Ўзбекистонда халқ маорифи, педагогикаси ҳақида, талабаларга тушунча бериш, уларни ўрганишга қизиқиш уйғотиш, уларни ўрганишга талабаларни йўналтириш.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Идентив мақсад: Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда Ўзбекистон халқ маорифи ва педагогика аҳволи моҳиятини тушунтириб беради. • Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда Ўзбекистон педагогикаси ва маорифига таъсирини изоҳлаб беради. • Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларнинг Ўзбекистон педагогикаси ва маорифи таҳлил қилиб беради. • Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда Ўзбекистон халқ маорифи ва педагогикасининг моҳиятини ҳозирги давр ёш авлод тарбиясига таъсирини асослаб беради. 	Ўқитувчи
2- босқич	<p>Асосий тушунчалар: Маориф</p> <p>Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳда ишлаш.</p> <p>Воситалар: дарслик, тест ишланмалари, халқ оғзаки ижоди намуналари, педагогик тушунчалар изоҳланган жадвал, махсус педагогика намуналари, кўргазмали қуроллар.:</p> <p>Метод ва усуллар: китоб билан ишлаш, кузатиш, тушунтириш, амалий машқ.</p>	Ўқитувчи
3- босқич	<p>Гуруҳда ишлаш</p> <p>Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда халқ маорифи ва педагогика аҳволи моҳиятини ўрганади.</p> <p>Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларнинг Ўзбекистон педагогика ва маорифига таъсирини муҳокама қилади.</p> <p>70-80 йилларда Ўзбекистон халқ таълими</p>	Талаба

	моҳиятини ўрганиб таҳлил қилади.	
4- босқич	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар <ul style="list-style-type: none"> • Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда Ўзбекистонда халқ маорифи ва педагогиканинг моҳиятини ҳозирги ёшлар тарбиясига таъсирини асослайди. • Урушдан кейинги йилларда халқ маорифи ва педагогик фикрларни асослари. • 70-80 йилларда Ўзбекистонда халқ таълими ривожини асослаш. • -Тест саволларини ечиш • - Микрогуруҳлар ишини баҳолаш. 	Ўқитувчи-талаба
5- босқич	Умумий якуний хулосалар чиқариш. Мақсад ва вазифалар бажарилганлиги таҳлил қилинади, тегишли таклифлар берилади, мустақил иш топшириқлари берилади.	Ўқитувчи

«Шўро ҳокимияти даврида маориф янги тизимнинг ташкил этилиши ва педагогика назарияси» мавзусидаги амалий машғулотнинг технологик харитаси

Т-р, босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул
1- босқич	<p>Дарс мақсади: Шўролар йилларида Туркистонда маориф, янги тизимнинг ташкил этилиши ва пед ғояларни моҳиятини талабаларга тушунтириш, уларни ўрганишга қизиқиш уйғотиш.</p> <p>Идентив ўқув мақсад:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Шўролар йилларида Туркистонда маориф, янги тизимнинг ташкил этилиши ва пед ғояларни моҳиятини тушунтириш. • Шўролар йилларида Туркистонда маориф, янги тизимнинг ташкил этилиши ва пед ғояларни моҳиятини шарҳлаб беради. • А.Авлоний асарларининг педагогик аҳамияти тушунтирилади. • Унинг асарларини моҳиятини изоҳлайди. • А.Фитратнинг педагогик қарашларини моҳияти тушунтириб беради. • Унинг асарларини педагогик аҳамиятини очиб беради. • Х.Х.Ниёзийнинг мактаб тизимининг ривожига қўшган ҳиссасини моҳиятини тушунтирилади. 	Ўқитувчи

	<ul style="list-style-type: none"> • Х.Х Ниёзийнинг педагогик қарашларини моҳиятини очиб беради 	
2-босқич	<p>Асосий тушунчалар: Янги мактаблар, умумий таълим мактаблари, Ватан туйғуси, нсонтокомили, фалсафий асар, маърифат парварлик, жамиятнинг ғоявий аҳамият илмий техника, инсоний ҳуқуқлар, ижодкор.</p> <p>Воситалар: дарслик, тест ишланмалари, халқ оғзаки ижоди намуналари, педагогик тушунчалар изоҳланган жадвал, махсус педагогика намуналари, кўргазмали қуроллар.:</p> <p>Метод ва усуллар: китоб билан ишлаш, кузатиш, тушунтириш, амалий машқ.</p>	Ўқитувчи
3-босқич	<p>Гуруҳда ишлаш</p> <ul style="list-style-type: none"> • Шўролар йилларида Туркистонда маориф, янги тизимнинг ташкил этилиши ва пед ғояларни моҳиятини текшириб ксради. • Шўролар йилларида Туркистонда маориф, янги тизимнингташеил этилиши ва пед ғояларни моҳиятини асослаб беради. • А.Авлоний асарларини моҳиятини ҳозирги ёшлар тарбиясига таъсирини асослаб беради. • Х.Х Ниёзийнинг педагогик қарашларини моҳиятини ҳозирги ёшлар тарбиясига таъсирини асослаб беради. 	Талаба
4-босқич	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар</p> <ul style="list-style-type: none"> • Шўролар ҳокимияти даврида Туркистонда маориф янги тизимнинг ташкил этилиши ва педагогик ғояларнинг моҳиятини тушунтириб беринг. • Шўролар ҳокимияти даврида Туркистонда маориф янги тизимнинг ташкил этилиши ва педагогик ғояларнинг моҳиятини изоҳлаб беринг. • Шўролар ҳокимияти даврида Туркистонда маориф янги тизимнинг ташкил этилиши ва педагогик ғояларнинг моҳиятини таҳлил қилиб беринг. <p>-Тест саволларини ечиш - Микрогуруҳлар ишини баҳолаш.</p>	Ўқитувчи-талаба
5-босқич	<p>Умумий якуний хулосалар чиқариш.</p> <p>Мақсад ва вазифалар бажарилганлиги таҳлил қилинади, тегишли таклифлар берилади, мустақил иш топшириқлари берилади.</p>	Ўқитувчи

**«Жаҳон педагогика фани тараққиётининг хусусиятлари»
мавзусидаги амалий машғулотнинг технологик харитаси**

Т-р, босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул
1- босқич	<p>Дарс мақсади: Қадимги Юнонистон ва Рим давлатларида таълим-тарбиянинг моҳиятини талабаларга тушинтириш, уларни мукамал ўрганишга ва педагогика тарихига қизиқиш уйғотиш</p> <p>Идентив ўқув мақсад:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Қадимги Юнонистон ва Рим давлатларида таълим моҳиятини тушунтиради. • Қадимги Юнонистон ва Рим давлатларида таълим тарбиянинг хусусиятини изоҳлаб беради. • ғарб педагогларнинг жаҳон педагогика тарақиётига қўшган ҳиссаларининг хусусиятлари моҳияти. • Ғарб педагогларнинг жаҳон педагогика тарақиётига қўшган ҳиссаларининг изоҳлаб беради. 	Ўқитувчи
2- босқич	<p>Асосий тушунчалар: эфеблар, мактаб, жимоний тарбия, жисмонан етуклик, ахлоқий тарбия, ақлий тарбия, диний тарбия, «Педаном», дидактика, «грамист», «дидасқол», «Буюк дидактика», «Педагогик поэма».</p> <p>Воситалар: дарслик, тест ишланмалари, халқ оғзаки ижоди намуналари, педагогик тушунчалар изоҳланган жадвал, махсус педагогика намуналари, кўргазмали қуроллар.:</p> <p>Метод ва усуллар: китоб билан ишлаш, кузатиш, тушунтириш, амалий машқ.</p>	Ўқитувчи
3- босқич	<p>Гуруҳда ишлаш</p> <ul style="list-style-type: none"> • Қадимги Юнонистон ва Рим давлатларида таълим тарбиянинг моҳиятини асослаб беради. • ғарб педагогларнинг жаҳон педагогика тарақиётига қўшган ҳиссаларининг изоҳлаб беради. • ғарб педагогларнинг жаҳон педагогика тарақиётига қўшган ҳиссаларининг хусусиятлари моҳиятини асослаб беради. 	Талаба
4-	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар	

босқич	<ul style="list-style-type: none"> • Рицар тарбиясининг етти фазилати нималардан иборат? • Қадимги Юнонистонда ва Рим длатларда таълим –тарбия моҳияни ихлоқлаб беринг. • Сократ, Платон, Арасту ва Демокритлар таълим –тарбия оид қарашларни таҳлил қилинг. <p>-Тест саволларини ечиш - Микрогуруҳлар ишини баҳолаш.</p>	Ўқитувчи-талаба
5-босқич	<p>Умумий якуний хулосалар чиқариш.</p> <p>Мақсад ва вазифалар бажарилганлиги таҳлил қилинади, тегишли таклифлар берилади, мустақил иш топшириқлари берилади.</p>	Ўқитувчи

ТАЛАБАЛАР УЧУН МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРҚЛАРИ

№	Мавзу ва иш номлари	Бажариладиган иш босқичлари
1	2	3
1	Педагогика тарихи ҳақида. Энг қадимги давлардан VII асргача таълим тарбия.	<p>1.Энг қадимги давлардан VII асргача педагогиканинг ривож.</p> <p>2.Қадимги ёзма маърифий ёдгорликларнинг педагогика ривождаги ўрни. 3.«Авесто» энг қадимги ёзма маърифий ёдгорлик сифатида.</p>
2	Семинарга тайёргарлик кўриш	<p>Педагогика фан сифатида шаклланишида энг қадимги ёдгорликлардаги инсон тарбиясига оид фикрларни аҳамияти.</p> <p>«Авесто»-энг қадимги ёзма маърифий ёдгорлик сифатида эканлигининг моҳиятини сўзлаб беринг.</p> <p>Қадимги ёзма маърифий ёдгорликлар ва туркий халқлар ахлоқ-одоб ёдгорликлардан фарқли томонларини тушунтириб тарбиявий аҳамиятини асослаб беринг.</p>
3	Мустақил вазифалари уй	<p>1.Энг қадимги ёдгорликлардаги инсон тарбиясига оид фикрларни ўрганиб таҳлил қилиш.</p> <p>2.Энг қадимги маданий бойликларимизни ўрганишдаги асосий манбалар.</p> <p>3.Миллий умуминсоний тарбияда қадимги ёдгорликларнинг ўзига хослигини, ҳамда звийбоғлиқлигини таққосланг.</p>
4	Амалий машғулотга	Педгогик таълимотларнинг ривожланиш хусусиятларини таҳлил қилинг

	тайёргарлик кўриш	«Авесто»даги инсон тарбиясига оид таълимотни изоҳлаб беринг. «Авесто»даги инсон камолотига оид таълимотни бошқа муқаддаси китоблар билан таққосланг.
5	Ижодий иш ёки мавзу бўйича реферат ёзиш	1.Педагогика тарихи ҳақида 2.»Авесто» нинг таълим- тарбиявий аҳамияти
1	2	3
1	Ислом дини ғояларининг педагогикага таъсири.	Ислом дини ғояларининг педагогикага таъсири. «Қуръон» ва «Ҳадис»нинг педагогик аҳамияти.
2	Семинарга тайёргарлик кўриш	1. Ислом дини ғояларининг педагогик моҳиятини тушунтиринг. 2.Ислом динининг асосий қоидалари ва унинг миллий ҳамда умуминсоний тарбиядаги узвийлигини тушунтиринг. 3. Мусулмон мактабларида таълим-тарбиянинг моҳиятини очинг
3	Мустақил уй вазифалари	1. Сўфийлик таълимотида таълим-тарбиянинг талқинини ёритинг. 2.Сўфийлик таълимотининг моҳиятини тушунтиринг. 3.«Ҳадис» илми ривожига ҳисса қўшган алломалар ҳақида маълумот беринг.
4	Амалий машғулотга тайёргарлик кўриш	1. «Қуръони карим»да илгари сурилган таълим- тарбияга оид ғояларни суфийликда илгари сурилган ғоялар билан таққосланг. 2.Муҳаддислар томонидан жамланган ҳадисларни ўрганинг ва таҳлил қилинг.
5	Ижодий иш ёки мавзу бўйича реферат ёзиш	1. Ҳадис илми одоб-ахлоқ ҳақида. 2. Ислом динининг педагогика фани ривожига тутган ўрни. 3.Мусулмон мактабларида таълим – тарбиянинг мазмунини тушунтириб беради.
	1	2
1	Шарқ уйғониш даврида педагогиканинг	1.Шарқ уйғониш даврида таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифалари ҳақида тушунча беринг. 2.Шарқ мутафаккирларининг педагогик

	тараққиёти	фикрларини таҳлил қилинг.
2	Семинарга тайёргарлик кўриш	1.Абу Наср Форобийнинг педагогика тараққиётига қўшган ҳиссасини ўрганинг. 2.Абу Райҳон Берунийнинг педагогик фикрларини таҳлил қилинг. 3.Абу Али Ибн Синонинг педагогик қарашларини ўрганинг ва таҳлил қилинг. 4.Аҳмад Яссавий қарашларининг педагогика тараққиётидаги ўрнини баён этинг.
3	Мустақил вазифалари уй	1.Унсрул Маолий Кайковуснинг ёшлар тарбияси ҳақидаги педагогик қарашларини таҳлил қилинг. 2. Юсуф Хос Ҳожибнинг ёш авлодга таълим-тарбия бериш ҳақидаги қарашларини таҳлил қилинг. 3. Маҳмуд Қошғарий асарларининг ўзига хос томонларининг миллий тарбияга узвийлигини асосланг.
4	Амалий машғулотга тайёргарлик кўриш	1. Абу Райҳон Беруний ва Абу Али Ибн Синонинг педагогик фикрларини ўзаро таққосланг. 2. Шарқ уйғониш даврида таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифаларини, мазмунини ёритинг. 3.Шарқ мутафаккирларининг педагогик фикрларини ғарб педагогларининг педагогик фикрлари билан таққосланг ва таҳлил қилинг.
5	Ижодий иш ёки мавзу бўйича реферат ёзиш	1. Кайковуснинг «Қобуснома» асарида таълим-тарбиянинг талқини. 2.Ю.Х.Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарининг таълим-тарбияда тутган ўрни. 3. Шарқ уйғониш даврида таълим-тарбиянинг мазмуни.
1	2	3
1	XIV-XVI асрларда тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар.	1. XIV-XVI асрларда Мовароуннахрда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар. 2. Амир Темурнинг марказлашган маҳалий давлатининг пайдо бўлиши. 3. Мирзо Улуғбекнинг илм-маърифат соҳасидаги хизматлари. 4.М.Бобурнинг таълим-тарбияга оид қарашлари.
2	Семинарга тайёргарлик	1. 14-16 асрда Мовароуннахрда нима сабабдан фан ва маданият, маориф

	кўриш	<p>2. қайтадан раванқ топди</p> <p>3. Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг педагогика ривожига қўшган хиссасини ўрганинг.</p> <p>4. А.Навоийнинг педагогик қарашларини моҳияти.</p>
